

**Зулхумор Холманова,
Шаҳло Наралиева**




**ТИЛШУНОСЛИК
НАЗАРИЯСИ**

Зулхумор Холманова, Шахло Наралиева

ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ

(дарслик)

36367



ЗВЕРО
Алматы, 2021

UDK 80/81 (075.8)

ВВК 80 я73

X74

Ўзбекистон Республикаси давлат педагогика университети Ўқув-методик кенгашининг 2021 йил июндаги 6-сонли баённомасига кўра нашрга тавсия этилди

Мухаррир: ф.ф.д. Ҳ.Дадабоев

Тақризчилар:

Ф.ф.д., проф. Б.Менглиев.

PhD, доцент, А.Мингбаева

PhD, доцент Р.Қожамжарова.

Холманова З., Наралиева Ш.

X74 **Тилшунослик назарияси:** дарслик / З.Холманова, Ш.Наралиева. – Алматы: Эверо, 2021. – 268 б.

ISBN 978-601-342-944-1

Мазкур дарслик олий ўқув юрти филология йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, “Тилшунослик назарияси” фанининг асосий масалаларини ёритишга қаратилган. Дарсликда тилнинг моҳияти, тилшуносликнинг назарий масалалари, тилнинг белгилар тизими сифатидаги мазмуни, тил ва жамият, тил ва нутқ, тил ва тафаккур муносабати, дунё тиллари тавсифи ва таснифи, тилшунослик фани бўлимлари, лингвистик таҳлил методлари ҳақида умумий маълумот бериш, тил илми ҳақидаги билим кўникмаларини шакллантириш, тилшуносликнинг асосий тушунчаларини ёритиш мақсади қўйилган.

Ушбу дарслик фаннинг замонавий ютуқлари, хорижий манбалар асосида тайёрланган бўлиб, ундан тилнинг ижтимоий, физиологик, психик табиатини, тилшуносликка доир масалаларни тадқиқ қилувчи изланувчилар, жумладан, магистрантлар, мустақил тадқиқотчилар ҳам фойдаланиши мумкин.

This textbook is aimed for bachelor students, philology-specialists, it outlines the main tasks of “Linguistics theory”, to learn the purpose is the essence of the language; theoretical assumptions of linguistics; the gist language as a system of sign; language and society; language and speech; the relation between language and thought, world languages description and classification; to give the general information about linguistic methods, to form the skills based on linguistics, to highlight the main linguistic concepts.

The textbook is used by philology-specialists, who learns language’s social, physiologic, psychic character and linguistic tasks, master students, researches.

UDK 80/81 (075.8)

ВВК 80 я73

ISBN 978-601-342-944-1

© Холманова З., Наралиева Ш., 2021

© Эверо, 2021



КИРИШ

Тил энг буюк миллий қадриятдир. Тил нафақат мулоқот воситаси, балки тафаккур маҳсули сифатида янгилик яратиш асоси ҳамдир. Тил жамиятда мулоқот функцияси билан бир қаторда ҳиссий таъсир, тўплаш вазифаларини ҳам бажаради. Глобаллашув жараёнида тилнинг ижтимоий функцияси кенгайиб бормоқда. Тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва нутқ муносабатларини таҳлил қилиш, тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши, ёзув тарихи, аҳамияти, тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, дунё тиллари тавсифи ва таснифи, тилшуносликнинг асосий тушунчалари ва таҳлил методларини ўрганиш кишилик жамияти тараққиёти маҳсули бўлган тил табиати ҳақида билим ҳамда ундан фойдаланиш кўникма, малакаларини ҳосил қилишга хизмат қилади.

“Тилшунослик назарияси” фани тилшуносликнинг асосий масалалари ҳақида маълумот беради. “Тилшунослик назарияси” нинг биринчи қисми тилнинг шаклланиши, ривожланиши, дунё тиллари таснифи ҳақида бошланғич маълумот берса, иккинчи қисми ҳисобланган “Умумий тилшунослик” курси жаҳон тилшунослигидаги назариялар, таълимотлар, ғояларни таҳлил қилиш, лингвистик методлар моҳиятини ёритишга йўналтирилган.

Тилшунослик узок вақт мобайнида фалсафа фани таркибида ривожланган. Тилшунослик тараққиёти жараёнида алоҳида тиллар ёки тил гуруҳлари эмпирик нуктаи назардан ўрганилган. Баъзи босқичларда муайян тиллар (Европада лотин, Яқин ва Ўрта шарқда араб) намуна, эталон сифатида қаралган.

Тилга бўлган қизиқиш эрампдан аввалги V асрларда пайдо бўлган. Тилшунослик қадимги Ҳиндистон, қадимги Юнонистон ва Рим, Миср, Месопотамия, Хитой, Мовароуннахр, Арабистон ярим оролида ривожланган.

“Тилшунослик назарияси” – нисбатан мураккаб, илмий, фалсафий фан. Тилшунослик назарияси тил ва жамият, тил ва тарих, тил ва тафаккур, тил ва маънавият, тил ва маданий тараққиёт, тил сатҳлари, тил бирликлари, тил ва нутқ, ёзувнинг шаклланиши, тараққиёти, турлари, тилнинг семиотик табиати, тизим ва структура сифатидаги моҳияти, тилда субстанция ва шакл, парадигматика ва синтагматика, лингвистик структура турлари ҳақида баҳс юритади.

Мазкур дарслик “Тилшуносликка кириш” предмети ҳақидаги ўқув қўлланмалари, миллий педагогик тажриба ҳамда хорижий

манбалар асосида тайёрланган бўлиб, тил илми ҳақидаги муҳим жиҳатларни ўрганишга қаратилган. Мавзулар муайян изчилликда талабаларнинг фикрлаш қобилиятларини эътиборга олган ҳолда жойлаштирилган.

Ушбу дарсликнинг қайд этилган тарзда тузилиши:

- талабаларнинг умумтаълим таҳсили жараёнида олган билимларини умумлаштириш ва мустаҳкамлашни;
- тилнинг ўзига хос табиатини таҳлил этишни;
- тил ва жамият; тил ва тафаккур; тил ва нутқ муносабатларини;
- тил бирликларининг ўзаро мутаносиб, яхлит тизим сифатида намоён бўлишини;
- тил сатҳлари моҳиятини ёритишни;
- тил фани бўлимларининг ўрганиш объектини таҳлил қилишни;
- тилшуносликка доир асосий тушунчаларни ўзлаштириш, талабаларда “Тилшунослик назарияси” курси доирасида мустақил фикрлай олиш кўникмаларини шакллантиришни назарда тутати.

Ушбу дарсликда тилнинг ўзига хос табиати, тилшунослик масалалари, тилшунослик бўлимларининг мазмун-моҳияти талабаларнинг миллий-лисоний кўникмаларига асосан ва мутахассислик йўналишига кўра ҳамда инновацион ёндашув асосида ўзбек, рус, инглиз тили мисолида ёритилди.

Ушбу дарсликни ёзишда А. Содиқов ва бошқа муаллифлар томонидан ёзилган “Тилшуносликка кириш” (1981) дарслиги, М.Ирискуловнинг “Тилшуносликка кириш” ўқув кўлланмаси (2009), А.Абдуазизовнинг “Тилшунослик назариясига кириш” (2010) дарслигидан, Daniels P. T. Writing and Language. In The Handbook of Linguistics. (Edited by Arnoff, M., Rees-Miller, 2001), Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics (Budapest, 2006), Vrabel T.T. Lectures in theoretical phonetics of the english language and method-guides for seminars, poliprintungvár (2009) каби хорижий манбалардан фойдаланилди. Инглиз тилидаги манбаларни таржима қилишда амалий жиҳатдан ёрдам берган ф.ф.н. И.Азимова, Л. Абдухамидова, О. Сайдахмедоваларга муаллиф ўз миннатдорчилигини билдиради.

Дарсликда мавзуни мустаҳкамлаш учун берилган топшириқларда интерактив методлар, инновацион технологиялар қўлланди.

1-§. “ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ” ФАНИ МАЗМУНИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ

Режа:

1. “Тилшунослик назарияси” тилшунослик ҳақида назарий маълумот берувчи фан сифатида.

2. “Тилшунослик назарияси” фанида ўрганиладиган асосий масалалар.

3. Тилшунослик назариясига доир қарашлар.

***Асосий тушунчалар:** тилшунослик, тилшунослик назарияси, умумий тилшунослик, хусусий тилшунослик, назарий тилшунослик, амалий тилшунослик, прото тил, синхрония, диахрония, тил ва жамият, тил ва нутқ, тил ва тафаккур, дунё тиллари, тиллар таснифи, тил оилалари, “Ёш грамматикачилар” мактаби, Прага структурализми, Копенгаген структурализми, Америка структурализми, тилшунослик фани бўлимлари, антиномия, фонетика, грамматика, морфология, синтаксис.*

Тилшунослик (лингвистика: грекча лингуа – «тил», логос – «фан») мураккаб ва кўп қиррали, тилни бошқа ижтимоий фанлар билан узвий алоқадорликда илмий ва амалий жиҳатдан ўрганувчи, тилшуносликнинг асосий масалаларини, тилнинг пайдо бўлиши ва тил тараққиётидаги умумий қонуниятларни, тил ва нутқ хусусиятларини таҳлил этувчи фандир.

Тил жамият учун хизмат қилади, жамият аъзолари мулоқотини таъминлайди. Тил жамият тарихини ўзида акс эттирувчи восита бўлиб, инсоннинг маънавий ва маърифий шаклланиши, ривожланишида белгиловчи аҳамиятга эга. Тил, унинг амалий ифодаси бўлган нутқ инсон тафаккури, руҳияти, маданияти, урф-одати ва шахсий камолоти билан боғлиқдир.

Тилшунослик фани умумий ва хусусий характерга эгадир. Тилшуносликнинг умумий ва хусусий тилшунослик, назарий тилшунослик, амалий тилшунослик каби қатор кўринишлари мавжуд бўлиб, тил ва нутқни турли аспектларда талқин қилади. Умумий тилшунослик жаҳон тилларидаги фонетик, фонологик, грамматик (морфологик ва синтактик), лексик-семантик, стилистик жиҳатларни илмий асосда ўрганади. Бу хусусиятларнинг муайян

бир тилдаги изоҳи (масалан, ўзбек тили ёки бошқа тилларнинг белгилари)ни хусусий тилшунослик ўрганеди. Назарий тилшунослик соҳанинг назарий масалалари, тил ва нутқ бирликларига доир қарашлар, тил бирликлари ўртасидаги муносабатлар ҳақида баҳс юритади. Жамиятнинг амалий эҳтиёжларини қондирадиган тилшунослик соҳаси амалий тилшунослик деб аталади ва тил ҳақидаги фаннинг тарқалиш доирасини кенгайтиради.

Тилшунослик фанининг ўрганиш объекти мураккаб тузилишга эга, биологик, физиологик, ижтимоий жараёнлар маҳсули бўлган тилдир. Тилни ҳар томонлама чуқур ўрганиш назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Шу сабабли тилшуносликни фақат назарий фан деб эмас, балки татбиқий ва амалиёт учун керакли, яъни инсонлар мулоқоти учун зарур фан сифатида баҳолаш лозим.

“Тилшунослик назарияси” фанининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва маданият, тил ва психология, тил ва семиотика масалаларини, тилнинг семиотик габиатини ёритиш;

-нутқ ва нутқ фаолияти муносабатини ўрганиш;

-дунё тилларини тавсифлаш, таснифлаш, тилларнинг генетик исосларини, энг қадимий тил, прото тил (“бобо тил”), унинг бошқа тиллар ҳамда шеваларга муносабатини таҳлил этиш;

-тилларнинг келиб чиқиши ва ривожланишига оид қарашларни мумлаштириш, тил ва жамият тараққиёти уйғунлигини асослаш;

-дунё тиллари типологиясини, тилларнинг морфологик усусиятларини, морфем таркиби, тузилишини ёритиш;

- тилнинг ҳозирги ҳолати ҳамда тарихий ривожланиш юсқичларини синхрон ва диахрон аспектда ўрганиш;

- ёзув ва имло қоидаларини ишлаб чиқишнинг назарий ва амалий асосларини кўрсатиб бериш; тилнинг талаффуз теъёрларини белгилашнинг назарий ва амалий асосларини изоҳлаш;

- тилнинг асосий сатҳларини тавсифлаш, фонетик-фонологик, ексик, грамматик сатҳ моҳиятини ёритиш, фонетика ва фонология, орфология ва синтаксис, лексика ва семантика, стилистика масалаларини белгилаш.

Тилшунослик фанининг асосий муаммоларидан бири тилнинг шбу фан предмети сифатидаги таърифидир. Маълумки, табиий тил

фақат тилшуносликда эмас, балки яна бир қатор фанлар томонидан ўрганиладиган мураккаб объект бўлиб, ҳар бир фаннинг тилга берган таърифи ҳам турличадир. Тилнинг таърифи масаласи тилшунослик фани тарихидаги энг муҳим масалалардан биридир, фан тарихида турлича талқин қилинган ва ҳозирги кунда ҳам турли илмий мактаблар ва оқимлар орасида кескин баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Тилшунослик фанининг предмети, ўрганиш манбаи ўз ички қонуниятларига эга бўлган мураккаб тизим тилдир. Тилнинг ўзига хос хусусиятларини, тараққиёт қонуниятларини ўрганиш мазкур ижтимоий ҳодисага ҳар томонлама тўлиқ таъриф бериш имконини яратади. Тил умумий қонуниятга бўйсунадиган ўзига хос рамзлар тизими бўлиб, кишилик жамиятидаги алоқа-муносабатнинг энг муҳим қуроли, фикр ифодаси ҳамда фикр юритиш асоси, воқеликни ажоддан авлодга етказадиган, ички кечинмаларни, ҳис-туйғуларни акс эттирадиган, инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратган барча маданий, илмий бойликларини ифодалайдиган муҳим коммуникатив воситадир.

Дарҳақиқат, тилшуносликда мавжуд бўлган ҳар бир назария, аввало, тилни қандай тушунишга асосланади. Тилни қандай тушуниш тил ҳақидаги назарияни яратишда аҳамиятлидир. Тилшунослик фанининг объекти, предмети ва тилни илмий ўрганиш методлари каби масалалар маълум даражада тилни қандай тушунишга боғлиқдир. Тилшунослик тарихида тилни турлича таърифлаш фаннинг предметини ҳам турлича тасаввур қилишга сабаб бўлди. Шунинг учун бу масаланинг тилшунослик тарихи асосий босқичларида қандай ҳал этилганлигини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Тилга бўлган қизиқиш эрампдан аввалги V асрларда пайдо бўлган. Тилшунослик қадимги Ҳиндистон, қадимги Юнонистон ва Рим, Миср, Месопотамия, Хитой, Мовароуннаҳр, Арабистон ярим ороли ва ҳ.к. минтақаларда ривожланган.

Тилшунослик фани узоқ вақт мобайнида фалсафа таркибида ривожланган. Антик даврда ва Ўрта асрларда Европада тилшунослик фалсафанинг ажралмас қисми бўлгани, фалсафий ғояларнинг устунлиги, тилшуносликнинг ҳали алоҳида соҳа бўлиб, ажралиб чиқмаганлигидан далолат беради. Тилшунослик тараққиёти жараёнида алоҳида тиллар ёки тил гуруҳлари эмпирик

нуқтаи назардан ўрганилган. Баъзи босқичларда муайян тиллар (Европада лотин, Яқин ва Ўрта Шарқда араб) намуна, эталон сифатида қаралган.

“Дунёда ўрта аср олимларининг тилга оид назарий ва амалий масалаларни қамраб олган тилшуносликка оид қарашлари адаб илмлари таркибида луғат, сарф (морфология), наҳв (синтаксис), балоғат илмлари каби сертармоқ ва мураккаб илмий назариялар мажмуи сифатида ривожланиб, унинг ўрганиш объекти тил, тил ходисалари ва тил ифодаси бўлган нутқдан иборат бўлди. Тил – мураккаб рамзлар тизими сифатида баҳоланди. Тил ходисаларини назарий ўрганиш жараёнида Ғарб лингвистика мактаблари тилнинг коммуникатив, когнитив, номинатив ва аккумулятив функцияларига эътибор қаратди, шу боис Ғарб оламида социолингвистика, психолингвистика, этнолингвистика, антрополингвистика каби соҳалар ривожланди. Ислом уйғониш даврида тилшуносларни кўпроқ тилнинг эмоционал-экспрессив, яъни валюнтатив функцияси қизиқтириб, тил ҳиссий-руҳий таъсир воситаси сифатида чуқур ўрганилди. Натижада тилнинг эстетик таъсири ва бадий тузилишига оид назарий қарашлар араб дунёсида балоғат илмининг вужудга келиши учун асос бўлиб хизмат қилди”¹.

Ҳақатгина XIX асрда тилшунослик майдонга алоҳида фан соҳаси сифатида кириб келди, шунга қарамай фалсафа, мантиқ ва психология билан алоқасини йўқотмади. Илмий тилшуносликнинг асосчилари – энг йирик тишунослар етук файласуф ҳам бўлганлар. Булар Й.Гримм, В.Гумбольдт, Вундт, Чернишевский ва бошқалардир.

Бу икки фан орасидаги муносабат тил ҳақидаги фанни бойитиш билан бир қаторда, унга оид илмий тадқиқотлар олиб боришни чегаралаб қўйган. Тилшунослик масалалари чегарадош соҳаларда ўрганилмай қолган.

XIX аср ўрталарига келиб тилшуносликни ижтимоий соҳалардан ажратишга уринишлар бошланди, бу Дарвин таълимотининг ривожланиши туфайли амалга ошди. Табиий фанларнинг ривожланиши, Чарльз Дарвин таълимотининг вужудга келиши билан тилни тирик организм, деб тушуниш кучайди.

¹ *Рустамий С.А.* Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар.. Филол. фан...фан д-ри (DSc) дисс. автореф.-Т., 2018.-Б.6.

Немис тилшунослари М.Мюллер ва А.Шлейхерлар шу назария тарафдори эдилар. Тилшуносликда «натурал» мактаб оками пайдо бўлди. Унинг асосчиси немис олими А.Шлейхер эди. У биринчи бўлиб биология қонунларини «инсон организми»га кўчириш кераклигини айтди ва тилшуносликни табиий фанлар сафига қўшди.

Жамиятнинг энг муҳим алоқа воситаси бўлган тилнинг бир бутунлигига асосланиб, уни тирик организмга ўхшатиш нотўғридир. Тил ўзининг тузилиши, айрим унсурларининг ўзаро муносабати билан бутун бир тизимни ташкил этади. Лекин бу ҳолат уни айнан бир тирик организм сифатида баҳолаш имконини бермайди. Тил ижтимоий ҳодиса сифатида табиий ҳодисалардан ажралиб туради. Масалан, кишиларнинг табиий-биологик ва физиологик хусусиятлари (овқат ейиши, нафас олиши, ривожланиши ва ҳоказо) табиат қонунларига мувофиқ жамиятга боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланиб боради. Аммо тилда сўзлашиш ва фикрлаш учун кишилик жамияти (социал муҳит) бўлиши шарт. Чунки тил кишиларнинг бир-бири билан алоқа қилиш ва фикр алмашиш эҳтиёжлари натижасида пайдо бўлган. Шунинг учун ҳам тил табиий ҳодисалардан фарқли ўлароқ, кишилик жамияти томонидан яратилган ва унга хизмат қиладиган ижтимоий ҳодисадир. Тил бошқа кишилар билан муомала қилиш эҳтиёжи туфайли пайдо бўлган. Жамият соҳалари ва инсон фаолиятида юз берадиган ўзгаришлар, биринчи навбатда, тилнинг луғат қисмида ўз аксини топади. Тил жамият тараққиёти жараёнида ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлади (айрим қарашларда айтилганидек, “туғилади”, “тараққий этади”, “ривожланади”), бир жамият йўқ бўлиши билан тил ҳам аста-секин истеъмолдан чиқа бошлайди ва даврлар ўтиши билан ўлик тилга айланади. Лотин, суғд, қадимий Хоразм тиллари бунга мисол. Бироқ тилнинг пайдо бўлиши (“туғилиши”) тараққий этиши (“ривожланиши”) ва истеъмолдан чиқиши (“ўлиши”) биологик жараён эмас, балки жамият тараққиёти билан боғлиқдир. Шунинг учун тил қонунлари, унинг тараққиёт йўллари жамият тарихи билан ва шу тилни яратган халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда ўрганилгандагина масалани тўғри хал қилиш мумкин.

Демак, айтилган фикрлардан шундай хулоса чиқариш мумкин: *биринчидан*, тил табиий биологик ҳодиса эмас; *иккинчидан*, тилнинг мавжуд бўлиши ва унинг тараққий қилиши табиат қонунларига

ўйсунмайди; *учинчидан*, тил кишиларнинг табиий белгиларига (ок-
торалиги ва бошқа ирқий белгиларига) боғлиқ эмас; *тўртинчидан*,
зақат жамият бўлиб уюшган инсонларгина алоқа воситаси бўлган
илга эга. Бинобарин, тил табиий-биологик ҳодиса бўлмай,
ишилик жамиятининг энг муҳим алоқа воситаси сифатида
самиятга хизмат қиладиган, субъектга боғлиқ бўлмаган мураккаб
жтимоий ҳодисадир. Жамиятдаги турли гуруҳга мансуб шахслар
ир-бири билан алоқада бўладилар, тил эса ишлаб чиқаришни
юштиришда жамият соҳалари ривожланишида муҳим алоқа
оситаси бўлиб хизмат қилади.

Тилнинг бошқа ижтимоий ҳодисалардан ажралиб турадиган энг
асосий хусусияти шундан иборатки, тил ижтимоий фаолиятнинг
арча соҳаларига хизмат қилади. У кишилик жамиятининг тарихий
ираққиёти жараёнида яратилган конкрет-тарихий меъёр сифатида
амият аъзоларининг барчасига тенг хизмат қиладиган асосий
юқа воситасидир. Сўзловчи инсоният томонидан яратилган тилдан
айдаланади ва ушбу тилнинг қонун-қоидаларига риоя қилади. Шу
план бир қаторда, ҳар бир сўзловчи, айниқса, адиблар, олимлар
ларининг нутқ фаолияти жараёнида тилнинг ривожини учун маълум
оссаларини қўшадилар.

Тилшунослик тарихида тилга турлича ёндашувларни кузатиш
мумкин.

Умумий тилшунослик фани асосчиси В. фон Гумбольдт (1767-
35) тилшуносликнинг асосий масалаларини, предметини ва
гарасини белгилаб беришга ҳаракат қилган машҳур олимдир. В.
Гумбольдт тилшуносликни инсон ўрганадиган тарихий, фалсафий,
географик фанлар қаторига қўшишга ҳаракат қилди.

В. Гумбольдт таърифича, тил мураккаб, бир-бирига қарама-
қарши бўлган сифат ва хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган
ҳодисадир, шунинг учун ҳам тилни илмий ўрганишда, унинг
асосий моҳиятини тушунишда антиномия – қарама-қаршилик
қонунини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Тил табиатида хос асосий
антиномиялар қуйидагилардир:

Биринчи антиномия: тил билан тафаккурнинг ажралмас
ҳодисаси ва ички қарама-қаршилигидир. Тил билан тафаккур бир-
бирини тақозо этадиган ажралмас ҳодисадир. Тилсиз тафаккур
мумкин эмас, тил ҳам тафаккурдан ажратилиши мумкин эмас.

Иккинчи антиномия: тил ҳар доим ривожланиб турадиган динамик ҳодисадир. Бир томондан, тил фаолият бўлса, иккинчи томондан, фаолият маҳсулидир. Тилда сўзловчи ҳар бир киши ўзининг нутқ фаолияти жараёнида тилнинг ривожланиши учун ўз хиссасини кўшади. Шу билан бирга, тил жамятнинг тарихий тараккиёти жараёнида яратган барча тарихий бойликларини мужассамлантирган ва аждоддан авлодга ўтиб борадиган аниқ тарихий меъёрдир. “Аслида тил” “эгрон” (фаолият маҳсули) эмас, балки “энергия” (фаолият)нинг ўзгинасидир”. Бу антиномиядан кўришиб турибдики, В. Гумбольдт тил билан нутқни тилшунослик фани объектлари сифатида ажратиб ўрганиш масаласини илгари сурган. Демак, иккинчи антиномия тил билан нутқнинг ўзаро муносабати масаласидан иборат.

Учинчи антиномия: нутқ ва тушуниш антиномиясидир. В. Гумбольдт таърифига кўра нутқ ва нутқни тушуниш инсон нутқ фаолиятининг икки томонини ташкил этади.

Тўртинчи антиномия: нутқнинг объектив ва субъектив хусусиятларни ўз ичига олади. В. Гумбольдт фикрича, ҳар бир индивид инсоният жамоаси томонидан яратилган тилдан фойдаланади ва ушбу тилнинг қонун-қоидаларига риоя қилади. Субъектив ҳодиса сифатида эса ҳар бир сўзловчи ўзининг нутқий фаолияти жараёнида тил ривожига ўз хиссасини кўшади.

Бешинчи антиномия: тилдаги жамоавий ва индивидуал хусусиятлардир. Маълумки, шахс ўзидан олдинги авлод томонидан яратилган жамоа маҳсулотидан фойдаланади, индивидуал хусусиятини намоён этади. Нутқ фаолияти, ўз навбатида, сўзловчи ва тингловчини тақозо қилади. Шунинг учун нутқнинг жамоавий ва индивидуал хусусиятларини ўрганиш зарур.

В. фон Гумбольдт фикрича, тил мураккаб ва кўп аспекти ҳодиса бўлиб, уни илмий ўрганиш тилнинг барча аспектиларини текширишни талаб қилади. Олимнинг таъкидлашича, тилнинг ҳар доим ривожланиб, ўзгариб туриши унинг энг асосий хусусиятидир. Тилшунослик фанининг асосий масаласи – тилнинг ана шу хусусиятини ўрганишдан иборатдир. Юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар тилшунослик фанининг предмети масаласи билан бевосита алоқадордир.

В. Гумбольдт назарияси, унинг илмий фаолияти, айниқса, тил ва нутқ хусусидаги қарашлари тилшунослик фани тараккиётига

катта хисса бўлиб қўшилди. В. Гумбольдтнинг тил ҳақидаги фалсафий назарияси, ўзидан кейинги тилшунослик фани такомиллашувида, турли илмий мактаблар ва оқимларнинг шаклланишида асосий омил бўлди.

Тилнинг ижтимоий табиатини талқин қилишда жаҳон тилшунослиги диалектик тараққиёт принципларига асосланади. Хусусан, тилни жамият тараққиётининг маҳсули деб тушуниш тилшунослик фанига қўшилган энг буюк хиссалардан биридир. Тилнинг асосий ва муҳим хусусияти шундан иборатки, тил кишилиқ жамияти томонидан яратилган бўлиб, энг муҳим алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган ижтимоий ҳодисадир.

Бошқа бир қатор олимлар (А.Шлейхер, Г.Паул, М.Мюллер), тилшунослик мактаблари (“Ёш грамматикачилар” мактаби, Прага структурализми, Копенгаген структурализми, Америка структурализми) тилнинг асл моҳиятини очиб бериш масаласига ўз нуқтаи назарларидан ёндашдилар. Уларнинг фикр-мулоҳазалари тилшунослик соҳасида эришилган ютуқлардан ҳисобланса-да, мазкур қарашларнинг баъзи жиҳатлари чекланган эди. Тилшунослик фани тарихида муҳим ўрин тутган “Ёш грамматикачилар” мактаби вакиллари тилнинг тарихий ҳодиса қанлигини тилнинг энг асосий хусусияти деб билдилар. Уларнинг фикрича, тил, аввало, узоқ тарихга эга бўлган кишилиқ жамияти таъданийатининг маҳсули бўлиб, уни тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан ўрганиш зарур. Тилшунослик тилнинг ўзига хос табиатини, тилнинг ўзгариш сабабларини ҳам ижтимоий тараққиёт тартибида таҳлил қилади. “Ёш грамматикачилар” тил ҳодисаларини тартиб (атомизм) ҳолда ўрганишни тавсия қиладилар. Улар тил ва таъриф, тилларнинг грамматик қурилиши турлича бўлиши сабаблари, тилнинг ижтимоий табиати каби масалалар билан таниқмадилар, улар ўша даврда ҳукм сурган психологик назарияларнинг таъсирида бўлиб, тилдаги барча ҳодисаларни индивидуал психология принциплари асосида ҳал қилишга тилидилар.

Тил жамият маҳсули сифатида шаклланган мураккаб, ижтимоий-биологик, психик ҳодиса экан, инсоннинг олами глаши, дунёни билиш сезгилари жамланган аъзоларнинг нутқ парати сифатида такомиллашуви муайян тарихий давр ҳамда зам талаблари асосида амалга ошган. “Тил кишилиқ жамияти

маҳсулидир. Тилсиз ҳеч бир воқелик ва ҳодисани, инсоннинг табиатда, жамиятда тутган ўрнини, жамият таракқиёти йўлларини билиш, ўрганиш мумкин эмас.

Тилда сўзлар маъно англатади, улар объектга, бирор нарса-ходисага ишора қилади. Сўзлар нарса-ходисанинг бирор белгисига ишора қилиш хусусиятига эга. Аммо баъзи сўзларда унинг шакли маъносига тўғри келмайди. *Дог (ит)* нега шу ном билан аталади? У ҳеч қачон бизга ўз номини эслатмайди ёки *ит* сўзи ҳайвоннинг бирор ҳолатини англатмайди. Венгер тилида бу тушунча *кутя* сўзи билан ифодаланadi. Баъзи сўзлар нарса-буюм, жонзотнинг товушига ишора қилади, аммо товушга тақлид сўзлари ҳам тилларда бир хил эмас. Инглиз тилида *вив-вив*, *бов-вов* тарзида, венгер тилида *w* тарзида талаффуз этилади.

Тил товушлари нутқда муҳим аҳамият касб этади. Нутқ аъзолари инсон учун зарурий узвлар бўлиб, улар барча тилларда товушларни ҳосил қилиш учун хизмат қилади. Аммо фонетик имкониятлар тилларда бир хил намоён бўлмайди. Масалан, инглиз тилида нутқ товушларининг 40га яқин муҳим, турли хил кўринишлари ишлатилади. Товушлар фонема, ҳарфлар шаклида моддийлаштирилади. Тил, авваламбор, коммуникатив воситадир. Бу унинг коммуникацияга асосланган тизим эканлигини кўрсатади”².

Кишилар ўзаро алоқа-муносабатда бўлиш, фикрлашишда тилдан бошқа воситалардан ҳам фойдаланадилар. Булар овозли ва график шаклда бўлган сўзлашув нутқидан бошқа турли товуш сигналлари: қўнғирок, гудок кабилардир.

Коммуникацияни таъминлашда символика, турли рамзлар ҳамда паралингвистик воситалардан ҳам фойдаланилади.

Тилшунослик фани, аввало, назарий ва татбиқий-амалий фандир. Бу фан кенг қамровли бўлиб, бошқа фан соҳалари билан ҳар томонлама боғлиқдир. **Тил** мураккаб ижтимоий ҳодиса, белгилар тизими сифатида инсонлар мулоқоти учун хизмат қилади. Бу ўринда тил ва нутқни фарқлаш зарур.

Нутқ – бу тилнинг ва ундаги белгиларнинг барча қўлланиш ҳолатларини қамраб олади. Ёзма ёки оғзаки нутқ бўлаги **матн** деб юритилади. Ёзма нутқ ва оғзаки нутқ фарқланганидек, ёзма матн ва оғзаки матн (монолог, диалог каби) ҳам фарқланади.

² Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.
B.17

Тилнинг жамият аъзолари томонидан қабул қилинган қонунлари давр ўтиши билан турли ўзгаришларга учраши мумкин. Тилдаги ўзгаришлар ва тилнинг ривожланиши мураккаб муаммоларни келтириб чиқаради. Тил кишилар ўртасидаги муносабатнинг энг муҳим қуроли бўлиб, жамият тараққиёти жараёнида шаклланган умуминсоний манфаатларга хизмат қилади. Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жамият тараққиёти билан боғлиқ экан, инсон камолоти ҳақида фикр юритувчи барча фанларнинг ўрганиш манбаи тилга алоқадор ҳисобланади.

Тилшуносликнинг фанлар системасидаги ўрнини таҳлил қилиш, бошқа фанлар билан муносабатини ёритиш унинг қимматини белгилашда, бир қатор лингвистик тушунчаларнинг келиб чиқиш илдизларини ёритишда, умуман, тилшуносликнинг кўпгина назарий муаммоларига ойдинлик киритишда муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланган³.

Тилнинг табиати, моҳияти кишилик жамиятида бажарадиган вазифаси, структураси ва бу структурани ташкил этган элементларнинг ўзаро муносабати, унинг ички механизми, ишлаш принциплари каби муҳим масалаларни ўрганишни, тилни ҳар арафлама тадқиқ қилишни талаб қилади.

“Тилшунослик назарияси” тилнинг шаклланиши ва ивожланишини қонуниятлар асосида таҳлил қилар экан, тил ва утқни бошқа жиҳатдан талқин қиладиган соҳаларга мурожаат гади. Масалан, тил ва нутқ муносабатини, нутқ хусусиятларини аҳлил қилар экан, нутқ онтогенези (нутқнинг шаклланиши) асаласида ҳам тўхталади. Дарҳақиқат, биз дунёни товушлар, ўзлар орқали қандай англаймиз? Фикримизни қай ҳолда ифода амиз? Нутқ жараёни қай тарзда амалга ошади? Бу саволга жавоб ипиш ҳам тил ва нутқнинг моҳиятини ёритишда аҳамиятлидир. Ёиз тилни ўзаро мулоқот воситаси сифатида қўллаган давримиздан ёён унинг вужудга келиш жараёнини таҳлил қилишга ҳаракат ламиз. Биз тил мазмунини қаердан англашимиз мумкин? Бошқача тганда, гапни қандай англаб етамиз? Баъзида бир киши монидан айтилган фикрни икки киши турли маънода тушуниши мкин. Бу тилнинг лексик ва структур жиҳати билан боғлиқ⁴.

³ Нурмонов А. Танланган асарлар. I жилд. –Т.:Akademnashr, 2012. -Б. 10

⁴ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.

Тилнинг муҳим коммуникатив функция бажариши унинг мураккаб тизим эканлиги, нутқда воқеланиши ҳам муайян қонуният асосида юз беришини кўрсатади. Кишилиқ жамияти тараққиёти давомида тилнинг жамиятга бўлган муносабати турлича изоҳланган. Ҳар хил фикрлар, турли назариялар вужудга келган. Тил бирликларининг мазмун қийматига, семантик моҳиятга эга эканлиги таъкидланган. Семантикани ўрганиш қанчалиқ мураккаб жараён эканлиги ва сўзнинг қандай маъно англатиши илмий асослашни талаб этади. “I saw her run to the bank” *Мен унинг банкка югуриб кетаётганини кўрдим.* Бу гапдан, биз банк сўзининг “молиявий институт” ёки “дарё қирғоғи” маъносини англатаётганини билмаймиз. Шубҳасиз, гап мазмунини мулоқот жараёнидан англаб етамиз. “I ate the biscuits on the bed”. Мен ширинликни ётоқхонамда едим гапида сиз “Мен ширинлик истеъмол қилган пайтимда қаравот устида ўтирганим”ни англайсиз. Ёки “мен қаравот устида турган ҳолда бисквитни еганим” англашилади⁵.

Нутқ онтогенези (нутқнинг шаклланиши) мураккаб воқелиқ бўлиб, инсон миясидаги нутқ билан боғлиқ жараёнларни, нутқ механизмини, нутқни ифода этиш, қабул қилиш, тушуниш, англаш масалаларини ҳам ўрганишни тақозо қилади. Нутқнинг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилишда психоллингвистика фани таҳлилларидан фойдаланилади.

Нутқнинг шаклланиш хусусиятларини болалар нутқининг ривожланиш жараёни мисолида изоҳлаш мумкин. “Ҳеч бир тилни унинг бутун луғат бойлиги ёки гап қурилишини ёд олиш билан ўрганиб бўлмайди. Ҳатто бирор киши назарий жиҳатдан шакллантирилган ҳамма сўзларни ўрганса ҳам етарли бўлмайди. Улар ўрганувчилар нутқ фаолиятининг муқобил вариантлари билан танишмасдан туриб, мулоқотга кириша олмайди. Биз бирор тилни ўрганиш имкониятини яратадиган бошқа усулларни кўриб чиқишимиз лозим. Бу мия фаолиятининг муайян тилни ўрганиш механизми билан боғлиқ. Яна бир муҳим маълумот сифатида шуни қайд этиш зарурки, болалар тилни тез ва осон ўрганишади. Бола

⁵ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. -Budapest, 2006.-B.17

нутқи ривожни ёки тил ўрганиш қобилияти уни ўраб турган муҳит таъсирига боғлиқ”⁶.

Инсон тилларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши, ривожланишини бевосита кузатиш имкониятига эга эмас. Тилшунослик тил тадқиқига бағишланган ёзма манбаларга таянади. Маълумотларнинг мукамал бўлиши учун шунинг ўзи етарли эмас. Шу боис кўп ҳолларда кишилик жамиятида нутқнинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини ёритиш учун бола нутқининг шаклланиши, ривожланишига доир кузатишлардан фойдаланилади.

Тилшунослик ҳам барча фанлар қатори ўзининг тадқиқот доирасига эга. Тилнинг тузилиши, келиб чиқиши, ривожланиши ва бошқа масалалар унинг таҳлил доирасини ташкил қилади, бунда бошқа фанларнинг илмий хулосаларига таянади. Бир қатор ички лисоний масалалар – масалан, тилнинг келиб чиқиши, ривожланиши, тарқалиши ва ҳоказолар бошқа ижодий фанлар ёрдамида ҳам ҳал қилинади. Бундан ташқари, бошқа фанларнинг тилшуносликка тобелиги мавжуд. Масалан, алоқа муҳандислари нутқни узоқ масофага етказиш мақсадида лисоний масалаларни билишлари шарт. Бирор-бир халқнинг тарихини ва маданиятини ўрганаётган олим, албатта, шу халқнинг тилига, ёзма манбаларига мурожаат қилади, чунки тил – асосий манба. Унда халқ ҳақида, унинг маданияти ҳақида етарли маълумот мавжуд. “Бобурнома”нинг, —даставвал, маълумот манбаи сифатида ўрганилганлиги ҳам бу фикрни исботлайди.

“Тилшунослик назарияси” фани икки қисмни ўз ичига олади. Тилшунослик назариясига оид дастлабки илмий маълумотлар “Тилшуносликка кириш” курсида берилади. “Тилшуносликка кириш” тил ва жамият, тил ва нутқ, тил ва тафаккур, тилнинг шаклланиши ва ривожланиши, дунё тиллари тавсифи, таснифи, айрим тилшунослик терминлари, методлари ҳақида дастлабки маълумот беради. Фаннинг иккинчи қисми ҳисобланган “Умумий тилшунослик” курси жаҳон тилшунослигидаги назариялар, таълимотлар, ғояларни таҳлил қилиш, моҳиятини ёритишга йўналтирилган. “Тилшунослик назарияси” тил қурилиши, тил табиати, тилнинг инсоният ижтимоий турмуш тарзидаги ўрни, тил

⁶ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. -Budapest, 2006. - В.19.


ва тилларни тадқиқ этиш методлари хусусида умумий, тизимли ҳулосалар беради.

Талабаларни тилшуносликдаги асосий йўналишлар, мактаблар, уларга ҳос таълимотлар, атоқли тилшуносларнинг фаолияти ва қарашлари, уларга тегишли тамойиллар тавсифи, изланиш олиб бориш методикаси, методлари, қўлга киритилган муҳим ютуқлар билан таништиради. “Тилшунослик назарияси” фани тил сатҳлари ҳақида баҳс юритади. Тилнинг асосий сатҳлари сифатида фонетик-фонологик, лексик, грамматик сатҳ таҳлил этилади. Тилшуносликнинг назарий масалалари моҳияти диалектология, фразеология, стилистика, этимология каби бўлимлар орқали ёритилади. Бу масалаларни ўрганишда диахрон ва синхрон таҳлил усулларидан фойдаланилади.

Савол ва топшириқлар

1. Тил ва жамият муносабатини ёритинг.
2. Тилнинг ижтимоий табиатига ҳос хусусиятларни айтинг.
3. Тилшунослик соҳасининг предмети, ўрганиш объектини мисоллар асосида тушунтиринг.
4. Тилнинг асл мазмунини ёритишдаги назарий қарашларга баҳо беринг.
5. Тил тараққиёти ҳақидаги тушунчангизни баён этинг.
6. Тилнинг табиий-биологик, физиологик, ижтимоий хусусиятларини ёритинг.
7. Тил ҳодисаларини айрим ҳолда ўрганиш ҳақида фикр билдиринг.
8. Тилни тирик организм сифатида баҳолашга муносабатингиз?
9. “Тилшунослик назарияси” фанида ўрганиладиган масалаларни “кластер” усулида ёритинг.
10. “Тушунчалар таҳлили” технологияси асосида жадвални тўлдиринг.

Тушунчалар	Терминнинг мазмун-моҳияти	Ўрганиш соҳаси
Фонетика		
Фонология		
Лексикология		
Фразеология		
Лексикография		
Морфология		



Тушунчалар	Терминнинг мазмун-моҳияти	Ўрганиш соҳаси
Синтаксис		
я		
Орфоепия		
Орфография		
Графика		
Стилистика		
Диалектология		
Этимология		

Асосий тушунчалар глоссарийси

Тилшунослик – тилнинг жамиятдаги ўрни, тараққиёт хусусиятлари, ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги фан.

Тилшунослик назарияси – тилшунослик тараққиётининг энг умумий қонуниятлари, тилнинг ички қурилиши, тил тизими, тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва нутқ муносабатлари ҳақидаги фан.

Фонетика – тилшуносликнинг нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўдиши, типлари, товушлар ўзгариши, бўғинлар, уларнинг тузилиши, типлари, структураси; урғу, урғу типлари ва интонатсия ҳақидаги тармоғидир.

Грамматика (юн.) – тилшуносликнинг сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмаларининг турлари, гап турлари (тилнинг грамматик қурилиши) ҳақидаги бўлими.

Морфология (юн.) – грамматик маъно, сўз шакллари, сўз туркумлари ҳақидаги грамматик таълимот.

Умумий тилшунослик – тилшунослик учун умумий бўлган тараққиёт қонунуниятларини, тилшунослик ривожи, тараққиёт босқичлари, тилшунослик мактаблари, назарий таълимотлар тарихи, шаклланиш жараёни, тил структурасига хос бўлган умумий жиҳатлар ҳақидаги соҳа.

Хусусий тилшунослик – муайян тилнинг тараққиёт хусусиятлари, таркибий қисмлари, бўлимлари, сатҳлари, бошқа тиллар билан муносабати, тил оиласида тутган ўрни ҳақида билим берувчи соҳа.

Прото тил – тиллар учун асос бўлган, қадимий бобо тил.

Синхрония – тил тараққиётини нутқ жараёни нуқтайи назаридан таҳлил қиладиган метод.

Диахрония – тил тараққиётини тарихийлик нуқтайи назаридан қиёсий аспектда таҳлил қилувчи метод.

Тест

1. Тилнинг тарихий тараққиётини, ривожланиш қонуниятини, тақакқиёт босқичларига хос хусусиятларни ўрганиш методи қандай номланади?

- А) диалектика
- Б) диалектология
- С) синхрония
- Д) диахрония

2. “Ёш грамматикачилар” мактаби вакиллари томонидан тилнинг энг асосий хусусияти сифатида ажратилган белгини кўрсатинг.

- А) тилнинг тарихийлик белгиси
- Б) тилнинг мантикийлик белгиси
- С) тилнинг тадрижийлик белгиси
- Д) тилнинг аниқлик белгиси

3. Тилнинг ҳозирги ҳолати, таркибий хусусиятларини ўрганиш методи қандай номланади?

- А) синхрония
- Б) диалектология
- С) диалектика
- Д) диахрония

4. Тилнинг асл моҳиятини назарий жиҳатдан ёритишга ҳисса қўшган тилшунослик мактабларини аниқланг.

- А) Копенгаген структурализми, араб тилшунослиги
- Б) Америка структурализми, ҳинд тилшунослиги
- С) Копенгаген структурализми, Қозон тилшунослик мактаби
- Д) Прага структурализми, Копенгаген тилшунослик мактаби

5. Қуйидагилардан қайсилари ўлик тилга мансуб ?

- А) креол, пизин
- Б) испан, лотин
- С) наутал, лотин
- Д) лотин, санскрит

6. Тилнинг асл моҳиятини назарий жихатдан ёритишга ҳисса қўшган олимларни аниқланг.

- А) Ф.де Соссюр, Г.Блумфилд, М.Мюллер
- Б) Ф.де Соссюр, В.Гумболдт, М.Мюллер
- С) А.Шлейхер, Ф.де Соссюр, М.Мюллер
- Д) А.Шлейхер, Г. Паул, М.Мюллер

7. Бир қатор тилларнинг таракқиётига асос бўлган қадимий тил қандай номланади?

- А) креол тиллари
- Б) прото тил
- С) асос тил
- Д) пижин тиллари

2-§. ТИЛНИНГ ИЖТИМОЙ ТАБИАТИ

Режа:

1. Тил ва жамият муносабати. Социолингвистика.
2. Тил интеграцияси ва дифференциацияси.
3. Тилнинг ижтимоий кўринишлари. Тилнинг ижтимоий вазифалари.

Асосий тушунчалар: тил ва жамият, социолингвистика, билингвизм, интеграция, дифференциация, тилнинг тарихийлиги, тилнинг ҳаётийлиги, тилнинг меъёрийлиги, ҳудудийлик, меъёрлаштирилган тиллар, қадимий тиллар, креол тиллари, пиджин тиллари, койне, халқаро тиллар, миллий тил, умумхалқ тили, сунъий тил, адабий тил, шева, соцолект, диалект, арго, жаргон, сленг.

Тил ва жамият ўртасидаги муносабатларни, тилнинг фалсафа, ижтимоий психология, этнография билан боғлиқ жиҳатларини ўрганувчи соҳа социолингвистика (ижтимоий тилшунослик) деб юритилади. Социолингвистика қуйидаги масалаларни:

- 1) жамият ва тил алоқадорлиги ва бу муносабатнинг тарихий жараён, ходиса эканлигини;
- 2) тилнинг ижтимоий вазифаларини, уларнинг тараққиёт хусусиятларини;
- 3) адабий тил, шевалар луғат бойлигининг кенгайиши, ортиб боришини;
- 4) яшаш муҳити яқин, турмуш тарзи ўхшаш ҳамда ўзаро иқтисодий муносабатлари шаклланган халқлар тилларининг бир-бирига таъсирини;
- 5) социал чегараланган нутқ хусусиятларини;
- 6) ёш, гендер жиҳатдан фарқланувчи нутқ кўринишларини таҳлил қилади.

Дунё тилларининг, маълум маънода, ўзига хослигини ёритувчи, муайян тилнинг бошқа тиллардан фарқли жиҳатларини кўрсатувчи тадқиқотлар яратилган. Мазкур тадқиқотларнинг бош масаласи тил ва жамият муносабати талқинидир. Тилнинг жамият билан боғлиқ томонларини ўрганиш тилнинг ўзига хос ички қурилиши, имкониятларини ёритишда аҳамиятлидир. “Тил ҳаётимизнинг

марказий ҳамда табиий қисми ҳисобланади. Инсон ёшлигидан мулоқот қилиш, сўзлашиш қобилиятига эга бўлади ва атроф-муҳитга мослашади. Тил инсоннинг фикрлаш қобилиятини шакллантирадиган, унинг эътиборини жалб қиладиган ҳодисадир. Тил инсонлар ўртасида ахборот алмашиш, ҳис-туйғуларни ифодалаш ва шахснинг ўз табиатини намоён қилиш воситасидир. Тилшунослик инсониятгагина хос бўлган тилни илмий жиҳатдан ўрганадиган, унинг барча шакллари, хоссаларини тадқиқ этадиган соҳадир. Тил лингвистиканинг турли аспектларида ўрганилади ва уларнинг барчасида асосий восита вазифасини бажаради. Мазкур йўналишларнинг қайси бири лингвистиканинг асосини ташкил этиши тилнинг ўзига хос жиҳатлари нуқтайи назаридан таҳлил қилиш натижасида аниқланади”⁷.

Маълумки, ҳар бир инсон ўзи яшаб турган муҳитда, жамиятда улғаяди, тарбия топади. Албатта, ҳар қандай тарбиянинг, айниқса, тил, маънавий комиллик, миллий ўзлик тарбиясининг асосий ўчоғи болани ўраб турган ижтимоий муҳит, биринчи навбатда, оиладир. Абдурауф Фитрат “Раҳбари нажот” асарида шундай ёзади: “Сув қайси рангдаги идишда бўлса, ўша рангда товлангани каби болалар ҳам қандай муҳитда бўлсалар, ўша муҳитнинг ҳар қандай одат ва ахлоқини қабул қиладилар. Ахлоқий тарбиянинг энг буюк шarti шундан иборатки, болалар кўпроқ яхши ва ёмон аҳволни ўз уйларидан, кўчадаги ўртоқларидан, мактабдаги ўқувчилардан қабул қиладилар”⁸.

Социолингвистика тил ва жамият муносабатларини таҳлил қилар экан, умумий ва хусусий қонуниятларга таянади. Социолингвистика тилнинг ижтимоий табиатини ёритишда *тарихийлик, ҳаётийлик, меъёрийлик, ҳудудийлик* каби қатор мезонларга амал қилади. Аввало, тил воқелик сифатида мавжуд бўлиши учун муайян тарихий тараққиёт босқичидан ўтиши керак. Тилнинг пайдо бўлиши, яхлит тизим тарзида шаклланиши, ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги унинг *тарихийлиги* билан боғлиқ.

Тилнинг *ҳаётийлиги* унинг алоқа-муносабат воситаси сифатида мавжудлигидир. Тилда сўзлашувчи жамият бўлмаса, у

⁷ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. -Budapest, 2006.-B.17

⁸ Маҳмудов Н. Тил. – Т., 1998.-Б.5

Ўлик тилга айланади. Тил ҳаётий бўлиши учун шу тилдан фойдаланадиган жамият зарур бўлади. Баъзан ўлик тиллар ҳаётийлик белгисига эга бўлиши мумкин, бунга иврит тили мисол қилиб келтирилади. Бу қарашни нисбий деб баҳолаш керак. Негаки, тил алоқа муносабат воситаси сифатида ахамиятини йўқотдими, уни сунъий равишда тиклаб бўлмайди.

Социолингвистикадаги меъёрийлик мезони дейилганда, тилнинг муайян меъёрлар асосида мувофиқлашиши тушунилади. Тил грамматикасига оид қонун-қоидаларнинг яратилиши меъёрлаштиришнинг муҳим омилларидан ҳисобланади. Меъёрлаштирилган тил маълум бир жамиятнинг эҳтиёжи учун хизмат қиладиган, маълум қонун-қоидалар асосида мувофиқлаштирилган миллий – адабий тилдир.

Худудийлик тилнинг маълум худуд билан боғлиқлигини ифода этади. Худудийлик миллат, элатга хос урф-одат, анъаналар, тарихий-этник бирлик ва ягона давлат тизимининг шаклланганлиги билан боғлиқ. Миллатнинг, худуднинг, тарихий-этник асос ва тараққиётнинг ўзгачалиги тиллар ўртасидаги фарқлар учун асос бўлади. Миллат ва этник асоснинг бир хил бўлиши худуднинг фарқ қилишидан қатъи назар, алоқа-муносабат воситасининг бир хил бўлишини таъминлайди. Масалан, ўзбек ва тожик тилларида ҳар бир тилнинг ўзига хослиги кўзга ташланади. Бир хил этник асосга эга бўлган ўзбек ва қирғиз тиллари ўртасида фонетик, лексик, грамматик фарқлар бор. Адабий тил ва шевалар ўртасида ҳам тилнинг ички тузилиши билан боғлиқ фарқлар кузатилади.

“Табиат ва жамиятда инсон тилидай серкирра, шакл ва мазмун муносабати мураккаб ҳодиса кам топилади. Тил дунёни билиш, билимларни тўплаш, сақлаш, кейинги авлодларга етказиш, руҳий муносабатларни акс эттириш, гўзаллик категорияларини вокелантириш каби бир қанча вазифаларни бажаришига қарамасдан, асосий эътибор унинг кишилар ўртасидаги алоқани таъминлаш вазифасига қаратиб келинди. Тилни фақат кишилар ўртасидаги алоқа воситаси сифатидагина талқин этиш инсоннинг табиий тилини, бу мураккаб ҳодисани жўнлаштиришдан, аниқ бир миллий қиёфа ёки миллий-руҳий заминдан мутлақо айрилган сунъий тилга тенглаштиришдан, йўл ҳаракатини тартибга солиш мақсадида яратилган шартли “тил”га ўхшатишдан бошқа нарса

эмас”⁹. Ҳолбуки, тил бемисл бойлик, сехр-у синоатга, рух-у рухониятга, кўрку комилликка лиммо-лим бир неъматдир.

Тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг ижтимоий вазифаларидан биридир. Аслида тил, энг аввало, дунёни кўриш, эшитиш, билиш, идрок этиш воситасидир. Қолаверса, тил ҳар бир инсоннинг, миллатнинг ички дунёсини, маънавиятини бутун борлигича ифодаловчи омил ҳамдир. Айни пайтда тилнинг рухий, эстетик ҳодиса эканлигини ҳам унутмаслик лозим.

Тилшунос олим, профессор Низомиддин Маҳмудов миллий сезги ва миллий руҳиятнинг шаклланишида она тилининг ҳал қилувчи аҳамияти хусусида қизиқарли маълумот келтиради: “Инглиз журналисти Говард Брабиннинг “Она тили ва мия. Япон олимнинг ғаройиб кашфиёти” номли мақоласида (“Курьер ЮНЕСКО” журнали, 1982, № 3, 10-13-бетлар) баён қилинишича, Токио университетининг тиббиёт профессори Таданобу Тсунода 1981 йилда ЮНЕСКОнинг Афинада ўтган симпозиумида ўзининг 15 йиллик тажриба-тадқиқотлари натижалари ҳақида ахборот берган. Профессор Тсунода ўз экспериментига япониялик ва ғарблик (француз, инглиз, испан, немис ва ҳоказо) кишиларни жалб қилади. Олим уларга инсон овози, ҳайвонлар, ҳашаротлар товуши, турли физик товушлар, япон ва ғарб мусиқа асбоблари товушларини эшиттиради ва тегишли замонавий аппаратлардан фойдаланган ҳолда уларнинг мияларидаги марказларнинг реакциясини қайд этиб боради. Тадқиқотлардан маълум бўладики, япон ва ғарб типларининг, яъни япон ва ғарблик кишиларнинг бош мия ярим шарларидаги марказлар вазифаларининг тақсимланишида фарқ мавжуд экан. Бошқача қилиб айтганда, япон миясидаги муайян бир марказ билан қабул қиладиган товушни ғарблик бошқа марказ орқали қабул қилар экан. Тадқиқотчи бу фарқ этногенетика билан боғлиқ ёки боғлиқ эмаслини аниқлаш мақсадида 20 та япон эмигрантининг болалари иштирокида яна эксперимент ўтказди. Натижа шуни кўрсатадики, бу фарқ генетик эмас, балки она тили муҳити билан боғлиқ экан. Ана шуларга асосланиб, профессор Тсунода қуйидагича хулоса чиқаради: “Мен инсоннинг ўз атрофидаги товушларни қабул қилиши, сезиши, ўзлаштириши ва тушунишини она тили дифференциация қилади, деб ҳисоблайман. Она тили миядаги эмоционал (ҳис-ҳаяжон, кучли туйғу)

⁹ Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. –Т., 1999.

механизмининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Болаликдан эгалланган она тили ҳар бир этник гуруҳнинг ўзига хос, бетакрор маданияти ва руҳий оламининг шаклланиши билан чамбарчас боғлиқдир”¹⁰.

Тил билан жамиятнинг ўзаро боғлиқлиги уларнинг ҳар иккиси бир вақтда юзага келганлигини, жамиятнинг шаклланишида тилнинг асосий вазифани бажарувчи энг муҳим омиллардан бири эканлигини, шунга кўра, тилсиз кишилик жамияти бўлмаслигини асослайди. Шунга кўра тил ўзига хос ижтимоий функцияларни бажаради.

Тилнинг кишилик жамиятидаги ўрнини, маданий-маънавий соҳа тараққиётидаги аҳамиятини ёритиш унинг ижтимоий вазифаларини тўғри белгилашга асосланади. Тил алоҳида тизим сифатида қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. *Алоқа – муносабат вазифаси (коммуникатив функция).* Тилнинг мазкур вазифаси жамиятда алоқа-муносабат воситаси сифатида хизмат қилишдан иборат. Бу функция тилнинг асосий ижтимоий вазифаси ҳисобланади. Тил белгилари уни алоқа-муносабатнинг бошқа воситаларидан фарқлаш, тилни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин этиш имконини беради.

Тил алоқа-муносабатнинг муҳим воситаси сифатида жамият билан, унинг маданияти, турмуш тарзи ва меҳнат фаолиятидаги ҳар бир жараён билан узвий боғлиқ. Кишилар ўз фикрларини, сезги ва руҳий кечинмаларини ифода қилиб, бир-бирларига таъсир кўрсатадилар.

2. *Тилнинг ҳиссий таъсир вазифаси (эмоционал-экспрессив функция).* Муайян маълумотни ифода этиб, тингловчига таъсир кўрсатиши тилнинг ҳиссий таъсир вазифаси ҳисобланади. Хабар, сезги ва ҳаяжон, хоҳиш ифода қилиш ҳиссий таъсир вазифасининг асосини ташкил этади. Бунда турли тасвирий воситалардан, жумладан, модал сўзлар, жавоб талаб қилмайдиган сўроқ (риторик) гаплар, тартибни ўзгартириш (инверсия) кабилардан фойдаланилади.

3. *Тилнинг тўплаш вазифаси (аккумулятив функция).* Тил алоқа-муносабат воситаси, ҳиссий таъсир ифодаси бўлиб қолмай, тўплаш вазифасини бажарувчи муҳим манба ҳамдир. Тил тўпланган билим ва тажрибаларни кейинги авлодга етказишда муҳимдир. Тилнинг

¹⁰ Маҳмудов Н. Тил. –Т., 1998. - Б.7.

илиш жараёнида аҳамиятлидир. Бевосита алоқа-мида тилнинг номлаш ва фикр ифодалаш ёён бўлади. Мустақил сўзлар, қўшма сўзлар, тар номловчи бирликлар ҳисобланса, турли гап кр ифодаловчи бирлик ҳисобланади.

Адабиётларда тилнинг қуйидаги ижтимоий вазифаси тил жамиятда қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. Воситаси.

қаларга таъсир қилиш, таъсир ўтказиш воситаси.

2. Тил шакллантириш ва ифодалаш воситаси.

3. Таъсир воситаси.

4. Ҳолга хос хусусиятлардан бири.

5. Ҳалат ва ҳалқнинг асосий муҳим белишларидан бири.

6. Ҳаданаят, маънавият ва маърифатни тараннум қилиш воситаси”¹¹.

7. Табиати ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, жамиятдаги кўринишларини қуйидагича гуруҳлаш

тиллар – тилларнинг дастлабки тараққиёти даврида такомилга етган, энг қадимий маданий-маънавий яратилган тиллардир. Бу тиллар кейинги даврларда бир қатор тиллар учун асос бўлиб хизмат қилган. Тиллар кишилик жамиятининг умумий тараққиёти учун хизмат қилган кесиб катта касб этган. Маълум даврда алоқа-муносабат қилишда мавжуд бўлиб, кейинги даврларда истеъмолдан чиқиб кетган. Натижада ўлик тилга айланган. Латин тили қадимий тиллардан бири бўлиб, ҳозир ол намунасида.

Ҳаётий тиллар кам сонли аҳолига хизмат қиладиган Маҳаллий тиллар ўз ёзувига эга эмас. Бундай тиллар кишилик шаклда мавжуд бўлиб, аҳолининг кундалик алоқа-муносабатлари учун хизмат қилади.

Таърихга алоқадор тиллар адабий тил меъёрига эга бўлган тиллар. Бундай тилларга адабий шаклига эга бўлган барча тиллар киритади. Адабий тил тарихий тараққиёт жараёнида шаклланиб, ўзгариб боради.

Ҳалқаро тиллари Европа мустамлакачиларининг африкаликлар, америкаликлар ва Америка ҳиндулари билан

мулоқоти натижасида маҳаллий аҳоли тилларига Европа (француз, инглиз, португал) тиллари хусусиятларининг сингишидан ҳосил бўлган тиллардир. Масалан, Америкадаги Гаити ороли маҳаллий аҳолиси тилининг француз тили билан аралашуви натижасида гити-креол, Лотин Америкасидаги маҳаллий аҳоли тили билан испан тилининг аралашувидан испан-наутал креол тили ҳосил бўлган. Креол тилларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга. Уларда бирдан ортиқ тилнинг хусусиятлари яхлит ҳолда намоён бўлади.

Пижн тиллари ҳам Европа тиллари билан маҳаллий тилларнинг аралашувидан юзага келган. Лекин пижин тилларида сўзлашадиган жамият йўқ (креол тили жамият учун алоқамуносабат воситаси сифатида хизмат қилади). Пижн тилларидан порт шаҳарларида иккинчи тил сифатида фойдаланилади.

Койне замонавий социолингвистикада аҳоли турли гуруҳларининг ижтимоий ва лисоний алоқалари жараёнида шаклланган диалектлараро оғзаки мулоқот воситаси ҳисобланади. Койне термини (юнонча “умумий тил”) биринчи марта эрамиздан аввал IV–III асрларда шаклланган умумюнон тилига нисбатан қўлланган.

Турли ҳудудий диалектларнинг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган қурама диалектлар ёки ушбу минтақада мавжуд бўлган тиллардан бири койне ролини бажариши мумкин. Койнелар олди-сотди, ҳарбий, иқтисодий ва маданий алоқалар мақсадида қўлланадиган, муайян диалектлар ёки тиллар асосида шаклланган диалектлараро ёки миллатлараро мулоқот тили сифатида намоён бўлади.

Койнеларни шаҳар ва қишлоқ койнесига ажратиш мумкин. “Койне” тушунчаси айниқса, кўпчиликнинг турли нутқий малакалари аралашган катта шаҳарларнинг лисоний ҳаёти учун долзарб ҳисобланади. Шаҳар шароитидаги гуруҳлараро мулоқот ҳамма учун тушунарли бўлган коммуникатсия воситаларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шаҳар аҳолиси турли гуруҳларининг кундалик мулоқот эҳтиёжига хизмат қилувчи шаҳар койнелари ана шундай пайдо бўлади.

Шунингдек, койнелар минтақаларга, яъни муайян тил (ёки тиллар) тарқалган маълум ҳудудларга кўра ҳам ажратилади. Масалан, кўп тиллилик мавжуд бўлган Мали Республикасида

(Африкада) курама диалектлар шаклига эга бўлган баман тили койне сифатида қўлланади.

“Койне” тушунчаси, одатда, оғзаки мулоқот воситасини ифодаласа-да, баъзан бу тушунча тилнинг ёзув шакллариغا нисбатан ҳам қўлланилади. Масалан, Лондон койнеси ҳам кундалик сўзлашувда, ҳам шаҳар бошқаруви, маҳкама тизимида ишлатилган. Ёки “койне” термини ўрта асрларда Ғарбий Европа давлатларида илм, дин, ҳуқуқшунослик, санъат соҳаларида миллатлараро мулоқот воситаси вазифасини ўтаган лотин ёзувиغا нисбатан ҳам қўлланган.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, муайян койнелар айрим адабий тилларнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Масалан, Лондон койнеси инглиз адабий тилига, Пекин койнеси хитой адабий тилига, Эдо койнеси эса япон адабий тилига асос бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга, бутун бошли адабий тиллар ҳам койне ролини бажариши мумкин. Масалан, “Испан тили ўқитувчилари Европа Ассоциацияси” (АЕРЕ)нинг маълумотларига кўра, испан тили ҳозир дунёда ўрганилаётган хорижий тиллар орасида биринчи ўринни эгаллайди.

“Одатда маълум ҳудудда яшовчи кўпчилик халқнинг тили умумий тил деб аталади. Тарихда юнон тилининг Афина антик диалекти умумхалқ тили сифатида қабул қилинган. Бунда Афина шаҳрининг Греция маданий, сиёсий ва иқтисодий маркази экани ҳам ҳисобга олинган. Бундай умумий тил койне (грекча койне – диалектос – «умумий нутқ») деб аталади¹².”

Халқаро тиллар жамиятнинг кенг доирасига хизмат қилувчи, функционал жиҳатдан такомиллашган тиллардир. Инглиз, араб, рус, хитой, испан тиллари халқаро тил ҳисобланади.

Сунъий тиллар махсус яратилган халқаро тиллардир. Маълумотларга кўра, 60дан ортиқ сунъий тил яратилган. Поляк олими Л.Заменгоф томонидан яратилган эсперанто тили сунъий тиллардан бири ҳисобланади. Бу тилнинг луғавий асоси Европа тилларидан олинган, грамматикаси агглютинатив характерда, графикаси лотин ёзуви асосидадир. Бу тилда машҳур асарлар таржима қилинган. Радио эшиттиришлар ҳам ташкил қилинган.

Умумхалқ тили миллий тил ва адабий тил тушунчалари тилнинг ижтимоий тараққиёт жараёнини ўзида акс эттирувчи

¹² *Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. -T.: “Sharq” NMAK, 2010.- B.116.*

терминлар бўлиб, улар ўртасида ўзаро узвий боғлиқлик бўлиши билан бир қаторда, фарқли томонлар ҳам мавжуд. Хусусан, умумхалқ тили ва миллий тил, ҳозирги давр нуқтайи назаридан қаралганда, бир хил (синоним) тушунчалардир. Шу боис тилшуносликда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бироқ умумхалқ тили тил таракқиётининг барча босқичини, яъни энг қадимдан ҳозиргача бўлган даврини ўзида мужассамлантиради.

Миллий тил тушунчаси эса ана шу кўп асрлик тарихнинг миллат шакллангандан кейинги давринигина ифодалайди. Демак, умумхалқ тили тушунчаси тил тарихининг барча босқичларига хос тушунча бўлса, миллий тил тушунчаси муайян миллат шакллангандан кейинги даврга хослиги билан ундан фарқланади.

Умумхалқ тили ва миллий тил доирасига адабий тил, шева ва лаҳжа (диалект)лар, оддий сўзлашув тили, халқ тили, социал жаргонлар, арголар қиради. Умумхалқ ва миллий тилларнинг муҳим таркибий қисми бўлган мазкур тил шакллари ҳам ўзаро фарқланади.

Хусусан, адабий тил умумхалқ тилининг ёки миллий тилнинг олий коммуникатив (алоқа) шакли бўлса, шева, лаҳжа, оддий сўзлашув ва бошқа тил кўринишлари унинг қуйи шакли ҳисобланади. Айни пайтда улар адабий тилнинг доимий ривожини таъминловчи муҳим ички омил бўлиб хизмат қилади. Аммо социал жаргонлар ва арголар бундан мустасно бўлиб, улар умумхалқ тилига хос бўлмаган, тор дорадаги мулоқот шакллари.

Адабий тил муайян грамматик қонун ва қоида меъёрига киритилган тил шаклидир. Тарихан таркиб топган, қатъий меъёрларга бўйсунувчи, сўзлашувчиларнинг қайси ҳудудда яшашидан қатъи назар барчаси учун умумий бўлган тил адабий тил саналади. Ҳарфлар воситасида ёзма равишда баён қилинувчи адабий тил **ёзма адабий тилдир**. Масалан, газета-журналлар, иш қоғозлари тили ва бошқалар. Товушлар воситасида оғзаки равишда баён қилинувчи адабий тил шаклига **оғзаки адабий тил** дейилади.

Адабий тилнинг икки хил кўриниши, яъни **оғзаки** ва **ёзма** шакли мавжуд. Оғзаки шакл ёзма шаклга нисбатан қадимийроқ бўлиб, у умумхалқ тилининг: 1) қайта ишланиши; 2) услубий тармоқланиши; 3) анъанавий, оммавий ва одатий қиёфа касб этиши; 4) нутқий ва эстетик эҳтиёжларга хизмат қилиши; 5) халқчиллиги; 6) нисбий консервативлиги; 7) устдиалектлик каби дастлабки меъёрий

асосларга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бунда қабила, уруғ ва улар иттифоқининг ҳудудий чегараланган шеваларига хос диалектал унсурларнинг оғзаки ижод жанрлари (достонлар, эртақ, кўшиқ, топишмоқ, мақоллар) воситасида қайта ишланиши муҳим омил бўлади. Натижада умумхалқ тили доирасида маҳаллий диалектлардан устувор бўлган тил шакли, яъни оғзаки поетик устдиалект вужудга келади. У умумхалқ тили тизимидаги дастлабки адабий шакл сифатида ёзув жорий этилгунга қадар амалда бўлиб, кейинчалик ёзма тилнинг тараққиётига асос сифатида хизмат қилади. Ёзувнинг ихтиро қилиниши ва ёзма тилнинг тараққиёти натижасида адабий тилнинг амал қилиш доираси яна ҳам кенгайди, унинг меъёрий асоси қатъий қоидалар воситасида такомиллашиб борди. Оғзаки ва ёзма тил шакллари ўртасидаги тафовутларнинг камайишига қулай имкониятлар яратилди. Бу жараёни ҳозирги ўзбек адабий тили ва бошқа миллий тиллар мисолида кўриш мумкин. Замонавий адабий тилнинг тез суръатлар билан ривожланиб бориши натижасида умумхалқ тилида мавжуд бўлган диалектал (лахжаларга хос) фарқлар ҳам камайиб, диалектларнинг амал қилиш доираси эса торайиб боради.

Шевалар тил тизимида диалектизмлар сифатида тадқиқ қилинади. Шевалар – ҳудудий тушунча бўлиб, муайян бир ҳудудда яшовчи кишилар учун хос, адабий тилдан фарқланиб турувчи нутқ кўриниши ҳисобланади. Шева ва диалектизмларни ўрганувчи тилшунослик соҳаси – *диалектология* деб аталади. Унда лахжа ва шеваларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятлари тавсиф қилинади. Миллий тилнинг пайдо бўлиши ва ривожидида шеваларнинг тутган ўрни, миллий тилга асос бўлган шевалар аниқланади. Шевалараро, шунингдек, шеваларнинг адабий тил ва қардош тиллар билан муносабати аниқланади.

Шевалар – тилнинг луғат бойлигини оширувчи ички манба ҳисобланади. Фақат муайян бир ҳудудга хос айрим белгиларни ўзида намоён қилган тил шакли **маҳаллий шевалар** ҳисобланади.

Ўзбек адабий тили учун *Тошкент* ва *Фарғона* шевалари асос қилиб олинган. Аслида, шева сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “овоз”, “тил”, “сўзлашиш”, “одағ”, “йўсин”, “равиш” деган маъноларни билдиради. Шева бирор бир тилнинг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларини ўзида акс эттирувчи

муайян қисми ҳисобланганлиги боис лаҳжа тушунчасидан кичикдир. Лаҳжа шевалар йиғиндисидир.

Ўзбек миллий тили кўп лаҳжали тиллардан ҳисобланади. Бу ҳол унинг мураккаб ривожланиш шароити ва этник жиҳатдан хилма-хиллиги билан изоҳланади. Жумладан, унинг диалектал асосини 1) қарлук; 2) қипчоқ; 3) ўғуз лаҳжалари ташкил этади. Бу лаҳжаларнинг ҳар бири кўплаб шевалар бирлигидан ташкил топади. Бошқача айтганда, бир-бирига яқин бўлган шевалар йиғиндиси *лаҳжа* ёки *диалект* дейилади. Лаҳжа ёки шевалар адабий тилнинг муҳим ички манбаи бўлса ҳам, улар фақат оғзаки шаклга эгалиги ҳамда фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан ўзига хослиги билан адабий тилдан фаркланади. Чунки шевалар маълум бир ҳудудда истиқомат қилувчи кишиларнинг ўзаро оғзаки нутқий алоқасини таъминловчи воситадир. Шу боис уларнинг ишлатилиш доираси адабий тилга нисбатан чекланган бўлади.

Бадий услубда, яъни бадий асарлар яратаётганда шевалардан фойдаланиш воқеа, ҳодисаларга маҳаллий, ҳаётий ва ижтимоий тус беришда, шунингдек, персонажлар нутқини индивидуаллаштиришда катта аҳамиятга эга. “Кишилар турли ҳиссиётларини шеваларда ҳамда адабий тил талаффузида билдирадilar. Агар бу ўринда тилда кўпчиликни ташкил этадиган феномен (сўзлар, грамматик хусусиятлар, талаффуз хилма-хиллиги) бир ҳудудда мавжуд бўлса, бу ҳолатга нисбатан шева атамаси қўлланади. Шундай экан, шева “мамлакат тили” ёки аجدодлар қўллаган тилнинг бир варианты эмас, балки тилнинг маълум ҳудуддаги кўринишидир. Барчамиз шевадан фойдаланамиз. Шева адабий тил нормаларига тўғри келмайди ва ундан фаркланади”¹³.

Шевалардан ўринли фойдаланиш бадий ижоднинг, умуман, нутқнинг бадийлигини, услубнинг фазилати, таъсирчанлигини оширади. Аммо шеваларнинг ишлатилиш доираси ва меъёри чегараланган. Шеваларни фақат бадий ва сўзлашув услубида қўллаш мумкин. Расмий, илмий услубларда шевага хос сўзларни қўллаш тўғри эмас. Шуни ҳам қайд этиш лозимки, матбуот, радио ва телевидение, мактаб ва маориф муассасалари таъсири натижасида адабий тилнинг қўлланиш доираси кенгайиб боради.

Оғзаки ва ёзма нутқ хусусиятлари, имкониятлари жиҳатидан бир хил эмас. “Оғзаки нутқда кузатилганидек, ёзма нутқнинг ҳам уч

¹³ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.101

тури фаркланади: формал, информал, нейтрал. Яқин танишимизга қиладиган муомала расмий шахсга қилинадиган муомаладан фаркланади.

Яқин танишимизга **What's up? It's awesome that you came to visit!** (Яхшимисиз? Сизни учратганим зўр бўлди!) тарзида қўлланса, мансабдор ёки бошлиққа нисбатан **Good morning, Mr. ...! We appreciate your visit** (Ассалому алайкум, жаноб ...! Ташрифингиздан бениҳоя хурсандмиз) каби мурожаат кузатилади.

Формал ёзув турида шева сўзлари, клише, турли қисқартмалардан фойдаланилмайди¹⁴.

Социолект – умумий ижтимоий хусусиятларига кўра бирлашган айрим гуруҳларнинг лисоний эҳтиёжларини қондириш учун нутқ амалиётида ишлаб чиқилган мулоқот шакли. Мазкур шакллар ижтимоий чегараланган кишилар гуруҳининг коммуникатив эҳтиёжларига хизмат қилади.

«Арго» (франс. аргот) – умумхалқ тилидан фарқ қилувчи бирор ижтимоий тоифа, гуруҳ (даллоллар, спортчилар, талабалар, ўғрилар...) га хос ясама тил. Мас., колхоз — чиптасиз йўловчилар (хайдовчилар тилида)¹⁵.

«Жаргон»(фран.) – бирон ижтимоий гуруҳ вакилларининг ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари. Мас., новча (ароқ), қизил (вино) – ичувчилар нуткига хос; тоғамнинг ўғли (милиционер, инспектор) – шофёрлар нутқида¹⁶.

«Сленг» – муайян касб эгалари ёки ижтимоий гуруҳнинг оғзаки нутқида қўлланадиган эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сўз ва иборалар. «Сленг» термини илк бор ёзма равишда XVIII асрда Англияда қайд қилинган ва ўша даврда «ҳақорат» маъносини ифода қилган. 1850-йилдан эса «ноконуний» оддий лексиканинг фодаси сифатида кенг қўлланила бошлади.

“Сленг муайян ҳудудга хос сўзлар бўлиб, оғзаки нутқда ҳам, эма нутқда ҳам бундай сўзлардан фойдаланиш кузатилади. Ҳасалан,

- awesome/cool (зўр)
- okay/ok (яхши)

¹⁴ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.- P.17.

¹⁵ Ҳоҷиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Т., 2002.-Б.15.

¹⁶ Ҳоҷиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Т., 2002.-Б.37.

- check it out (ўлмок)
- in a nutshell (қиска қилиб айтганда)

Клише оғзаки нутқда қўлланиладиган нутқий қолиплардир. Бундай қолиплардан формал ёзма нутқда фойдаланилмайди. Масалан,

- Time is money (Вақт бу пул)
- Don't push your luck (Омадингни кўлдан бой берма)¹⁷.

Сленглар кўпроқ ёшлар нутқида учрайди.

Ёшлар нутқидаги социолектларни семантик жиҳатдан бир нечта турга бўлиш мумкин:

1. Гапирувчиларнинг ёшига кўра: «Сен «центр» бўлишинг керак!» (10-12 ёшли болалар нутқидан)

2. Жинсига кўра: «Пахан» уларга «ҳарип» деб мурожаат этса, демак, уларнинг тилидан ҳам бу сўз тушмайди» (ўғил болалар нутқидан, Тоҳир Малик, “Жиноятнинг узун йўли”, 100-б.); «Э кизлар, у ғирт «сиркач» экан (қиз болалар нутқидан. Бу ерда «сиркач» (циркач) сўзи, «масхарабоз» маъносида келган).

3. Маълумотига кўра: «Сезон ўлди, деганинг иссиқ гапми?» (Тоҳир Малик, “Жиноятнинг узун йўли”, 13-б.); талабалар нутқида: «ёпмок» – сессияни тугатмоқ; «воздух» – стипендия; «яхламок» – имтиҳондан қайтмоқ; «стукач» – чакимчи.

4. Нутқ вазиятига кўра: «Телман онасидан кўз узмаган холда ароқнинг юқини ичиб олгач, «Мамул накаут», деб кулди» (Тоҳир Малик, “Жиноятнинг узун йўли”, 89); «Мирҳосил гарданини силаб туриб, кейин бирдан кўл силтади: – Настроения бузилди». (Тоҳир Малик, “Жиноятнинг узун йўли”, 93).

Сленгларни модал муносабатга кўра қуйидагиларга ажратиш мумкин:

1. Ижобий маънодаги сленглар: «Даҳшат қиз экан, жўра!» (ёшларнинг кўча нутқидан. Бу ерда «даҳшат» сўзи “ўта даражада чиройли” маъносида келган); «Қойил, синдирдинг жўра» (ёшларнинг кўча нутқидан. Бу ерда «синдирмок» сўзи «қойил қилиб бажармок» маъносида келган); «крутой» (олифта, “кетворган”).

2. Салбий маънодаги сленглар: «Ғишт экансан-да» (ёшларнинг кўча нутқидан. Бу ерда «ғишт» сўзи «хунук» ёки «юзсиз» маъносида); «ухлатиб кетмок» (алдамок); «рисовка» (кўз-кўз қилмок).

¹⁷ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.- P.17.

Жинойтчилар тўдаси орасида ишлатиладиган баъзи бир социолектлар:

«крахабор» – майда ўғрилар;

«шиннер»– сотқин;

«мент»– милиционер;

«паразуха» – қаттиқ қалтак остида кўрсатма бериш;

«трактор» – жинойтчиларнинг ўзлари кўлбола қилиб ясаган сув иситкичлари);

«карбуша» – таблетка дорилар (гиёҳванд модда билан айбланган шахсларнинг ўз тўдалари ичида улар учун зарур бўлган наркотик модданинг номланиши);

«тайка»– бериладиган нон миқдори;

«шулер»– қиморбоз;

«маняк»– жинойтни кетма-кет содир этган жинойтчи;

«каннибал» – «одамхўр» (одам ҳаётига суйиқасд қилган жинойтчи).

Ёшлар нутқида кўп учрайдиган сўзлар мавзуга оид бўлган бадий асарларда кузатилади. Масалан, Тоҳир Малик асарларида ёшлар нутқида хос сўз ва иборалар кўп. «Алвидо болалик» асаридан:

«Сталба қоровуллари» гаплашадиган аниқ мавзу йўқ (40-б.);

Синфда, ҳатто «зўр»ликни – «лидер»ликни талаб қила бошлайди (57-б.);

«Дискотека» деган бало ҳақида ҳам икки оғиз гапирмасак бўлмас (57-б.);

Аmmo айрим ўсмирлар бу ғояларни ўзларича талқин этиб, жамиятда ўзларича адолат ўрнатмоқ учун «бекиёс етилик»лар ёки «Зорро командасини» ташкил қилишади (120-б.);

«Автомобилдан сакланинг» деган фильмдан кейин ҳам «Деточкин болалари» каби гуруҳлар пайдо бўлиб, шахсий автомобилга зарар етказиш билан шуғулландилар (120-б.);

«Мақтабда ҳатто болалар ҳам ундан кўрқадиган бўлиб, «псих» деб лақаб кўйиб олишган» (132-б.);

«Бўри» уни ҳимоя қилиш мақсадида Тошматни кўрсатди» (148-б.);

«Хўп, сен боравер. Ҳалиги гапимни унутма. Уйингдан чиқиб кет. Отанг «подлес» одам, у билан яшаб бўлмайди» (236-б.);

«Ўпкангни бос, братишка» (236-б.);

«Аmmo у фақат Келдиёров ишининг «ёпди-ёпди»бўлганидан эмас, балки бу «ёпди-ёпди»ларнинг ҳамон давом этаётганидан газабда эди» (245-б.);

«Папул бегоналарни кўйма, деганлар, – Санжар «бегоналарни» деб атай бураб гапирди» (247-б.);

«Қарашворайми, шеф? – деди» (255-б.);

«Биз боп экан бу Қамариддин, – деди Талъат, – бориб чақириб кел, Граф чақирипти, де» (258-бет);

«Миртиллаевни шу «катта балик» ўлдирган дейсизми?» (318-бет);

«Танийман, уларнинг «штаби» кинотеатр олдида» (321-б.).

«Самум» асаридан:

«Тиртиқ» ни табриклаш маросими ниҳоясига етгач, ярим кечада бошланиши мўлжалланган, ўзларининг тилида «сход» деб аталмиш тўпланти ишидан олдин таниш-билишларига ўзаро фикр алмашиб олиш имкони берилди» (13-б);

«Мент»лар куйиб кўмирга айланган жасадни кўришган (13-б);

«Унинг чўнтакда ҳамиша икки «Туз» олиб юришини билмаган Капрал ҳаракатидан ажабланди» (14-б);

«Ҳозир энг зўр тижорат «наркота» экани бутун дунёга маълум, – деди у билағонлик билан» (22-б);

«Мен сени «барон»лик тахтини эгаллаб бўлибсан, деб ўйлабман» (23-б);

«Бор-йўғи пачоқ курьер экансан-ку?» (23-б);

«Гирром «зона»да Бўрон билан биринчи марта учрашганида тирик қолишига амин эди» (28-б);

«Картсер» (карцер) дегани қамоқнинг ичидаги лаънат теккан бир қамоқхона (48-б);

«Бошимга бало келтирадиган тилим бор-да, индамасам кутулардим, лекин «билдим, кансернинг ўзи экан», дегандим, яна йигирма кун «коммунизм»да яшадим.

«Ухлаш нияти йўқ, «чефир» аталмиш аччиқ чой ҳар қандай уйқуни ҳам қочириб юборади (53-б);

«Иримим шунақа «қарға» зотига ишқим бор (68-б);

«Гирром учта «кирол»га қараб, айёрона кулди (95-б);

«Шу ерда «гера» сотилар эканми?» (147-б);

«Червонец». Одамлар ўн сўмлик кизил пулни «червонец» деб ўрганиб қолишган. Бўроннинг оламида бу сўз қамоқ лагеридан ўн йил ўтириб чиққан маҳкумни билдиради (159-б);

«Ўтирганлардан бири чўпондир, бири боғбондир, яна бири эгилиб ишлашга тоби-тоқати йўқ такасалтангдир, ҳар ҳолда жиноят оламида «шоқол» деб номланувчи сурбет тоифадан эмас (180-б);

«Ғайрат Ғирромнинг «жонон кукун» олиб бораётганига унчалик ишонмаган, навбатдаги туллаклик деб ўйлаган эди» (288-б).

«Шайтанатнинг жин кўчалари» асаридан:

«Муҳокама мактуб (улар тилида «ксива») орқали амалга оширилган.

Дастлаб мактубда тавсия этилаётган «гўдак» (малютка)нинг фазилатлари баён этилади: бу гўдак ёш бўлишига қарамай, етарли фазилатларга эга ва

ўғрилар олами учун етарли хизмат қилган» (11-б);

«Ўғрилик чоғида қотиллик қилишдан ҳам эҳтиёт бўладилар ва бу жиноятни «шилта иш» (макруха) деб атайдилар» (12-б);

«Ўғриларнинг умумхазинасига (обшак) кўпроқ пул ўтказган ўғрига ҳам тож кийдирадиган бўлиб қолишган. Бундайларга катталар «лаврушник» деб лақаб бериб, сафларига қабул қилишдан бош тортадилар. «Апелсин» лақаби билан танилган ўғри тождорлар сафига шундай кириб келган» (12-б);

«Ўғрилар эса ўзларининг юқори табақаларини «Ҳалоли» (честняга) деб аташган. (13-б);

«Жиноятнинг «рекет» (дўкандордан зўравонлик билан ҳоконуний пул талаб қилиш) тури авж олди». Улар пулни талаб қилиб боришганда, баъзилари олган пуллари ҳисобига бойларни қимоя қилишарди ва улар «том» (крыша) деб аталарди (20-б).

«Ўғрилик гуруҳлари» ўғриларнинг ўз тилларида:

(«Шайтанатнинг жин кўчалари» асаридан)

1. «Дайди» (бродяга)

2. «Ялангоёк» (босяки)

3. «Чўнтаккесар» (ширмач)

4. «Кўнғизча» ёшроқ киссавурлар.

«Ўғрилар» нинг номлари

«Бозорчилар» – (рыночники) бозорларда ўғирлик қилувчилар;

«Юмронқозиқ» – (кроты) метрода ўғирлик қилувчилар;

«Майдончилар» – (майданчики) темир йўлларда ўғирлик қилувчилар;

«Пойгачилар (маршрутчилар)» – (гончики, маршрутники) шаҳар транспортдаги ўғрилар;

«Дўкондорлар (театрчилар)» (магазинные, театральные) – дўкон ва жамоат жойларидаги ўғрилар;

«Йўлчилар» – (уличные) кўча-кўйда ўғирлик қилувчилар;

«Бадхатлар» – (писаки) кийим, сумка кесишга уста киссавурлар;

«Никобчилар» – (ширмачи) қўлини кийим ёки қандайдир бир буюм ортига беркитиб ўғирлик қилувчилар;

«Балиқ овловчилар» – (рыбаки) чўнтакдаги пулни махсус ясалган қармоқ билан ўғирловчилар;

«Хирурглар» – яширилган пулни махсус қискич (пинцет) ёрдамида ўғирловчилар;

«Чимчилогич» – (щипачи) ҳеч бир ёрдамчи ашёсиз ўғирлик қилувчилар;

«Титратгичлар» – (трясуны) туртиб-суртиниш, талотўп орасида ўғирлик қилувчилар;

«Сумкачилар» – аёллар сумкасини ўғирловчилар;

«Тўнка» – (дубило) хўжалик халтасидаги пулни ўғирловчи (ўғрилар наздида энг паст табақа) ўғрилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жамиятдаги ҳар қандай жараёнлар, улардаги ижтимоий табақалар тилимизда ўз ифодасини топади. Ижтимоий гуруҳларнинг дунёни қандай кўриши уларнинг лексикасида акс этган. Тилдаги социолектлар нутқ эгасининг ижтимоий мавқеидан, маданиятидан дарак беради¹⁸.

Тилнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши кишилик жамияти билан мустақкам боғлиқ. Тил инсоният тарихи қадар қадимийдир. Тил жамият тараққиёти билан бирга ривожланади, ижтимоий ўзгаришлар натижасида тилнинг грамматик қурилиши такомиллаша боради. Тил тараққиёти жамият тараққиёти билан узвий боғланган. Кишилик тарихидан шу нарса маълумки, аввал уруғ тили, кейин қабила тили, элат, халқ ва миллат тили шаклланган. Шеваларда тилнинг муайян тараққиёт босқичларига хос уруғ, қабила, элат тили хусусиятлари ўз изини қолдирган.

¹⁸ Samatboyeva M. O'zbek yoshlari nutqidagi sotsiolektlar (argo, jargon, slang)/ Filologiya masalalari – yosh tadqiqotchilar nigohida. –T., 2018. –B.108 –115.

Умумий тил тушунчасининг шевадан фарқи бор: тил бутун бир халққа хизмат қилади, шева эса халқнинг бир гуруҳигагина тааллуқлидир. Тил кўп вазифали, ҳамма учун умумий бўлган алоқамуносабат воситасидир; шева эса вазифа нуқтаи назардан чегараланган бўлиб, тилнинг оғзаки нутқий кўринишини ташкил этади. Масалан, ўзбек тили – кўп диалектли тил, бу тилга қарлук – чигил – уйғур лаҳжаси асос бўлган. Бу диалект Фарғона, Тошкент, Самарқанд – Бухоро шеваларини ўз ичига олади. Бу ҳол ўзбек тилининг ўзига хос мураккаб тарихий ривожланиш шароити ва ўзбек миллатининг ўтмишдаги хилма-хил этник таркиби билан изоҳланади.

Диалектлар уруғчилик давридан бошлаб, жамият тараққиётининг кейинги босқичига қадар сон жиҳатдан кўпайиб боради. Бу қабилаларнинг яшаш тарзи билан боғлиқ. Аввал бир қабиллага кирган тиллар марказдан узоқлашган сари улардаги диалектал фарқ орта боради ва бу диалектал фарқлар охир-оқибатда янги тил пайдо бўлиши учун асос бўлади. Диалектлар сонининг кўпайиши ва улар асосида янги-янги тилларнинг вужудга келиши тил тараққиётининг *дифференциация* жараёнини ташкил қилади. Дифференциация тилларнинг диалектларга парчаланишидир.

Ҳар бир миллат ўз адабий тилининг мустақамланиши учун аракат қилади. Жамият тараққиётининг кейинги босқичларида диалектлар камайиб, адабий тилга яқинлашиш кузатилади. Буни адабий тил таъсирининг кенгайиши билан изоҳлаш мумкин. Тил тараққиётидаги бу жараён *интеграция* деб юритилади.

Интеграция бир тилга мансуб шеваларнинг адабий тил еъёрларига яқинлашувидир. Бундай жараёнлар тасодифан юз бермайди, балки жамият ривожига, ижтимоий ҳаётнинг тараққиёт араёнларига боғлиқ тарзда содир бўлади.

Тилларнинг ўзаро таъсири натижасида, кўп ҳолларда, маданий ва иқтисодий жиҳатдан яхши ривожланган халқнинг тили таъсирида иккинчи тилга кўпгина сўзлар ўзлашади. Масалан, Африка тилларида араб тилидан ўзлашган сўзлар кўп. Лекин, синча, Африка тилларидан араб тилига ўтган сўзлар жуда кам пиллади. Бир-бирига ўзаро таъсир кўрсатган тилларнинг ҳар қиси ҳам сўзларнинг ўзлашиши натижасида бойийди. Масалан, димий ғарбий герман тилларининг лотин тили билан алоқаси натижасида герман тилларига ҳаётнинг турли соҳаларига тегишли

сўзлар кириб келди: инглиз. *street*, немис. *strasse* “кўча”, инглиз. *cheese*, немис. *Kase* “пишлоқ”, инглиз. *toll*, немис *pfund* “бож ҳақи”, *pound*, *pfund* “фонд” каби. Ўз навбатида, герман тилларидан ҳам лотин тилига қатор сўзлар ўзлашган ва улардан баъзилари испан тилида сақланиб қолган: испан тилида эспиар “ортидан бормоқ”, *tregua* “келишув”, *guardar* “қўриқламоқ”, *orgullo* “фахр” каби.

Тилларнинг ўзаро таъсири уларда сўзлашувчи халқларнинг ёнма-ён ёки яқин худудда яшашига, баъзи ҳолларда, боғлиқ бўлмайди. Баъзи байналмилал сўз ва терминларнинг бир йўла бир неча тилларда қўлланиши бунга мисолдир.

Кўпинча тилларнинг ўзаро таъсири лексика соҳасида, хусусан, сўз қабул қилиш билан бошланади ва кейинчалик у фонетика ва грамматикада ҳам кузатилади. Ўзбек тилида араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар кўп. Араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган баъзи сўзларда ўзлашма фонетик ҳодисалар ҳам мавжуд: тоат, талғат, соат, суръат каби. Бу сўзларда арабча “айн”нинг чўзиқроқ талаффузи кузатилади; с /тс/ (сирк, сиркул), /ж/ (жюри, журнал) фонемалари ўзбек тилига грек тилидан кириб келган сўзлар билан бирга ўзлашган.

Бир тилдан иккинчи тилга сўз ўзлашиши натижасида улардан бирининг таркибида катта ўзгаришлар содир бўлади. Бундай таъсир тиллардан бирининг йўқолиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Сақланиб қолган тилда йўқолган тил унсурларининг бўлиши субстрат (лотинча суб “юкориъ, стратум “қатлам”) деб аталади. Субстрат кўпроқ фонетика соҳаси-да кузатилади. Масалан, герман тилларидаги “юз” ва “минг” сонлари қадимий инглиз, қадимий саксон тилларида хунд, қадимий юкори немис тилида хунт, бошқа герман тилларида хунда шаклида ўзлашган. “Минг” сўзи *thusundi* шаклида (қадимий инглиз тилида *thusend*, қадимий фриз тилида *thusend*, қадимий саксон тилида *thusundig*, *thusint* каби) ўзлашган. Бу сўзларда фонемалар алмашуви кузатилади. Қримдаги готлар тилида *сада* “юз”, ўрта осетин тилида *сада*, фин-угор тилларидан ўзлашган *сада* ва ҳазар “минг” (ўрта форс тилида ҳазар, венгер тилида ўзлашган *эзер* шакли мавжуд)¹⁹.

Кишилар икки ва ундан ортиқ тилларда сўзлаша оладилар. Шунга кўра икки тиллилик билингвизм (грекча *би* “икки”, *лингва*

¹⁹ *Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. -T.: “Sharq” NMAK, 2010.- B.116.*

“тил”) ва кўп тилда сўзлашиш – полилингвизм (грекча *поли* “кўп”, *лингва* “тил”) фарқланади.

Тилларнинг ўзаро таъсири, билингвизм масаласи, унинг ўзига хос кўринишларини илмий жиҳатдан ёритган мутафаккирлардан бири Алишер Навоийдир. Алишер Навоий туркий ва сарт халқларининг тилни билиш, тил кўникмаларига эга бўлиш маданияти ҳақида сўз юритар экан, бу халқларнинг тилдан фойдаланиш даражаларини баён этади. Туркийларнинг сарт тилини тўлиқ ўзлаштиргани, кичигидан тортиб каттасигача бу тилни мукамал билишлари ҳақида маълумот беради: *Аммо туркнинг улугдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидан бахраманддурлар. Туркийларнинг сарт тилини шунчаки билибгина қолмай, унинг нозик жиҳатларини фарқлашлари, шу тилда рангин ашъорлар битишлари ҳақида ёзган: Андоқким, ўз хурд аҳволига кўра айта олурулар, балки баъзи фасоҳат ва балогат била ҳам такаллум қилурулар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурулар.*

Сартларнинг турк тилида сўзлаша олмасликлари, бу тилни тушунмасликлари, юзтадан, балки мингтадан биттаси билса ҳам, талаффузида ўз тилига хос хусусиятлар сезилиб туришини таъкидлаган: *аммо сорт улусининг арзолидин аширофигача ва омисидин донишмандигача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилгоннинг маънисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўз айтса ҳам ҳар киши эшитса, билур ва анинг сарт эканини фаҳм қилур*²⁰.

Жамиятдан ташқарида яшаган инсон қанча умр кўрмасин, у гапира олмайди. Чунки тил наслдан наслга, авлоддан авлодга ўтмайди, яъни уни ирсиятга боғлаб қўйиш тўғри бўлмайди. Ирсият қонунига биноан, боланинг биологик, антропологик хусусиятлари авлоддан авлодга ўтади, лекин ўзбек оиласида туғилган бола фақат ўзбек тилида гапиради, дейиш нотўғридир. У қайси тилда гапира бошлаши қайси оила, қайси ижтимоий муҳитда тарбияланишига боғлиқ. Боланинг қайси тилда сўзлай бошлаши уни ўраб турган тил муҳитига боғлиқ. Масалан, француз боласи гўдакликдан японияликлар орасида тарбияланса, у фақат японча сўзлаб, аждодлари тилини билмайди, япон тили унинг она тилига айланади.

²⁰ *Alisher Navoiy. Muhokamat ul-lug'atayn. -T., 2011. - B.37.*

Аммо боланинг биологик белгилари (юз тузилиши, сочининг ранги ва хоказолар) ўзгармаган ҳолда шаклланиб боради.

“Тилнинг пайдо бўлиши, унинг такомиллашиб бориши, одамзоднинг бундай буюк неъматга ноил бўлишидай мураккаб жараёнда ижтимоий муҳитнинг, кишилик жамоасининг ҳал қилувчи омил эканлигидан иборат ҳақиқатни инсон ақли тўлиқ англаунга қадар кўп замонлар ўтган. Эрамиздан олдин ҳам, бизнинг эрамизда ҳам дунёнинг турли бурчакларида ана шу ҳақиқатни излаб турли-туман тажрибалар ўтказилган.

“Мўғуллар империясининг умумий таҳрири” (Париж, 1705) номли китобда XVI асрда Акбаршоҳ томонидан ўтказилган бир ғаройиб тажриба ҳақида батафсил ёзилган. Улуғ шоҳ “Бирон-бир тилга ўргатилмаган одамнинг табиий тили яхудий тили бўлади” деган ғайриилмий гапни эшитиб қолади. Шунда Акбаршоҳ болага ҳеч қандай тил атайлаб ўргатилмаса, у қайси тилда гапирадиган бўлишини билишни истайди. Ана шу мақсадда шоҳ ўн иккита эмизикли болани ажратиб олиб, Аградан олти мил узокликдаги қалъага жойлаштиради, уларни тарбиялашни ўн икки соқов энагага топширади. Тилсиз қоровулга қалъа дарвозасини очиш қатъиян тақиқланади, дарвоза очилса, унинг боши олиниси айтилади. Вақт ўтиб, болалар ўн икки ёшга йетганда, шоҳ болаларни хузурига келтиришни буюради ва саройга барча тилларни биладиган донишмандларни ҳам таклиф қилади. Улар Аграда яшайдиган яхудий болалар чиндан ҳам яхудийча гапириши ёки гапирмасликларига ҳакамлик қилиши керак эди. Аграда араблар ва халдей (сомийлардан бўлган қадимий халқ)лар кўп эди. Ҳинд файласуфлари бу болаларнинг тили санскрит (қадимги ҳинд тили)ча бўлиб чиқади, деб ҳисоблардилар. Аммо болалар шоҳ хузурига келтирилганда, барча ҳайратдан тош қотади. Чунки болалар ҳеч бир тилда гапирмас эдилар. Улар ўз энагаларидан фикрларини фақат турли имо-ишоралар билан ифодалаб, ҳеч қандай тилсиз муомала қилишни ўрганган эдилар. Улар бу нотаниш, бегона жамоадан кўрқиб-хурқиб турардилар, очилмай тугилган бу тилларининг тугунини йечмоқ тамоман мушкул эди, бу тилларга нутқ товушларини айттирмоқ замони ўтиб бўлган эди”²¹.

Бошқа бир мисол: 1920 йилда Ҳиндистонда овчилар бир уяда икки бўри боласи ва икки қизчага дуч келганлар. Улар (айниқса,

²¹ Mahmudov N. Til. – Т., 1998.-Т.4

уларнинг каттаси – Камола) ўзларини бўри сифатида тутганлар. Камола бўрилар билан 15 йил бирга ҳаёт кечирган. Лекин у гапиришни умуман билмаган. Фақат ўргатишнинг учинчи йилида икки оёқда туришни (шунда ҳам орқасидан ушлаб турилса) ўрганган. Етти йилдан кейингина икки оёқда юра бошлаган. Лекин, барибир, югуриш зарурияти туғилса, эмаклаб чопган. Уни гапиртириш яна ҳам қийин бўлган. Тўрт йил давомида фақат олти сўзни билиб олган. Етти йил давомида Камоланинг луғатидаги сўзлар элликка ҳам бормаган. 16 ёшида бу қиз ўзини 4 ёшли қиз ҳолида тутган.

1998-йилда матбуотда Лондон шаҳридаги кўп қаватли уйнинг эртўласида итлар билан яшаб юрган 7-8 яшар бола топилгани, унинг гапира олмаслиги, итларга хос эмаклаб юриши, югуриши, сувни тили билан ялаб ичиши, итлар каби увлаши ҳақида хабар ўлон қилинди. Маълум бўлишича, ота-она ичкиликка берилиб сетиб, бола бир ярим-икки яшарликда дом-дараксиз йўқолган. Ҳеч сим қидирмаган, изламаган. У эмаклаб кўчага чиққанича, итларга сўшилган, гўдаклигидан то 7-8 ёшигача улар билан бирга бўлган. Жамиатда яшаб туриб, жамиятдан айро тушган. Натижада инсонлик сиёфасига эга бўлмаган, турган гапки – сўзлашни ҳам билмаган. Бу рожеа техника такомиллаша боргани, жамият ривожлангани сари леҳр-оқибат, бошқалар ҳаётига эътиборнинг сусайиб бораётганидан ҳалолат беради.

Келтирилган мисоллар ҳам тилнинг жамият билан боғлиқлигини, уни жамиятдан ажратиш мумкин эмаслигини, илнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини кўрсатиб турибди. Маълумки, жамиятга хизмат қиладиган ижтимоий ҳодисаларнинг урлари ниҳоятда кўп. Аммо бу ҳодисаларнинг жамиятда ажарадиган функциялари, ўзига хос хусусиятлари ва қўлланиш доираси бор. Масалан, базис жамиятнинг иқтисодий тузилишини, стқурма эса жамиятнинг сиёсий, юридик, идеологик меъёрларини белгилаб беради. Ҳар бир тузумнинг ўз базиси ва устқурмаси бўлиб, ижтимоий-иқтисодий формацияларининг ўзгариши билан базис ва стқурма ҳам ўзгариб туради. Тил эса на базис ва на устқурма аркибига қирмайдиган ўзига хос ижтимоий ҳодисадир.

Савол ва топшириқлар

1. Тил интеграцияси ва дифференциацияси ҳақидаги тушунчаларингизни баён этинг.

2. Маҳаллий тилларга хос хусусиятларни айтинг.

3. Тилнинг ижтимоий вазифаларини мисоллар асосида тушунтиринг.

4. Тилнинг коммуникатив функцияси ҳақида маълумот беринг.

5. Тилнинг эмоционал-экспрессив функциясини тавсифланг.

6. Халқаро тил ва унинг моҳияти ҳақидаги тушунчаларингизни баён этинг.

7. Сунъий тилларнинг қўлланишига муносабат билдиринг.

8. Э.Воҳидовнинг

Нотик деди: тақдир шул,

Бу – жаҳоний ирода.


Тиллар йўқолур буткул –

Бир тил колур дунёда, деб бошланадиган шеърини интегротив ёндашув асосида таҳлил қилинг.

9. Тил ва жамият муносабатига доир “кейс” топширигини бажаринг. Ўзбек миллатига мансуб, аммо ўзбек тилини яхши билмайдиган аудитория мажлис учун йиғилган. Маърузачи ўзбек тилида маъруза қилишни режалаштирган, рус тилини яхши билмайди. Айдитория маърузачидан рус тилида маъруза қилишини сўради. Маърузачи қандай йўл тутиши керак, деб ўйлайсиз?

10. “Социолингвистика” соҳаси моҳиятини “Венн диаграммаси” асосида ёритинг.

«Venn» diagrammasi



Асосий тушунчалар глоссарийси

Интеграция – диалектларнинг камайиб, адабий тилга яқинлаша бориши, адабий тил таъсирининг кенгайиши.

Дифференциация – диалектлар сонининг кўпайиши ва улар асосида янги тилларнинг вужудга келиши, тилларнинг диалектларга бўлиниши.

Тилнинг тарихийлиги – тилнинг пайдо бўлиши, яхлит тизим тарзида шаклланиши, ижтимоий ҳодиса сифатида мавжудлиги.

Тилнинг ҳаётлиги – унинг алоқа-муносабат воситаси сифатида мавжудлиги.

Тилнинг меърийлиги – тилнинг муайян меъёрлар асосида мувофиқлаштирилиши.

Худудийлик – тилнинг маълум ҳудуд билан боғлиқлиги, миллат, элатга хос урф-одат, анъаналар, тарихий-этник бирлик ва ягона давлат тизимида алоқадорлиги.

Меъёрлаштирилган тиллар – адабий тил меъёрига эга бўлган тиллар.

Қадимий тиллар – тилларнинг дастлабки тараққиёти даврида шаклланган, такомилга етган, энг қадимий маданий-маънавий ёдгорликлар яратилган тиллар.

Маҳаллий тиллар – ўз ёзувида эга бўлмаган, фақат оғзаки шаклда мавжуд бўлиб, аҳолининг кундалик алоқа-муносабат эҳтиёжи учун хизмат қиладиган тиллар.

Креол тиллари – Европа мустамлакачиларнинг африкаликлар, Шарқ мамлакатлари халқлари ва Америка ҳиндулари билан мулоқоти натижасида маҳаллий аҳоли тилларига Европа тиллари (француз, инглиз, португал) хусусиятларининг сингишидан ҳосил бўлган тиллар: гити-креол, испан-наутал тиллари.

Пижи тиллари – Европа тиллари билан маҳаллий тилларнинг аралашувидан юзага келган тиллар. Пижин тилларида сўзлашадиган жамият йўқ. Пижин тилларидан порт шаҳарларида иккинчи тил сифатида фойдаланилади.

Сунъий тиллар – махсус яратилган халқаро тиллардир: масалан, поляк олими Л.Заменгоф томонидан яратилган эсперанто тили.

3-§.ТИЛ ВА ТАФАККУР

Режа:

1. Тил ва тафаккур алоқадорлигининг мантикий асослари.
2. Тил ва тафаккур бирликлари ўртасидаги муносабат.
3. Сўз ва тушунча муносабати.

Асосий тушунчалар: коммуникация, дунёни билиш, ҳисси билиш, идрок этиш, тил бирликлари, фонема, морфема, лексика конструкция, мантиқ бирликлари, ҳис-туйғу, сезги, идрок, тушунча ҳукм, тафаккур, нутқ ситуацияси, мантиқ, идрок, мулоқат жараёни, референт, сигнификат, сигнификатив муносабат денотат, референт, коннотатив маъно, денотатив маъно, тасвир қонунлари, тафаккур қонунлари.

Дунёни билиш, идрок этиш масаласи доимо фалсафа фанини диққат марказида бўлиб келган. Қадимги файласуфлар ҳам дунёни билиш мумкинлигини эътироф этиб келганлар. Хусусан, ўрта осийлик буюк мутафаккирлар Хоразмий, Форобий, Беруний, Аб Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ва бошқалар ҳам ўз асарларида дунёни билишнинг, билиш жараёнида ҳиссий органлар билан ақлнинг роли ҳақида муҳим фикрларни илгари сурадилар.

Инглиз файласуфи Бекон таълимотига кўра, билиш жараёни фан ва амалиёт билан боғлиқ бўлиши ва шуларга бевосита хизма қилиши керак. Унинг фикрича, объектив мавжудлик тўғрисидаги билимлар сезгиларимиз орқали олинган далиллар туфайлигини тафаккур ёрдамида тўлдирилади. Франсуз файласуфи Декарт эса тафаккурни билишнинг бирдан бир манбаи деб билади. Декартнинг ватандошлари Дидро, Голбах, Гелвещийлар дунёни билиш жараёнида сезгиларимиз билан тафаккурнинг родини тан олсаларда, уларнинг ўзаро муносабатларини тўла-тўқис очиб бера олмадилар. Тафаккур хусусида бундай фалсафий фикрларни кўп келтириш мумкин. Лекин фалсафада шундай фикр бор: билиш – инсон тафаккуридаги воқеликнинг инъикос жараёнидир²².

Инсоният билан бирга пайдо бўлган тил унинг ҳаётида энг муҳим роль ўйнаб келган ва бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Тил, энг аввало, инсон ва унинг тафаккури

²² Tulenov J. Dialektika nazariyasi. – Т., 2001.

шаклланишидаги зарурий шартлардан биридир. Аниқ нутқнинг пайдо бўлиши инсоннинг билиш, идрок қилиш жараёнларини тамоман ўзгартириб юборди. Тил туфайли инсон тафаккури бойиди, моддий дунёдаги нарса ва предметларни онг орқали идрок қилиш, улар устидан мулоҳаза юритиш, объектив борлиққа оид фикрларини сўз билан ифодалаш имконига эга бўлди. Тил илк даврлардан бошлаб ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайдиган вазифани, яъни инсон тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш функциясини бажариб келади.

Психологияда ҳам инсоннинг тафаккур фаолияти ҳақида сўз юритилганда, ҳиссий билиш билан бир қаторда, тил ва нутқнинг ўзаро боғлиқлиги алоҳида қайд этилади. Бунда инсон психикасининг ўзига хослиги намоён бўлади. Жонзотларнинг ўта оддий, жуда содда инстинктлари ҳамма вақт фақат ҳайвоний ҳаракатлигича қолади; улар мавҳум, бавосита билиш даражасига йетмайди. Ҳайвонлар кўз ўнгида турган нарсаларни бевосита идрок қилади ва бу ҳаракат доирасидан четга чиқмайди. Инсон нутқи шаклланишдан сўнггина объектдан маълум бир хусусиятни ажратиб олиб, уни махсус сўз ёрдамида тасаввурда ёки тушунчада қонлантириш, мустаҳкамлаш, қайд этиш имконияти туғилди. Тафаккур сўзда ўзининг моддий қобиғига эга бўлади, тафаккур вақат сўз орқали бошқалар учун реалликка айланади. Инсон тафаккурини, у қандай шаклда бўлмасин, тилсиз амалга ошириб бўлмайди. Ҳар қандай фикр нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда айдо бўлади ва ривожланади. У ёки бу фикр қанчалик чуқур ва ҳосли суратда ўйланган бўлса, у сўзларда, оғзаки ва ёзма нутқда у даражада аниқ, яққол ифодаланган бўлади. Фикрнинг сўз орқали ифодаланиш даражаси унинг такомиллашгани, аниқлигидан иллат беради.

Киши ўзининг фикр-мулоҳазаларини бошқалар учун овоз қилиб айтар экан, шу мулоҳазаларни ўзи учун ҳам ифодалайди. Фикрнинг ана шу тарзда сўзлар орқали ифодаланиш, мустаҳкамлаш, сўзларда қайд қилиш унинг бўлинишини англатади, диққатни шу фикрнинг турли ўринларида ва қисмларида тутиб туришга ҳам беради ҳамда фикрнинг қисмларга бўлиш орқали янада қуррақ тушунишга имкон яратади. Шу туфайли кенг, изчил, темали мулоҳаза юритиш, яъни тафаккур жараёнида туғилган маъна асосий фикрларни бир-бири билан аниқ ва тўғри солиштириб

кўриш мумкин бўлади. Сўзда, фикрни ифодалашда тафаккурнинг энг муҳим зарурий, мулоҳазали, мантикий бўлакларга ажратилган ва англашилган томонлари намоён бўлади. Фикр жумлаларда – оғзаки ёки ёзма матнда мустаҳкам қайд қилинади. Шунинг учун, керак бўлганда, мазкур фикрга яна қайтиш, уни янада чуқурроқ ўйлаб, текшириб кўриш ва қайта ўйлаш давомида бошқа фикрлар билан солиштириш имконияти сақланиб қолади. Инсон тафаккури тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқдир. Тафаккур зарурий тарзда моддий сўз қобиғида мавжуддир²³.

Мантиқ илмида ҳам тил ва тафаккур муносабатларига алоҳида эътибор берилган. Мантиқ илмида тафаккурнинг муҳим хусусияти сифатида унинг тил билан боғланганлиги эътироф этилади. Унда таъкидланишича, инсон тафаккури унинг тили билан бирга такомиллашиб боради. Тил орқали тафаккур мустаҳкамланади. Тил ўзининг шу хусусияти билан инсонга билим тўплашга, уни сақлашга, авлоддан авлодга узатишга, тўплаган билимларидан ҳаётий фаолиятида унумли фойдаланишга ёрдам беради. Шу билан бирга, тил тафаккурни такомиллаштириш, мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва жузъийлаштириш куралидир. Шунинг учун ҳам тафаккуримиз воқеликни бевосита акс эттириш воситаси бўлган сезгилардан тил ёрдамида ифодаланиши билан фарқ қилади.

Тил ва тафаккур реалликни билиш, бошқа инсонлар билан муносабатда бўлиш, объектив реалликка таъсир кўрсатиш, ҳар бир ишни олдиндан ўйлаб, онгли равишда амалга ошириш қабиларда намоён бўлувчи, умуман, инсон фаолиятининг онгли, мақсадга мувофиқлигини таъминловчи, инсонгагина хос бўлган муҳим хислатдир. Амалда, ҳаётда, тарихий жараёнда тил ва тафаккур ўзаро ажралмас бўлса-да, уларни турли фанлар алоҳида ўрганади. Масалан, тафаккур формаларини мантиқ фани ўрганса, тил категорияларини тилшунослик фанлари тадқиқ этади. Тафаккур умуминсоний бўлса, тил, унинг қонун-қоидалари миллий характерга эга. Дунёдаги тиллар жуда кўп қонун-қоидаларига кўра бир-биридан фарқ қилади. Тафаккур шакллари, тамойиллари эса инсонларнинг миллати, ирқи, даврдан қатъий назар, ҳаммада бир хилдир²⁴. Демак, тафаккурнинг моддий қобиғи тилдир. Шундай экан, тил билан тафаккурни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Лекин

²³ *Umumiy psixologiya*. - T.: O'qituvchi, 1992.

²⁴ *Xayrullayev M., Haqberdiyev M. Mantiq*. -T., 1993.

айрим тилшунослар, хусусан, Н.Й.Марр тил билан тафаккурни ажратиб қўйди. У шундай ёзади: “Тил табиий материядан холи бўлган, техникада ўсиб бораётган тафаккурдир”. Бунда, албатта, тилнинг тафаккурдан ажратиб қўйилганлиги кўриниб турибди. Гўё кишилар келажакда ўз қобиғидан холи бўлган тафаккур билан иш кўради²⁵. Албатта, бу фикрлар бундан 70-80 йил муқаддам айтилган. Н.Й.Марр техника тараққиётини ўз қарашларига кўра баҳолаган бўлиши мумкин. Лекин бугунги ахборот технологиялари тараққий этган даврда ҳам тил билан тафаккур бир-биридан алоҳида ривожланган эмас, акеинча, янада яқин муносабатда бўлмоқда.

Биламизки, ҳали тили чиқмаган чақалоқ бир кунда ўз она тилида гапира олмайди. Унинг тили бир неча ойлар, йиллар ичида аста-секин шаклланиб, ривожланиб боради. У дастлабки тил руҳиятини она сути ва она алласи орқали олади. Она алласи орқали чақалоқ ором олиш билан бирга унинг кўнгил дунёсига миллий руҳ киради. Демак, боланинг илк тил малакалари, дунёни миллий кўз билан идрок этиш тажрибалари оилада таркиб топади. Тил ҳақида олмоғ тилшуноси Вилгельм фон Гумбольдт шундай дейди: “Тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижасидир”²⁶. Агар чуқурроқ ўйлаб қарасак, ҳар бир миллатнинг ўзига хос кўриш тарзи, ўзига хос идрок интизоми, ўзига хос тафаккур тамойили бор. Америка тилшуноси Бенжамин Ли Уорф “Агар Ньютон инглизча гапирмаганида, инглизча ўйламаганида эди, унинг коинот ҳақидаги буюк кашфиёти бир қадар бошқачароқ бўларди”, деган эди²⁷.

Тилшунослик мантиқ фани билан узвий алоқадордир. Тилнинг мантиқ билан алоқадорлиги шундаки, ҳар иккиси ҳам тафаккур билан боғланади. Тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлган тил тафаккур билан алоқадор. Тил кишиларнинг олам ҳақидаги билимларини, фикрларини бошқаларга етказувчи ва шакллантирувчи воситадир.

Тил ва тафаккур ўзаро диалектик муносабатда экан, уларни ўрганувчи тилшунослик билан мантиқ ўртасида ҳам ана шундай боғлиқлик таъминланади.

²⁵ Содиқов А. ва бошқ. Тилшуносликка кириш. –Т., 1981.

²⁶ Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. –Т., 2010. –В.87.

²⁷ Берёзин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкознание. – М.: Просвещение, 1979.

Тил фикр ифодалашнинг муҳим воситасидир. Тафаккур билан тилнинг муносабати мураккаб жараёндир. Тил фикр ифодаси сифатида мавжуд, ўз навбатида фикр тил асосида юзага келадиган жараён. Тил ҳам, тафаккур ҳам меҳнат жараёнида, кишилик жамиятида шаклланган.

Тил бирликлари – фонема, морфема, лексема, конструкция бир бутун ҳолда, мантикий тушунчалар (ҳис-туйғу, идрок, тафаккур) билан узвий боғлиқдир. Нутқ жараёни тил бирликларининг мантикий изчиллиги ва мақсадга мослиги натижасидир. “Бизнинг нутқ товушларини талаффуз қилишимиз фонетик бирликларни мақсадли тарзда бирлаштиришдан иборат. Биз муайян сўзни инглиз ёки венгер сўзи бўлиши мумкин эмас, деб айтишимиз мумкин. Тиллар турли-туман ва уларнинг фойдаланувчилари учун умумий тамойиллар, қоидалар ишлаб чиқариб бўлмайди. Агар шундай қилиш мумкин бўлса ҳам, венгер ва инглиз тиллари тизимини бир хил қоидага солиб бўлмайди.

Айрим сўзларни маълум қоидалар асосида меъёрлаштириш мумкин. Тил тамойиллари асосида сўзларни ташкил этиш ва товушларни бирлаштириш имкониятлари чексиз. Инсон тилидаги бу муҳим хусусиятга икки жиҳатдан ёндашилади. Маъносиз элементлар сони бир қатор мазмунли элементларни ҳосил қилиш учун бирлаштирилиши мумкин. Сўзлардаги икки хил шаклни кўриш учун (доғ) ит сўзини таҳлил қилайлик. Алоҳида-алоҳида ҳолатда /д/, /о/ ва /г/ маъносиз, лекин улар биргаликда мазмунли ифодалайди. Булардан бирининг ўрнига бошқа бир шакл қўйилса, масалан, /д / о/ с/ маъно ўзгаради. Маълум бир сўздан бошқа шаклдаги сўзнинг ҳосил бўлиши тилдаги унумдорлик асосида юз беради. Сўзнинг гап таркибидаги маънолари синтактик унумдорлик асосида амалга ошади. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мавзунинг ўзгариши билан шунга мос равишда ҳукм чиқариш мумкин. Тилшунослик қоидалари асосида бир қатор бирикмаларни шакллантириш мумкин. Лингвистик таҳлилнинг ҳар бир даражасида муайян, чекланган миқдордаги элементларни топиш, чексиз миқдордаги элементлар билан бирлаштириш мумкин. Олдин эшитилмаган роман ҳақида ҳеч нарса айтиб бўлмайди, лекин она тилида ифода этилган ҳар қандай матнни тушуниш мумкин. Бу

инсонларнинг ҳайвонлардан фарқ қиладиган, алоканинг муайян шаклларида фойдаланиши мумкин бўлган бир жиҳатидир²⁸.

Мантиқ тафаккур шакллари қонунлари ва усулларини ўрганади. У инсон фикрининг аниқ, равшан, кетма-кет ва асосли бўлишини таъминлайди. Мантиқ тилшуносликнинг грамматика бўлими билан бевосита муносабатдадир. Чунки тушунча сўз ва сўз бирикмалари орқали ифодаланса, фикр гап орқали ифодаланади.

Ҳар бир киши учун грамматикани билиш қанча зарур бўлса, мантиқнинг шакл ва қонунларини ўзлаштириш ҳам шунчалик зарурдир. Бу шуни кўрсатадики, мантиқ билан грамматика ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради.

Мантиқ шакллари: тушунча, идрок, ҳукм ҳамма халқлар учун умумий бўлса, уларнинг турли тилларда ифодаланиш шакллари турли-тумандир. Шунинг учун ҳам ҳар бир тил бошқасидан фарқ қиладиган грамматик қурилишга эга.

Мантиқ (арабча “нутқ”, “сўз”, “сўзлашиш”) – юнон тилидаги “фикр”, “сўз”, “қонун” маъносини англатадиган *логика* тэрминининг араб тилидаги ифодаси. Мантиқ тафаккур шакллари қонунлари ва усулларини ўрганади. У инсон фикрининг аниқ, равшан, кетма-кет ва асосли бўлишини таъминлайди.

Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси, билимларни сақловчи ва келажак авлодга етказувчи воситадир. Тил ва тафаккур ўзаро ажралмасдир. Тил узлуксиз ривожланиб, такомиллашиб боровчи ходисадир. Шу жиҳатдан у жонли организмга ўхшайди (лекин бундан тил фақат биологик ходиса, деган фикр келиб чиқмайди) ва шу хусусиятларни ўрганиш жиҳатдан тилшунослик *биология* фани билан умумий белгиларни намоён этади.

Тил фикрни шакллантирувчи ва ифодаловчи моддий восита бўлиб, бу жиҳатдан тил ва тафаккур муайян шаклни ўзида намоён этади, тилшуносликни ана шу жиҳатдан *мантиқ*, *психология* фанлари тизимига киритиш мумкин бўлади. Инсонлар бир-бирлари билан тил орқали доимий мулоқотда бўладилар, демак, тил ва тафаккур чамбарчас боғлиқ, тилсиз фикрни ифодалаб бўлмаганидек, тафаккурсиз тил ҳам мавжуд бўлмайди. Тил фақат кишиларга хос, тафаккур ҳам инсониятга хос бўлиб, бош миянинг моддийлиги ва физиологик вазифаси билан алоқадор. Тафаккур – ташқи моддий оламнинг онгда акс этиш шаклидир. Фикрни тўлик

²⁸ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. -Budapest, 2006.-B.18

ифодалаш қийин. Демакки, тафаккур тилда ифодасини тўлик топмайди. Тил қонунлари билан тафаккур қонунлари бир-бирига тенг келмаслиги мумкин. Масалан, *Шер ёзилди* гапида грамматик эга мавжуд: *шеър*. Аммо мантикий эга, субъект мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам тил грамматиканинг ўрганиш объекти ҳисобланса, тафаккур мантик илмининг ўрганиш объектидир. **Тил фикр ифодасининг муҳим воситасидир**. Тафаккур билан тилнинг муносабати мураккаб жараёндир. Тил фикр ифодаси сифатида мавжуд, ўз навбатида фикр тил асосида юзага келадиган мураккаб жараён ҳисобланади. Тил ҳам, тафаккур ҳам меҳнат жараёнида жамиятда шаклланган. **Тил бирликлари** – фонема, морфема, сўз, гап мантикий тушунчалар (ҳис, сезги, идрок, тафаккур) билан узвий боғлиқдир.

Сезги дунёни инъикос этишнинг бошланғич шакли, билишнинг қадимий, фаол усулидир. Демак, сезги-объектив дунёнинг субъектив инъикосидир.

Идрок қилиш ҳиссий билишнинг мураккаброқ шакли бўлиб, у сезги аъзоларига бевосита таъсир кўрсатувчи буюмни яхлит ҳолда акс эттиради. Мия инсон илгари идрок қилган нарсани ўз хотирасида сақлаб қолиш ва уни қайта тиклаш қобилиятига эга. Сезги аъзоларига таъсир кўрсатмаётган буюмнинг ана шундай қайта тикланган қиёфаси тасаввур деб аталади.

Тушунча – ҳодисаларнинг онгда акс этган энг муҳим умумий қонуний алоқалари, муҳим томонлари ва белгиларини акс эттирувчи тафаккур шакли саналади. Тушунчалар сўзлар орқали ифодаланади.

Ҳукм – борлиқдаги нарса, ҳодиса, жараёнларни, уларнинг хусусияти, алоқа ва муносабатларини акс эттирувчи тафаккур шакли бўлиб, у гапларда ўз ифодасини топади. Тушунча ва ҳукмлар хулоса учун хизмат қилади.

“Тафаккур тили коммуникацияда энг муҳим метод ҳисобланади, тил табиатини намоён қилади. Биз мулоқот жараёнида сўзлаш билан биргаликда имо-ишоралар, юз ифодалари, қолаверса, тана ҳаракатларидан ҳам фойдаланамиз, булар новербал воситалардир. Бирор тилни ўқитишда бу воситалар турли коммуникациялар тизими сифатида намоён бўлади. Тил табиатини ўргатишда, айниқса, коммуникация жараёнида мантикий фикрлашни шакллантириш инсон психологиясини англашга,

фикрлаш доирасининг кенгайишига олиб келади ва ижтимоийлашувни тезлаштириш вазифасини бажаради”²⁹.

Тилшуносликни у ёки бу фанлар синфига киритишда бу фан ўрганадиган объектнинг табиати асос қилиб олинади. Тил кишиларнинг энг муҳим алоқа воситаси, билимларни сақловчи ва келажак авлодга етказувчи воситадир. Ана шу вазифаларини эътиборга олганда, тил – ижтимоий ҳодисадир. Чунки у жамият учун хизмат қилади. Иккинчидан, ижтимоий характерга эга бўлган тил муайян физик ва физиологик жараёнлар асосида моддийлашади. Учинчидан, тил ва тафаккур ўзаро ажралмасдир. Тўртинчидан, тил узлуксиз ривожланиб, такомиллашиб борувчи ҳодисадир. Бу жиҳатдан у жонли организмга ўхшайди.

Тилдаги айрим қонуниятлар биологик жараёнлар билан боғлиқ. Жумладан, нутқ аъзолари, нутқ жараёни биологик-физиологик ҳодисалар асосида изоҳланади. Шунга кўра тилшунослик биология билан алоқадор.

Кишилар, одатда, бир-бирлари билан тил орқали муносабатда бўлади. Фикр тил орқали воқеланади, тилда мавжуд бўлади. Онгда пайдо бўладиган фикрнинг моҳиятини, мазмунини ташкил этадиган ҳар қандай идрок ёки тасаввур ҳам фақат сўзлар воситаси орқали намён бўлади.

Тил ва тафаккур муносабатида қайси бирининг аҳамиятлиги, муҳимлиги, бирламчи эканлиги ҳақида савол туғилади. “Қайси бири биринчи юзага келган? Қайси бири аввал пайдо бўлган?”


Борлиқ барча учун бир хил, бироқ унинг ифодаси бўлган тилдан турли даражада фойдаланилади. Бу ҳақида Америкада 1950-йилларда мантиқ мактаби вакили Сепир-Ворфнинг қарашлари (гипотезалари) аҳамиятли. Унда тил қайсидир ҳолатда борлиққа таъсир этади, деган қараш мавжуд. Бу қараш кўплаб исботланган ва исботланмаган фикрларга сабаб бўлган. Шунга қарамай, ушбу муаммога ҳали ҳам қизиқиш юқори: нима деб ўйлайсиз, тил тафаккурнинг шаклими ёки тафаккур тилда шаклга кирадими? Тилшуносликда тилни ўрганишда ёки таржима жараёнида ушбу саволга қайта-қайта дуч келинади.

²⁹ *Vrabel T.T. Lectures in theoretical phonetics of the english language and method-guides for seminars, poliprintungvár, 2009. – P.12. Linguistics: The Scientific Study of Human Language, 2006.*

Инсон ҳар бир тилда дунёни англашда ўз дунёкараши ва тил имкониятига таянади. Баъзи тилларда сўзлашувчилар томонидан предметларнинг турли хусусиятлари ёритилади. Италия тилини олайлик, бу тилда паста (макарон)нинг турлари мавжуд ва уларнинг номлари ҳам бор. Масалан, *macaroni, spaghetti, orzo, penne*. Номлар сўзлашувчиларнинг ҳаёт тарзи билан боғлиқ. Бу сўзлар инглиз ва венгер тилларида мавжуд эмас ва бу сўзлар италян тилидан ўзлаштирилган. Ҳозирда инглиз ва венгер тилларида пенне сўзидан фойдаланилади. Кузатиш мумкинки, бу ҳодиса туфайли дунёкараш кенгайган³⁰.

Сўзнинг функционал хусусиятлари унинг лексик, грамматик ва семантик жиҳатларини ўзида мужассамлантиради. Чунки сўзлар тилнинг луғат таркибини шундайгина ташкил этмай, умуман, тилнинг тизим ва структурасидаги барча боғланишларни такозо этади.

Кўпинча сўзнинг маъноси ҳақида гапирганда, унинг нарса ва тушунча билан алоқаси тилда қандай ифодаланиши кўзда тутилади. Бироқ қадимий тилшуносликда сўз ва ном ўртасида мослик бор, деган қараш ҳам мавжуд эди. Баъзи тилшунослар сўзнинг талаффуз жиҳатига эътибор берган эдилар. Сўзнинг айтилиши унинг моддий томони, яъни товушларнинг бирикувини ифода этади. Тингловчи ва сўзловчи учун сўзнинг айтилиши объектив ҳақиқатдир. Бироқ сўзнинг фақат айтилиши уни изоҳлай олмайди. Сўз айтилиши билан нарса ёки ҳодиса ўртасидаги боғланиш унинг маъносини юзага чиқаради. Бу алоқа, одатда, учбурчак шаклида кўрсатилади:



Мазкур қараш, албатта, барча сўзлар учун шундай тартибда тузилган, деган нотўғри хулосага олиб келиши мумкин. Чунки сўзнинг маъноси бизга бошқа бир нарса ёки ҳодисани эслатганидек, ўз навбатида бирор нарса ҳам бошқа бир денотатни киши кўз

³⁰ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. – Budapest, 2006. – В.132

олдига келтириши мумкин. Сўзлар турли структура тузилишига эгадир. Шу туфайли сўзнинг нарса ва тушунча билан боғланишини шартли равишда қарамоқ зарур, чунки барча сўзлар ҳам нарса, ҳодиса ёки белгининг номини англатмайди, яъни ҳамма сўзлар атама функциясига эга эмас. Сўзлар ичида отлар (нарса), феллар (ҳаракат), сифатлар (нарса белгиси) ва равишлар (ҳаракат белгиси) аташ функциясини бажаради.

Ёрдамчи сўзлар ҳам номинатив функция бажармайди. Бир мустақил сўзнинг номинатив функцияси доимо фақат бир нарса ёки тушунча, ҳаракат ёки белгига қаратилавермайди. Баъзан эса, аксинча, бир нарса турли номлар билан аталиши мумкин. Масалан, *гул* сўзи шу ўсимликнинг барча турларини ифодалайди. Бразилиядаги оборогенлар тилида тўтикушнинг ҳар бир тури ўз номига эга. Ўзбек тилидаги “бўш вақт” тушунчаси инглиз тилида *spare time, free time, leisure* сўzlари билан ифода этилади.

Инглиз тилида бу сўзлар маъносига кўра турлича ишлатилади.

Spare time кечкурун ишдан кейин ёки ҳафтанинг дам олиш кунларидаги бўш вақтни ифодалайди. *Free time* кун давомида иш ёки ўқишдан холи бўлган бўш вақтни билдиради.

Leisure сўзи дам олиш вақтини кўрсатади. Инглиз тилида “дам олиш, танаффус қилиш, маданий ҳордиқ чиқариш” маъноларини ифодалаган яна бир қанча сўзлар, жумладан, *recreation, rest, relaxation, amusement, entertainment* кабилар мавжуд. Бу сўзлар ҳам кўлланишига кўра фарқ қилади.

Сўзларнинг маъноси контекст ёрдамида ойдинлашади. Тилдаги барча бирликлар (фонема, морфема, лексема, конструкция) умумлаштириш характериға эга. Сўзнинг мавҳум табиати унинг бир қанча нарса, ҳодиса ва белгиларға тегишли эканлиги билан изоҳланади. Бирок сўз маълум нутқ ситуациясида ёки контекстда ўзининг аниқ шаклида намоён бўлади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан сўз ифода ва мазмун бирлигидан иборат. Сўз борликдаги бирор нарсанинг киши онгидаги инъикоси бўлиб, бу ифода тафаккур ёрдамида тил орқали амалға оширилади. Шу сабабли сўз бирор тушунча, нарса, ҳодиса ёки белгини ифодалай олади. Лекин сўз тушунча ва нарсанинг айнан ўзига тўғри келмайди. Сўз бирор нарсанинг номини аташ орқали шу тилдаги барча нарсаларға тегишлидир. Масалан, *пахта* сўзи унинг барча тур ва навларига тегишлидир, яъни

умумлаштириш характериға эға. Бирок бу сўз бошқа сўзлар билан бирикиб ёки маълум аффикс қўшилиши билан аниқ маънони ифодалай олади. Бу ўринда сўзларнинг аниқ маъноға эға бўлишида грамматик қурилиш катта аҳамиятға эға.

Демак, сўзнинг лексик маъноси билан грамматик маъносини фарқламок зарур. Айрим олинган сўзға тегишли бўлиб, бошқа сўзлардан фарқлай олувчи маъно шу сўзнинг лексик маъноси деб юритилади.

Сўзнинг лексик маъноси биринчи навбатда ўша сўз ўзагининг маъноси билан боғлиқ бўлади ва ҳар қандай аффикс қўшилганда ҳам сақланиб қолади. Масалан, *яхши*, *яхшилик*, *яхшиликча* каби сўз формаларининг барчаси “*яхши*” маъносини ифода этган. Бу ўринда *яхши* сўзининг лексик маъноси уни бошқа сўзлардан (масалан, ёмон сўзидан) фарқлашға хизмат қилади.

Нутқда ҳар қандай мустақил сўз шакли лексик маънодан ташқари, грамматик маъноға эға бўлади. Масалан, *сувимиздан*, *келтирди* сўзларидаги *сув* ва *кел* сўзлари ўз лексик маъносидан ташқари нарса ва ҳаракат маъноларини ифода қилади. Бу уларнинг грамматик маъносидир. Бу сўзлардаги *-имиз*, *-дан*, *-тир*, *-ди* аффикслари турли грамматик маъноларни ифодалайди. Грамматик маъно сўзнинг лексик маъносига орттирилган қўшимча маънодир. Сўзнинг грамматик маънолари грамматикада ўрганилади.

Сўзларнинг лексик ва грамматик маънолари бир хил эмас. Атоқли ва турдош отлар нутқда қўлланишиға кўра фарқланади. Турдош отлар нарса ва ҳодисани аташдан ташқари, уларнинг бирор гуруҳ ёки турға киришини ҳам ифодалайди. Атоқли отлар эса маълум шахс, шаҳар, қишлоқ ва бошқа нарсаларни шу турдагилари ичидан ажратиб кўрсатиш, алоҳида ўзига хос хусусиятини ифодалаш учун хизмат қилади. Тил фақатгина тушунчаларни умумлаштирувчи восита бўлмай, уларни фарқлаш воситаси сифатида инсоннинг амалий фаолиятида катта аҳамиятға эға. Барча сўзлар айтилиши, яъни товушлар бирикмаси ёки товушдан иборат бўлган материал томониға эға. Сўзнинг материал томони у ифода этган нарсанинг белгиси деб аталади. Тил эса шундай белгиларнинг алоҳида тизими деб қаралади.

Тилдаги белгилар ҳаётдаги бошқа белгилардан, жумладан, кўча катновига оид белгилар ва сигналлардан тубдан фарқ қилади. Чунки бу белгилар шартли қабул қилинган бўлиб, тез ўзгариши мумкин.

Сўзнинг талаффузи эса шартли эмас, у одамларнинг хоҳиши билан пайдо бўлмаган. Сўзнинг талаффузидаги ўзгаришлар тилнинг тарихий ривожланиш қонуниятлари ва нутқда ишлатилиш хусусиятлари асосида рўй беради.

Сўз маъносининг нарсага алоқаси денотатив алоқа, сўз атаётган нарса денотат ёки референт деб аталади (лотинча *денотатум* – кўрсатувчи, инглизча *рефер* – алоқадор). Сўз маъносининг тушунчага муносабати сигнификатив алоқа (лотинча сигнифисатум – «белги»), тушунчанинг ўзи сигнификат деб юритилади. Бир сўз маъносининг бошқа сўз маъносига муносабати *структурал алоқа* дейилади. Бундай алоқа натижасида турли сўзлар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари аниқланади, сўзлар ҳар хил гуруҳ ва типларга ажратилади.

“Билимларни тилда ифодалаш билан биргаликда маъно имо-ишора ёки белгилар билан ҳам ифодаланади, бунда айтилган фикр аниқроқ тушунилади, тингловчи тафаккурида яна ҳам аниқ жонланади. Қайд этиш зарурки, маълум бир тилда, масалан, сурдо тилида фикрлар ёки етказилаётган хабарлар имо-ишора – визуал ҳаракатларга асосланилади. Табиий тилда, асосан, товуш орқали мулоқот амалга ошса, сурдо тилида белги тили муҳим аҳамият касб этади.

Лингвистик билимлар сўзловчи онгида намоён бўлади ва у грамматикани ташкил қилади. деб аталади. Лингвистик назария сўзловчиларнинг онгида мавжуд билим ва ақлий шакл билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади ва тил назарияси юзага келади. Бирор грамматик билим умумлаштирилса ҳамда унда мантикий изчиллик бўлса, у ҳолда бу билимлар тилнинг умумий назариясига киради, кейинроқ грамматик назария сифатида шаклланади. Бу грамматика бир тилдаги барча шаклларни: лексик қатламни (сўзлар ёки луғат қатламини), морфологияни (сўзларнинг структурасини), синтаксисни (сўз бирикмаси, гап шакллари ва структурасини), семантика (сўз ва гаплар маънолари)ни, фонетика ва фонология (товушлар ва товуш тизими)ни ўзида акс эттиради. Грамматика таркибида ўзига хос ҳамда универсал компонентлар мавжуд бўлади”³¹.

³¹ Linguistics: The Scientific Study of Human Language. 2006. P.7. Peter T. Daniels. (2001) Writing and Language. In The Handbook of Linguistics. Edited by Arnoff, M., Rees-Miller, J. P.65-68.

Тилнинг мазмун мундарижасида сўзнинг асосий маъноси семема термини билан аталади, ифода жиҳатида эса лексема, ифода шакли эса номема деб юритилади. Тилнинг ифода ва мазмун жиҳатлари бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолатда қаралади. Сўзнинг маъноси унинг бир қанча аниқ маънолари йиғиндисидан, яъни семемалардан ташкил топади.

Масалан, бормок, юрмоқ, чопмоқ, келмоқ, қадам босмоқ сўзлари турли лексемалар бўлиб, “ҳаракат қилмоқ”ни кўрсатувчи бир семемага бирлашади. Аммо бу сўзларнинг ҳар бири алоҳида семасига эга. Семалар бир сўзнинг маъносини бошқа сўзлардан фарқлаш учун хизмат қилади. Семалар нарса ва ҳодисаларга тегишли бўлган ташки ва ички белгилар ёрдамида аниқланади ва улар нутқ ситуациясида ойдинлашади. Баъзан бир сўз маъно жиҳатидан турлича вариантларга эга бўлиши мумкин. Бунда сўзнинг ўзаги, унинг морфемик таркиби ҳам вариантлашади ва бу лексик-семантик ҳамда стилистик фарқланишга олиб келади. Масалан, курс сўзи (I–V курс талабалари) назарий ёки амалий курс (дарс) маъноларида вариантлашади ва улар баъзан аллолексемалар деб юритилади. Бундай сўз вариантларининг маънолари нутқ ситуацияси билан боғлиқ бўлади. Сўзнинг лексик маъноси доирасига унинг коннотатив (лотинча сон —«бирга», нотативо — «кўрсатиш») маъноси, яъни кўшимча маъноси ҳам қиради ва у сўзга эмоционал-экспрессив бўёқ ва стилистик сифат берувчи маънони англатади. Масалан, *чехраси очик; башарасини кўрмай*. Бу гапларда *чехра* ва *башара* сўзлари лексик маъноси (“юз”, “бет”)дан ташқари коннотатив маъно (ижобий ва салбий муносабат) ҳам ифода этади. *Калла* ва *табассум* сўзлари ҳам мана шундай хусусиятга эга.

Сўзларнинг коннотатив маънолари тилшуносликнинг стилистика бўлимида, аниқроғи, лексик стилистикада ўрганилади³².

Инсон борлик, аторофдаги олам ҳақида муайян билимга эга бўлади, бу билим унинг фикр доирасини кенгайтиради. Бу маълумотларни тингловчига етказиш жараёнида олинган билимлар янада мустаҳкамланади. Чунки маълумот тингловчига узатилар экан, мияда маълумотни қайта ишлаш жараёни амалга ошади. Инсон мулоҳаза қилиб, фикрини маълум тартибга келтиради, ички нутқ кўринишида шакллантиради. Шундан сўнг фикр ташки нутқ

³² *Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. –Т., 2010. –Б. 63-67*

кўринишида (оғзаки ва ёзма шаклда) реаллашади. Шу боис бирор маълумотни тушуниш, хотирада сақлаб қолиш учун уни бошқаларга етказиш, тушунтириш муҳимдир.

“Ўзаро фикр алмашиш ва уни келажак авлодларга етказувчи восита сифатида миллий маданиятнинг шаклларида бири бўлган тил онг ва тафаккур билан узвий боғлангандир. “Фикр”, “тафаккур” ва “онг” терминларини кўп ҳолларда синоним сифатида ишлатамиз. Аслида уларнинг ҳар бири маъно ифодалаш доирасига кўра бири-биридан фарқланади. Хусусан, онг – воқеликнинг киши миясида унинг бутун руҳий фаолиятини ўз ичига олган ва маълум мақсадга йўналган ҳолда акс этиши. Тафаккур – ўйлаш, муҳокама қилиш, воқеликни англаш, тасаввур қилиш, унга баҳо бериш, фикрлаш қобилияти. Фикр – тафаккур маҳсули. Демак, тафаккурни сўз бойлиги воситасида ифодалашда асосий вазифани тил бажаради. Албатта, ҳар бир инсон тафаккуридаги фикрларни ифодалашда шу инсон нутқининг такомил даражаси муҳим саналади.

Чинакам нутқ маданияти шу тилнинг бутун бойлик ва ўзгалликларидан фойдалана олиш, уни неъмат сифатида идрок этиш воситасида шаклланади. Аниқки, нутқ маданияти жамият маданий-маърифий тараққиётининг, миллат маънавий камолотининг муҳим белгисидир. Ҳақиқий маънодаги маданий нутқ шахс умуммаданий авиясининг фавқулудда муҳим унсурларидан биридир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда маънавий-маърифий ислохотлар давлат иёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинган бугунги кунда утқ маданияти масалалари, фарзандларимизнинг нутқий маданият ўникмалари ва малакаларини ошириш, таълим жараёнларининг арча босқичларида маданий нутқ муаммоларини етарли даражада азарда тутиш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этганлиги эжиз эмас. Фикрни ўз она тилида мустақил, равон, гўзал ва лўнда фода этиш учун инсонда нутқий маданият етарли даражада аклланиши керак, бусиз, зотан, она тилига соҳиблик деган шунча ҳам маънога эга эмас. Чунки нутқ маданияти тилдан малол ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олишни ўминлайдиган билим, кўникма, малаканинг жами демакдир.

Инсон тафаккурининг маҳсули ёки фикрни сўз орқали ифодалаш қобилияти, маҳорати саналган нутқнинг маданийлигини ўмин этувчи тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, ифодалилик, ранг-ранглик, софлик каби бир қанча сифатлар мавжуд. Ана шу

коммуникатив сифатларнинг барчасини ўзида мужассамлаштирган нутқ маданий ҳисобланади”³³.

Тил ва тафаккур уларни ташкил этувчи бирликларнинг аҳамияти ва қурилиши нуқтаи назаридан фарқланади. Тафаккурнинг мақсади янги билимларни олиш ва уларни системалаштиришдан иборат бўлса, тил фикрни шакллантиради, мустаҳкамлайди ва уни бошқа объектга етказди. Бошқача айтганда, биз билиш ва тушуниш учун фикрлаймиз, фикримизни, истак ва ҳиссиётларимизни ифодалаш учун эса гапирамиз. Тилнинг асосини унинг грамматик қурилиши, сўз яшаш ва гап тузиш қоидалари ташкил этиб, улар фикрни аниқ ифодалаш ҳамда тушунарли тарзда етказишга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, фикр тилда сўзлар воситасида ифодаланади. Онгимизда шаклланадиган ҳар қандай фикрнинг моҳияти, мазмунини ташкил этувчи идрок ёки тасаввур фақат сўзлар воситасидагина воқеланади. Демак, инсон тафаккурининг маҳсули тил орқали намоён бўлади.

Савол ва топшириқлар

1. Тил ва тафаккур боғлиқлигини мисоллар асосида тушунтиринг.
2. Тил ва тафаккур бирликлари алоқадорлигини асосланг.
3. Сўз ва тушунча муносабатида мантикнинг ўрнини кўрсатинг.
4. Нутқ ситуатсияси, фикр алмашиш, ахборот узатиш жараёнининг мантиқий асосларини мисоллар асосида тушунтиринг.
5. Тилнинг коммуникатив функциясида мантиқий тушунчаларнинг муҳим ўрин тутишини асосланг.
6. Лексемаларнинг ўз ва кўчма маъноси реаллашувида тафаккурнинг аҳамиятли ўрнини ёритинг.
7. Сўзларнинг коннотатив маъноларига асос бўладиган мантиқий омиллар ҳақида маълумот беринг.
8. Идрокнинг муҳим белгиларини, онг маҳсули сифатидаги аҳамиятини тавсифланг.
9. Бир объектнинг турли савиядаги ёшлар томонидан бир хил идрок этилмаслиги сабабларини айтинг.
10. “Хотира машқи”. Дафтарга 50та сўз ёзинг. Дафтарни ёпиб, ёзган сўзларингизни қайтадан қоғозга туширинг. Нечтасини унутганингизни аниқланг.

³³ Mahmudov N. Ma'rifat manzillari. –Т., 1999.

Асосий тушунчалар глоссарийси:

Коммуникация – лот. *communicatio* < *communificare* – умумийлаштирмақ, боғламок. Фикр алмашув, алоқа.

Лексема (юн.) – тилнинг луғат таркибига хос бирлик; тил курилишининг луғавий маъно англатувчи бирлиги.

Лексик маъно – луғавий маъно, лексема англатадиган маъно.

Нутқ ситуацияси – тил бирликларидан фойдаланиш имконияти, сўзлаш, мулоқот жараёни.

Мантиқ – а.нутқ, тил; созлаш, логика. Тўғри фикр юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

Идрок– а. эришиш, фаҳмлаш, онг, тушунча, ташки дунё, воқеа-ходиса, билиш, тушуниш қобилияти, зехн, фаҳм-фаросат.

Мулоқот жараёни –а. учрашиш, кўришиш, қабул қилиш жараёни.

Референт – англизча рефер – алоқадор, кўрсатувчи, сўз атаётган нарса, предмет, воқелик, ходиса.

Сигнификат – лотинча *significatum* белги, тушунча.

Сигнификатив муносабат –сўз маъносининг тушунчага муносабати.

Ҳукм – ҳукмронлик, ҳокимият, бошқариш, тузум, қарор, ўхтам, буйруқ; фикр, тушунча. Нарса ва унинг белгиси ҳақидаги асдиқ ёки инкор.

4-§. ТИЛ – ТАФАККУР – НУТҚ МУНОСАБАТИ

Режа:

1. Тилнинг ижтимоий, нутқнинг хусусий ҳодиса сифатидаги моҳияти.
2. Тил бирликлари ва нутқ бирликлари муносабати.
3. Нутқий фаолият ва унинг моҳияти.

Асосий тушунчалар: фонема, морфема, тил бирликлари, нутқ бирликлари, нутқий вазият, мулоқот жараёни, артикуляция, ассимиляция, диссимиляция, метатеза, тил ва нутқ белгилари, умумийлик – хусусийлик; абстрактлик – конкретлик; муҳим – номуҳимлик; моҳият – ҳодиса; зарурийлик – тасодифлик; узуал ҳодиса, окказионал ҳодиса, сифат – миқдор белгилари, ички лингвистика, ташқи лингвистика, биринчи сигнал тизими, иккинчи сигнал тизими.

Тил ва нутқ ҳодисаларини ўзаро фарқлаш уларнинг муносабат моҳиятини ўрганиш араб тилшунослигида VIII–IX асрлардаёқ мавжуд эди. Мазкур тушунчаларнинг муносабат шакли ҳозирга қадар дунё тилшуносларининг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Смерницкий А.И., Панфилов В.З., Мелничук А.С., Солнцев В.М. каби Прага тилшунослари систем тилшунослик тараққиётига улкан ҳисса қўшиб, тил ва нутқ муносабати тарихи хусусида ўз мулоҳазаларини билдирган эдилар. Лекин тил ва нутқ ҳодисаларини ва уларга хос бирликларни том маънода илмий-назарий ҳамда амалий фарқлаш; «тил» ва «нутқ» тушунчаларига батамом янги мазмун берилиши Ф.де Соссюр ва унинг издошлари яратган таълимот билан боғлиқдир.

XX аср тилшунослик фани предметини аниқлашда янги давр бошланди. Тилшуносликни алоҳида фан сифатида ажратиш, тадқиқот предметини аниқлаш, чегарадош соҳалардан ажратиш швейцар олими Фердинанд де Соссюр (1857-1913) томонидан эълон қилинган ғояларда кўзга яққол ташланади³⁴. Ф. де Соссюрнинг фандаги асосий хизмати шундан иборатки, у биринчилар қатори

³⁴ Ф. де Соссюр. Курс общей лингвистики. 1916; Шендельс Е. И. Связь языкознания с другими науками. -М. 1962. Стр. 6.

тилнинг мураккаб ҳодиса эканлигини аниқлаган ҳолда янги, мукамал ва аниқ шаклланган умумий тилшунослик назариясини яратиб берди. Тилшунослик фани предметини аниқлаш ва уни таърифлашга интилган Ф.де Соссюр қарашлари тилшунослик тарихидаги муҳим масалаларни ҳал этишда сезиларли таъсир кўрсатди.



Shvetsariyalik mashhur tilshunos Ferdinand de Sossyur 1857-yilda Jenevada olimlar oilasida tavallud topdi. U bolalik paytlaridayoq yunon hamda lotin tillarini mukammal o'rgandi. Sossyur 1975-yilda Jeneva universitetiga o'qishga kirdi. 1876-yilda esa o'qishini Germaniyaning Leypsig universitetiga ko'chirdi va bu yerda ikki yil davomida tahsil oldi. Sossyur 1880-yilda "Sanskritda absolyut qaratqich" degan mavzuda doktorlik dissertatsiyasini muvaffaqiyatli himoya qildi. Shundan so'ng u 1880-yilda Parijga keldi va Parij lingvistik jamiyatining faol ishtirokchisi sifatida faoliyat ko'rsata boshladi. Sossyur 1891-yilda yana vataniga qaytdi va 1907-yildan boshlab Jeneva universiteti umumiy tilshunoslik kafedrasiga mudirlik qiladi.

Olim 1913-yilda vafot etdi. F.de Sossyur fikricha, til kishilik jamiyatida bajaradigan vazifasiga ko'ra aloqa quroli, fikr ifodalash vositasidir; ijtimoiy tabiati jihatidan madaniy-tarixiy va ijtimoiy hodisa, ichki tuzilishiga ko'ra sof belgi – ishoralar tizimidir.

Ф. де Соссюрнинг таъкидлашича, инсоннинг нутқ фаолияти кўп томонлама ҳодиса бўлиб, фалсафа, психология, физиология, антропология, филология каби турли фанлар томонидан ўрганилиши лозим. Шунинг учун нутқ фаолиятини ўрганишда Ф. де Соссюр ҳам В. фон Гумбольдт каби антиномия методидан ойдоланди.

Тилшунослик фани чегарасини, предметини аниқроқ аърифлаш мақсадида Ф. де Соссюр тил билан нутқни ажратиб, ир-бирига карама-қарши кўйди. Унинг фикрича, тил нутқ фаолиятининг фақат бир томонини ташкил этади. Ф. де Соссюр тил билан нутқ ўртасидаги ўзаро боғланишни эътироф этса-да, иккала ҳодисани алоҳида-алоҳида ўрганишни таклиф қилди. Бу икки

жиҳатни ўрганиш мақсадида Ф. де Соссюр тил лингвистикаси ва нутқ лингвистикасини ажратди.

Ф. де Соссюр ички ва ташқи лингвистикани ажратиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўйди. Унинг фикрича, тилшунослик фанининг асосий вазифаси тилнинг ички қурилиши (структураси)ни ўрганадиган лингвистикада акс этади, ташқи лингвистика эса тилнинг халқ маданияти, тарихи билан алоқасини ўрганадиган соҳа бўлиб, тилшунослик фани учун иккинчи даражали ходисадир.

Ф. де Соссюр тил ва маданият, тил ва тарих, тил ва онг ва хоказолар)ни *ташқи лингвистика* деб номлаб, тилшуносларга “ички лингвистика”, тил структураси билан шуғулланишни тавсия қилган. Ф. де Соссюр назарияси тилшунослик фани предметини ўрганишга қўшилган муҳим ҳисса бўлди. Ф. де Соссюр назарияси таъсирида XX асрда «Структурализм» номи билан аталган янги лингвистик оқим вужудга келди. Структуралистлар *ички лингвистика* (“микрولينгвистика”) ни, *ташқи лингвистика* (“макрولينгвистика”) га қарши қўйишади. Улар тилшуносликни ижодий ва табиий фанлардан фақатгина предмет тадқиқотлари масаласида эмас, балки методлар масаласида ҳам ажратмоқчи бўлдилар. Структуралистлар янги методлар излаб табиий фанларга: физика ва математикага мурожаат қилишди, янги тадқиқотлар тизимини ишлаб чиқишди. Бу методлар физика-математика методларига кўп жиҳатдан ўхшаш эди. Айрим чет эл тилшунослари тил ҳақидаги фаннинг ўрнини аниқ фанлар ичида, деб биладилар. Бу фикрнинг тўғрилигини тилшуносликнинг техник фанлар билан алоқасида (масалан, ахборот назарияси, кибернетика фанлари билан муносабатида) ҳам кўриш мумкин. Кейинги пайтларда компьютер тилшунослигининг ривожланиши натижасида, телевидение, компьютер, факс, уяли телефонлар ёрдамида ҳозирги замон тилшунослигининг амалий масалалари ҳал этилмоқда. Бу йўналишлар, қарашлар ҳозирги замон структурал тилшунослиги асослари ҳисобланади.

Тилшунослик фанининг предметини янада аниқроқ тасаввур этиш мақсадида Ф. де Соссюр тилни ўрганишда *синхрон* (бир вақтда) ва *диахрон* (кетма-кет, тадрижий суратда юз берадиган ёки тарихий) аспектларни ажратиб, бир-бирига қарама-қарши қўйди ва кўпроқ синхрон аспектга аҳамият берди. Ф. де Соссюр фикрича, *синхрон* ва *диахрон* аспектлар ўзаро боғлиқ бўлиб, маълум

аспектни танлаш тадқиқотчи мақсадларидан келиб чиқади. Синхрон аспект тил тизимини ўрганади, аммо диахрон аспект ўрганадиган объект тизимни ташкил қилмайди.

Ф. де Соссюр назариясида асосий антиномия – тил ва нутқ антиномиясидир. Юқорида кўриб ўтилган ташқи ва ички лингвистика, синхрония ва диахрония антиномиялари тил ва нутқ антиномияси асосида юзага келган.

Фердинанд де Соссюрнинг фандаги асосий хизмати шундан иборатки, у биринчилар қаторида тилнинг мураккаб ҳодиса эканлигини англаган ҳолда, янги, мукамал ва аниқ шаклланган умумий тилшунослик назариясини яратиб берди. Унинг илмий ғояси тилнинг мураккаб, зиддиятларга бой, кўп томонлама ҳодиса эканлигига асосланган.

Тил ва нутқ масалаларига муносабат дунёнинг муайян тараққиёт даражасидаги тилларда ўзига хос тарзда талқин қилинмоқда. Жумладан, ҳозирги ўзбек тилшунослигида ўзаро диалектик боғлиқ бўлган тил ва нутқ ҳодисаларининг фарқига оид айрим фикрлар баён қилинаётган бўлишига қарамай, бу масаланинг ҳал қилиниши лозим бўлган жиҳатлари кўп.

Тилшунослик бошқа фанлардан ажралиб, ўзича алоҳида мустақил фан деб танилган даврдаёқ, тил ва нутқни фарқлашга эътибор берилган эди. Аммо фан тараққиёти тарихи давомида ҳамма соҳада ҳам тил ва нутқ бир-биридан фарқланавермайди. Шунинг учун кўпинча нутққа хос ҳодисалар тил ҳодисаси сифатида галқин қилиниб келди.

“Тилшуносликда тил ва нутқ ўзаро фарқланганидан буён уларга ос тил бирликлари ҳам бир-бири билан ўзаро доимо алоқада бўлган бирликлар сифатида ажратиладиган бўлди.

Н.А.Слюсарева таъкидлаганидек, Ф. де Соссюр таълимотининг юхияти, энг қисқа шаклда ифодалаганда, бу тил (*langue*) ва нутқ (*parole*) фарқланишидир. Унинг бошқа барча назариялари мантиқан у асосий тезисдан келиб чиқади. Й.Звегенцев Ф. де Соссюрнинг ил – нутқ ҳақидаги қарашлари асосида бу ҳодисаларнинг куйидаги аркли белгиларини кўрсатади.

1. Нутқ индивидуал, тил умумий ҳодисадир. Умумхалқ тили имо ва, албатта, алоҳида нутқий кўникмаларда тил тизими гарасида маълум ўзгаришга учрайди.

2. Нутқ психик, тил социал ҳодисадир.

3. Нутқ динамик, тил эса стабилликка, статикликка интилади.

4. Нутқ тарихий, тил ахроник хусусиятга эга.

5. Нутқий элементлар ўртасида сабабий тобелик, тил элементлари ўртасида функционал тобелик мавжуд.

6. Тил лингвистик қонуниятларга бўйсунди. У лингвистик «регуляр», нутқ эса лингвистик нерегуляр, спородик характерга эга.

7. Нутққа моддийлик хосдир. У ўзининг функциясини реал моддий сифатга эга бўлган бирликлар сифатида бажара олади. Тил абстракт тизим сифатида мавжуд. Бундай фарқланиш субстанция ва форма ўртасидаги фарқланиш кабидир.

Н.А. Слюсарева шу кунга қадар тил ва нутқ қарама-қаршилигига бағишланган ишларни умумлаштирган ҳолда, тил ва нутқни кутбий зиддият (бинар оппозиция) асосида уч хил йўл билан аниқлаш мумкин эканлигини кўрсатади: 1) билиш назарияси нуктаи назаридан гносеологик аниқлаш; 2) тил ва нутқнинг предметлик хусусияти нуктаи назаридан онтологик аниқлаш; 3) қўлланиш доираси ва фойдаланиш тарзи нуктаи назаридан – прагматик аниқлаш. Бу уч хил йўл бир-бирини тўлдиради.

Гносеологик жиҳатдан тил ва нутқ қуйидаги белгилар асосида фарқланади:

- 1) умумийлик – хусусийлик;
- 2) абстрактлик – конкретлик;
- 3) муҳим – номуҳимлик;
- 4) моҳият – ҳодиса;
- 5) зарурийлик – тасодифлик;
- 6) сифат – миқдор.

Тил ва нутқ онтологик жиҳатдан етти белги асосида фарқланади ва ҳар қайси белги ўз ичида майда белгиларга бўлиниши мумкин; 1) психик – физик – физиологик; виртуал – актуал; имқоният – акт ва бошқалар; 2) тизим – текст; тизим – функция; парадигматика – синтагматика; 3) бир хиллик – ҳар хиллик; 4) инвариантлилик – вариантлилик; ўзгармаслик – ўзгарувчанлик; барқарорлик – беқарорлик ва бошқ.; 5) бутун – қисм; 6) жараён – квант жараён; 7) онг маҳсули – тафаккур маҳсули.

Тил ва нутқ прагматик жиҳатдан қуйидаги уч белги асосида фарқланади:

1) социал – индивидуал; алоқа воситаси – алоқа жараёни; воситалар тизими, бу воситаларга амалий жиҳатдан эгалик қилиш; автоматизм – эркинлик;

2) узуал – окказионал;

3) код – хабар”³⁵.

Кейинги даврларда тил билан нутқни фарқлаб ёндашиш ўзбек тили тадқиқотлари учун асос қилиб олина бошлагани нутқ товуши ва фонема, фонетик ва фонематик ўзгаришлар, лексема, лексик ва ситуатив номинация, қурилма ва уларнинг юзага чиқиши, луғавий бирликларнинг макро ва микротекстдаги хусусиятларини, ўзбек тили синтаксиси сатҳида моҳият ва ҳодиса каби масалаларни атрофлича чуқур тадқиқ этиш имконини яратмоқда.

Тил ва нутқ тушунчаларининг тарихий тараққиётдаги маданий хизмати чексиз. Бироқ тилнинг ифода имкониятлари нутқ орқали, нутқ жараёнида очилади. Нутқ бўлмас экан, тилнинг чексиз имкониятлари юзага чиқмай қолаверади.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий «Маҳбуб-ул қулуб» асаида тил ва нутқ муносабатларини шундай ифодалайди:

«Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир, агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса тилнинг офатидир», Буюк мутафаккирнинг тил ва нутққа доир аксарият фикрлари табиат ҳодисалари, борлик воқелигига қиёсан, уйғун равишда тасвирланган. Масалан, Алишер Навоий “Муҳокамат-ул луғатайн”да турли қушларнинг сайраши, жонзотларнинг товуш ифодалари бир-бирига ўхшамаслигини айтади: *Андоққи, туюр ва баҳойим ва субўнинг тиллариким, ҳар бирининг ўзгача хуруш ва такаллумлари бор ва ғайри мукаррар наво за тараннумлари*. Худди шунингдек, лафз ва иборалардин мақсад инсон эканлиги ва кўнгил изхори, нарса-ҳодиса моҳиятини ифодаловчи маъно жилвалари, нозикликлари унинг каломида, ўзида намоён бўлишини таъкидлайди: *Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидур ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзидадур ва такаллум анинг каломида борур*³⁶. Бу фикрлар олимларнинг Навоий иринчилардан бўлиб тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлагани ақидаги қарашларини асослайди. Дарҳақиқат, буюк мутафаккир

³⁵ Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. –Т.: Фан, 2008. –Б.32-33.

³⁶ Alisher Navoiy. Muhokamat ul-lug'atayn. -T., 2011. - B.37.

тилнинг умумий ҳодиса сифатидаги моҳиятини англаган, ҳар бир шахс нутқининг ўзига хослигини биринчилардан бўлиб ажратган.

Нутқий фаолият натижасида нутқ шаклланади, нутқ элементлардан тузилади ва тил элементларига ажралиб кетади. Тил элементлари эса нутқ фаолияти учун хизмат қилади. Лекин бу ҳудоса Ф.де Соссюрнинг фикрини қисман рад этади. У «аввал нутқ фаолияти юз беради, ундан тил юзага келади, тилдан нутқ ҳосил бўлади», деган «ўтиш» тартиби ҳақидаги фикрини илгари сурган ҳамда тил ва нутқ дихотомиясини шатранж ўйини қоидалари мисолида тушунтириб беришга ҳаракат қилган эди.

Ҳақиқатан ҳам, шатранж тахтасидаги 64 катак тенг ҳолатда 2 хил рангда, 2 гуруҳга 32 тадан ажратилиб қарама-қарши қўйилади, ҳар 2 гуруҳдаги доналар вазифаси ва киймати жиҳатидан бир-бирига тенг, доналарнинг ўзига хос жойлашиш тартиби ва юриш қоидалари бир хил; шатранж ўйини қоидалари ўйинчилар учун мажбурий, аввалдан маълум бўлиб, улар доим ўйинчилар хотирасида сақланади. Ҳар иккала ўйинчи бир хил имкониятларга эга бўлиб шатранж ўйини қоидаларига бир хил бўйсунса ҳам ўйинчиларнинг ўзлари имкониятларидан фойдаланиш маҳоратига кўра бири кучли, бири кучсиз мавқеда бўлади. Қайси бири шатранж имкониятларини ўз мақсади йўлига изчиллик билан бўйсундира олса, у шу имкониятлардан фойдалана олмаган рақибини енгади. Лекин Соссюр шатранжда дуранг ҳолатлар ҳам бор эканлигини эътиборга олмаган. Демак, у таърифлаган ҳаракатда кучлар тенглигига эътибор берилмаган. Шунинг учун бу қараш бугунга келиб чекланиб қолди.

Шундай экан, тил ва нутқ, Соссюр таърифлаганидек, бир-бирига зид тушунча бўлгани ҳолда (Соссюр бу ўринда бир-бирини тақозо қилувчи зидликни назарда тутган), бир-бирига боғлиқ равишда бир-бирини талаб қилади, тўлдиради. Ҳозирги давр систем тилшунослигида тил ва нутқ оппозициясидан келиб чиқиб, нутқ фаолияти куйидаги уч таркибий қисмдан иборат, деб ҳисобланади.

1. Тил.

2. Сўзлаш қобиляти (тилдан фойдаланиш кўникмаси ва малакаси).

3. Нутқ.

Тил деганда маълум бир жамиятнинг барча аъзолари учун аввалдан тайёр ҳолга келтирилган, ҳамма учун умумий, қабул

қилиниши мажбурий, фикрни шаклантириш, ифодалаш ва бошқа мақсадлар учун хизмат қиладиган бирликлар ва шу бирликларнинг ўзаро бирикиши, боғланишини белгиловчи қонун-қоидалар йиғиндиси тушунилади.

Сўзлаш қобилияти тушунчаси остида маълум бир жамиятга мансуб шахснинг, шу жамиятга мансуб тилни билиши, унинг имкониятларидан фойдалана олиш кўникмаси ва даражаси англашилади.

Нутқ эса юқорида таърифланган тил имкониятлари асосида айрим шахс томонидан сўзлаш қобилияти кўмагида маълум бир коммуникатсия мақсади учун ишга солиниш ёки қўлланиш натижасидир. Тил бирликлари ва нутқ бирликлари бир қатор белгилари билан фаркланади:

Тил бирликлари	Нутқ бирликлари
фонема	фон
морфема	морф
лексема	лекс
Конструкция (модел)	сўз шакли; сўз бирикмаси; гап; микротекст, макротекст

Бу бирликлар ўз навбатида маълум вазифа ва функцияга эга, бир-бирдан амалий жиҳатдан фаркланади. Баъзан эса бир-бирини тўлдиради.

Тил ва нутқ орасидаги диалектик алоқа ва муносабат ҳақида айтилган фикрларни қуйидагича умумлаштириш мумкин.

Тил	Нутқ
Умумийлик	Хусусийлик
Ўқоният	Воқелик
Айёрлик	Ҳосилалик
Ўажбурийлик	Ихтиёрийлик
ирликлари чегараланган	Бирликлари чегараланмаган
ажми чегараланмаган	Ҳажми чегараланган

Демак, тил ва нутқ бир-бирини тақозо этувчи ходисалар қатаида эътироф этилган. Тил ва нутқ умумийлик – хусусийлик, ўқоният – воқелик, моҳият – ходиса қарама-қаршилигини ўзида моён этиб, бир-бирига зидланади, бундай зидланиш ҳар бир тил тхларига хос бирликларнинг номланишида ҳам ўз ифодасини

топади. Тилнинг фонологик (фонетик) сатҳи бирлиги фонема бўлса, фонеманинг реал талаффуз қилинган, кулоқ билан эшитилган кўриниши *фон (аллофон)* ёки *товуш* ҳисобланади.

Тил ва нутқнинг ўзига хос жиҳатлари куйидагилар:

1. Тил – муносабат асоси; нутқ муносабат ифодасидир. Тил – ижтимоий, умумий, нутқ – хусусий ҳодиса. Тилнинг имкониятлари нутқда ифодаланади. Нутқ сўзловчининг савиясига, услубига, ўрин ва мавқеяга қараб ҳар хил бўлади. Нутқ икки шаклда бўлади: оғзаки ва ёзма. Оғзаки нутқ ўзаро мулоқот шаклидир, ундан ўзаро суҳбатларда, маърузаларда, радиода, телефонда, уй-оила муомаласида фойдаланилади. Ҳар икки нутқ шакли олдида бир хил талаблар қўйилади. Фикрнинг аниқ ва тушунарли бўлиши, жумланинг тўғри, раво ҳамда таъсирли тузилиши ҳар қандай нутқнинг бош фазилатидир. Аниқлик, тўғрилиқ, раволик, соддалик, тозалик, жозиба (таъсирли сўзлаш) нутқнинг энг муҳим белгиларидир.

2. Тил жамиятда шаклланган; нутқ эса ҳар бир шахс фаолиятида намоён бўлади.

3. Тилнинг мавжудлик даври узок, ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ; нутқнинг мавжудлик даври қисқа, у айтилган пайтдагина мавжуд.

4. Бир шахс айна замонда бир неча тилга эга бўла олади; шахснинг нутқи эса фақат битта бўлади, негаки нутқ маълум вақтда, аниқ маконда реаллашади.

5. Тилнинг ҳажми ноаниқ, чегараланмаган, хизмат доираси жуда кенг; нутқнинг ҳажми аниқ: у диалог, монолог, матн кўринишида бўлади.

6. Тил нисбатан қатъий, турғун ҳодиса; нутқ ўзгарувчан ҳаракатдаги ҳодисадир. Тилнинг конун-қоидалари узок йиллар давомида сақланиб қолади, силлиқлашади ва бойиб боради. Нутқ эса доим ўзгаришда бўлади; вазиятга ёки нутқ аъзолари артикулятсиясига қараб сўз структураси ўзгаради. Тилнинг фонетик, лексик, грамматик сатҳларида ўзгаришлар узок тарихий босқичлар давомида кузатилади.

Нутқ механизми, нутқ жараёни ва сўзлаш фаолияти, нутқни ифода этиш, нутқни тушунишни психолингвистика ўрганади. Психолингвистика бошқа соҳалар қаторида нутқни тил билан узвийликда талқин этади.

Тил маълум миқдордаги нутқ товушларининг турли комбинатсияси билан кишилар бир-бирларига билдирадиган сўзлар, грамматик воситалар ва улардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган, деган фикр XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ қиёсий грамматикачилар томонидан илгари сурилди. Ҳозир ҳам тилни шу хилда тасаввур қиладилар.

Маълумки, тил ўзига хос структурага эга бўлган тизимдир. Тил бир-бирининг мавжудлигини талаб қиладиган, бир-биридан ажралмас икки элементдан ташкил топган. Булар: А. Лексика, яни луғат таркиби. Б. Грамматика. Уларнинг ҳар бири нутқ товушларидан иборат бўлган материяга эга.

“Нутқнинг жамиятдаги кўринишлари турличадир. Регионал вариация. Қуйида британия телевизион канали орқали эфирга узатилган диалогни келтирамыз:

Бир киши бензин куйиш шаҳобчасига кирди.

Хизмат кўрсатувчи: – Бизда ўз-ўзига хизмат.

Харидор: – Раҳмат, менга бензин (петрол) керак эмас.

Хизмат кўрсатувчи: – Жуда соз! Бизда ундан қолмаган, фақат бензин (гас) бор.

Ушбу кичик суҳбат қизиқ туюляптими? Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам бир нарсани – бензинни назарда тутдилар. Британиялик инглиз харидор “бензин” тушунчасини петрол сўзи билан ифодаласа, америкалик хизмат кўрсатувчи гас сўзи билан ифодалаган. Шунга ўхшаш мисолларни келтирамыз:

Британияликлар шим (trousers) киядилар, хонадон (flat)да яшайдилар, дўконларга (shops) ширинликлар (sweets) харид қилишга борадилар.

Америкаликлар эса шим (pants) киядилар, хонадонда (apartments) яшайдилар, дўконларга (stores) ширинликлар (candies) харид қилишга борадилар.

Мамлакатларнинг жойлашувига кўра, инглизлар ўз она тилларида гаплашадилар.

Британиядаги инглиз тили (инглиз, ирланд, шотланд) тиллари Америка, Канада, Австралия инглиз тилидан фарқланади, бироқ буларнинг ўз ичида ҳам кўплаб лаҳжалар мавжуд. Бир қанча мамлакатлар, жумладан, инглиз колониялари бориб қолган давлатларда, масалан, Ҳиндистон ёки Гонгкон (Осиё) ва Нигерия ёки Кения (Африка)да инглиз тили расман иккинчи тил ҳисобланиб,

маҳаллий аҳоли ўз она тили билан биргаликда бу тилдан ҳам фойдаланади. Ушбу вариациялар фонетик-фонологик, лексик, лексикографик, грамматик жиҳатларига кўра бир-бирдан фарқланади³⁷.

Британияда энг машхур инглиз таомларидан бири – балиқ ва қовурилган картошка (fish and chips). Бирок қовурилган картошка (chips) Америка ресторанидагидек тайёрланмайди. Қовурилган картошканинг хоҳлаган туридан фойдаланиш мумкин. Америкада ушбу таом французча қовурдоқ (French fries) деб номланади. Унда фойдаланиладиган картошка жуда нозик ва юмалоқ қилиб кесилади ва қарсилдоқ қилиб қовурилади. Бундай қовурилган картошка Британияда қарсилдоқ картошка (crisps) деб номланади. Қовурилган картошканинг *chips*, *French fries* ва *crisps* вариантлари лексик фарқланишларга мисол бўлади.

Америка ҳамда Британиядаги инглиз тилининг бир-бирдан фарқланиши, деярли, барча сатҳда кузатилади. Масалан, Британия инглиз тилида *the police* кўпликни англатса, Америка инглиз тилида эса *the police* бирликни ифодалайди. “Шифохона” маъносига сўз Британия инглиз тилида предлогсиз ишлатилса (*in hospital*), Америка инглиз тилида аниқ артикл билан ишлатилади (*in the hospital*).

Фонологик фарқлар ҳам кузатилади. Масалан, Британия инглиз тилида *p* товуши ундидан сўнг (*father, fair*), қолаверса, ундошлардан олдин келганда (*herb, Barbie*) талаффуз этилмайди, Америка инглиз тилида эса бу товуш аниқ талаффуз этилади.

Орфографик ҳамда орфоепик фарқлар ҳам кузатилади. Масалан, Британия инглиз тилида *neighbour* бўлса, Америка инглиз тилида *neighbor* тарзида қўлланади. Ушбу фарқли жиҳатлар Британия, Ирланд, Америка инглиз тилларининг юзага келишига сабаб бўлган. Инглиз тилининг худудий вариантлари ягона инглиз тилини ташкил қилади.

Лексик, грамматик, фонологик фарқлар бир давлатда ёки худудда ҳам бўлади. Худудий вариантлар ёки шевалар асосий бирлик бўлиб, шевалар диалектологияда ўрганилади.

Талаффузда *father and farther* сўзлари бир-бирдан фарқланади. Кўплаб инглиз тили ўрганувчилари *r* товушини талаффуз

³⁷ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.99

киладилар, бироқ инглизлар бу сўзнинг талаффузуда г товушини талаффуз қилмайдилар, чунки ушбу товуш қисқа талаффуз этилади.

Аксинча, америкаликлар *farther* сўзи таркибидаги г товушини талаффуз этадилар ва нутқда шу товушдан фойдаланадилар. Ушбу ҳолат регионал вариациянинг мавжудлигини кўрсатади. R товуши Жанубий Англияда талаффуз этилмаса, шимолий худудда, яъни Ирландия ва Шотландияда талаффуз қилинади.

Худди шундай, Американинг кўпгина штатларида р товуши талаффуз қилинади, бироқ Бостон ва Нью-Йоркда г товуши талаффуз қилинмайди.

Шевадаги фарқларни ифодаловчи сўзларга қуйидагилар мисол бўлади: *heavy rain, downpour, shower* ёки *toad frog strangler* (ушбу сўзларнинг барчаси “қучли ёмғир, жала” маъносини билдиради) сўзлари Американинг ўрта ва жанубий штат қирғоқларида яшовчи аҳоли тилида учрайди. Баъзи шундай вариантлар (худди сўнги мисолдаги каби) жанубий худудларда мавжуд.

Грамматикада кўплаб қизиқарли фарқларни кузатиш мумкин. Масалан, ирландиялик киши “сиз”ни ифодалаш учун *yous* (бир неча киши бўлса) олмошини қўллайди, аслида адабий тилда кўплик шаклида *you* олмошидан фойдаланилади. Америка жанубида (масалан, Георгия штатида) *y'all* (*you+all*) қисқартмасидан фойдаланилади. Инглиз тили стандартларида ёу олмошининг бирлик ҳамда кўплик шакллари фарқланмайди³⁸.

Тил ҳам, фикр ҳам ҳаётнинг онгимиздаги кўриниши ва нутқ ёрдамида бошқаларга маълум қилинувчи воқелиқдир. Тилни халқ яратади, шунинг учун у умумхалқ баҳоси ва хусусиятига эга бўлади; нутқ эса айрим шахсга оид бўлади. Ҳар ким ўз қобилияти, сўз бойлиги, саводига қараб гап тузади. **Тил** – алоқа-муносабат куроли, у восита. **Нутқ** эса шу алоқа жараёнини амалга оширишга хизмат қилади. Тилнинг умри уни яратган халқнинг ўзидек узок бўлади. Нутқнинг умри эса қисқа. Оғиздан сўз ёки гап чиқдими – уни қайтариб бўлмайди.

Тана, таъм-маза, кўриш, эшитиш каби сезги аъзолари орқали оламни билиш барча жонзотларга хос хусусиятдир. Инсон жонзотларнинг энг олий кўриниши сифатида яна бир восита – нутқ орқали билиш қобилиятига эга. Биринчи билиш воситаларини машҳур рухшунос Павлов биринчи сигнал тизими, кейингисини эса

³⁸ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.100

иккинчи сигнал тизими деб номлаган. Инсон иккинчи сигнал тизимига эгаллиги билан бошқа жонзотлардан ажралиб туради, шунинг учун ҳам хазрат Алишер Навоий барча махлуқотларнинг зоти шарифи инсон эканлигини таъкидлайди. Сўзга (тилга) инсонни хайвондан ажратиб турувчи белги сифатида муносабатда бўлади:

Инсонни сўз айлади жудо хайвондин,


Билким гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги ахборот узатиш ва ахборотни қабул қилиш фаолияти **нутқий фаолият** саналади. Нутқий фаолият муайян жамиятнинг алоқа воситаси ҳисобланувчи тил ёрдамида юзага чиқади. Ана шуни эътиборга олган ҳолда Фердинанд де Соссюр нутқий фаолиятнинг тил ва нутқ зидланиши асосида амалга ошишини таъкидлайди ҳамда тилшуносликда тил ва нутқ тушунчаларини фарқлайди.

Нутқ фаоллашган, бевосита юзага чиққан тил саналади. Ҳали воқеланмаган имконият тарзидаги, маълум жамият аъзолари учун баробар хизмат қилувчи ижтимоий-руҳий алоқа воситаси – тил, шу тилнинг муайян шахс нутқий фаолиятида бевосита намоён бўлиши, воқеланиши – нутқдир. Оғзаки нутқ бевосита, ёзма нутқ билвосита амалга оширилади.

Савол ва топшириқлар

1. Тил ва нутқ муносабатлари ҳақидаги фикрингизни айтинг.
2. Тил бирликлари ва нутқ бирликлари ўртасидаги муносабат масаласида ўз фикрларингизни баён этинг.
3. Нутқнинг оғзаки ва ёзма кўринишларини тавсифланг.
4. Тил ва нутқ сифатларини баён этинг.
5. Тилнинг умумийлиги, нутқнинг хусусийлиги намоён бўладиган жиҳатлар ҳақида маълумот беринг.
6. Тил – имконият, нутқ – воқелик эканлигини асосланг.
7. Тилнинг моҳият, нутқнинг ҳодиса эканлигини мисоллар асосида тушунтиринг.
8. Турли тиллардаги нутқий хусусиятлар ҳақида мулоҳазаларингизни билдиринг.
9. Нутқни ифода этиш ва қабул қилиш жараёнини изоҳланг.
10. Тил ва нутқнинг фарқланишига—өид фикрлар ҳақида билганларингизни умумлаштиринг. Қуйидаги тасвир асосида нутқ жараёнини тавсифланг.



Асосий тушунчалар глоссарийси

Морфема (юн.) – тилнинг маъноли, бошқа маъноли қисмларга ўлинмайдиган энг кичик бирлиги. Морфема икки хил бўлади: 1) зак (сўз) морфема; 2) аффиксал морфема (қўшимча морфема).

Артикуляция – товушларнинг пайдо бўлишидаги нутк ьзоларининг ҳолати ва ҳаракати.

Ассимиляция – бир товушнинг ёнидаги товушга мослашиши, ингиши.

Прогрессив ассимиляция – олдинги товушнинг таъсирида йинги товушнинг ўзгариши: отган (отдан), юракка (юракга).

Регрессив ассимиляция: кейинги товуш таъсирида олдинги вушнинг ўзгариши: туссиз (тузсиз), ёссин (тозсин).

Диссимиляция – икки хил ўхшаш товушдан бирининг бошқа зушга алмашиши.

Прогрессив диссимиляция – олдинги товушнинг таъсирида йинги товуш ўзгаради: зарал (зарар), бирон (бирор).

Регрессив диссимиляция – кейинги товуш таъсирида олдинги ушнинг ўзгариши: колидор (коридор).

Фонема – маъно англатишда иштирок этган нутқнинг энг кичик ми (унсури): қил, қол, қўл.

Метатеза – ёнма-ён келган товушларнинг ўрин алмашиши: рам-Сарям, дарё-дайро, тупрок- турпок.

Тил бирликлари – тил тизимини ташкил этувчи фонема, морфема, лексема, модел.

Нутқ бирликлари – тил бирликларининг нутқдаги кўринишлари: товуш, бўғин, сўз, гап, матн.

Нутқий вазият – нутқ жараёни содир бўлган вақт.

Мулоқот жараёни – нутқ орқали ўзаро фикр алмашиш.

Тест

1. Қайси бирлик нутқнинг энг катта фонетик бирлиги бўлиб, икки томондан пауза билан чегараланиб, ўзига хос оҳангга эга бўлади?

- А) ибора
- Б) фонема
- С) фраза
- Д) гап

2. Тил бирликларига нималар киради ?

- А) фонема, морфема, лексема, модель
- Б) бўғин, фон, лексема,
- С) матн, сўз бирикмаси, гап
- Д) аффикс, сўз, гап

3. Нутқ бирликларига нималар киради ?

- А) фонема, морфема, лексема
- Б) товуш, бўғин, аффикс, морф, сўз бирикмаси
- С) товуш, гап, сўз бирикмаси
- Д) фонема, морфема, лексема

4. Тилшуносликнинг нутқ механизми, нутқ жараёни ва сўзлаш фаолияти, нутқни ифода этиш, нутқни тушунишни ўрганадиган бўлими қайси?

- А) фонетика-фонология
- Б) психолингвистика
- С) фонетика
- Д) фонология

5. Нутқнинг ҳажмга нисбатан кўринишларини белгиланг.

- А) монологик, синхроник
- Б) монофоник, полифоник
- С) синхроник, диахроник
- Д) монологик, диалогик

6. Фраза нима?

- А) нутқнинг энг катта фонетик бирлиги.
- Б) нутқнинг энг кичик бирлиги.
- С) лексик атама
- Д) морфологик birlik

7. Такт нималардан ташкил топади?

- А) товушлардан.
- Б) унлилардан.
- С) бўғинлардан
- Д) гапдан

8. Тилнинг энг кичик маъно англатмайдиган бирлиги қандай бўлади?

- А) орпозэпия
- Б) этимология
- С) лексикология
- Д) фонема

9. Ассимиляция сўзининг маъноси?

- А) “ўхшашлик”
- Б) “мослашув”
- С) “ноўхшашлик”
- Д) “метонимия”

10. Ассимиляция, диссимиляция, гапология, диереза, метатеза билар қандай ўзгаришларга мисол бўлади?

- А) комбинатор
- Б) пегрессив
- С) дистант
- Д) тарихий

5-§.ТИЛ – РАМЗЛАР ТИЗИМИ

Режа:

- 1.Тил сатҳларининг тизим сифатидаги моҳияти.
- 2.Тилнинг белгилар тизими.
3. Тилнинг фонетик-фонологик, грамматик сатҳлари. Тилнинг луғат сатҳи.

Асосий тушунчалар: *тил тизими, тил, лисон, нутқ, рамз, белги, санама белгилар, индекс белгилар, символ белгилар, семиотика, фонология, тил белгилари, лингвистик белги, лингвистик белги назарияси, фонема, квазиомоним, тил сатҳлари, фонетик-фонологик сатҳ, нутқнинг фонетик бўлиниши, фраза, такт, богин, товуш, ургу, фонема, фонология, тилнинг луғат сатҳи, грамматик сатҳ, этимология, лексикография, семасиология, синоним, антоним, омоним.*

Ҳар қандай тил фонетик тузилиш, грамматик қурилиш ва луғат таркибидан ташкил топади. Тилнинг ушбу таркибий қисмлари муайян қонуниятлар асосида ўзаро боғланиб, тил тизимини ҳосил қилади. Тилнинг ривожланиши, ички қурилиши, тилнинг мураккаб тизим эканлиги И.А. Бодуен де Куртене, Ҳ.Б. Крушевский, Ф.Ф. Фортунатов, В.А. Богородитский, А.А.Потебня, А.А. Шахматов, С.П. Обнорский, В.В. Виноградов, А.М.Пешковский, Л.В. Шерба каби тилшуносларнинг асарларида ёритилган. Ички қурилиши жиҳатидан тил маълум миқдордаги ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тил бирликларининг йиғиндиси ва ана шу бирликлардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган мураккаб тизимдир. Тил – белгилар тизимидир. Белгининг лисоний таснифи бир қатор тадқиқотларда келтирилган.

“Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа қуролидир. У объектив борлиқдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот ташувчи асосий воситадир. Ахборот узатишнинг бошқа йўллари ҳам бор. Масалан, йўл ҳаракатидан маълумот берувчи воситалар, йўлдан ўтиш-ўтмаслик хабарини берувчи белгилар ва бошқалар. Бу жиҳатдан тил ҳам ахборот бериш учун хизмат қиладиган юқоридаги воситалар сирасида туради. Уларнинг ҳаммаси учун умумий нарса, аввало, ўзи ҳақида ва шу билан бирга борлиқдаги маълум нарса-

дисалар ҳақида маълумот беришдир. Бундай воситалар белгилар
номланади. Инсон ўзини қуршаб турган оламни билиш
раёнида воқеликни образлар орқали онгида акс эттиради ва бу
им манзараси белги орқали ифодаланади. Социал ахборотнинг
қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади. Тилнинг
тиллар тизими эканлиги унинг асосий хусусияти ва универсал
лидир»³⁹.

Тил инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Тил ёрдамида кишилар
ро фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга,
и мураккаб, бир-бирига қарама-қарши бўлган сифатларни ўзида
жассамлантирган ҳодисадир. Тилнинг табиати, моҳияти,
тилик жамиятида бажарадиган вазифаси каби муҳим масалалар
ий асосда ўрганишни талаб қилади.

“XIX асрдаги белгилар тизимига бағишланган фалсафий
анишлар орасида Ч.С.Пирс асари алоҳида ажралиб туради.
миотиканинг асосчиси саналувчи Ч. Морриснинг Ч.С.Пирс
ашларига таяниши ҳам бежиз эмас. Гарчи Ф. де Соссюрнинг
мумий лингвистика курси» асарида Ч.С.Пирс асарларига ишора
илмаса ҳам, бу икки олимнинг белгилар ҳақидаги қарашларида
р-бирига ўхшашлик бор. Шунинг учун ҳам Р.О.Якобсон «Икки
имнинг (Соссюр ва Пирсинг–А.Н.) белгилар тизимини
ганишдаги ҳаракатида қандайдир генетик алоқа борми ёки
крий мувофиқликни учратамизми, деган масалани ҳал қилиш
да қизикарли бўлар эди»,– деган эди.

Ч.Пирс белгиларни биринчи маротаба тасниф қилади. У
тилларни тасниф қилишда белгининг моддий томони бўлган
одаловчи билан маъно томони бўлган ифодаланувчи ўртасидаги
рқланишга асосланади. Ана шу белги асосида Ч.Пирс белгиларни
катта гуруҳга ажратади:

1. Санама белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи маълум
ражада ифодаланувчи билан ўхшашликка эга бўлади: масалан,
йвонларнинг тасвир белгиси сифатида акс эттирилиши.

2. Индекс белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи
одаланувчи билан сабаб-натига ёки бошқа муносабат (яқинлик,
кон ва замондаги боғлиқлик ва бошқалар) орқали боғланади.
асалан, тутун оловнинг индекс белгиси саналади.

³⁹ Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси.-Т.:Фан, 2008.-Б.4.

3. Символ белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи билан ифодаланувчи ўртасида шартли, конвенционал, мотивланмаган муносабат мавжуд бўлади. Бу муносабат эркин ва маълум коида асосида вужудга келади. Ана шу жиҳатдан лингвистик белгилар символ белгиларга ўхшайди. Лекин белгилар типологиясида алоҳида ўрин эгаллайди”⁴⁰.

Тилшунослик фани тарихида тилнинг табиати, ижтимоий моҳияти каби энг муҳим масалаларни ўрганишда турли назариялар ва оқимлар мавжуд бўлган. А.Шлейхер тилнинг биологик табиати тўғрисида, Г.Паул тил фақат индивидга хос ҳодисалиги ҳақида, Вундт халқ психологияси билан тил ўртасидаги муносабат тўғрисида илмий тадқиқот олиб боришган.

Тил белгилари уни алоқанинг бошқа воситаларидан фарқлаш, тилни ижтимоий ҳодиса сифатида характерлаш имконини беради. Умуман, тил кишилик алоқа-муносабатининг энг муҳим воситаси сифатида жамият, маданият, турмуш тарзи ва меҳнат фаолияти давомидаги билимларни ифода этиб келмоқда. Тилнинг жамиятдаги бу вазифасини, унинг жамият, киши онги ва фикрлаш қобилияти билан алоқасини аниқламай туриб, тил тизими, унинг бирликлари ва категорияларини чуқур англаб бўлмайди. Кишилар ўзаро алоқа-муносабатда бўлиб, истакларини, сезги ва руҳий кечинмаларини ифода қилиб, бир-бирларига таъсир қиладилар, бир-бирларини тушунадилар. Тилнинг жамиятда алоқа қуроли вазифасини бажариши унинг коммуникатив функциясидир. Бундан ташқари тил экспрессив ва аккумулятив функция бажаради. Экспрессив функция ҳиссиётни, модалликни ифода этишда намоён бўлса, аккумулятив функция халқ тарихи, маданияти, дунёқараши ҳақидаги муҳим маълумотларни тўплашида ўз аксини топади.

“XIX аср охирига қадар белги назарияси билан асосан файласуфлар шуғулландилар. Фақат XIX аср охиридан бошлаб бу масала руҳшуносларнинг ҳам диққатини жалб қила бошлади. Белги ҳақидаги фалсафий назария ўзининг узоқ тарихига эга.

Белги назариясининг вужудга келишида қадимги Гретсияда эпикурийлар ва стоикларнинг хизмати катта бўлди. Бу икки фалсафий мактаб вакиллари, гарчи турли мақсадларни ўз олдига қўйган бўлсалар ҳам, бевосита кузатишда берилган ҳодисалар билан сезги аъзолари ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган моҳиятлар

⁴⁰ Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси.-Т.:Фан, 2008.-Б.4-5.

ўртасидаги ассоциатив алоқани ўрганишга асосий эътиборни қаратишда умумийликка эга бўлдилар.

Масалан, бадан ҳаракати руҳ белгиси сифатида, юзнинг қизариши уялиш белгиси, тана титроғи касаллик белгиси сифатида қаралади. Шундай қилиб, грекларнинг белги назарияси семиотике (сема “белги”, семиотикос “белгини кузатиш”) номи билан тарқалди.

XVIII аср охирларида инглиз олими Дж. Локк греклар томонидан кўпроқ медицинага нисбатан қўлланган “семиотика” атамасини инглиз фалсафасига олиб кирди ва илмий триада деб ҳисобланган мантиқ, физика ва этика доирасида қўллади. Унинг фикрича, семиотиканинг мақсади нарсаларни тушунишга, бу нарсалар ҳақида ҳосил бўлган билимни бошқаларга узатишга хизмат қиладиган белгилар табиатини ўрганишдан иборатдир.

Файласуфлар таъсирида XIX асрдан бошлаб тилнинг умумий назариясига бағишланган, деярли, барча лингвистик асарларда сўз икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида талқин қилина бошлади. В.Гумбольдт, Шлейхер, Штейнтал, Л.Бреал, А.Мее, Ф.Фортуатов, И.А.Бодуен де Куртене, Н.Крушевский асарларида сўзга белги нуқтаи назаридан ёндашилади. Ф.де Соссюр тилнинг белгилари табиатини аниқ-равшан ёритиб берди. Ҳатто белги назарияси билан шуғулланувчи алоҳида фан семиология фани мавжуд бўлишини ва лингвистика ҳам семиология таркибига кириши лозимлигини таъкидлади”⁴¹.

Тилшунослик фанининг асосий муаммоларидан бири тилнинг ички қурилишини ўрганишдир. Тил, аввало, белгилар тизимидир.

«Бир томондан, структурализмнинг муваффақияти, иккинчи томондан, семиотика фанининг ривожланиши туфайли, 50-йиллардан бошлаб белги муаммосига қизиқиш янада ортди. Лингвистик муаммоларни семиотик аспектда ўрганиш лингвистиканинг ўзгаришига олиб келди. У ҳам «инсон билимлари тизимида марказий ўрин тутувчи фанга айланди».

Ҳозирги кунда белгининг турли аспектларини ҳисобга олувчи турли таърифлари мавжуд. Унинг ҳамма қирраларини ҳисобга олган ҳолда, Й.С.Маслов шундай таъриф беради: «Белги – бу идрок қилинадиган нарса бўлиб, идрок қилувчига ўзи ҳақида ва ушбу

⁴¹ Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. -Т.:Фан, 2008.-Б.4-5.

белгидан ташқарида бўлган бошқа нарса ҳақида маълумот берувчи воситадир».

Белгини аниқлашда, одатда, унинг икки хусусияти кўрсатилади: Белгининг биринчи хусусияти идрок қилинишидир. Демак, белги идрок қилиниши учун маълум моддий асосга эга бўлиши керак. Белгининг моддий асоси турлича бўлиши мумкин; товуш (акустик), кўриш (оптик), маза (густатор) ва бошқалар.

Белгининг иккинчи хусусияти ўзи ҳақида ва бошқа объект ҳақида маълумот беришдир. Англашиладики, ҳар қандай белгида ўзаро маълум муносабатда бўлган икки объект мавжуд бўлади. Объектлар ўртасидаги муносабат икки хил: сабаб-натижали муносабат ва шартли муносабат. Сабаб-натижали муносабатда ўзаро муносабатда бўлган объектлар мотивланган, шартли муносабатда эса мотивланмаган бўлади. Демак, белгилар объектив реалликдаги ўзи акс эттирган объектга муносабатига кўра мотивланган ва мотивланмаган белгиларга бўлинади.

Масалан, тутунни кўриб, ёнғин ёки олов ҳақида, ўрик гуллаганини кўриб, баҳор фасли ҳақида, сув жимирлаганини кўриб, балиқ ҳақида, тош сўзини эшитиб, қаттиқ жисм ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Биринчи объектлар (*тутун, ўрик гули, сув жимирлаши, тош сўзи*), иккинчи объектлар (*олов ёки ёнғин, баҳор, балиқ, қаттиқ жисм*) ҳақида ахборот бериш учун хизмат қиляпти. Булардан дастлабки уч объект ўртасида (*тутун ва олов, ўрик гули ва баҳор, сув жимирлаши ва балиқ*) табиий боғланиш, сабаб-натижа муносабати, яъни объектлар алоқасида мотивланиш (мотивация) бор. Охирги объектлар (*тош сўзи ва қаттиқ жисм*) муносабатида эса табиий боғланиш, сабаб-натижа муносабати (мотивация) йўқ. Улар ўртасидаги муносабат шартли.

Машхур Америка олими К. фон Фришнинг маълумотида кўра, асаларилар ўйини ҳам белги вазифасини бажаради. Асалари ўйинининг шакли ва частотаси озуқа манбайининг масофаси ва йўналиши ҳақида маълумот беради. Доира шаклидаги ўйини озуқа манбайининг асалари уясидан узоқ эмаслигини, юз метр атрофида эканлигини, саккиз шаклидаги ўйини эса бирданига икки ахборот-озуқа манбайининг масофаси юз метрдан анча ортиқлиги ва йўналишини билдиради. Масофа маълум вақт ичида бажарилган ўйин шаклининг миқдорига боғлиқ. Масофа узунлиги асалари ўйини частотасига тесқари пропорционалдир. Тўққиз-ўнта

саккизлик бўлса юз метр атрофидаги масофани, еттита саккизлик шакли 200 метр масофани, тўрт ярим саккизлик шакли бир километр масофани, икки саккизлик шакли эса олти километр масофани кўрсатади. Масофа қанча узоқ бўлса, ўйин шунча секин бўлади. Йўналиш эса «саккизлик» ўқининг нисбатига кўра белгиланади. Қуёшга нисбатан «саккизлик» ўқининг ўнгга ёки чапга бурилиш бурчаги йўналиш томонини аниқ кўрсатади.

Асалари ўйинининг шакли ва частотаси билан улар ифодалаган ахборот ўртасида ҳам шартли, мотивланмаган муносабат бор. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бири иккинчиси билан алмашилиб келадиган ҳар қандай икки объектнинг бири белги бўла бермайди. Фақат бири ўрнида иккинчиси муттасил алмашинадиган ва бу алмашинув (энг муҳим) инсон онгида акс этгандагина белгилашади. Масалан, тутун оловнинг белгисидир. Аммо унинг белгилиги объектлар ўртасидаги табиий сабаб-натижа (сабаб-олов, натижа-тутун) муносабати эмас, балки бу муносабатнинг инсон онгида акс этганлиги, конвенционаллиги учундир. Акс ҳолда табиатдаги ҳар қандай сабаб-натижа муносабатида бўлган объектлар ўзларига табиий равишда белги яратиб олар эди.

Сабаб-натижа муносабатли (мотивланган) белгилар объектлар ўртасидаги муносабатнинг инсон онгида акс этишидан вужудга келади. Шартли муносабатли (мотивланмаган) белгиларда эса объектлар ўртасидаги муносабат инсон томонидан ҳосил қилинади. Ана шу субъектив ҳосил қилинган алоқа белги мазмуни (концепт ёки сигнификат) ҳисобланади. Белги орқали ифодаланган объект эса денотат ёки референт терминлари билан номланади⁴².

“Тилшуносликда тилни белгилар тизими сифатида талқин қилувчи икки хил ёндашув бор. Биринчи ёндашув тарафдорлари тилнинг белгилар тизими эканлигини умуман рад этадилар. Бу назария идеалистик назария сифатида баҳоланади. Хусусан, Л.О.Резниковнинг дастлабки асарларида бу нуқтаи назар ёрқин акс этади. Унинг фикрича, тилшуносликда агностицизм биринчи навбатда, тилнинг белгилар тизими эканлиги ҳақидаги назарияда ифодаланади. Инъикос назариясига асосланган диалектик материалистик таълимот агностицизмнинг бу кўринишини кескин танқид қилиш лозимлигини таъкидлайди. Р. А. Будагов ҳам лингвистик белги ҳақидаги назарияни инкор этади. У ҳар қандай

⁴² Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси.-Т.:Фан, 2008.-Б.4-5.

миллий тил маълум ифодалар тизимигина эмас, балки бу тилда мулоқот қилувчиларнинг барча фаолиятини ўзига хос акс эттириш натижаси ҳамдир, дейди. Унинг таъкидлашича, тилнинг белгилар тизими эканлиги ҳақидаги назарияда ифодаланади. Инъикос назариясига асосланган диалектик материалистик таълимот агностицизмнинг бу кўринишини кескин танқид қилиш лозимлигини таъкидлайди. Р. А. Будагов ҳам лингвистик белги ҳақидаги назарияни инкор этади. У ҳар қандай миллий тил маълум ифодалар тизимигина эмас, балки бу тилда мулоқот қилувчиларнинг барча фаолиятини ўзига хос акс эттириш натижаси ҳамдир, дейди. Унинг таъкидлашича, тилнинг белгили табиати концепцияси миллий тиллар табиатини ва шу билан бирга лингвистикани ҳам ниҳоятда камбағаллаштиради.

Лингвистик белги назариясини инкор этувчиларнинг ҳаммаси лингвистик белги табиати ҳақидаги бир йўналиш монолетаристик (белгининг бир ёқламалилиги) йўналишга нисбатан фикр юритадилар. Белгини фақат шаклдан иборат, деган фикрга асосланадилар.

Б.А.Серебреников тўғри таъкидлаганидек, лингвистик белги назариясини умуман рад этувчи олимлар икки нарсани коммуникация воситаси сифатидаги лингвистик белги табиати ва белги – маъно – нарса (ҳодиса) муносабати муаммоларини аралаштирадилар.

Даврлар ўтиши билан тилнинг белгилар тизими эканлиги ҳақидаги назария аста-секин эътироф этила бошлади. Лекин лингвистик белги тузилиши масаласида икки хил оқим вужудга келди. Тил белгилар тизими сифатида эътироф этила бошлади.

Биринчи оқим тарафдорлари лингвистик белги тузилишига фақат ифодаловчини киритадилар. Хусусан, Й.М.Галкина-Федорукнинг фикрича, товуш комплекси объектив борлиқдаги маълум предмет ҳақидаги умумхалқ тушунчасининг ифодаловчисидир. Шунинг учун ҳам сўз орқали ифодаланган тушунчани эмас, балки фақат сўзнинг товуш комплексинигана белги дейиш мумкин. Сўзнинг «маъноси»да ҳам «белги»ни кўришнинг ҳар қандай имкониятини мутлақо йўқотиш керак. Сўз ўзининг товуш состави билан борлиқдаги ҳодисаларнинг онгдаги инъикоси бўлган тушунчаларни ифодалайди, шу билан бирга,

тушунчаларни шакллантириб номлайди. Демак, сўз предметлар копияси ҳам эмас, уларнинг белгиси ҳам эмас”.

Илгари лингвистик белгини мутлақо инкор этган Л.О.Резников ҳам кейинги асарларида бу назарияни эътироф эта бошлади ва фақат товуш комплексинигина лингвистик белги деб ҳисоблади.

У сўзнинг товуш томони моддий характерга эга бўлиб, предметга нисбатан белги вазифасини бажаради, дейди. Унинг таъкидлашича, маъно предметни бевосита эмас, балки билвосита товуш томони орқали акс эттиради, чунки борлиқнинг умумлашган ички мазмуни фақат иккинчи сигнал тизими орқали, яъни умумлашган маънога эга бўлган товушлар комплексини талаффуз этиш ва қабул қилиш жараёнида вужудга келадиган махсус физиологик алоқалар тизими орқали амалга оширилиши мумкин.

Бу концепциянинг фаол тарафдорларидан бири В.З.Панфиловдир. У бир бутун тил бирлигини эмас, балки фақат унинг материал томонини белги деб ҳисоблаш кераклигини, тил белгиси икки томонли эмас, балки бир томонли моҳият эканлигини кўрсатади.

Белгининг бир томонлама эканлигини поляк тилшуноси Л. Завадовский қуйидагича таърифлайди: «Белгининг икки томонлама табиати тарафдорлари таянган асос тўғри. Белги, дарҳақиқат, шунинг учун белгики, у маънога эга. Лекин бундан белги икки элементдан ташкил топган бир бутунлик, комбинация деган ҳулосага келмаслик керак. Ахир боғ эгасини киши + боғ тарзида, икки томонлама моҳият сифатида талқин этиш керакми?».

В.М. Солнцев ҳам белгининг бир томонлама эканлигини маъқуллайди. У тўғри таъкидлагани каби, маънони белги таркибига киритиш ёки киритмаслик, бошқача айтганда, белгининг бир ёқлама ёки икки ёқлама моҳият эканлигини тан олиш кўп жиҳатдан маъно табиатини турлича тушунишга боғлиқ. Ҳозирги кунда маънони икки хил тушуниш мавжуд:

1) муносабат тури сифатида (а) белгининг ифодаланувчи предметиға муносабати, (б) тушунчаға муносабати ва 2) идеал акс эттириш сифатида. Биринчи қараш бўйича белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашишга асос бор. Иккинчи қараш бўйича эса йўқ. Шунинг учун ҳам белгининг икки томонли эканлигини ҳимоя қилувчилар белги ҳақидаги иккинчи қарашни танқид қиладилар.

Маънони тушунча билан бир хил ҳолда инъикос категорияси сифатида, айти пайтда, онг факти сифатида тан олиш уни белги таркибига киритишга монелик қилади ва белгини бир томонлама моҳият деб қарашга асос бўлади.

Маъно онг факти сифатида «идеал нарса» (ҳаракат, белги, миқдор ва бошқалар), «ақлий предметдир».

Маъно «ақлий предмет» сифатида худди тушунча каби турлича бўлиши мумкин: а) ташқи оламнинг (турли даражадаги аниқлик ва адекватлик билан акс этган) нусхаси. Масалан, «дарахт» маъноси онгда конкрет предметлар синфининг, «юрмок» маъноси реал ҳаракатлар синфининг акс этишидир; б) ташқи оламни бузилган ҳолда акс эттириш ёки ижодий фантазия натижаси: дев, сув париси ва бошқалар.

Маънонинг биринчи типда д-а-р-а-х-т товуш қатори ҳар қандай реал предметни акс эттириш учун қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда белги, яъни д-а-р-а-х-т товуш қатори ўзидан ташқаридаги маълум нарса ҳақида маълумот беради.

Белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашувчилар, одатда, «дарахт» маъносига эга бўлган белги реал борлиқдаги предметни ифодалаш учун хизмат қилади, дейдилар.

В.М. Солнцев талқинига кўра эса д-а-р-а-х-т товуш қатори, яъни белги, энг аввало, маънога, ақлий предметга, «умуман дарахт»га ишора қилади, шунинг учун у ҳар қандай конкрет «дарахт» билан мувофиқ келиши мумкин. «Ақлий предмет», «ақлий ҳаракат», яъни умумлашмалар ортида реал предметлар, ҳаракатлар туради ва бу умумлашмалар ҳар қандай ҳолда белги билан ифодаланиши мумкин.

Иккинчи типдаги маънода эса (дев, сув париси) реал предметлар бўлмаганлиги учун белги (товуш қатори) фантазия маҳсулоти сифатида фақат онгда мавжуд бўлган «ақлий предмет»ларгагина ишора қилади. Унинг фикрича, белги ишора қилган нарса белги таркибига кирмаслиги керак. Маъно онг факти, мия вазифаси сифатида фақат кишилар онгида мавжуд бўлади. Белги эса моддий предмет сифатида инсондан ташқарида яшайди. Маъно белгидан ажралмасдир. Лекин айти пайтда, у тўлиғича белгига тенг эмас.

Белгининг икки томонламалилиги концепциясида маъно белгининг ифодаланаётган предметга муносабати сифатида талқин

қилинади. Белгининг бир томонламалилиги концепциясида эса маънога муносабат сифатида ёндашувнинг тўғри эмаслиги таъкидланади.

В.М.Солнцев фикрича, ифода ва маъно бирлиги тил бирлигини ҳосил қилади. Масалан, сўз, морфема. Унинг таъкидлашига кўра, тил бирлиги ҳақида ран кетганда, албатта, унинг таркибига маънони қўшиш керак. Тил бирлигининг маъносида шу тилда сўзлашувчи халқнинг тажрибаси акс этган. Тил бирлиги бир бутунлик сифатида ўзининг маъноси орқали ташқи олам билан боғланади. Тил бирлиги бир бутунлик сифатида белги эмас. У белги ва маънодан ташкил топган.

Айрим олимлар онг элементларини ҳам белги ҳисоблаш тарафдорларидир. Ҳозирги кунда бундай қараш А.А.Уфимцева, Н.Д.Арутюновалар томонидан олға сурилмоқда. Хусусан, А.А.Уфимцева борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг идеал акс этиши белгилар дунёсини вужудга келтиради, дейди.

Н.Д.Арутюнова эса тил икки белгилар тизимидан иборат, деган хўлосага келади. Бири товуш белгиларидан иборат бўлиб, тушунчани ифодалайди, иккинчиси эса борлиқдаги предмет, ҳодисаларни акс эттирувчи тушунчалардан ташкил топади.

Иккинчи оқим вакиллари эса белгининг икки томонлама моҳиятидан келиб чиқиб, уни ифодаловчи ва ифодаланувчи бирлигидан ташкил топган, дейдилар (Кассериу, Рассел, Соссюр, Вандриес, Сепир, Елмслев, Блумфилд, Виготский, Серебренников ва бошқалар).

Ф.де Соссюр “Умумий лингвистика курси” асарида белгини ифодаловчи (акустик образ) ва ифодаланувчи (тушунча) бирлиги сифатида талқин этади. Унинг фикрича, лингвистик белги нарса ва унинг номи бирлигидан эмас, тушунча ва акустик образ ўртасидаги муносабат бирлигидан иборат. Акустик образ соф моддий ҳодиса эмас, балки товушларнинг психик зуҳури ҳисобланади. Шунинг учун белги икки томонлама психик моҳият ҳисобланади. Бу билан у лингвистик белгининг абстракт моҳият эканлигига ишора қилади. Фанда бу оқим “билатериалистик оқим” номи билан машҳур бўлди. Б.А.Серебренниковнинг фикрича, белгининг икки томонламалилиги концепцияси ҳақиқатни тўғрироқ акс эттиради. Чунки маънодан ташқари белгининг бўлиши мумкин эмас. Товуш қобиғини маънодан ажратиш катта илмий хатодир.

Лингвистик белги ва унинг турлари, ўзига хос хусусиятлари: белгининг эркинлиги ва кетма-кетлиги, дискретлик хусусияти; ўзгармаслик ва ўзгарувчанлик жиҳатлари хусусида, шунингдек, унинг структураси ҳақидаги назарий қарашлар ўзбек тили материаллари асосида ёритилган⁴³.

Белгининг монологлигини ёқловчилар маънони борлиқнинг акс этиши, белги орқали ифода қилинган объектив факт деб изоҳлайдилар. Шу билан бирга, борлиқнинг инъикоси бўлган тушунча ҳам мавжуд. У ҳолда инъикос этишнинг бу икки тури ўртасида, яъни маъно ва тушунча ўртасида қандай фарқ бор? Й.М. Галкина-Федорук тушунчанинг мантик категорияси, маънони эса лингвистик категория эканлигини таъкидлайди. Лекин Б.А.Серебренников кўрсатганидек, бу икки ҳодисанинг юқоридаги каби фарқланиши нутқда бир вақтнинг ўзида икки хил акс этириш мавжуд эканлигини тушунтириб беролмайди. Е.М.Галкина-Федорук томонидан сўзнинг лексик маъноси сўзлашувчи коллектив томонидан борлиқнинг у ёки бу ҳодисаси билан боғланиши сифатда талқин қилинади.

Дарҳақиқат, тушунча ва маъно ўртасида катта фарқ бор. Предметнинг инъикоси инсон онгида табиий равишда рўй беради. Предмет белгиларининг умумлашмаси сифатида предмет образи гавдаланади.

Товуш комплекси ва реалликдаги предмет ўртасида дастлаб ҳеч қандай алоқа мавжуд бўлмайди. Бу ерда акс этириш деб номланиши мумкин бўлган ҳодиса йўқ. Товуш комплекси билан предмет ўртасидаги алоқа инсон томонидан ўрнатилади.

Товуш комплекси билан предмет ўртасидаги бундай шартли муносабат бўлганда товуш комплекси кўрсатиш, ишора қилиш вазифасини бажаради. Маъно тушунчадан фарқли равишда доимо ҳосил қилинади, табиий асосда келиб чиқади.

Б.А.Серебренников маъно ва тушунчани бир-биридан фарқлаган ҳолда, маънонинг инъикос категорияси эканлигини ишқор қилади. Унинг таъкидлашича, шартли ва сунъий равишда тикланган алоқага ҳеч қачон акс этириш сифатида қараш мумкин эмас. Аслида маъно бу – товуш комплексининг тушунча билан инсон томонидан ўрнатилган шартли алоқаси. П.В.Чесноков ҳам

⁴³ Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. Танланган асарлар. I жилд. – Т.: Akademnashr, 2012. -Б. 86-105.

маъно муносабатда мавжуд эмас, фақат шу муносабатда ҳосил килинишини таъкидлайди.

И.П.Сусов фикрига кўра, ифодаланувчининг тилдаги қарама-қарши аъзоси бир бутун белгининг барча томони эмас, балки унинг фақат бир томони субстансиал томони саналади. Белгининг бу томони унинг ифодаланувчидир. Демак, ифодаланувчи белгининг фақат бир томони, субстансиал, томонини ташкил этади. Белгининг бошқа томони маъно ҳисобланади. Маъно тил ифодасининг тилдан ташқаридаги ифодаланувчига муносабатини кўрсатади. Бунга мувофиқ, маъно тил субстанциясига функционал қўшимча сифатида иштирок этади, субстанцияга ҳаёт бағишлайди, белгининг субстансиал ва функционал томонларини бир бутунлик сифатида шакллантиради.

А.А.Уфимцева лингвистик белги маъносини аниқлашнинг мураккаб эканлигини, лингвистик белги бир вақтнинг ўзида бир қанча функцияда келишини таъкидлайди. У белги шаклининг ифодаланувчи билан муносабати икки томонлама эканлигини кўрсатади: 1) ифодаланувчининг белги шаклига муносабати; 2) ифодаланувчининг предметга (объектив фактга) муносабати. Булардан биринчиси маъно, иккинчиси эса ифода ҳисобланади. Белги маъносининг шаклланишида ўзаро боғланган юқоридаги уч қисм (белги–предмет ҳақидаги тушунча – предмет) маълум даражада акс этади. А.А.Уфимцева ўз фикрини янада конкретроқ қилиб, маънони белги вазияти қисмлари ўртасидаги алоҳида муносабат сифатида характерлаш мумкинлигини кўрсатади. Белги билан предмет ифодаси ўртасидаги алоҳида муносабат остида инсон орқали юзага чиқадиган алоқа тушунилади.

Шундай қилиб, белги маъноси объектив қатордаги ифодаланувчи билан ҳам, субъектив қатордаги ифодаланувчи – денотат билан ҳам тенг эмас. Ифодаланувчи белгидан ва тилдан ташқарида қолади. Маъно эса белгининг бир томонини ташкил этади ва тил мақомига эга бўлади.

Белгининг бир ёқламалиги ва икки ёқламалиги муаммоси маънога икки хил ёндашув билан боғлиқ. Белгига бир ёқлама моҳият сифатида ёндашувчилар инъикос жараёнини уч босқичдан иборат, деб талқин қилдилар: нарса – нарса белгиларининг умумлашмаси, нарса образи, яъни нарса ҳақидаги тушунча, акустик хосса (ифодаловчи). Иккинчи босқич – нарсани акс эттириш

босқичи, онг факти белгидан ташқарида колдирилади. Бу босқич борлиқдаги нарсани акс эттириш босқичи сифатида белгига икки ёқлама моҳият, деб ёндашувчилар томонидан ҳам белги таркибига киритилмайди. Бу жиҳатдан юқоридаги икки оқим ҳамфикрдирлар. Лекин иккинчи оқим тарафдорлари инъикос жараёнини уч босқичга эмас, балки тўрт босқичга бўладилар. Маъно билан тушунчани бир-биридан фарқлайдилар: нарса – тушунча – муносабат (маъно) – акустик хосса (ифодаловчи). Бунга мувофиқ, ифодаловчи билан нарсанинг умумлашган образи, яъни тушунча ўртасидаги муносабат маъно саналади. Шунинг учун ҳам маъно белги таркибига киритилади.

Биз белгининг икки томонламалиги ҳақидаги қарашни маъқуллаймиз ва инъикос жараёни тўрт босқичли эканлигини эътироф этамиз. Лекин маънони бошқача талқин этамиз. Бунга мувофиқ, лингвистик бирликнинг моҳияти моддий томони билан (белги билан) ғоя томони (маъно)нинг бирлигидан иборатдир.

И.П.Сусов маъно моҳиятини англаш ва унинг характерини белгилаш учун ифодаловчи ва ифодаланувчи таҳлилига таяниш кераклигини айтади. Ифодаланувчи маъно (смысл), семантик предмет (сигнификат), реал предмет (денотат)ларнинг бирлигидан иборат. Маъно семантик предметнинг ажралишига асос бўлган белгилар мажмуасидир. Белгилар мажмуаси билан ажраладиган аниқланувчи предмет семантик предмет ҳисобланади. Масалан, тоға сўзи ўзида қуйидаги беш белгини (семани) мужассам этган маънодан иборат: 1) эркак жинсидаги шахс; 2) қариндош; 3) ўғайлик белгиси бўлмаган қариндош; 4) нисбий қариндош (она орқали), 5) бир авлод катта. Юқоридаги белги асосида ажраладиган шахс тоға сўзининг семантик предмети саналади. Семантик предмет ҳам объектив борлиқнинг акс этишини кўрсатади. Семантик предмет реал предметнинг онгдаги инъикоси саналади. Юқоридаги тоға сўзи объектив реалликдаги онгдан ташқарида мавжуд бўлган, реал предметни акс эттиради. Семантик предмет ҳам, реал предмет ҳам ифодаланувчи таркибига киради. Улар ўртасидаги фарқ шундаки, биринчиси акс эттирувчи, иккинчиси эса акс этувчи ҳисобланади. Семантик предмет семантик белгилар, семалар конъюнксияси орқали, денотат эса (агар у турдош от бўлса) реал предметлар дизъюнксияси орқали ажратилади. Бу жиҳатдан атоқли ва турдош отлар денотати бир-биридан фарқ қилади. Атоқли отлар

отати объектив борлиқдаги ёлғиз предметлар бўлса, турдош ар денотати эса борлиқдаги реал предметлар дизюнксиясидир. Ҳақдайд килиб, номлаш назарияси сўз, семантик предмет, реал предмет (денотат) ва маъно бўлишини тақозо қилади. Шуносликда қуйидагилар ҳақида фикр юритишга тўғри келади: абийй тил сўзи ҳақида; 2) бу сўзнинг семантик иштирокчилари, и моддий оламнинг инсон онгида акс этиши ва сўз орқали даланиши ҳақида; 3) инсон онгида акс этадиган ва сўз орқали даланадиган объектив олам предметлари, ҳодисалари ҳақида. денотатив маъно инсон онгидан ташқарида бўлган объектив оламдаги нарса, ҳодисалар ва улар ўртасидаги алоқаларнинг онда этишидир. Семантик предмет билан реал предмет ўртасидаги ниспийал фарқ шундаки, биринчиси акс этади, иккинчиси акс қилади. Сигнификатив маъно денотатив маънога нисбатан илдамчи характерга эга. Чунки оламни билиш жараёнида объектив олам элементларининг энг муҳим белгилари инсон онгида этади ва онда акс этган объектив оламдаги бир қанча нарсалар, ҳодисалар ҳақидаги бу психофизиологик жараён субстрат тил иши орқали ифодаланади. Англашиладики, лингвистик тилнинг асосий қисми бир вақтнинг ўзида ҳам денотатив, ҳам сигнификатив маънога эга бўлади. Бундай вақтда лингвистик тилнинг денотат билан алоқаси сигнификат орқали рўёбга чиқади. Ҳақдайд мувофиқ тил қуйидаги уч ҳодисани ўзида қамраб олади: 1) материал олам ҳодисаси сифатида белгини; 2) объектив оламни акс эттирувчи идеал ҳодисани; 3) мавжудлиги билан ҳодисага ва унинг белгисининг мавжуд бўлишига боғлиқ бўлган объектив борлиқни. Т. П. Ломтевнинг таъкидлашича, лингвистик белгининг моҳияти белги ва белги маъносининг ниспийат (сигнификат) конвенционаллигини эмас, балки объективлигини ифодалайди. Белги маъноси ва объект ўртасида акс эттириш ниспийат мавжуд. Айрим ҳолларда сигнификат объектив оламда бўлмаган, инсон томонидан сунъий равишда ҳосил қилинган образни билдириши мумкин: дев, пари ва бош⁴⁴.

Тил тизимини ташкил этувчи бирликларнинг ўзаро муносабати ифодаланиш қонуниятлари мураккаб ҳамда кўп қирралидир. Гарчи тилнинг яхлит тизим бўлса-да, бу тизим ўзига хос жиҳатларга эга бўлган, тилнинг таркибий қисмлари ҳисобланган сатҳлар

⁴⁴ Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси.-Т.:Фан, 2008.-Б.13.

бирлигидан иборат. “Тил системавий табиатга эга эканлиги боис унинг таркибий қисмлари ҳам систем характердадир⁴⁵. Ҳар бир сатҳнинг ўз бирликлари ва тушунчалари бўлиб, улар бир-бирдан фаркланиб туради. Масалан, фонетик-фонологик сатҳ луғат сатҳидан, луғат сатҳи грамматик сатҳдан фаркланади. Тил тизимини ташкил этган *асосий сатҳлар* қуйидагилар:

1. Фонетик-фонологик сатҳ.

2. Луғат сатҳи.

3. Грамматик сатҳ.

Фонетик-фонологик сатҳ. Тилнинг бу сатҳи тил тизимидаги нутқ товушларини ўрганади. Фикр алмашиш учун фойдаланиладиган сўзлар ва гаплар товушлар тизимида ўз ифодасини топади. Тилнинг товуш тизимини турли томондан ўрганиш мумкин, чунки нутқ товушлари ўз табиатига ва тил тизимида бажарадиган функциясига кўра мураккаб ҳодисадир. Нутқ товушлари физик хусусиятларига кўра табиатда пайдо бўладиган товушларнинг бир туридир. Шунинг учун товушлар тизимини ўрганишда акустик нуктайи назардан ҳам ёндашилади. Аммо, инсон фойдаланадиган товушлар, табиатдаги бошқа товушлардан фарқли ўлароқ, нерв тизими томонидан бошқарилиб турадиган нутқ органлари маҳсулидир. Шунинг учун товушлар физиологик нуктайи назардан ҳам ўрганилади. Ниҳоят, товушларни тилдаги бажарадиган функцияси нуктайи назаридан ҳам ўрганиш мумкин, чунки товушлар тилда ўз ҳолича мавжуд бўлмайди. Улар сўзларни ясашда ва фикр алмашиш воситасини таъминлаб беришда муҳим рол ўйнайди. Товушларнинг физик ва биологик хусусиятларини фонетика фани ўрганади. Товушларнинг тил тизимида бажарадиган функцияларини эса фонология ўрганади. Фонетиканинг бир неча кўринишлари бор: *назарий фонетика, экспериментал фонетика, сегментал фонетика, суперсегментал фонетика ва фонология*. Алоҳида аппаратлар ёрдамида нутқ товушлари, бўғин, урғу ва интонациядаги артикуляцион-акустик хусусиятларни ўрганиш соҳаси *экспериментал фонетика* деб номланади.

Фонетиканинг асосий соҳаси ҳисобланмиш фонология алоҳида фан сифатида қаралади.

Фонетика тилнинг бошқа сатҳлари бўлган морфология, синтаксис, лексика ва услубият билан узвий боғлиқдир. Товушлар

⁴⁵ Менглиев М. Тил – яхлит система сифатида. -Т.,2010.-Б.4

фонетика бирлиги сифатида ўрганилганда *нутқ товушлари* ёки *фонлар* деб юритилади. “Фон” ҳозирги тилшуносликда кенг гарқалган атама бўлиб, нутқнинг энг кичик, маъно англамайдиган бирлигидир.

Нутқ кетма-кет келган товушлар йиғиндиси ёки занжирсимон ўланишдан иборат бўлиб, у талаффуз даврига кўра олдинма-кейин селган фонетик бирликларга бўлинади. Нутқнинг ана шундай катта ва кичик бирликларга бўлиниши нутқнинг фонетик бўлиниши деб аталади.

Тил материя сифатида, энг аввало, ҳаво қатламларидаги ҳаракат натижасида ҳосил бўлган товуш сифатида реаллашади. Жамият ўзолари ўзаро товушлар асосидаги нутқ орқали муносабатда ўлади. Шу билан бирга, нутқ тартибсиз ҳолда талаффуз этилган товушлар оқимидан иборат эмас. Биз гапираётганимизда нутқ товушлари оқими мунтазам равишда ўзаро боғлиқ ҳолда, маълум артибда, кетма-кетликда реаллашади. Нутқ товушларнинг узлуксиз кимидан иборат бўлмай, айрим нутқий бўлақларда намоён бўлади.

Нутқ фонетик жиҳатдан фраза, такт, бўғин ва нутқ товушларига қараб бўлади. Нутқ товушлари мустақил ҳолда эмас, балки бўғин, такт ва жумлалар таркибида қўлланади. Нутқ фонетик жиҳатдан йидагиларнинг бирикишидан ҳосил болади:

1. **Фраза** (жумла) – (юн. . *phrasis* – “ифода”, “нутқ”). Фраза нутқнинг энг катта фонетик бирлиги бўлиб, икки томондан пауза билан чегараланиб, ўзига хос оҳангга эга бўлади. Фразалар тактдан шикил топади. Умуман, жумлалар биридан кейин иккинчисини тиш учун нафас олиш билан, яъни тўхтамлар билан айрим - айрим бирликларга ажратилади: *Дўстим, / уйқу йўқ. / ётишим билан қум қочиб / ўрнимдан туриб кетаман / чироқ ёқиб, / китоб ўқишдан тунни ўтказаман.* Бу мисолда беш интонацион – фонетик бўлақ тўхтам билан ажратилган.

Фраза – фонетик бирлик, гап эса грамматик (синтактик) бўлиб қиради. Жумлалар тактларга бўлинади. Такт интонацион бўлиқ (жумла)нинг бир бўлаги бўлиб, у бош урғу билан бошланади. Такт бир ёки бир неча бўғиндан иборат бўлади. Ҳар тилларда урғу мустақил маъноли сўзларнинг ўзида бўлгани билан уларнинг ҳар қайсиси бир такт бўлади. Ёрдамчи сўзлар мустақил маъноли сўзлар билан бирикиб, бир тактни ҳосил қилади. Мисол: *Устозим билан гаплашиб факультет тадбирига*

таклифномалар жўнатдик. Бу жумла беш тактдан иборат. Тактларда ёрдамчи сўзларнинг мустақил сўзлар билан бирикиб келган ўрнига қараб энклитика ва проклитика ходисалари фарқланади. Ёрдамчи сўзлар мустақил маъноли сўзлардан олдин ёки кейин келиши мумкин. Одатда урғу олмаган сўзлар урғу олган сўз билан бирикиб келади. Масалан: *Фақат укам келди.* Бу гапда иккита такт бор. Урғу олмаган сўз урғули сўздан олдин туриб унга боғланса, тилшуносликда проклитик элементлар деб аталади. Агар урғусиз сўз урғулидан кейин келса, энклитик элементлар, деб аталади. Масалан, *Бор экан, йўқ экан.*

Рус тилида ҳам проклитика, ҳам энклитика учрайди. Масалан: *Уехали-ли, иностранные делегаты в Москву? —*

Туркий тилларда жумладан, ўзбек тилида, асосан, энклитика ходисаси учрайди. Масалан: *Талабалар учун янги ётоқхона қурилди. Жамоа ерлари трактор билан ҳайдалди.* Бу гапларда талабалар учун, трактор билан тактларидаги учун, билан ёрдамчи сўзлари энклитикадир.

2. Такт (лот. *factus* – “тегиш”, “сезиш” маъноларидаги сўз. Фонетикада “бўлак”, “қисм” каби маъноларни ифодалайди). Фразанинг икки кичик пауза орасига жойлашган ва ягона урғу билан талаффуз қилинадиган бир ёки бир нечта бўғиндан иборат йиғиндисига **такт** дейилади. Фразада нечта урғу бўлса, шунча такт бўлади. Такт бўғинлардан ташкил топади.

Такт грамматикадаги сўз бирикмасига тенг эмас. Такт бўғинлардан иборат. Сўзда нечта унли товуш бўлса, шунча бўғин бўлади. Баъзи тилларда сонорлар ҳам бўғин ҳосил қилади; *Trnka* сўзи (чех тилидаги сўз бўлиб, икки бўғиндан иборат).

3. Бўғин. Бўғин бир ёки бир нечта товушдан ташкил топиб, бир зарб билан талаффуз қилинадиган фонетик бирликдир. Бўғин таърифига алоқадор бир қанча назария мавжуд. Шулардан иккитаси: *фонологик бўғин назарияси* ва *фонетик бўғин назарияси* кенг тарқалган.

Сўз бўғинларга ажратиб талаффуз қилинади. Шунинг учун бўғин нутқнинг энг кичик акустик-артикулятсион бирлигидир. Баъзан бўғин морфема билан тенг келиб қолади. Бўғин тактнинг бир бўлагидир. Бўғин бир ёки бир неча товушлардан иборат бўлиб, бир нафас тўлкинида айтилади. ҳар қандай товуш бўғин ҳосил қилавермайди. Унлилар фақат мусикий оҳанг, овоздан иборат

ўлгани учун ҳар доим бўғин ҳосил қилади. Баъзи тилларда бир ўғин таркибида икки ва ундан ортиқ унли товушлар бўлиши ҳам умкин. Масалан: қирғиз тилидаги *тоода* (*тогда*), *соода* (*савдо*) ўзларида *тоо-*, *соо-* биринчи бўғин, *-да* иккинчи бўғин бўлиб, биринчи бўғиндаги икки унли товуш бир бўғинни ҳосил қилган. Бир бўғинда икки унли товушнинг бирикиб келиши *дифтонг* деб алади.

О, ө унлилари қозок, қорақалпоқ, нўғай, қорачой-балқар тилларида сўз бошида дифтонглашган ҳолда талаффуз этилади: қ-лп. уоқ “ўк”, қ-балқ. уот “олов”, уон “ўн”, қоз. уорақ “ўроқ”. Унга ўхшаш талаффуз сингармонизм сақланган айрим ўзбек тилларида ҳам кузатилади.

Айрим тилларда—дифтонг кўп учрайди. Масалан, немис тилидаги *хеуте* (*бугун*) сўзида дифтонг – *eu*, *hous* (*уй*) сўзида дифтонг – *au*, *eins* (*бир*) сўзида дифтонг *ei*; француз тилидаги *тои* (*ен*) сўзида дифтонг – *oi* инглиз тилидаги *Вои* (*ўғил бола*) сўзида дифтонг – *oi* дир. Дифтонглар кучли ва кучсиз бўлиши мумкин. Кучли (кўтариладиган) дифтонг суст унли товуш билан бошланиб, та унли ҳолига келади. Масалан, рус тилидаги *красная* сўзида йинги бўғиндаги *я* икки товуш (*й-а*) дан иборат бўлиб, *й* – суст унли, *а* эса тўла унлидир. Мана шундай дифтонглар француз, немис тилларида ва бошқа тилларда ҳам учрайди.

Суст (пасаядиган) дифтонг тўла унли билан бошланиб, суст унли ҳолига келади. Масалан, рус тилида *дай*, *пей*, *лей*, *мой* тилларидаги ажратиб кўрсатилган унлилар тўла унли бўлиб, улардан кейин келган *й* унлиси суст унлидир. Ўзбек тилида, асосан кучсиз *дифтонг* учрайди. Масалан, *қийнамоқ*, *тўйга*, *сарой* тилларидаги ажратиб кўрсатилган унлилар кучсиз дифтонглар билан **и, ў, о** – тўла унлилар; улардан кейин келган **й** эса суст унлидир. Кучли (кўтарилган) дифтонглар ҳам учрайди: *яра*, *ёғ*, *ер* – *ара*, *й+оғ*, *й+ер*) сўзларида **й** кучли, **а, о, э** суст унлилар. Бундан ташқари, баъзи тилларда бир бўғинда уч унли товушнинг бирикиб келиши ҳам учрайди. Уч унлининг бирикиб келиши бир бўғин ил қилиши трифтонг деб аталади. Масалан, инглиз тилида *five – eed* (*Fayvstroid*) (*беш* каватли) бирикмасида *eue* – трифтонг.

Бўғин тузилиши жиҳатидан ҳам тиллар бир-биридан фарқланади.

Баъзи тилларда сонор ундош (л, м, н, р) товушлар ҳам бўғин ҳосил қилади. Масалан, рус тилидаги *персть* (бармоқ) сўзида бўғин ҳосил қилувчи унли товуш - э бўлса, серб тилидаги *прст* (бармоқ) сўзида бўғин ҳосил қилувчи товуш р дир. Рус тилидаги *волк* (*бўри*) сўзида бўғин ҳосил қилувчи унли товуш о бўлса, чех тилидаги *влк* сўзида бўғин ундош товуш асосида ҳосил бўлади.

4. Товуш нутқнинг фонетик жиҳатдан энг кичик қисми.

Урғу – нутқ товушлари ҳамда бўғин сегмент элементлар дейилади. Булардан ташқари суперсегмент элементлар ҳам мавжуд бўлиб, улар урғу ва оҳангдир. Суперсегмент элементлар нутққа оҳанг бағишлайди.

Сўзларда бўғинларни, гапларда сўзларни маълум воситалар билан ажратиш кўрсатиш **урғу** дейилади. Сўз урғуси бир сўзнинг таркибидаги бир бўғинни бошқалардан ажратиш демакдир. Тилшуносликда динамик, миқдор ва мусикий урғуни фарқланади.

Динамик урғуда ажратиш кўрсатилаётган бўғин кучли талаффуз қилинади (масалан, немис тилида). **Миқдор урғусига** эга тилларда унли чўзиқроқ талаффуз қилинади (масалан, рус, ўзбек тилларида). **Мусикий урғуда** урғу олган бўғин овоз тонини кўтариш ва пасайтириш йўли билан ажратиш кўрсатилади (масалан, хитой тилида).

Урғунинг ўрнига кўра турғун урғули тиллар ва эркин урғули тиллар фарқланади. Турғун урғули тилларда урғу доим сўзнинг маълум бўғинига тушади. Масалан: ўзбек, француз тилларида охириги бўғинга, поляк тилида охиридан битта олдинги, венгер, чех тилларида биринчи бўғинга тушади.

Эркин урғули тилларда урғу сўзнинг қайси бўғинига тушишини олдиндан билиш мумкин эмас. Рус, инглиз, немис тиллари шулар жумласидандир.

Фраза урғуси сўз бирикмалари ёки бир неча сўзни бошқалардан ажратиш кўрсатишни назарда туттади. Фраза урғусининг турлари қуйидагилар: синтактик урғу. **Синтактик – логик урғу**. **Кучсиз синтактик урғу**. **Эмфатик (ҳис - ҳаяжон) урғу**.

Фраза урғусидан ташқари оҳанг таркибига нутқнинг ритмик–мелодик тузилиши киради. Нутқ жарёнида урғу олган ва олмаган бўғинлар алмашилиб нутқнинг ритми пайдо бўлади. Нутқ оҳанглирига гап урғуси, оҳанг, пауза, суръат, ритм, тембр киради.

Оҳанг пасаювчи ва кўтарилувчи бўлади. Пасаювчи оҳанг дарак, ундов гапларда, кўтарилувчи оҳанг сўроқ гапларда кузатилади.

Гап урғуси ёки логик урғу. Овозни кучайтириш ёки кўтариш ёрдамида гап таркибидаги бирор-бир сўз ажратиб талаффуз этилади. Гапда ажратиб талаффуз этиш ҳодисаси гап урғуси ёки логик урғу деб аталади. Логик урғу туфайли гап турли хил мазмунга эга бўлади. Логик урғу ёрдамида мантиқий томондан муҳим ва бутун эътиборни қаратиш керак бўлган сўз ажратиб талаффуз этилади. Логик урғу гапдаги ҳар бир сўзга тушиши мумкин. Логик урғунинг ифодаланиши дунё тилларда турличадир. Масалан, рус тилида урғу тушган сўздаги сўз урғуси яна ҳам кучлироқ талаффуз қилинади. Француз тилида логик урғу олган сўзнинг биринчи бўғини сўз урғусини олади. Ўзбек тилида логик урғу олган сўз сесимдан олдинги ўринга кўчирилади. Масалан:

Акам Москвадан бугун келди (кеча эмас, бугун).

Акам бугун Москвадан келди (Тошкентдан эмас, Москвадан).

Бугун москвадан акам келди (дўстим эмас, акам).

Нутқнинг оҳангдорлиги интонация деб аталади. Гап оҳанги урли, вазифаларни бажаради. Масалан, унинг энг муҳим азифаларидан бири синтактик функцияси ҳисобланади. Бунда ханг ёрдамида тасдиқ, савол, хаяжон кабилар ифодаланади. Интонация ёрдамида сўз бирикмаси, гапга тегишли ёки угалланмаган гапнинг бир қисмини, аниқлаш мумкин.

Интонация мелодика, ибора урғуси, темп (нутқ суръати), тембр (озвонинг нейтрал ва эмоционал сифати) пауза, ритм (урғули ва урғусиз бўғинлар алмашинуви) мажмуи бўлиб, сўзловчининг ҳис-аяжони, мақсади ва фикрини ифодаловчи просодик бирликдир. Емак, интонация оҳанг эмас, оҳанг – интонациянинг бир компоненти мелодикага тўғри келади. Мелодиканинг пасаювчи, кўтарилувчи турларини қўшма гапларда кузатиш мумкин. Масалан: *келса (кўтарилувчи), биз борамиз (пасаювчи).*

Интонациянинг компонентларига қуйидагилар киради:

1. Мелодика
2. Фраза урғуси
3. Интенсивлик
4. Ритм
5. Нутқ темпи
6. Овоз тембри.

Нутқ товушларини ўрганувчи аспектлардан бири **фонология** деб юритилади. Нутқ товушларининг вазифавий қийматини фонология ўрланади. Фонологиянинг ўрганиш объекти фонемадир. **Фонема** сўз, сўз шакллари ва морфемаларни ташкил этувчи, маъно фарқлаш учун хизмат қилувчи энг кичик, бошқа бўлақларга бўлинмайдиган тил бирлигидир. Масалан, туп – туб; куй – қуй; сут – суд сўзлари фонемалар ёрдамида фарқланади. Таркибидаги биргина фонема билан фарқ қилувчи сўзлар **квазиомонимлар** деб юритилади. Фонемаларнинг боғланиши, ўзаро муносабати фонологик тизимни ташкил этади. Тилшунослик тарихида товуш системасини ўрганишда икки давр фарқланади: 1) “фонема” тушунчаси шаклланишига қадар бўлган давр; 2) фонология, яъни XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда фонема назарияларининг юзага келиш даври. Биринчи даврда фонема ва товуш, баъзан харфлар ўртасидаги фарқ аниқ кўрсатилмай, товушларнинг талаффузи сўзлардаги у ёки бу ҳолатда этимологик ўзгаришларга учрашига кўпроқ эътибор берилган. Фонология даврида улар ўртасидаги фарқ ойдинлаштирилди ва товушлар, кейинчалик, бўғин, урғу ва интонациянинг тилдаги функционал томонлари ўрганила бошлади. “Фонема” атамасини кенг таърифлаган, бу тушунчага асос солган олим И.А.Бодуен де Куртене дир. “Фонема” атамасини ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб профессор У.Д.Поливанов қўллаган. Ҳозирги тилшуносликдаги икки таълимот – Москва ва Ленинград фонология мактаблари назариялари туркий тилларга ҳам татбиқ этилмоқда.

Фонема (грекча phone – товуш, овоз) нутқни товуш томондан шакллантиришда иштирок этувчи восита сифатида тилнинг энг кичик бирлигидир. Чунки нутқнинг муҳим элементи саналган сўзлар, унинг маъноли қисмлари (морфемалар), сўз формалари ана шу фонемалар воситасида шаклланади ва шу фонемалар ёрдамида маъно жиҳатидан ўзаро фарқланади. Фонема тилнинг энг кичик бирлиги сифатида тилнинг фонетик системасида муҳим ўрин тутлади. Фонема инсонлар жамиятининг асосий алоқа воситаси бўлган нутқни шакллантирувчи сўзларнинг асосий элементидир.

Тилнинг энг кичик қурилиш материали сифатида фонемаларнинг энг муҳим, бош вазифаси – фонологик хусусияти морфема, лексема, сўз каби маъно ифодаловчи birlikларни ҳосил қилиш – уларнинг товуш томонини шакллантириш ҳамда ўрни

билан товуш жиҳатини фарқлаш каби ижтимоий вазифаларни бажаришдир.

Нутқ товушлари ўзининг физиологик, акустик ва фонологик хусусиятлари билан товушлардан фарқ қилади. Нутқ товушларининг фонологик хусусияти – фонематик ҳолати, яъни сўз маъноларини фарқлаш учун хизмат қилиши, унинг муҳим ижтимоий моҳиятга эга эканлигини кўрсатади. Фақат ижтимоий моҳиятга эга бўлган, ижтимоий алоқа воситаси саналган тилнинг муҳим бирлиги сифатида хизмат эта оладиган товушларгина фонема саналади. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет тилда товушлар сони кўп бўлгани ҳолда, фонемалар сони адабий тил, ёзув учун қонулаштирилган товушлар сони билан чекланади. Мутахассис-назариячилар фонемани турлича талқин қиладилар, турлича таърифлайдилар.

А.Абдуазизов “фонема”га шундай таъриф беради: “Фонема – тилдаги маънодор бирликлар бўлган сўз ва морфемаларни ташкил этувчи ва уларни фарқлаш учун хизмат қилувчи, тилнинг энг кичик, ўзи мустақил маънога эга бўлмаган бирликдир”⁴⁶.

Фонема мураккаб бирлик бўлиб, турли артикуляцион-акустик белгиларни ўз ичига қамраб олган ва бу белгилардан ташкил топган. Масалан, **т** фонемасида портловчилик белгисини **с** фонемасидаги сирғалувчилик белгисига қиёслаб ажратиш мумкин: *тол* – *сол*-, **к** фонемасидаги жарангсизлик белгисини **г** фонемасидаги жаранглилик белгиси билан қиёслаш мумкин: *кул* – *гул*. Демак, фонема турли белгиларнинг мажмуи сифатида намоён бўлади. Хусусан, тил олди, тиш, портловчи, жарангли белгиларнинг йигиндиси **д** фонемасини ташкил этади. Шу белгилардан бири жарангли **д** фонемасини жарангсиз **т** фонемасидан фарқлайди. Ана шундай бир фонемани иккинчисидан фарқлаш учун хизмат қилувчи артикуляцион ёки акустик белгилар *фарқланиш белгилари* ёки *фонологик белгилар* деб аталади, фонема таркибида фарқланиш белгилари билан бирга товушларни фарқламайдиган, фонологик бўлмаган белгилар ҳам бор. Масалан, ўзбек тилида унлиларнинг чўзик-қисқалиги, ундошларнинг юмшоқ-қаттиқлиги фонологик жиҳатдан аҳамиятсиздир⁴⁷.

⁴⁶ Абдуазизов А. Қўрсатилган манба.-Т.,1992.-Б.5

⁴⁷ Абдуазизов А. Қўрсатилган манба.-Т.,1992.-Б.6-7.

“Фонологияда товушлар билан боғлиқ, бунда маънога таъсир этмайдиган кичик фарқланишлар назарда тутилмайди. Қуйида икки сўзловчи нутқини кузатамиз: бир сўзловчининг “Шш!” (“Жим бўлинг” маъносида) ва бошқа сўзловчининг айна “Шш!”ни бошқача талаффуз қилиши фонолог олимни қизиқтирмайди.

Барча товушлар фарқланади. Фонология бундай фарқланишларни таҳлил этмайди. Фонология “ш” (*shoe* сўзидагидек) ва “ш” (*sue* сўзидагидек) товушлари орасидаги фарқланишларга эътибор қаратади. Фонологиянинг бирлиги – фонема⁴⁸. Венгр тилида талаффуз қилиш жуда осон, чунки бир ҳарф битта товушга тўғри келади. Истисноли ҳолатлар венгер тилида ҳам кузатилади. Венгр сўзлари, масалан, *mosd, lásd, nevesd, üsd* сўзларидаги –сд “ш” товушига монанд, яъни “зх” тарзида талаффуз қилинади: *mozsd, lázsd, nevezsd, üzsd*⁴⁹.

Венгр тилидаги *moszd* сўзини товуш жиҳатидан таҳлилга тортамыз. Бунда энг сўнги товуш “ш” талаффуз этилмайди. Чунки ундошдан сўнг яна бир ундош кўшилган: *mos+d*, шунинг учун иккинчи ундошни талаффуз этиш имконияти йўқ. Бунда (/с/) товуши ҳам, (/д/) товуши ҳам шовкинли товуш ҳисобланади, шунинг учун венгр тилида бу товушлар ёнма-ён келганда /з/ тарзида талаффуз этилади.

Бундай ҳолат инглиз тили учун ҳам хосдир. Масалан, бирор /ш/ товуши билан тугаган сўзни олайлик, айтайлик, *wash* (ювмоқ) сўзи бўлсин. Унинг ўтган замондаги шаклини ҳосил қилиш учун /ed/ шаклидан фойдаланилади (*washed* - ювдим). Бунда талаффузда қийинчиликлар юзага келади, яъни /ш/ товуши шовкинли, /д/ эса овоздор товушдир. Инглиз тили она тили ҳисобланган инглизлар *washed* ёки *washt* тарзида талаффуз қилади.

Инглиз тилида рёс товуш бирикмаси талаффузи венгр тилидан фарқланади. Бунинг ажабланарли жойи йўқ, чунки бу товушлар немис ҳамда француз тилларида ҳам бошқача талаффуз қилинади. Инглиз тилининг баъзи шеваларида эса умуман талаффуз қилинмайди. Агар “ҳип-хоп” мусиқани сотиб олсангиз (интернет орқали) ёки мусиқанинг номига қарасангиз, албатта, *brotha, sista, gansta* каби сўзларни кўрасиз, ушбу сўзлар *brother, sister* ва *gangster* сўзларининг альтернатив талаффузидир. Ёки *singers* сўзини *singaz*

⁴⁸ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.26

⁴⁹ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.28

тарзида талаффуз этишади, яъни сўз охиридаги *r*'s талаффуз қилинмайди. Бу ҳолат барча инглиз диалектлари учун хос эмас.

Four. Four people. Four animals (Тўрт. Тўрт одам. Тўрт хайвон).

Агар Англиянинг жанубида яшайдиган одамдан шу гапларни талаффуз қилиб беришини сўрасангиз, /*r*/ товушининг фақат охириги гапда талаффуз қилинганини пайқайсиз.

R товуши, одатда, ундошлар олдидан талаффуз қилинмайди, унлилар олдидан талаффуз қилинганда /*K*/ товушига ўхшаш товуш эшитилади.

Аксинча, Америка Қўшма штатларида истиқомат қилувчи кишилар эса ҳар учала гапда ҳам *r* товушини талаффуз этадилар. Умуман, америкаликлар ҳар бир сўзда *r* товушини талаффуз этадилар⁵⁰.

Венгер тилида баъзи сўзлар -бан кўшимчаси, баъзилари эса -бен билан тугайди: *Házban- kézben; hóban, vízben – kínban va hidban (-kin* ва *-hid* сўзлари бундан мустасно).

Қоидага кўра, “*é*”, “*e*” ва “*i*” товушларидан сўнг -бен кўшимчаси, “*y*”, “*o*” ва “*a*” товушларидан сўнг эса -бан аффикси кўшилади. Товуш ва фонемалар унли ва ундош товушларнинг белгиси сифатида намоён бўлади”⁵¹.

Луғат сатҳи. Тилнинг луғат сатҳи тилда мавжуд бўлган сўзларнинг йиғиндисидан иборат. Луғат сатҳи тилнинг фонетик-фонологик ва грамматик сатҳларидан ҳар доим ўзгариб, ривожланиб туриши билан ажралиб, фарқланиб туради. Фан, техника, маданиятнинг ривожланиш жараёни луғат сатҳининг доимий ўзгариб туришини тақозо этади. Шунга кўра, тилнинг луғат сатҳи пайдо бўлиши ва қўлланиш доираси жиҳатидан фарқланадиган бир неча қатламлардан ташкил топади. Луғат сатҳининг асосий бирлиги ҳисобланган сўз ёрдамида кишилар предмет ва ҳодисаларни ифодалайдилар; гапда эса сўзлар ўзаро бирикиб фикр ифодалашга хизмат қилади. Луғат сатҳини лексикология ўрганади. Сўзнинг таърифи, сўз ва предмет, сўз ва тушунча, луғатнинг ўзгариши, сўзларнинг бир-бири билан муносабати, луғатнинг қатламлари каби муаммолар лексикология ўрганадиган асосий масалалар ҳисобланади. Сўзларнинг бошланғич маъноси ва шаклида бўлган ўзгаришларни **этимология**, луғат ва

⁵⁰ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.29-30

⁵¹ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.30

унинг тузилишини *лексикография*, сўзнинг маъноси ва унинг таракқиётини *семасиология* ўрганади. Фразеологизмлар лексикология билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Тилнинг луғат таркиби бир нечта нуқтайи назардан ўрганилиши мумкин. Тилнинг луғат қатламини тарихийлик нуқтайи назаридан ўз ва ўзлашган сўзларга ажратиш мумкин. Ҳар бир тилда ўз қатлам сўзлари билан бир қаторда ўзлашган қатлам сўзлари ҳам учрайдики, бу тилнинг мавқеи, ижтимоий-тарихий жараён, халқлар ва тиллар ўртасидаги турли муносабатлар таъсири билан изоҳланади. Луғат қатламининг маълум қисми шева сўзларидан иборат. Шева сўзлари асосий алоқа-муносабат воситаси сифатида хизмат қилади. Шева сўзларининг адабий тил луғатини бойитишда алоҳида ўрни бор. Тилнинг луғат таркиби истеъмол даражаси нуқтайи назаридан ҳам турличадир. Бу жиҳатдан фаол ва кам ишлатиладиган сўзлар фарқланади.

Тилнинг луғат бойлигини оширувчи асосий манба сўз ясалиши, шевалардан сўз олиш, сўзнинг маъно таракқиётидаги ўзгаришлар ва маъно кўчишидир.

“Луғавий сатҳда сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари ҳам қайд этилади. Гапда синонимлардан фойдаланилади:

Sue has bought a book. // Sue has purchased a book.

Buy (сотиб олмоқ) ва purchase (харид қилмоқ) сўзлари синонимдир. Бироқ ҳар доим ҳам эмас, баъзи синонимларда бошқа синоним изоҳлаган маъно бўлмаслиги мумкин. Бу унинг когнитив маъносидан келиб чиқади.

Нутқда турлича синонимик бириклар кузатилади:

Биринчидан, бир сўз ибора билан синонимлик ҳосил қилиши мумкин. Масалан, *look* (қарамоқ) феъли *take a look* (қарамоқ) фразаси билан синонимликни ҳосил қилади.

Иккинчидан, бирикмали ҳолатда синоним бўлиши мумкин. Масалан, *buy into a company* бирикмаси (компаниянинг бир қисм улушини сотиб олмоқ, яъни ҳиссадор бўлмоқ) бирикмаси *purchase the shares of a company* бирикмаси билан синонимликни ҳосил қилади. *Buy* феълининг “ишонмоқ” маъноси ҳам мавжуд, бироқ бу ўринда у *purchase* феъли билан синоним бўла олмайди, чунки *purchase* феълида “ишонмоқ” маъноси йўқ. Қолаверса, *have a bought it* ибораси маъноси “ўлдирилмоқ” бўлиб, бу ўринда ҳам *have purchased it* ибораси билан синонимлик ҳосил қила олмайди.

Инглиз уйга келган ҳолатда *I've purchased the beer, darling!* (Азизам, ичимлик олиб келдим!) дея, *purchase* феълидан фойдаланади, *buy* феъли “олиб келмоқ” маъносида қўлланмайди.

Венгер тилида ҳам *kutya – eb, kukorica – tengeri* сўзлари ўзаро синоним ҳисобланади. Синонимлар маъно бўёқлари орқали бироз фақланса-да, айти бир тушунчани билдиради.

Антонимлар онгимизда жуфт ҳолда мавжуд бўлган ва бир-бирини тақозо қилувчи сўзлардир. Тилда бир-бирига семантик жиҳатидан зид бўлган сўзлар мавжуд ва тилда антонимлар ёки бир-бирини тўлдирувчи сўзлар деб номланади. *Manage* (уддалай олмоқ) сўзи *fail* (“муваффақиятсизликка учрамоқ) сўзи билан антонимлик ҳосил қилади.

Антонимлар даражаланиш табиатига эга: *big – small* (катта – кичик), хот – солд (иссиқ – совуқ). Антонимлар мувофиқ равишда *bigger – smaller* (каттароқ – кичикроқ) каби даражаланади. Антонимлар икки бир-бирига зид тушунчани, белгини, ҳолатни ифода этади.

Оддий даражанинг қиёсий даража билан қўлланилиши ҳам зидликни юзага келтиради. Масалан: *A big mouse is smaller than a small elephant!* (Катта сичқон кичик филдан кичикроқдир)”.

Қарама-қаршиликни билдирувчи яна бир турдаги антоним тури ҳам мавжуд бўлиб, улар даражаланмайди. Бундай сўзларга мисол қилиб, қуйидаги қарама-қарши сўзларни келтирамиз: *open – closed* (очиқ – ёпиқ), *dead – alive* (ўлик – тирик)⁵². Бундай антонимлар ўзбек тилидаги ўзаро қарама-қарши бўлган нисбий сифатларга тўғри келади.

Омонимлар ва полисемик сўзлар. Шундай сўзлар мавжудки, улар икки хил маъно ифодалайди (аслида омонимлар турли тушунчани ифодаловчи бирдан ортиқ сўзлардир). Бундай сўзлар *ambiguity* термини билан юритилади. *Ambiguity*ларга қуйидагилар мисол бўлади.

Масалан, *string* (тор) сўзи икки хил маънода қўлланади: *ecclesiastical building* “черковга оид бинолар” ҳамда *people of the same religion* “бир диндаги одамлар жамоаси”. *Mouse* сўзи ҳам икки хил маънода, яъни “animal” (хайвон) ва “computer accessory” (компьютернинг ёрдамчи қисми) маъноларида қўлланади. Талаффуз жиҳатдан бир хил бўлган, ёзувда фарқланадиган сўзлар, яъни *now*

⁵² Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.69

(ҳозир) ва *now* (билмоқ); *weak* (заиф) ва *week* (ҳафта) кабилар ambiguity бўла олмайди. Венгер тилида *szerelem* (от) – *szerelem* (феъл); *követ* (от) – *követ* (феъл) – *követ* (феъл) сўзлари омонимлар ҳисобланади”⁵³. *Ўзбек тилида омонимлик бир туркум, икки туркум, уч туркум ичида содир бўлади.*

Тил бирликлари ичида сўз алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг бу хусусияти, айниқса, грамматик жиҳатдан қаралганда кўринади. Тилнинг энг кичик маъноли бирлиги ҳисобланган морфема оралиғида сўзнинг маъноли қисмлари сифатида ўзак, суффикслар олинса, мустақил сўз шаклидаги гаплар (масалан, номинатив гаплар: Қиш. Совуқ. Қоронғи.) синтактик жиҳатдан алоҳида гап турлари сифатида изоҳланади. Бу эса сўзнинг грамматик (морфологик ва синтактик) хусусиятларини кўрсата олса ҳам, унинг таърифида морфема ёки гапга асосланиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Чунки сўз структураси семантик жиҳатдан маъноли қисмларга бўлиниш хусусиятига эгадир. Тўғри, бир морфемадан ташкил топган сўзлар бошқа қисмларга бўлинмайди. Масалан, *у, тош, бош, йўл* каби. Бироқ тилдаги кўпгина сўзлар маъноли қисмларга бўлина олади ва улар бир неча морфемаларнинг бирикишидан ташкил топади. Масалан, тошлоқ, бошлиқ, бойчечак, гулсафсар, тартибли кабилар. Бундай бир морфемали ва кўп морфемали сўзларнинг ўзаги мустақил маънога эга бўлади. Демак, сўз мустақил маънога эга бўлган бирликдир. Лекин бундай қараш ҳамма тилларга ҳам тўғри келавермайди. Ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, испан ва бошқа кўп тилларда сўз мустақил бирлик ҳисобланади. Унинг мустақиллиги алоҳида олинганда ҳам, турли маъноларни ифодалашда ва баъзан фикр ифодаловчи гап ҳолида келишида ҳам кўринади.

Сўз бутун бирлик сифатида сўз бирикмаларидан фарқ қилади. Сўз занжирсимон бириккан қисмлар – ўзак, суффикс ва ҳоказолардан ташкил топади. Сўз бирикмалари эса айрим компонентлардан ташкил топиб, умумий маънога эга бўлган, яъни лексик ва грамматик жиҳатдан шаклланган бирликлардир. Масалан, кинога бормоқ, дарс тайёрлаш, китоб ўқиш, ёшлар клуби каби. Сўз бирикмаларининг бирор компонентини алмаштириш мумкин (қиёсланг: *кинога/ театрға/ ўқишга/ магазинга/ бормоқ* каби). Қўшма сўзлар баъзан тузилиши жиҳатидан сўз бирикмаларига

⁵³ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics.-Budapest, 2006.-B.69

Ўхшаса ҳам, улар яхлит маъноси билан ажралиб туради: *темир йўл, гултожикҳўроз, чинни гул, қўлёзма* каби. Баъзан қўшма сўзга “фонетик жиҳатдан бир урғу остига бирлашган бир қанча товушларнинг бирикмаси” деб таъриф берилади. Бундай ёндашув тўғри эмас.

Сўз шакли (товуш формаси) ва мазмун яхлитлигига эга бўлиб, семантик ва грамматик яхлитликни ўзида мужассамлантирувчи бирликдир.

У тил структурасида формал ва маъно жиҳати билан тўрт босқичда илмий жиҳатдан тадқиқ этилади:

-фонологик жиҳатдан сўзнинг фонемалар таркиби ва унинг акцент (урғу) структураси ўрганилади;

-морфологик жиҳатдан сўзнинг морфемик тузилиши илмий жиҳатдан таҳлил қилинади;

-лексик жиҳатдан сўзнинг атама бирлик эканлиги, яъни ном қўйиш билан боғлиқ томони ўрганилади;

-семантик жиҳатдан сўзнинг турли маъно қирралари тадқиқ этилади.

Бундай ўрганишда сўзнинг фонологик ва морфологик томонлари формал жиҳатини, лексик ва семантик томонлари мазмун жиҳатини ўзида акс эттиради. Бироқ улардан бирортасини алоҳида олиб текшириш сўзнинг формал ва мазмун жиҳатларининг тўлиқ ёритилишига тўсқинлик қилади. Шу туфайли улар бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда текширилиши зарур. Демак, сўз тил структурасининг барча соҳалари билан боғлиқдир.

Сўзнинг луғавий маъноси, *лексема* хусусиятлари, *семема*, *сема* тушунчалари семасиологияда ўрганилади. *Семасиология* (юн. “белги, ифода” ҳақида тушунча, таълимот) – тил бирликларининг, биринчи навбатда, луғавий бирликларнинг семантик тузилиши ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганадиган соҳа .

Сўз маънолари тушунча ифодалайди. Бунда инсон онгида акс этган объектив оламдаги нарса, ҳодиса, ҳаракат, ҳолат ва белги ҳақидаги тушунча сўзда ўз ифодасини топади. Бундай ҳолат мустақил маъноли сўз туркумларига хос. Масалан, от туркумидаги сўз нарса ва ҳодиса ҳақидаги тушунчани ифода этади. Фейллар ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги тушунчани билдиради. Сифат ва равиш туркумига оид маънолар асосида белги ётади. Демак, бундай сўзлар маъноси ҳамма вақт тушунча ифодалайди. Сўзларнинг бундай

маънолари лексик маъно деб қаралади. Лексик маъноли сўзлар дифференциал-семантик методнинг текшириш объекти сифатида *лексема* деб номланади. Сўзнинг грамматик шакллари сиз кismi *лексемадир*: пахтакорликни сўзшаклида пахтакор *лексема* ҳисобланади. Лексемалар от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш туркумига мансуб деб қаралади. Шу методга-қўра лексик маънолар семема деб аталган. Семемалар семалардан ташкил топади. Сема семемани ташкил қилувчи белгилардир. Масалан, қор лексемасида “ёғин” семемасини ташкил қилувчи “оқлик”, (чиройли кўринишдаги) “кристаллик”, “ерувчанлик” белгилари унинг семелари ҳисобланади.

Сўзнинг ташқи, яъни шакл томони фонетика ва фонология ҳамда грамматикада атрофлича ўрганилади.

Грамматик сатҳ. Ҳар бир тилнинг грамматик сатҳи сўзларнинг грамматик формаси, сўз бирикмалари ва гаплардан ташкил топади. Тилнинг бошқа сатҳлари каби грамматиканинг ҳам ўз бирикмалари бор. Энг кичик грамматик бириклик *морфема* бўлиб, морфемалардан **сўзлар** ясалади, сўзлар эса ўз навбатида сўз бирикмалари ва гаплар қурилишида иштирок этади. *Гап* грамматиканинг йирик ва мустақил бирлигидир. Гапдан катта бириклар ҳам мавжуд: ***мураккаб синтактик (бирик) бутунлик, абзац ва матн.***

Тил грамматик структурасининг ўзига хос хусусиятлари бор.

Биринчидан, тилнинг грамматик қурилиши: сўзнинг структураси, тусланиш ва турланиш қоидалари, сўз бирикмалари ва грамматиканинг турлари тарихий тараққиёти маҳсули сифатида нисбатан тургун бўлади.

Иккинчидан, грамматика умумлаштириш хусусиятига эгадир. Масалан, *арава, мактаб, тош, бола* каби сўзларнинг ўз лексик маъноси бор, аммо грамматик нуктаи назардан бу сўзлар предметлик тушунчасини ифода қилиб, от туркумини ташкил қилади. Бу сўзларни лексик маъноси жиҳатидан эмас, грамматик маъносига қўра умумлашади. Тилнинг грамматик структурасини морфология ва синтаксис ўрганади. Морфология сўз туркумлари ва уларнинг грамматик формаларини текширади. Синтаксис нутқнинг грамматик структурасини ўрганади. Бунда гап асосий бирикдир. Гапдан катта бириклар шу кунга қадар синтаксисда ўрганилар эди. Ҳозирда гапдан катта мураккаб синтактик бутунликлар, абзац, матн

лохида йўналиш сифатида ажралиб чиққан “Матн ингвистикаси”да ўрганилади.

Тил тизими тил бирликлари – фонема, морфема, лексема, онструкция ва тил сатҳларининг бир бутунлигидан иборат. Эқоридагилардан кўринадики, алоқа-муносабат воситаси бўлган илнинг фонетик, лексик, грамматик жиҳатлари муайян ички онуният асосида ўзаро мутаносибликни ташкил этувчи тизимдир. изимни ташкил қилувчи мутаносиблик ўзига хос бўлган алохида идаларда намоён бўлади. Муайян тилдаги гаплар сўзлардан, ўзлар бўғинларнинг бирикувидан, бўғинлар нутқ товушларидан осил бўлади. Жумлани, гапни ташкил этувчи сўзлар ўзаро тил онуниятлари асосида бирикади. Исталган ҳар қандай сўзлар нгиндиси гап бўла олмайди. Тартибсиз равишда йиғилган сўзлар измун ифодалаш учун хизмат қилмайди. Сўзларнинг кетма- тлиги маълум тартиб ва умумий қоидага мувофиқ бўлиши талаб илади. Шу ҳолатнинг ўзиёқ тилнинг тизим эканлигини кўрсатади. аълум бир тилга хос товушлар шу тилнинг фонетик тизимини, злар лексик тизимини ташкил этади. Бир тилдан иккинчи тилга лашган сўз айрим ҳолларда шу тилнинг фонетик тизимига – паффуз меъёрларига мослашади. Масалан, ўзбек тилига рус лидан кирган айрим сўзлар ўзбек тили талаффуз меъёрларига слашган: *чайник-чойнак, поднос-патнис*. Аксинча, ўзбек тилидан с тилига ўзлашган сўзлар рус тилининг талаффуз меъёрларига йсунган: *қоровул – караул, карвон – караван, бозор – базар*.

Умуман, тилда товушлар, луғат таркиби, грамматик тартиб рикиб, тизим сифатида бир бутунликни ташкил этади. Тил имини ташкил этувчи сатҳлар ўзаро мутаносиб ҳолда бир- ини тақозо қилади. Улар орасидаги боғлиқлик тилнинг умумий идалари ва қонуниятларига асосланган.

Грамматик сатҳнинг морфология бўлимида сўзнинг морфем уктураси ҳам ўрганилади.

“Морфология. Инглиз тилида кўпликни билдириш учун ликни билдирувчи “с” кўшилиши билан бирга, унинг олдидан лар қўйишдан ёки сон ўрнида қўлланувчи сўзлар (*many, a lot* ан фойдаланилади. Масалан, *One apple, two apples, three apples, ...*(битта олма, 2 та олмалар, 3 та олмалар, 4 та...)

Куйида унинг формуласи келтирилади: 1 apple ... // 2 apple + s.

Кўпликни ифодалашда ўзак ўзгаришини кузатиш мумкин. Масалан, *One mouse, two mice, three mice, four mice* (битта сичкон, 2 та сичконлар, 3 та сичконлар, 4 та сичконлар).

Куйида унинг формуласи келтирилади: 1 mouse // 2 mice

Хар доим ҳам “с” кўплик шакл шу ҳолатда кўшилмайди. “с” кўплик шакли билан келувчи отлар тўғри турланувчи отлар (Regular plural), ўзак ўзгариши билан ҳосил қилинадиган отлар эса нотўғри турланувчи отлар (Irregular plural) дейилади. Шакли куйидагича:

- *regular plural = singular + (e)s book//books;*

- *irregular plural = ??? [har xil] mouse//mice;*

Нотўғри турланувчи отларга куйидагилар мисол бўлади:

- *child* (бола) – *children* (болалар);

- *criterion* (мезон) – *criteria* (мезонлар);

- *foot* (оёқ) – *feet* (оёқлар).

Бундан ташқари, феъллар, сифатларда ҳам тўғри ва нотўғри турланиш ёки тусланиш мавжуд. Ўзақдаги ўзгаришларни тўғри ва нотўғри феъллар тусланишида кўриш мумкин. Масалан:

- *go* (бормок) – *went* (борди);

- *cut* (кесмоқ) – *cut* (кесди)...

Cut феъли ўтган замонда ўзак ўзгаришига учрамаса-да, -*ed* кўшимчасини олмайди.

Сифатларнинг морфологик таркибида ҳам ўзак ўзгаради. Масалан: *good* (яхши) – *better* (яхшироқ) – *best* (жуда яхши)” .

Сўз ва кўшимча морфемалар. Маъноли қисмлар, яъни аппле (олма) ва -с (-лар) кўшимчаси морфема дейилади. Куйидаги сўзда 3 та маъноли қисм мавжуд: *un + employ + ment*. Булардан *employ* (хизмат) қисми мустақил (сўз) морфема, алоҳида қўллана олади. *Un-va – ment* қисмлари эса яқка ҳолда қўллана олмайди, шунинг учун ҳам улар кўшимча морфемалар ҳисобланади.

Un- қисми *prefix* (олд кўшимча) ҳисобланади, *-ment* қисми эса ўзакдан сўнг келади ва бу қисм *suffix* (ўзакдан сўнг келувчи морфема) дейилади. *Employ* эса ўзак (root)дир.

Un- префикси билан бошланувчи сўзларга мисоллар келтирамиз: *un+happy* (бахтсиз), *un+real* (ғайритабиий), *un+able* (имконсиз), *un+conscious* (хушсиз).

Ушбу морфема кўпинча сифатлар олдидан келади: *un + adjective*. *Un-* морфемаси кўшилгандан сўнг ҳам сифат ҳосил

бўлади. *Happy* (бахтли)/ *unhappy* (бахтсиз), қолаверса, *in-* (-сиз) морфемаси ўрнида нот (емас, йўк) сўзи ҳам қўлланиши мумкин. Бунда маънода сезиларли ўзгариш бўлмайди. Масалан: *unhappy* (бахтсиз) = *not happy* (бахтли эмас).

-*ment* суффиксига мисоллар куйидагича: *govern+ment* (хокимият), *retire+ment* (нафақа), *argu+ment* (мунозара).

Баъзи кўшимчалар, хусусан, -*er* морфемаси от яшаш ва сифатларда даражалаш учун хизмат қилади. *Read+er* (китобхон), *teach+er* (ўқитувчи), *learn+er* (ўрганувчи), *writ+er* (ёзувчи), *walk+er* (йўловчи). Бунда феъллардан ушбу морфема орқали от ясалган.

Сифатнинг қиёсий даражасини ҳосил қилувчи -*er* морфемаси феълдан от ясовчи -*er* морфемаси билан бир хил эмас, яъни улар функциясига кўра, бир-биридан фарқланади: *quicker* (тезроқ), *slower* (секинроқ), *nicer* (яхшироқ), *uglier* (хунукроқ), *smaller* (кичикроқ) каби.

Ed is quick, but Liz is quicker (Эд тез, бироқ Лиза тезроқ) гапида *quicker* сўзи қиёсий даража ҳосил қиливчи -*er* морфемаси асосида шаклланган.

Quicker (тезроқ) ва *reader* (китобхон) сўзларидаги -*er* морфемаси функциясига кўра бир-биридан буткул фарқланади”⁵⁴.

Сўзларни туркумларга ажратамиз:

- От (*umbrella* – соябон)
- Феъл ((*arrive* – етиб бормоқ)
- Сифат (*big* – катта)
- Равиш (*soon* – тезда)
- Предлог (*in, at, with, under*)
- Олмошлар (*her, all, what*)
- Ёрдамчи феъллар (*can* – “қила олмоқ”, *has* – “боръ)
- Аниқловчилар (*an, every*)
- Боғловчилар (*and* - ва, *because* – чунки)
- Ундов сўзлар (*Oops, Ouch*).

Анъанавий грамматикага кўра, сўзлар маъносига қараб ажланadi. Морфология учун шакл муҳим ўрин эгаллайди (венгрияда шакл “Алактан” деб аталади). Шунинг учун морфологияларни шаклий асосга кўра гуруҳларга бўлади. Фикримизни мухаллашнинг осон йўли луғатлардаги сўзларга эътибор беришдир: *live* (етиб келмоқ) – феъл, *should* (маслаҳат маъносида асосий

⁵⁴ *Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. -Budapest, 2006.-B.37*

фееьдан олдин ишлатилади) – ёрдамчи фееь, *after* (кейин) – предлог”⁵⁵.

Тил муайян бирликларнинг яхлитлигидан иборат мураккаб тизим ҳисобланади. Тил бирликларининг ўзига хос табиати профессор Ш.Раҳматуллаевнинг “Тил курилишининг асосий бирликлари” қўлланмасида изчил баён этилган:

Тил – табиий йўсинда вужудга келган мураккаб ижтимоий ҳодиса. Тилшунослик ана шу мураккаб—ижтимоий ҳодисани ўрганади ва ўргатади.

Тилшунослик олдида турган энг биринчи масала тилни қандай тушунишдан бошланади. Тил кишилар орасидаги энг муҳум алоқа-аралашув курули дейилади. Бу лингвистик таъриф эмас, фалсафий таъриф. Тилшунослик нуктаи назаридан ёндашилса, тил сўзини икки хил мундарижа билан ишлатиш мавжудлиги кўринади: 1) ижтимоий ҳодиса бир бутун ҳолда тушунилади, 2) ижтимоий ҳодисанинг нутққа зид қўйиладиган ҳолатигина тушунилади.

Демак, **тил** деганда бутунни ҳам (нутқни камраб олган ҳолда), қисмни ҳам (нутқни камраб олмаган ҳолда) тушуниш мавжуд. **Тил** сўзини бундай икки хил мундарижа билан ишлатиш бир қанча миллий тилшуносликларда мавжуд. Масалан, **тилни** бутуннинг номи сифатида сақлаб, нутққа зидланувчи ҳодисани **лисон** деб аташ мумкин.

Лисон – тилнинг киши онгидаги тил хотираси марказида мавжуд бирликлардан ва улардан фойдаланиш қоидаларидан иборат бойлик. **Нутқ** эса ана шу бойликдан фойдаланиш жараёни ва шундай жараённинг ҳосиласи. Нутқ – онгда, тил хотирасида мавжуд ҳодисалардан ва уларни ишлатиш қоидаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараённинг ҳосиласи (нутқ жараёнининг ҳосиласи текст матн деб юритилади).

Лисон киши онгида мавжуд мавҳум ҳодиса бўлиб, уни ақл билан идрок қиламиз; нутқ эса ана шу мавҳум ҳодисадан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган моддий ҳодиса бўлиб, уни талаффуз бирликлари сифатида эшитамиз, матн сифатида кўрамиз. Лисонга мансуб, яъни тил хотирасида мавжуд ҳодисаларга лисоний бирликлар дейилади; лисоний бирликнинг нутқда моддий шакл олган ҳолатига нутқий бирлик дейилади. Демак, ҳар бир кишининг онгида лисоний бирликларнинг рамзларидан ва улардан

⁵⁵ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. -Budapest, 2006.-B.41


фойдаланиш қоидаларидан иборат бойлик бор, ҳар бир киши эҳтиёжига қараб бу бойликдан фойдаланиб нутқ ҳосил қилади. Инсон тили асосини товуш ташкил қилади: тилда бор ҳодисалар товушларда реаллашади. Товуш тил бирлиги сифатида бошқа тил бирликлари учун қурилиш бирлиги бўлиб хизмат қилади. Шунга кўра тил товуши тил бирликларининг бирламчи ифода жиҳати дейилади. Тил товуши лисоний бирлик сифатида миядаги тил хотираси марказида маълум бир рамз сифатида акс этади. Ана шу рамзда тил товушига хос белги-хусусиятлар ҳақида ахборот бўлади. Масалан, у товуши ҳақида “овоздан иборат”, “оғиз бўшлиғи тор ҳолатда”, “товуш ҳосил бўлиш оралиғи тил сатҳининг орқа қисмида”, “лаблар актив қатнашади”, деган ахборот бор. Инсон фаолиятини, шу жумладан, тил фаолиятини ҳам бошқарувчи мия марказидан у товушини айтиш ҳақида “кўрсатма”(импульс) берилса, шу товуш рамзида мужассамланган ахборотга биноан нутқ аъзолари ҳаракатга келиб, кўрсатмага биноан маълум ҳолат эгаллайди ва ўпқадан чиқаётган ҳаво маълум нутқ товуши сифатида, нутқий бирлик сифатида намоён бўлади” .

Ўзбек систем тилшунослиги шаклланиши ва ривожланиши бир қатор олимлар номи билан боғлиқ. Анъанавий тилшунослик эришган ютуқлар юксак баҳоланган, унинг материалларидан ўринли фойдаланган ҳолда ўзбек систем тилшунослиги янги босқичга кўтарилди. Систем-структур тилшунослик функционал, глоссематик ва дескриптив мактабларининг ратсионал томонларини умумлаштирган ҳолда ўзига хос лингвистик концепция яратилди.

Тишуносликнинг фонетика ва фонология, семантика ва семиотика, морфология ва синтаксис, тил тарихи ва тилшунослик тарихи, тилшуносликнинг бошқа фанлар билани алоқаси: паралингвистика ва лингвопоетика, шунингдек тилшуносликнинг умумназарий масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Анъанавий ва структур-тилшунослик хусусида А. Нурмонов “Бу икки йўналиш, Маҳмуд Кошғарий таъбири билан айтганда, икки улоқчи отдек ўзбек тилшунослиги аравасини баравар тортиб келмоқда. Бу икки йўналиш бир-бирини мутлақо инкор этмайди. Аксинча, уларнинг бири икинчисига таянади ва бири иккинчисидан озикланади.” Олим систем-структур ёндашув асосида тилнинг барча сатҳларида амалга оширилаётган ислохотлар шу вақтга қадар мавжуд илмий тадқиқотларнинг назарий босқичи, табиат ва жамиятдаги табиий ривожланишнинг тил илмидаги кўриниши эканини таъкидлайди.—

Савол ва топшириқлар

1. Тилни тизим сифатида таърифланг.
2. Тилнинг ривожланиши, ички курилишини тил бирликлари таҳлили ёрдамида асосланг.
3. Тил табиатини ўрганишга доир назариялар ва оқимларни айтинг.
4. Тилнинг фонетик-фонологик сатҳини мисоллар асосида тушунтиринг.
5. Фонетик-фонологик сатҳнинг морфология ва синтаксис, лексика ва услубият билан узвий боғлиқлигини ёритинг.
6. Тилнинг луғат сатҳи ҳақида билганларингизни умумлаштиринг.
7. Тилнинг грамматик сатҳини тавсифланг.
8. Тилнинг мураккаб ижтимоий ҳодиса эканлиги ҳақида ўз фикрларингизни баён этинг.
9. Лисон ва нутқни бир-биридан фарқланг.
10. Қуйидаги семиотик белгиларни тавсифланг.



Асосий тушунчалар глоссарийси

Тил тизими – тил бирликлари: фонема, морфема, сўз, гап ва тил сатҳларининг бир бутунлигидан иборат тизим сифатида бир-бирини тақозо қиладиган бирликлардан иборат бутунлик.

Рамз – белги бўлиб, тил белгилар тизимидир.

Фонология – нутқ товушларининг вазифавий қийматини рганеди. Фонологиянинг ўрганиш манбайи фонемадир.

Фонема – сўз, сўз шакллари ва морфемаларни ташкил етувчи, аъно фарқлаш учун хизмат қилувчи енг кичик, бошқа бўлакларга ўлинмайдиган тил бирлиги.

Квазиомоним – таркибидаги биргина фонема билан фарқ илувчи сўзлар.

Этимология – сўзларнинг бошланғич маъноси ва шаклида ўлган ўзгаришларни аниқлайди, ўрганади.

Лексикография – луғат ва унинг тузилишини ўрганувчи илшунослик бўлими.

Семасиология – сўзнинг маъноси ва унинг тараққиётини ганувчи тилшунослик бўлими.

Энклитика – урғули сўздан кейин келиб, урғу жихатдан унга шилиб кетадиган сўз.

Проклитика – урғули сўздан олдин келиб, урғу жихатдан унга шилиб кетадиган сўз. Ўзбек тилида проклитика, деярли, амайди.

Лисон – кишининг миясида, миянинг тил хотираси қисмида жуд ходисалар ва уларни ишлатиш қоидалари.

Нутқ – мияда, тил хотирасида мавжуд ходисалардан ва уларни атиш қоидаларидан фойдаланиш жараёни.

Тест

1. Тил тизимини ташкил етувчи асосий сатҳлар қайсилар?

- А) фонетик, этимологик, луғат
- Б) фонологик, морфемик, грамматик
- С) фонетик-фонологик, луғат, грамматик
- Д) синтактик, лексик, этимологик

2. Алоҳида аппаратлар ёрдамида нутқ товушлари, бўғин, урғу ва интонациядаги артикуляцион-акустик хусусиятларни ўрганиш соҳаси қандай номланади?

- А) тасвирий фонетика
- Б) экспериментал фонетика
- С) назарий фонетика
- Д) амалий фонетика

3. Лисонга мансуб, яъни тил хотирасида мавжуд ҳодисалар қандай номланади?

- А) лисоний birlikлар
- Б) фонетик birlikлар
- С) лексик birlikлар
- Д) грамматик birlikлар

4. Ўзбек тилига рус тилидан қирган қайси сўз ўзбек тили талаффуз меъёрларига мослашган?

- А) карвон – караван
- Б) бозор – базар
- С) чайник – чойнак
- Д) коровул – караул

5. Грамматиканинг йирик ва мустақил бирлиги қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) гап
- Б) сўз бирикмаси
- С) сўз қўшилмаси
- Д) сўз

6. Шакли бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар тилшуносликда қандай аталади?

- А) омоним
- Б) антоним
- С) синоним
- Д) пароним

7. Қуюлмоқ – куйилмоқ тарзидаги сўзлар шакл ва муносабатга кўра қандай бирликлар сирасига киради?

- А) антоним
- Б) синоним
- С) пароним
- Д) омоним

8. Қизик – ғалати – ажойиб – аломат – антиқа – яхши – дуруст – тузук синонимик қаторидаги қайси синоним сўзлар белгини кучсиз қаражада ифодалаган?

- А) ажойиб, тузук
- Б) аломат, қизик
- С) дуруст, тузук
- Д) антиқа, яхши

9. Куз шамоли – кузги шамол синонимлари қандай номланади?

- А) грамматик синонимлар
- Б) луғавий синонимлар
- С) фразеологик синонимлар
- Д) лексик-фразеологик синонимлар

10. Достон – поэма синонимларнинг қандай турига киради?

- А) маъновий синонимлар
- Б) тўлиқ синонимлар
- С) фразеологик синонимлар
- Д) грамматик синонимлар

6-§. ТИЛ БИРЛИКЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТЛАР

Режа:

- 1.Парадигматик муносабат ва унинг хусусиятлари.
- 2.Синтагматик муносабат. Иерархик муносабат. Ассоциатив муносабат.
- 3.Фонематик сатҳ унсурларининг поғонали муносабат доирасидаги ўрни.

Асосий тушунчалар: парадигма, парадигматик қатор, парадигматик муносабат, фонетик сатҳ (ярус), бўғин, фонологик сатҳ, фонема, морфема, ўзак морфема, аффиксал морфема, сўз ясовчи морфема, лугавий шакл ясовчи морфема, синтактик шакл ясовчи морфема, сўз, синтагматик муносабат, морфонологик сатҳ, грамматик шакл, иерархик (поғонали) муносабат, ассоциатив муносабат, аранжировка (тартиб).

Илмий парадигма (юнонча “мисол, намуна”) фан объектини, унинг муайян даврда ҳоким бўлган назарий тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва шу асосда фаннинг турли бўлимларида ўхшаш бўлган, ўзаро боғланган муайян тадқиқот методлари мажмуидир. Мазкур термин 1962 йилда америкалик файласуф ва тарихчи Т. Куннинг машҳур “Илмий инкилоблар структураси” («Структура научных революций» рус тилига 1977 йилда таржима қилинган) асарида муомалага киритилган. Т. Кунга кўра “парадигма – ўз тадқиқот фаолиятига ва объектига эга бўлган, муштарак илмий ва фалсафий ғоялар билан бирлашган у ёки бу илмий ёки фалсафий ҳамжамиятлар томонидан қўлланиладиган ўзига хос методлар ва усуллар йиғиндисидир”. **Парадигматика** – тил бирликларини тил тизимига мансуб парадигмаларнинг унсури сифатида текшириш аспекти. Парадигматик муносабат – бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати. *Парадигматик муносабатлар* бир сўз туркумига мансуб ва маъно жиҳатидан бирмунча умумийликка эга бўлган сўзлар орасида вужудга келади. Бундай сўзлар мажмуасига кирувчи бирликлар гап таркибида бир хил позицияларда бир-бирларининг ўрнида ишлатилишлари мумкин. *Парадигматик ва синтагматик муносабатлар* лугавий

бирликларнинг семантик хусусиятлари билан ўзаро узвий боғланган. Парадигматик муносабатлар сўзларни семантик синфларга бўлиш учун асос вазифасини бажаради. Бир парадигматик синфдаги бирликларнинг жумла таркибида бажараётган вазифалари ўзаро ўхшашдир.

Парадигматик қатор – маълум умумийлик хусусияти асосида бирлашиб, айрим фарқли (ўзига хос) хусусияти билан қарама-қарши турадиган ва нутқий алоқа талаблариға кўра бири иккинчиси билан алмашина оладиган бирликлар (унсурлар).

Ф.де.Соссюрнинг лингвистик бирликлар ўртасидаги муносабатга жиддий эътибор берганлиги қиймат тушунчасини белгилашда ҳам, тилнинг системавий табиатини белгилашда ҳам аниқ кўриниб туради. Унинг фикрича, тилнинг муайян бир даврида ҳар бир нарса муносабатларга асосланади. Барқарор (узуал) муносабатлар йиғиндиси тилни ташкил этади ва унинг функцияланишини белгилайди. Шунинг учун тизимнинг ҳар бир аъзоси бошқа аъзолар билан синтагматик ва ассоциатив муносабати орқали аниқланади. Ф.де.Соссюр муносабатларни характериға кўра икки гуруҳға ажратади: а) синтагматик муносабат; б) ассоциатив муносабат. Бу икки муносабат ақлий фаолиятимизнинг икки шаклиға мувофиқ келади.

Лингвистик сатҳлар бирликларининг ўзаро муносабати тилнинг нутқда коммуникатив вазифа бажаришини таъминловчи асосий омил саналар экан, бу ўринда тил ва нутқ бирликларининг парадигматик, синтагматик ҳамда иерархик боғланиши масаласининг устувор аҳамият касб этиши табиийдир. Мазкур боғланиш эса, ўз навбатида, мураккаб характерлидир. Зотан, парадигматик муносабатни синтагматик муносабатдан, синтагматик муносабатни эса иерархик муносабатдан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Чунки муайян парадигмалар аъзоларининг ўзаро боғланишидан синтагматик муносабат, синтагматик муносабат доирасида эса иерархик муносабат шаклланади⁵⁶. Ҳар қандай сатҳ бирликларининг синтагматик боғланиши улар тегишли бўлган сатҳдан бир поғона юқорида турувчи сатҳ ичида воқеланади. Бундан ташқари, синтагматик муносабат доирасида ўзига хос парадигматик муносабат ҳам воқеланади. Бунинг далилини

⁵⁶ Каранг: Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. –М., 1971. –С.85.

синтактик парадигмаларда кўрамиз. Иерархик муносабат ҳақида тил ва нутқ бирликларининг сатхлараро боғланиши жараёнидагина сўз юритиш мумкин (бундан, албатта, тил ва нутқ бирликларининг ички дифференциал белгиларига асосланувчи поғоналилик истиснодир).

Синтагма (юн.) “бирлашган нарса”, нутқнинг мазмун ва ритмо-мелодик жиҳатдан бир бутунликни ташкил этувчи семантик-синтактик бирлиги. Синтагма бир ёки ундан ортиқ сўздан иборат бўлиши, ҳатто гапга тенг бўлиши мумкин: *Лицей ўқувчилари / шахмат мусобақасида/ гуруҳ таркибида /иштирок этадилар.*

Синтагматика – тил бирликларини нутқ занжиридаги унсурлар сифатида текшириш аспектидир. Синтагматик муносабат – тил бирликларининг нутқ оқимида юз берадиган хусусиятлари асосидаги муносабатлари. Мас., *аллофонлар* – фонеманинг синтагматик хусусиятлари, сўзларнинг валентлиги эса уларнинг синтагматик хусусиятларидир.

Синтагматик муносабат икки ва ундан ортиқ муносабат аъзоларининг актуал кетма-кетлилигига асосланса ва “in praesentia” бўлса, ассоциатив муносабат бундай муносабат аъзоларини виртуал, мнемоник қаторга бирлаштиради, уларнинг аъзолари доимо “in absentia” бўлади⁵⁷.

Сўз нутқ жараёнида ўзаро боғланиб, кетма-кетликка асосланган муносабатга киришади. Кетма-кетлик хусусияти икки элементнинг бир вақтда талаффуз қилинишига имкон бермайди. Бу элементлар нутқ оқимида бири иккинчисидан кейин келади. Ана шундай чўзиқликка эга бўлган боғланиш Ф.де Соссюр фикрига кўра, синтагма саналади.

Синтагма доимо энг камида иккита кетма-кетлик бирликларининг ўзаро муносабатидан ташкил топади.

Синтагма аъзолари ўзидан олдин ё ўзидан кейин келган бирликларга ёки ҳар иккисига зидланишига кўра маълум қийматга эга бўлади.

Синтагма икки ва ундан ортиқ бирликларнинг эркин боғланиши натижасида ҳосил бўлганлиги учун синтагматик муносабат айрим муаллифлар томонидан нутққа хос, деб баҳоланади. Лекин Ф.де Соссюр унинг ҳам тилга, ҳам нутққа дахлдор эканлигини кўрсатади. Ф.де Соссюрнинг фикрича, синтагманинг типик кўриниши гап

⁵⁷ Ф.де Соссюр. –С.156

бўлса ҳам, гап нутққа хос бўлганлигидан келиб чиқиб, синтагма фақат нутққа дахлдор бўлади, деган хулосага келиш тўғри эмас.

Нутқнинг характерли белгиси элементларнинг эркин алмашувидир. Синтагмага ана шундан келиб чиқиб ёндашадиган бўлсак, синтагмага дахлдор бўлган бир қатор синтактик қурилмалар барқарорлик хусусиятига эга эканлиги маълум бўлади. Масалан, мақоллар, фразеологизмлар ва бошқалар. Бундай ифодалар нутқ жараёнида ҳосил қилинмайди, балки анъанага кўра тайёр ҳолда нутққа олиб кирилади.

Бундан ташқари, Ф.де Соссюр маълум қоидалар асосида қурилган барча синтагмаларни ҳам нутққа эмас, балки тилга киритиш лозим, дейди. Чунки бундай қурилмаларнинг тилда тайёр намуналари мавжуд бўлади. Шунингдек, муайян шаблонлар асосида шаклланган бирикма ва гаплар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. Бундай шаблонлар сўзловчи хотирасида олдиндан мавжуд бўлади.

Поғонали (иерархик) муносабат тушунчаси тил ва нутқ сатҳлари воқелиги ва уларнинг лингвистик табиати билан узвий боғлиқдир, зотан, поғона терминининг асл моҳияти сатҳлар ўртасидаги стратификатив боғланишда ўз ифодасини топади. Бошқача айтганда, лингвистик сатҳ қатлам маъносини тақозо этади, улар ўртасидаги боғланиш эса поғонали бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тил тараққиётининг бугунги даври лингвистик мақомга эга бўлган сатҳ тушунчасини фақат тил нуқтаи назаридан эмас, балки нутқ нуқтаи назаридан ҳам изоҳлаш лозимлигини кўрсатмоқда. Бу эса, ўз навбатида, одатдаги сатҳ (ярус) тушунчаси изоҳталаб бўлиб қолаётганлигидан далолат бермоқда.

Тилшунослик манбаларида *фонетик сатҳ*, *фонологик сатҳ*, *морфонологик сатҳ*, *бўгин сатҳи*, *аллофоник сатҳ* каби қатор тушунчалар қўлланмоқда. Сатҳ тушунчасининг бу даражада изоҳланиши масала моҳиятини конкретлаштириш учун эмас, балки уни мавҳумлаштириш учун хизмат қилади. Ваҳоланки, эслатиб ўтилган барча сатҳларни ягона фонематик сатҳ тушунчасига бирлаштириш мумкин. *Синтактик сатҳ* тушунчасининг ҳам тил нуқтаи назаридан ўрганилади. Агар мазкур сатҳнинг асосий йрлиги гап ҳисобланадиган бўлса, у ҳолда унинг тил сатҳи тарзида авсифланиши изоҳ талаб этади.

Аввал шуни эслатиб ўтиш лозимки, тил системасида унинг энг кичик бирликларини бирлаштирувчи сатҳ масаласи ҳозиргача мунозарали бўлиб қолмоқда. Баъзи тилшунослар бу ўринда «фонетик сатҳ» тушунчасидан фойдалансалар, бошқа бирлари «фонологик сатҳ» тушунчасини қўллашни мақсадга мувофиқ деб билмоқдалар, айримлари эса бундай сатҳнинг мавжудлигини инкор этаётганини кўрамиз. Масалан, С.Д.Кацнелсон сатҳлар мавжудлигини, аниқроғи, шу ном билан айтилишини инкор этади⁵⁸.

А.А.Реформатский тадқиқотларида фонетик сатҳ (ярус) тушунчаси қўлланади ва бунда муаллиф Бодуен де Куртене ғоясига асосланади: «Энг аввал одат тусига кириб қолган «сўз товушлардан ташкил топади» деган ақидадан воз кечмоқ керак, зотан, мазкур тушунча мутлақо изоҳталабдир. Чунки, биринчидан, сўз морфемалардан ташкил топади (хатто бир морфемали сўзлар ҳам бундан мустасно эмас); иккинчидан, морфемалар товушлардан эмас, балки фонемалар воситасида шаклланади. Нутқда талаффуз этиладиган товушлар фонемаларни тақозо этади, фонемалар морфемалар учун қурилиш материалидир»⁵⁹.

Албатта, тилнинг фонологик сатҳи бирликлари фақат морфематик сатҳ бирликлари билангина узвий алоқадор эмас, балки барча сатҳ бирликларини ҳам фонологик бирликлар иштирокисиз тасаввур этиш қийин. Р.И.Аванесов таъбири билан айтганда: «Тилнинг грамматик қурилишини, унинг луғат таркибини ўрганиш, фонетик системасини ўрганишни ҳам тақозо этади»⁶⁰. Бироқ бу билан фонетика ва грамматикани қориштириб юбориш мумкин, деган хулосага келиб бўлмайди. Р.И.Аванесовнинг қуйидаги фикри ҳам ибратлидир: «...фонема билан маъно тушунчаси ўртасида узвий алоқа мавжуд бўлса ҳам, бу муносабат бевосита эмас, балки билвоситадир. Зотан, фонема сўз маъносини эмас, унинг товуш қобиғинигина фарқлайди»⁶¹. Ҳ.Жамолхоновнинг бу ҳақдаги мулоҳазаларида ҳам шу тарзда белгиланади: «Фонема – сўзлар, морфемалар ва грамматик шаклларнинг товуш қобиғини фарқлаш

⁵⁸ Реформатский А.А. О соотношении фонетики и грамматики (морфологии)// Вопросы грамматического строя. –М.,1955.-С.95.

⁵⁹ Аванесов Р.И. Кратчайшая звуковая единица в составе слова и морфемы // Вопросы грамматического строя. –М., 1955.-С.113.

⁶⁰ Аванесов Р.И. Кўрсатилган асар, 114-115-бетлар.

⁶¹ Jamolxonov H. Hozirgi o`zbek adabiy tili. –Т., 2005, 38-бет.

орқали уларнинг маъноларини тафовутлаш вазифасини бажарадиган энг кичик сегмент бирликдир»⁶².

Фонеманинг морфема ёки сўзнинг товуш қобиғини фарқлаши шунчаки фонетик ўзгариш эмас. Бу жараёнда фонема ўзининг дифференциал белгиларини намоён этади. Албатта, унинг бундай хусусияти ҳозирги тилшуносликда ички поғонали муносабат деб аталаётган фонологик ҳодисанинг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, бу хилдаги дифференциал белгилар фонематик сатҳ ичида меризматик сатҳ номи билан аталувчи микросатҳнинг вужудга келиши учун асос бўлади. Фонеманинг дифференциал белгилари сегментларни ташкил эта олмайди. Лекин шундай бўлса ҳам, у фонеманинг ички бўлинишини тақозо этиши билан ажралиб туради. Фонемаларнинг дифференциал (меризматик) белгилари фонематик сатҳ ичида яшовчи қуйи сатҳни (субфонематик) ташкил этади⁶³.

Меризматик сатҳ бирликлари (аниқроғи, унсурлари), фонематик сатҳ бирликларидан фарқли равишда, синтагматик муносабатга кириша олмайди. Улар ўртасида фақат парадигматик муносабат шаклланади. Шунинг учун баъзи тилшунослар меризмалар алоҳида сатҳни ташкил эта олмаслигини таъкидлайдилар. Масалан, В.М.Солнцев меризмалар синтагматик муносабатга кириша олмагани учун, улар тил сатҳларига тааллуқли бўлган «...дан ташкил топади», «...га киради» шартига жавоб бера олмаслигини ва шу боис уларни алоҳида сатҳ тарзида талқин этиш нотўғри эканлигини айтади⁶⁴. Бизнингча, В.М.Солнцевнинг мазкур фикри ҳақиқатга яқин. Шунинг учун тилшунослик адабиётларида бу ўринда «субфонематик сатҳ» тушунчасидан фойдаланилмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, фонемалар фонематик сатҳ доирасидагина парадигматик муносабатда бўлади. Улар фонематик сатҳдан катта сатҳлар бирликларида белгининг ифодаловчи жиҳатини ташкил этиб, ўзаро синтагматик муносабатга киришади. Лекин сатҳлар муносабати бундай хусусият касб эта олмайди. Чунки улар поғонали муносабат қуршовида бўлади. Шу боис фонематик сатҳ билан морфематик сатҳ, морфематик сатҳ билан сўз

⁶² Қаранг: Головин Б.Н. Язык // Общей языкознания. –М., 1979. –С.144.

⁶³ Шу боис айна пайтда фонематик ва қуйи фонематик сатҳлар унсурлари ўртасида поғонали муносабат шаклланади.

⁶⁴ Қаранг: Солнцев В.М. О понятии уровня языковой системы // Вопросы языкознания, 1972. –№3. –С.14.

сатҳи ва х.к. ўртасидаги муносабат вертикал чизик доирасида бўлади⁶⁵.

Фонематик сатҳ бирликларининг ички поғонали муносабатини нисбий тушунмоқ керак. Чунки фонемаларнинг дифференциал белгилари нутқда ўзининг аниқ ифодасини топади, зотан, улар фонемаларнинг артикуляцион ва акустик жиҳатлари билан узвий боғлиқдир⁶⁶.

Равшанки, фонема нутқнинг минимал сегменти вазифасида кела олади, просодема ҳамда ритмик-акцентуацион воситалар эса бундай функцияни бажара олмайди. Бу жиҳатдан уларни фонемаларнинг дифференциал белгилари билан қиёслаш мумкин. Бирок дифференциал белгилар фонематик сатҳ доирасида ички поғонали муносабатни шакллантиради, урғу, ритмик-акцентуацион воситалар ҳамда просодеманинг эса бундай хусусиятлари йўқ. Аммо мазкур воситаларнинг нутқни сегментлаш учун, фонемаларнинг нутқдаги ҳолатини (бўғин таркибида) белгилаш учун таъсири каттадир. Ички поғонали муносабат вужудга келиши жараёнида фонема интегратив функция бажаради⁶⁷.

Фонематик сатҳ бирликлари билан морфематик сатҳ бирликлари ўртасидаги поғонали муносабат. Фонематик сатҳ бирликлари билан морфематик сатҳ бирликлари ўртасидаги муносабат тилнинг маъно англашмайдиган унсурларининг маъноли унсурлар сатҳига киришини тақозо этади. Бу жараёнда фонематик сатҳ бирлиги фонема ўзининг дифференциал белгилари орқали морфеманинг товуш қобиғини ташкил этади ва бу билан маъно ифодаланиши учун хизмат қилади.

Фонемаларнинг реал қўлланишида бўғин тушунчасининг ҳам ўз ўрни бор.

Бирок бўғинни тил сатҳи ёки фонематик сатҳ ичидаги микросатҳ сифатида талқин этишни мақсадга мувофиқ эмас, деб биладилар. Бўғин морфемалар ва сўзлар сатҳида ўз мақомига эга бўлувчи фонетик ҳодисадир. Унинг баъзи пайтларда морфемалар

⁶⁵ Қаранг: Колшанский Г.В. Проблемы стратификации языка // Вопросы языкознания, 1968.- №2. –С.16.

⁶⁶ Қаранг: Баранникова Л.И. Основные сведения о языке. –М., 1982. –С.60.

⁶⁷ Қаранг: Бабаев И.А. Фонетические единицы и их терминологическое обозначение И.А.Бодуэном де Куртенэ и в современной лингвистике// Бодуэн де Куртенэ и современная лингвистика. –Казань, 1989. –С.41.

билан шаклан бир хил бўлиб келиши ҳам тил бирликларининг тоғонали муносабатиға дахлдор эмас. Поғоналилик (сатхлараро рўй берувчи) муносабати тилнинг куйи сатҳи билан морфематик сатҳи ўртасида бошланади. Фикр далили учун куйидаги морфемаларнинг овуш жиҳатларига аҳамият берайлик: **-нинг,-ни, -да,-дан**.

Айни пайтда келишиқ кўшимчалари грамматик маъносига эга ўлган аффиксал морфемаларни кўраимиз. Биринчи морфема аркибида **н, и, нг** фонемалари, иккинчисида **н, и**, учинчисида **д, а** а тўртинчисида **д, а, н** фонемаларининг синтагматик муносабати тақлиланиб, уларнинг барчаси фонемадан катта тил бирлиги – орфеманинг товуш қобиғи воситасида берилган морфемаларни ир-биридан фарқламоқда. Бундан ташқари, мазкур фонемалар шу орфемаларнинг маъно хусусиятлари шаклланиши учун ҳам фаол измат қилмоқда. Демак, бу ўринда фонематик ва морфематик итхлар бирликлари ўртасида вужудга келаётган поғонали муносабат фонемаларнинг дифференциал белгилари (унли-ундош), маъно фарқловчи товуш қобиғини шакллантиришида кўзга шланадиган функционал қиймати ҳамда маъно ҳосил қилувчи синтагматик боғланиши орқали воқеланмоқда. Шу нарса рақтерлики, фонематик сатҳ бирликлари морфематик сатҳ ирасида қўлланиши жараёнида ўзаро боғланиши баробарида ана шу морфематик сатҳ бирлигини шакллантиради. Бошқача айтганда, айни сатҳ бирликлари юқори сатҳ бирлиги вужудга келиши учун асосий материал бўлиб келади⁶⁸.

Тилга тизим сифатида ёндашиб, тил қурилишининг асосий оликларини куйидагича тавсифлаш мумкин:

1. Тил қурилишининг асосида ётувчи бирликлар сифатида *тил товушлари* таъкидланади. Тил товушлари тил бирликларига таълиқ ашёси бўлиб хизмат қилади. Тил товуши бирламчи таълиқ бирлиги сифатида тил бирликларидан туб лексемага, туб орфемага ифода жиҳати сифатида хизмат қилади. Фақат ифода қилинган маъно бўлишини назарда тутиб тил товуши бир жиҳатли бирлик қилинади.

Тил товушининг икки ҳолати – лисоний бирлик ҳолати ва таълиқ бирлик ҳолати фарқланади.

⁶⁸ Қаранг: Демьянков В.З. Теория языка и динамика американской лингвистики границах журнала «Language» (К 65-летию основания журнала) // Вопросы языкознания, №4, 1989. – С.143.

Лисоний бирлик сифатида миянинг тил хотираси қисмида мавжуд рамзга тенг бўлиб, ана шу рамзда тил товушига хос белгил-хусусиятлар ҳақида ахборот бўлади. Масалан, у товуши ҳақида «овоздан иборат», «оғиз бўшлиғи тор ҳолатда», «товуш ҳосил бўлиш оралиғи тил юзасининг орқа қисмида», «лаблар актив қатнашади» каби ахборот бор. Инсон фаолиятини, шу жумладан тил фаолиятини ҳам бошқарувчи миядан у товушини айтиш ҳақида «кўрсатма» (импульс) берилса, товуш ҳосил қилиш аъзолари шу товушнинг рамзида мужассамлашган ахборотга биноан ҳаракатга келиб, кўрсатма асосида маълум ҳолат эгаллайди ва ўпқадан маълум зарб билан чиқарилаётган ҳаво оқими нутқ товуши сифатида, нуткий бирлик сифатида намоён бўлади.

Миядаги тил хотираси қисмида шу тилдаги барча тил товушларининг рамзи бўлади, бу рамзлар шу тилдаги товушларнинг артикуляцион базасини (нутқ аъзоларини товуш ҳосил қилишга жалб этиш кўникмалари йиғиндисини) ташкил этади. Бошқа тилга мансуб товушнинг нотўғри талаффуз қилиниши бундай товуш учун миянинг тил хотираси қисмида махсус рамзнинг йўқлиги билан изоҳланади. Бундай бегона товуш учун миянинг тил хотираси қисмида рамз пайдо бўлса, шундан кейингина бу товушни тўғри талаффуз қилишга эришилади. Масалан, ўзбек тили товушлар тизимига сирғалувчи ж товуши хос бўлмаган, эроний тил эгалари билан узоқ муддат бирга яшаш, доимий мулоқотда бўлиш натижасида бу товуш аждар, мужда, гижда каби тил бирликлари таркибида ўзбек тилига қабул қилинган, натижада бу товуш учун миянинг тил хотираси қисмида алоҳида рамз пайдо бўлган.

Тил товуши ўзича маъно билдирмайди, маъно билдирадиган тил бирликларига ифода жиҳати бўлиб хизмат қилади.

Асосий, бирламчи тил бирликлари – лексема ва морфема. Булардан лексема етакчи, морфемани ўзига қўшиб олувчи бирлик, морфема эса тобе, лексемага қўшилиб келувчи бирлик.

Тил бирлиги бўлиш учун бир бутунни ташкил қилувчи икки жиҳат – ифода жиҳати ва мазмун жиҳати мавжуд бўлиши лозим. Лексеманинг, морфеманинг ифода жиҳати бўлиб тил товуши хизмат қилади, шунга кўра бу тил бирликлари сегмент тил бирликлари дейилади (лот. сегментум - 'қисм', 'парча'). Лексема ва морфеманинг мазмун жиҳати асосини маъно (лексик маъно ва грамматик маъно) ташкил этади. Масалан, қўл лексемасининг

рода жиҳати бўлиб **к, ў, л** товушларининг шундай тартибда ойнашган қатори хизмат қилади; мазмун жиҳати асосини гавданнинг елкадан бошланиб, бармоқ учигача давом этадиган **исми** маъноси ташкил этади; **-ди** морфемасининг ифода жиҳати бўлиб **д, и** товушларининг шундай тартибда жойлашган қатори хизмат қилади, мазмун жиҳатини 'аниқ яқин ўтган замон' маъноси ташкил этади.

Лексеманинг, морфеманинг тил бирлиги сифатида икки ҳолати лисоний бирлик ва нутқий бирлик ҳолати фарқланади. Лисоний бирлик сифатида лексема ва морфема мавҳум бирлик ҳисобланади. Ифоданинг тил хотираси қисмида ҳар бир лексеманинг, морфеманинг охида рамзи бўлиб, ана шу рамздаги ахборотдан фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд; ҳар иккиси асосида лексемаларнинг, морфемаларнинг талаффуз бирлиги ҳолати юзага келтирилади; лексема ва морфема ана шундай нутқий бирлик ҳолатида моддий бирлик, сегмент бирлик сифатида намоён бўлади.

Тил товуши лексема учун, морфема учун курилиш ашёси бўлиб хизмат қилади, лекин тил товуши билан лексема, морфема асосидаги муносабатни иерархик (поғонали) муносабат деб қараймайди, чунки лексема, морфема тил товушларини бир-бирига бириктириш йўли билан эмас, балки маълум бир товушга, товушлар тоғурига маълум бир мазмунни бириктириш йўли билан ҳосил қилинган.

Том маънодаги поғонали муносабат лексема ва морфема билан иерархияни қўшиб тузиладиган бирлик – лексемашакл орасида мавжуд. **лексемашакл** – бирламчи тузма бирлик. Лексемашакл лисоний бирлик сифатида моделдан (қолипдан) иборат; бу қолип **лексема** ва **морфема** билан тўлдирилади, натижада лексемашакл талаффуз бирлиги – нутқий бирлик сифатида намоён бўлади, ана шу ҳолатида моддий бирликка, сегмент бирликка айланади. Масалан, **лексемашакл** "лексемашакл тузиш қолипларидан бири лексема+сонловчи+турловчи" шаклига эга; ана шу қолипда бола-семасини **-лар, -ни** морфемалари билан тўлдириб, болаларни лексемашакли тузилади. Демак, лексемашакл лисоний бирлик сифатида суперсегмент бирлик бўлиб, нутқий бирлик ҳолатида моддий бирликка айланади.

Лексемашакл қайси лексема асосида тузилса, ўша лексема асосида туркум нуқтаи назаридан бирор синтактик вазифа бажариш

учун етарли даражада грамматик шаклланган бўлади, шунга кўра лексемашакл бирламчи синтактик бирлик дейилади.

Навбатдаги поғонали муносабат лексемашакл ва лексема билан уларнинг синтактик боғланиши натижасида таркиб топадиган бирикма орасида воқе бўлади. Бирикма икки аъзоли бўлиб, ўзбек тилида тобе аъзо лексемашакл билан, ҳоким аъзо эса лексема билан ифодаланади. Бирикма тушунча англатиш учун хизмат қилувчи синтактик бирлик бўлиб, шунга кўра номинатив бирлик дейилади, шу жиҳати билан лексемага ўхшайди. Бирикманинг асосий вазифаси – предметни, предметнинг ҳаракат-ҳолатини маълум бир белгиси билан биргаликда англатиш: сифатли мато-, деразанинг кўзи-, тез югур- каби.

Бирикма – тузма бирлик; лисоний бирлик сифатида миянинг тил хотираси қисмидаги қолипга тенг, ана шу қолип лексемашакл ва лексема билан тўлдирилганидан кейин сегмент бирлик ҳолатига ўтади, ўз табиати ва синтактик вазифасига биноан маълум грамматик шакл олиб, бирикмашаклга айланганидан кейин талаффуз бирлиги сифатида нутқий бирлик бўлади.

Тилнинг энг муҳим бирлиги – гапшакл, чунки фикр гапшакл билан англатилади. Лисоний бирлик сифатида гапшакл миянинг тил хотираси қисмида қолип ҳолатида мавжуд; ана шу қолипдаги ахборотга биноан талаффуз бирлиги сифатида ҳосил қилинган нутқий бирликка жумла дейилади.

Гап учун қурилиш ашёси бўлиб лексемашакл ҳам, бирикмашакл ҳам хизмат қилади, лекин бу ерда поғонали муносабат йўқ: предикативлик кўрсаткичлари бор лексемашакл, бирикмашакл гаплик (предикатив) интонацияси билан талаффуз қилинса, гапга тенг ҳолатга ўтади. Масалан, кетди – феъл лексемашаклга тенг; предикатив кўрсаткичларга эга ушбу лексемашакл гаплик интонацияси билан талаффуз қилинса, гапшакл ҳолатига ўтади. Демак, гап лисоний бирлик сифатида суперсегмент бирлик бўлиб, нутқий бирлик сифатида сегмент бирликка айланади.

Фразема – табиати мураккаб тил бирлиги. Мазмун жиҳати билан лексемага тенглашса, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапшаклга тенг. Лекин тил бирлиги сифатида бирикмадан, гапшаклдан фарқли ҳолда қолипнинг ўзидан иборат эмас, балки аниқ лексемашакл, лексема билан тўлдирилган бўлади, шунга кўра фразема сегмент бирлик дейилади.

Асли фразема мазмун жиҳати билан ҳам лексемадан жиддий экланиди: аммамнинг бузоғи – лапашанг, ошиғи олчи – иши ишиб турмоқ каби.

Ассосиация – тил бирликларининг шакли ёки мантиқий-антик белгисига кўра ўзаро бирлашуви. Сўз синтагматик юсабатга киришиши билан бирга нутқий жараёндан ташқарида қа сўзлар билан умумийлик белгисига кўра сўзловчи тил ирасида ассоциацияланади ва бу ассоциацияланган бирликлар ирада муайян гуруҳларни ҳосил қилади. Ассоциатив муносабат тагматик муносабатдан фарқли равишда кетма-кетликка ланмайди. Балки сўзловчи хотирасида ўзаро боғланган ҳолда лашади .

Савол ва топшириқлар

1. Лингвистик муносабатлар ҳақида маълумот.
2. Парадигматик муносабат хусусиятларини тавсифланг.
3. Синтагматик муносабатни мисоллар асосида тушунтиринг.
4. Иерархик муносабатни мисоллар асосида таҳлил қилинг.
5. Фонематик сатҳ унсурларининг поғонали муносабат асидаги ўрни ҳақида билганларингизни айтинг.
6. Тил бирликлари аранжировкаси (тартиби)нинг маълум ўрларга асосланишини мисоллар асосида тушунтиринг.
7. Тил бирликларини тавсифланг.
8. Сегмент тил бирликлари ҳақида маълумот беринг.
9. Суперсегмент тил бирликлари хусусиятини ёритинг.
10. Ассоциатив муносабатни мисоллар асосида тавсифланг.

Асосий тушунчалар глоссарийси

Фразема – мазмун жиҳати билан лексемага, тузилиши тидан бирикмага, гапшаклга тенг бўлган мураккаб тил иги.

Ҳапшакл – тилнинг коммуникацияни таъминлайдиган энг м бирлиги.

Кумла – миянинг тил хотираси қисмидаги қолип ахборотга ан талаффуз бирлиги сифатида ҳосил қилинган нутқий бирлик.

Лексема ва морфема – бирламчи тил бирликлари

Лексемашакл – бирламчи тузма бирлик.

Парадигма (юнонча “мисол, намуна”) – фан объектини, унинг муайян даврда ҳоким бўлган назарий тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва шу асосда фаннинг турли бўлимларида ўхшаш бўлган, ўзаро боғланган муайян тадқиқот методлари мажмуи.

Парадигматика – тил бирликларини тил тизимига мансуб парадигмаларнинг унсури сифатида текшириш аспекти.

Парадигматик муносабат – бир парадигмага бирлашувчи тил бирликларининг ўзаро муносабати.

Парадигматик қатор – маълум умумийлик хусусияти асосида бирлашиб, айрим фарқли (ўзига хос) хусусияти билан қарама-қарши турадиган ва нутқий алоқа талаблариға кўра бири иккинчиси билан алмашина оладиган бирликлар (унсурлар).

Сегмент (лот. сегментум - ‘қисм’, ‘парча’) тил бирликлари – лексеманинг, морфеманинг ифода жиҳати сифатида хизмат қиладиган тил товушлари.

Тил товушлари – тил қурилишининг асосида ётувчи бирликлар.

7-§. ТИЛЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ИВОЖЛАНИШИ

Режа:

1. Тилларнинг шаклланишига доир назариялар.
2. Шарқ илмида тилнинг шаклланишига оид қарашлар.
3. Тилларнинг шаклланиш омиллари.

Асосий тушунчалар: тил ва жамият, тил тарихи, маданият тарихи, тилнинг пайдо бўлиши, аналогистлар, аномалистлар, овушга тақлид назарияси, ундовлар назарияси, меҳнат йиқириқлари назарияси, ижтимоий келишув назарияси, “асил ва ётабар” тиллар, “тилларнинг маншайи”, “Абут-турк”, “Абул – җрс”, “Абул – ҳинд” миллий тил.

Тил кишилар ўртасидаги муносабатнинг энг муҳим курали бўлиб, жамият тараққиёти жараёнида шаклланган умуминсоний ҳолатларни ифода этади. Тилнинг пайдо бўлиши ва вожланиши кишилик жамияти билан мустақкам боғлиқ. Тил тарихи қадар қадимийдир .

Халқ қардош қабилалар иттифоқи сифатида шаклланган давр тарихий уюшмадир. Халқнинг асосий белгилари: умумий тил, умумий ҳудуд, маданият ва маънавият муҳитининг умийлигидир. Халқнинг асосий белгиларидан бири бўлган миллий тил ўзаро фарқланувчи, етакчи, иқтисодий ва маданий ҳолат тили сифатида намоён бўлади.

Тилнинг пайдо масаласи инсониятни қадимданок қизиқтириб келди. Бу масала фақат тилшуносликнинг эмас, бошқа кўп соҳаларнинг: антропология, психология ва этнография каби соҳаларнинг ҳам ўрганиш объектидир. Илмий адабиётларда тилнинг пайдо бўлиши масаласи – тил қачон ва қаерда пайдо бўлган, дастлаб қандай тил бўлган, у ёки бу тиллар қандай тузилишда бўлган ва шу тилнинг саволга илмий асосланган жавоб беришга ҳаракат қилинган. Бу соҳа олимларнинг фикрича, тил тахминан беш юз минг йиллар олдин пайдо бўлган.

Маълумки, тил бошқа нарса ва ҳодисалар сингари ҳолатдир. Шундай экан, беш юз минг йил ичида тилларда қандай ўзгариш содир бўлганини тасаввур қилиш, уни илмий, ҳам

амалий, ҳам назарий нуқтаи назардан ўрганиш мушкул. Тил тараққиётининг ёзув пайдо бўлишидан аввалги ҳолати биз учун қоронғидир. Биз фақат ёзув пайдо бўлгандан кейинги даврда рўй берган тил тараққиёти тўғрисида ёзма ёдгорликлардан фойдаланиб, фикр юритишимиз мумкин. Лекин ёзув тилни ўрганиш, тилнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги муаммони ёритишга тўлиқ имкон бермайди. Шундай бўлса ҳам, баъзи олимлар бу масалага ўз муносабатларини, фикрларини билдириб ўтишган.

Қадимги Юнонистонда файласуфлар тилнинг қай тарзда келиб чиққани устида узок муддат қизғин баҳс олиб борганлар. Тилшунослик тарихидан маълумки, бу масалада грек файласуфлари бир-бирига зид икки хил фаразни ўртага ташлашган. Бир гуруҳ файласуфлар тил табиий йўл билан пайдо бўлган, яъни сўз ва предметлар ўртасида тўғридан тўғри табиий боғланиш бўлганлиги учун кишилар предмет ва нарсаларни табиий ҳолда билиб олишган, деб исботламоқчи бўлганлар. Платон бошлиқ бир гуруҳ олимлар “наrsa билан унинг номи орасида муайян боғланиш бор. Бу боғланиш нарсаларнинг хусусиятларидан, табиатидан келиб чиққан ва илоҳий куч томонидан ўрнатилган”, деган фикрни илгари суришган. Тарихда бу оқим **анологистлар** деб ном олган.

Баъзи файласуфлар тил кишиларнинг бир-бири билан ўзаро келишиши натижасида вужудга келган, деб ҳисоблаганлар. Демокрит ва бошқалар тилда наrsa номи билан наrsa орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ, бу номлар мазкур тилда гаплашувчи одамлар томонидан яратилган, демак, тил инсон томонидан яратилган, деган фикрни илгари суришган. Бу гуруҳга мансуб олимлар **аномалистлар** деб аталган. Ана шу бир-бирига қарама-қарши икки назариянинг ўзаро курашиши натижасида яна бир қатор назариялар вужудга келган.

Ҳозирги тилшунослик нуқтаи назаридан қаралса, нарсалар билан уларнинг номи орасида, умуман олганда, ҳеч қандай боғланиш йўқ. Бу кўпчилик олимлар томонидан қайд этилган. Чунки наrsa билан унинг номи орасида боғлиқлик бўлганда тилларнинг сони 5000 дан ортиб кетмасди. Шунини айтиб ўтиш керакки, айрим тилларнинг келиб чиқишини, масалан, ўзбек, рус, ҳинд, тожик ва бошқа тилларнинг қачон пайдо бўлганини, қандай таркиб топганлигини аниқ билиш мумкин. Аммо бирор-бир аниқ тилнинг келиб чиқиши масаласини умуман тилнинг, инсонлар

нуткининг пайдо бўлиши масаласи билан тенглаштириб бўлмайди. Ҳозир дунёда мавжуд бўлган жонли тилларнинг ҳам, баъзи бир ўлик тилларнинг ҳам келиб чиқиш тарихини ўрганиш у қадар қийин масала эмас. Анчагина тилларнинг қачон пайдо бўлгани, қачон таркиб топгани аниқланган. Бироқ ер юзида умуман тилнинг қачон пайдо бўлгани, дастлабки тилларда қандай сўзлар бўлгани, унинг грамматик хусусиятлари нималардан иборат эканлиги аниқланган эмас. Бундан бир неча юз минг йиллар бурун пайдо бўлиб, кейинчалик ном-нишонсиз йўқолиб кетган тиллар ҳам мавжуд бўлган.

Қадимги тилларнинг фонетик тизими, сўз бойлиги, грамматикаси ва бошқа муайян хусусиятларидан қатъий назар, умуман тилнинг келиб чиқиши ўрганилар экан, энг аввало, тилнинг келиб чиқишидаги шарт-шароитларни тадқиқ қилиш, яъни инсонлар қандай шароитда сўзлай бошлашганини ўрганиш ва бу масалани умуман тилнинг келиб чиқиш масаласи билан боғлаган ҳолда таҳлил қилиб, хулоса чиқариш лозим.

Тилнинг келиб чиқиши масаласини аниқлашдаги қийинчилик шундан иборатки, биринчидан, ҳозирги тил тарихи фани дунёда умуман тилнинг қандай пайдо бўлганлиги тўғрисида ҳеч қандай далилларга эга эмас. Чунки ҳозир бизга маълум тилларнинг ёзув тарихи 10 – 15 минг йилдан ошмайди. Олимларнинг фараз қилишича, инсон бундан бир неча юз минг йил аввал сўзлаша бошлаган. Аммо ўша даврдаги тиллар тўғрисида ҳозирги вақтда ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунинг учун ҳам тилшунослик фани бу масалани тўғридан тўғри ўрганиш имкониятига эга эмас.

Умуман, тилнинг қандай шароитларда пайдо бўлиши масаласини илмий фаразларга асосланиб ўрганиш мумкин бўлади. Тилшунослик илми бир-бирига яқин бўлган психология, физиология, этнография, археология, тарих ва шу каби фанларнинг далилларига суяниб, тилнинг келиб чиқиши масаласига ёндашиши мумкин.

Турли нутқ товушларини бириктириб, сўзлар ҳосил қилиш ва сўзлар воситасида гап тузиб, истак ва мақсадни ифодалаш кишилиқ жамиятининг бошланғич даврларида яшаган одамларни ўйлантириб келган. Шунинг учун тилнинг пайдо бўлиши тўғрисида қадимги кишилар турли ривоятларни тўқиганлар. Бу ривоятларнинг баъзиларида тил маъбудлар томонидан яратилиб, кишиларга тақдим

қилинганлиги, айримларида эса тилни ажойиб бир донишманд яратганлиги талқин қилинган.

Фанда тилнинг келиб чиқиши тўғрисида бир қатор назариялар мавжуд. Бу назарияларнинг баъзилари тил инсонларнинг бир-бири билан муносабатда бўлиши эҳтиёжи натижасида келиб чиққан, деб ҳисобласа, бошқалари айрим шахсларнинг ўз фикрини аввал ўзи учун, кейин бошқалар учун билдириши натижасида келиб чиққан, деб ҳисоблайди. Шу тариқа тилнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳақида турлича қарашлар, назариялар, фаразлар яратилди. Ушбу назариялар танқидий таҳлил асосида ўрганилиши лозим. Бу назариялар, асосан, қуйидагилар:

Товушга тақлид назарияси кишиларнинг ўз атрофидаги предметларнинг чиқарган овозига тақлид қилиши натижасида дастлабки сўзлар, предметларнинг номлари пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. Бу назария қадимги Юнонистонда – Демокрит ва Платон даврида ўртага ташланган бўлиб, унга кўра ибтидоий одамлар онгли ёки онгсиз тарзда турли-туман товушлар, яъни хайвонларнинг бакириқлари, қушларнинг сайраши, шамол ва шаршараларнинг овозларига тақлид қилишга ҳаракат қилишган. Масалан, чумчук, каклик, қарғаларнинг товушлари, *шир-шир, тақ-туқ, кук-ку, гумбур-гумбур* кабилар. Аммо бу сўзлар ҳамма тилда мавжуд бўлса ҳам, улар жуда кам микдорни ташкил қилади. Табиатда товуш чиқармайдиган нарсаларга нисбатан товуш чиқарадиганлари кам. Шундай экан, товуш чиқармайдиган нарсаларнинг номи қандай шаклланган, деган савол туғилади. Бу назария тўғри бўлса, унда ибтидоий жамиятда яшаган қабилалар тилида бундай усулда ясалган сўзлар сони фан ва техникаси ривожланган халқлар тилидагига нисбатан кўпроқ бўлиши керак. Лекин сўнгги йилларда Жанубий Америка ва Австралиядаги ибтидоий тузумни бошидан кечираётган қабилалар тилида ўтказилган тажрибалардан маълум бўлишича, бу тилларда товушга тақлид қилиш йўли билан ясалган сўзлар ривожланган тиллардагига қараганда бирмунча кам. Ундан ташқари, табиатдаги товушларга тақлид қилиш учун нутқ органларининг ўта ривожланган бўлиши ҳам аниқланган. Шунинг учун тақлидий сўзлар тилнинг пайдо бўлиши масаласини ҳал қилишда асосли аҳамиятга эга эмас. Демак, овозга тақлид назариясининг ўзи тилнинг келиб чиқиш масаласини тўғри ҳал қилиб бера олмайди.

Ундовлар назарияси ҳам тилнинг пайдо бўлиш масаласини талқин қилувчи қарашлардан бири бўлиб, бу назария тарафдорлари тилдаги барча сўзлар кишиларнинг ички туйғулари, қаҳр-ғазаблари, ҳис-ҳаяжонлари, ихтиёрсиз бақиришлари натижасида пайдо бўлган, деб қарайди. Бу назария ҳам қадимий бўлиб, унинг асосида ҳам ҳайвонларнинг товушлари ётади. Мазкур назария асосчиларининг фикрича, ибтидоий одамлар ҳайвонларнинг овозларини ўрганиб, улар орқали ўзларининг ички кечинмалари, ғам-аламларини ифодалашган: *оҳ, уҳ, вой, инг* каби сўзлар бунга мисол қилиб кўрсатилади. Тилдаги бошқа сўзлар эса ана шундай сўзларнинг бирикувидан келиб чиққан, деб тушунтирилади. Таникли франсуз олими Ж.Ж.Руссо ҳам шу фикрни қувватлаган.

Дунёдаги барча тилларда бундай бирликлар мавжуд, лекин бундай сўзларнинг миқдори шу қадар камки, тилдек мураккаб ҳодиса ана шу йўл билан пайдо бўлган, дейиш бу масалани жуда соддалаштириб юборган бўлар эди.

Маълумки, тилнинг асосий вазифаси кишилар орасида фикр алмашувини таъминлашдир. Бинобарин, мазкур назарияни қабул қилиш тилнинг асосий вазифасини, тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини рад этишга олиб келади. Ички кечинмаларни изҳор қилиш ҳар доим ҳам жамиятнинг бўлишини тақозо қилмайди. Тилнинг яшаши ва ривожланиши эса жамият билан узвий боғлиқ: жамият бор жойдагина тил бор, тил бор жойда жамият бор.

Демак, бу назария ҳам тилнинг келиб чиқиш масаласини тўғри ёритишга ожизлик қилади.

Меҳнат ҳайқириқлари назарияси вакиллари тилдаги барча сўзлар ибтидоий кишиларнинг биргалашиб меҳнат қилиш караёнида ҳаракатга ундайдиган ихтиёрсиз қийқиришлари натижасида пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бу назарияни XIX срнинг 70-йилларида француз файласуфи Л.Нуаре яратди. Унинг айд қилишича, тил инстинктив ҳайқириқлардан пайдо бўлган. Ёмис олими Карл Бюхер ҳам ушбу назарияни қувватлайди. Бу назария бир қарашда ҳақиқатга бирмунча яқин назариядек кўринса ам, мантиқ жихатдан асоссиздир. Чунки меҳнат қилишдаги ийқириқлар, ҳайқириқлар меҳнат жараёнини бир маромга, бир элипга солиш учун восита бўлган, холос; *уҳ, оҳ, воҳ, виқ, оҳо, эҳ* каби ҳайқириқлар кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлганлиги қтимол.

Меҳнат ҳайқириқлари ундов назариясига ўхшаб кетади. Лекин бу назария ҳам тилнинг келиб чиқиш сабабларини, тилнинг шаклланишини жамиятнинг пайдо бўлиши, сўзлаш ва фикр юритиш қобилятига эга бўлган инсониятнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлай олмайди.

Ижтимоий келишув назарияси. Бу назария XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлиб, уни илгари сурувчи олимлар баъзида бир-бирига зид хулосаларга келишган, уларнинг тил шаклланиши тўғрисидаги асосий фикрлари бир хил. Бу назарияга асосан, нарсаларни қандай аташни одамларнинг ўзлари келишиб олишган. Бирор нарсани номлашда келишиб олиш учун, табиийки, келишув воситаси, яъни тил керак бўлади. Ушбу назария тилнинг пайдо бўлишини эмас, балки тил ривожланишининг бир йўналишини ёритиши мумкин. Ҳозирги вақтга келиб, у ёки бу фанга тааллуқли атамалар ёки сўзлар ўзаро келишиб қўйилади. Лекин бунинг тил шаклланишига алоқаси йўқ.

Юқорида кўрсатиб ўтилган назарияларнинг ҳаммаси ҳам тилнинг келиб чиқиш масаласини тўғри ёритишга ожизлик қилади. Чунки бу назариялар тилнинг келиб чиқиши масаласини инсониятнинг пайдо бўлиши, дастлабки кишилар жамоасининг вужудга келиши масаласидан ажратиб олган ҳолда баҳолашга ҳаракат қилган.

Қайд этилган назарияларда, биринчидан, тил гўё жамият тарихи тараққиётидан четда, ўз ҳолича тараққий этадиган ҳодиса, деб қаралган. Шунинг учун ҳам тилнинг келиб чиқиш масаласи ибтидоий даврдаги кишиларнинг меҳнат фаолиятидан ажратилган ҳолда қаралган. Иккинчидан, бу назарияларда тилнинг келиб чиқиши тафаккурнинг пайдо бўлиши билан биргаликда, ўзаро алоқадорликда эмас, балки ажратилган ҳолда талқин қилинган. Учинчидан, одамнинг пайдо бўлишидаги барча биологик асослар ҳисобга олинмаган.

Шарқ тилшунослигида ҳам тилнинг пайдо бўлишига оид мулоҳазалар билдирилган. Жумладан, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари муқаддимасида тилнинг пайдо бўлишига доир ўша давр мафкурасига мос бўлган қарашлар баён қилинган. Алишер Навоий тилнинг пайдо бўлишини Нух алайҳиссалом авлодларига боғлайди:

“Мундин сўнгра уч нав тилдурким, асил ва мўътабардур ва ул тиллар иборати гавҳари била койилининг (айтувч , сўзловчи) адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруъи (шоҳ, дарахтнинг шоҳи) бағоят кўптур. Аммо туркий ва форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаидурки (бир нарсанинг келиб чиқиш ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши), Нух пайғамбар... нинг уч ўғлиғаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур, етишур. Ва бу мужмал тафсили будурки, Нух... тўфон ташвиридин (тўлқин, фалокат) нажот ва анинг маҳлақасидин (хавф-хатар жойи ва вақти, ҳалоқат) ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навидин намудор қолмайдур эрди. Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулқига йиборди ва Сомники, Абул – фурс битирлар, Ерон ва Турон мамоликининг васатида (ўрта, ўрталиқ) волий (ҳоким, ҳуқумдор, подшоҳ) қилди ва Ҳомники, Абул -ҳинд дептурлар, Ҳиндистон билодиға (шаҳарлар, мамлакатлар) узатти. Ва бу уч пайғамбарзода авлод ва атбўи (тобелар, фуқаролар, қарамлар, издошлар) мазкур бўлған мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар. Ва Ёфас ўғлоники, Абут-туркдур, тарих аҳли иттифоқи (“бир фикрга келиш, ҳаммаси” деган маънода) дептурларки, нубувват (пайғамбарлик) тожи била сарафроз ва рисолат (пайғамбарлик, расуллик) мансаби била қариндошларидин мумтоз (сараланган, ажратилган) бўлди. Ва уч тилки, туркий ва форсий ва ҳиндий бўлғай. Бу учовнинг авлод ва атбўи орасида шое бўлди (“Муҳокамат ул-луғатайн”дан).

Ўзбек тилшунос олими А.Нурмоновнинг эътироф этишича, “ота-боболаримиз қолдирган ёзма ёдгорликларни синчиклаб ўргансак, бу асарларда тилшуносликнинг бир қанча масалалари Европа олимларидан анча олдин баён қилинганига гувоҳ бўламиз”. Олим томонидан Форобий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий, Бобур каби аждодларимизнинг лингвистик қарашлари талқин этилган.

Олимларнинг фараз қилишича, ибтидоий меҳнат қуролларини яшаш одам аъзоларини аста-секин жуда узоқ даврлар давомида такомиллаштириб, тил ҳамда тафаккурнинг ривож топишида беқиёс роль ўйнаган. Демак, меҳнат қилиш, меҳнат қуролларини яшаш жараёнида одамлар борган сари уюшиб борди, натижада кишилиқ жамияти вужудга келди. Ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиққан одамларда жамоа бўлиб меҳнат қилиш жараёнида бир-бирига фикрини ифодалаш эҳтиёжи туғилди. Бу зарурий эҳтиёж эса тилни

яратди. Тил билан айна бир вақтда тафаккур пайдо бўлди. Меҳнат билан бир вақтда муҳим эҳтиёж талаби билан тил ва тафаккурнинг пайдо бўлиши натижасида бу уч омил бир-бирига таъсир қилиб, ривожланиш имконияти юзага келган. Бунинг натижасида меҳнат қилиш йўллари, меҳнат қуроллари, тил ва онг аста-секин такомиллаша бошлади. Илгари тош ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган бўлса, кейинчалик, кишилар ундан фойдаланишни ўргана бошладилар ва унинг хусусиятларини билиб олдилар. Одам тошни ёриб ёки синдириб, ундан ҳар хил шаклдаги турли меҳнат қуроллари ясади ва ана шу меҳнат қуролларида фойдаланиш жараёнида бошқа нарсаларнинг ҳам турли хусусиятларини била борди. Бу эса нарсаларни бир-бирига солиштириб, уларнинг хусусиятларини аниқлашни ўргатди. Оқибатда тафаккурнинг ривож топишига имконият туғилди. Одамлар меҳнат қилишни билганларидан кейин, озиқ-овқат топиш учун зарур нарсалар ҳақида, яъни меҳнат қуроллари тайёрлаш, ундан қандай фойдаланиш, қайси тарафга бориш, озиқ-овқат топиш ҳаракатини жамоа бўлиб бажариш ва бошқалар тўғрисида озми-кўпми фикр юргизадиган бўлдилар. Улар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, биргаликда ҳаракат қила бошладилар. Бу эса инсонлар тили ва тафаккурининг борган сари ўсишига, уларда мавҳум тушунчаларнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган, ибтидоий меҳнат қуроллари ясашни ўргана бошлаган одамлардан бир неча босқич юқори даражада яшаётган Африкадаги қабила жамоаси ҳолатидаги халқ тилларининг сўз бойлиги, грамматик тузилиши ҳамда тафаккурининг ривожланиш фарқлари қиёслаб бўлмайдиган даражада эканлигини, ривож топганини кўриш мумкин. Шу тариқа, Африка, Америка қитъаларида қабила бўлиб яшаётган халқларнинг ривожланиш даражаси, сўз бойлиги, грамматик тузилиши, тафаккур қилиш қобилияти энг тараққий топган инглиз, рус, немис, араб қаби халқлар тилларининг сўз бойлиги, грамматик тузилиши ва бошқа тил ҳодисаларидан, тафаккур этиш даражасидан жуда катта фарқ қилади. Юқоридаги фикрлар тил ва тафаккурнинг ривожланиб бориши кишилик жамияти тараққиёти билан узвий боғланганининг ёрқин далилидир.

Жамият тарихида тилларнинг кейинги тараққиёти миллий тилларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Миллий тил маҳаллий

шевaлар билан ўзарo бoғланган ҳoлда тараккий қилиб бoради. Бу жараёнда баъзи шевaлар миллий тилга қўшилиб, уни бойитади.

Миллий тилнинг ягоналиги шу миллатнинг барча табақалари, гуруҳларига тушунарли ва тенг хизмат қилиши, бирдан бир алоқа воситаси бўлишида намоён бўлади. Чунки тил айрим табақа, айрим гуруҳ томонидан яратилмаган, балки жамиятнинг барча аъзолари – умумхалқ томонидан шакллантирилган.

Тил бирлиги, унинг эркин ривожланиши миллатнинг асосий белгиларидан биридир. Миллий тилнинг халқ тилидан фарқи – унинг адабий ёзув шаклига эгалигидир. Миллий тилнинг бу шакли мазкур миллатнинг ҳар бир аъзоси, ҳар бир шеваси учун умумийдир. Ҳар бир миллатнинг маданий мероси ана шу тилда ўз аксини топади.

Савол ва топшириқлар

1. Тилнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги мулоҳазаларингизни мустақил равишда баён этинг.

2. Тилларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги аномалистлар қарашлари мазмунини ёритинг.

3. Тилларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги аналогистлар қарашлари мазмунини ёритинг.

4. Тилнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларни умумлаштиринг.

5. “Меҳнат ҳайқириқлари” назарияси асосини изоҳланг.

6. “Товушга таклид” назарияси моҳиятини ёритинг.

7. Шарқ илмидаги тилнинг пайдо бўлишига доир қарашларни баён этинг.

8. Миллий тилнинг юзага келиш жараёни ҳақида мулоҳазаларингизни билдиринг.

9. Тилнинг шаклланиши ва ривожланишида жамиятнинг ўрнини асосланг.

10. Тилнинг шаклланиши ва ривожланишига доир қарашларни “Т-схема” асосида таҳлил қилинг.

Асосий тушунчалар глоссарийси

Тил ва жамият – ўзаро таъсир қилиб, бири иккинчисининг тараққиётига замин яратадиган ижтимоий воқелик.

Анологистлар – “наrsa билан унинг номи орасида муайян боғланиш бор. Бу боғланиш нарсаларнинг хусусиятларидан, табиатидан келиб чиқади ва илоҳий куч томонидан ўрнатилган”, деган фикр тарафдорлари.

Аномалистлар – тилда наrsa номи билан наrsa орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ, бу номлар мазкур тилда гаплашувчи одамлар томонидан яратилган, демак, тил инсон томонидан яратилган, деган фикр тарафдорлари.

Товушга тақлид назарияси – кишиларнинг ўз атрофидаги предметлар чиқарган овозига тақлид қилиши натижасида дастлабки сўзлар, предметларнинг номлари пайдо бўлган, деган қараш.

Ундовлар назарияси – тилдаги барча сўзлар ибтидоий кишиларнинг ҳис-ҳаяжон сўзлари таъсирида пайдо бўлган, деган қараш.

Меҳнат ҳайқириқлари назарияси – тилдаги барча сўзлар ибтидоий кишиларнинг биргалашиб меҳнат қилиш жараёнида ҳаракатга ундайдиган ихтиёрсиз қийқиришлари натижасида пайдо бўлган, деган қараш.

Ижтимоий келишув назарияси – нарсаларни қандай аташни одамларнинг ўзлари келишиб олишган, деган қараш.

Миллий тил – тилларнинг энг мукамал, тараққиёт босқичларини ўтган, ривожланган кўриниши.

Тест

1. “Нарса билан унинг номи орасида муайян боғланиш бор. Бу боғланиш нарсаларнинг хусусиятларидан, табиатидан келиб чиқади ва илоҳий куч томонидан ўрнатилган”, деган фикр тарафдорлари...

- А) анологистлар
- Б) аномалистлар
- С) “ундовлар назарияси” тарафдорлари
- Д) “ижтимоий келишув назарияси” тарафдорлари

2. “Тилда нарса номи билан нарса орасида ҳеч қандай боғланиш йўқ, бу номлар мазкур тилда гаплашувчи одамлар томонидан яратилган, демак, тил инсон томонидан яратилган”, деган фикр тарафдорлари...

- А) анологистлар
- Б) аномалистлар
- С) “ундовлар назарияси” тарафдорлари
- Д) “ижтимоий келишув назарияси” тарафдорлари

3. Тилнинг шаклланиши ва ривожланишига доир назарияларни белгиланг.

- А) меҳнат ҳайқириклари, товушга тақлид, ижтимоий келишув назариялари
- Б) меҳнат ҳайқириклари, ундов, ҳолатга тақлид, ижтимоий келишув назариялари
- С) меҳнат ҳайқириклари, ундов, товушга тақлид, ижтимоий вазифа назариялари
- Д) меҳнат ҳайқириклари, ундов, товушга тақлид, ижтимоий келишув назариялари

4. Миллий тилни бойитувчи ички манбани кўрсатинг.

- А) терминлар, четдан сўз олиш, сўз ясалиши
- Б) шевалар, сўз ўзлаштириш, сўз ясалиши
- С) шевалар, четдан сўз олиш, сўз ясалиши
- Д) шевалар, эски сўзларни тиклаш, сўз ясалиши

5. Миллий тилни бойитувчи ташқи манбани кўрсатинг.

- А) терминлар, четдан сўз олиш, сўз ясалиши
- Б) сўз ўзлаштириш, четдан сўз олиш
- С) шевалар, четдан сўз олиш, сўз ясалиши
- Д) шевалар, четдан ўтган сўздан сўз яшаш, сўз ясалиши

6. Алишер Навоий асл тилларнинг маншаидурки... деганда қайси тилларни назарда титган?

- А) туркий, форсий, хиндий
- Б) туркий, арабий, форсий
- С) туркий, хиндий, арабий
- Д) арабий, форсий, хиндий

7. Алишер Навоий маълумотига кўра, Нух алайҳиссаломнинг Абул-турк деб сифатланган, туркий тилларнинг шаклланишига асос солган ўғиллари ким эди?

- А) Хом
- Б) Сом
- С) Ёфас
- Д) Юсуф

8. Алишер Навоий маълумотига кўра, Нух алайҳиссаломнинг Абул - фурс деб сифатланган, эроний тилларнинг шаклланишига асос солган ўғиллари ким эди?

- А) Хом
- Б) Сом
- С) Ёфас
- Д) Юсуф

9. Алишер Навоий маълумотига кўра, Нух алайҳиссаломнинг Абул - хинд деб сифатланган, хинд тилларининг шаклланишига асос солган ўғиллари ким эди?

- А) Хом
- Б) Сом
- С) Ёфас
- Д) Юсуф

10. Демокрит тилнинг пайдо бўлишига доир қарашига кўра қайси гуруҳга мансуб бўлган?

- А) анологистларга
- Б) аномалистларга
- С) “ундовлар назарияси” тарафдорларига
- Д) “ижтимоий келишув назарияси” тарафдорларига

8-§.ТИЛНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Режа:

- 1.Тил тараққиётидаги тарихий-фонетик ўзгаришлар.
- 2.Тил тараққиётидаги фонетик ўзгаришларни таҳлил этувчи фонетик-фонологик қонуниятлар.
- 3.Комбинатор ва позициян товуш ўзгаришлари.

Асосий тушунчалар: *ассимиляция, диереза, метатеза, редукция, сингармонизм, дивергенсия, конвергенсия, гаплоглогия, алтернация, алтернант, қиёсий-тарихий фонетика, қиёсий-типологик фонетика, фонология, фонология, фонетик-фонологик қонуниятлар, фонологик оппозициялар, умумий фонетик қонуниятлар, хусусий фонетик қонуниятлар.*

Тил тараққиёти ва ривожини маълум қонуниятлар асосида юзага келади. Тил мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий ҳодиса бўлиб, ундаги бирликлар барча жиҳатдан узвий боғланган. Ушбу бирликларга алоқадор қонуниятлар ҳам ўзаро боғлиқ. Тилдаги тарихий фонетик ўзгаришлар маълум тарихий фонетик қонуниятлар асосида рўй беради. Фонетик-фонологик ўзгаришлар тилнинг ички қонуниятлари билан боғлиқ ҳодисадир. Тилдаги тарихий-фонетик ўзгаришларни қандайдир физиологик ёки физик қонуниятлар асосида тушунтириш мумкин эмас. Фонетик-фонологик қонуниятлар тилнинг ички қонуниятлари асосида юз беради ва фақат лингвистик аспектда илмий тадқиқ қилиш орқали изоҳланади.

Тилдаги тарихий-фонетик ўзгаришларни ўрганувчи соҳа қиёсий-тарихий фонетикадир. Қардош тиллардаги этимологик ва Генеалогик, яъни келиб чиқиш жиҳатдан ўхшаш ва фарқли томонларни қиёсий фонетика аниқлаб беради. Қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги тарихий-фонетик ўзгаришларни таҳлил қилиш натижасида типологик, қиёсий-типологик фонетика, фонология соҳалари шаклланди.

Тил тараққиётидаги фонетик ўзгаришларни таҳлил этувчи фонетик-фонологик қонуниятлар куйидагилар:

1. Умумий фонетик қонуниятлар барча тилларга хос тартиб ва қоидаларни тилнинг бошқа қонуниятлари билан боғлиқликда акс

эттиради. Масалан, барча туркий тилларда сингармонизм (унлиларнинг уйғунлашуви ёки унлилар гармонияси) қонуниятини мавжуд бўлиб, сўз ўзагидаги унлининг аффиксдаги унли билан уйғунлашувида кўринади. Бундай сингармонизм ҳодисаси унлиларнинг тил ва лабнинг ҳолатига кўра уйғунлашуви билан изоҳланади. Масалан, қозок тилида: аттар, баштар; туркман тилида: барар, дашар; қирғиз тилида: оттуз, моюн, тунду қабилар. Барча туркий тилларда жарангсиз ундошлар икки унли товуш оралиғида жаранглилашиши мумкин.

2. Хусусий фонетик қонуниятлар муайян тил учун хос бўлган қонуниятларни ифодалайди. Масалан, туркий тилларга мансуб ўзбек тилининг кейинги тараққиётидаги ички ўзгаришлар ҳамда ёндош тиллар таъсирида юзага келган ҳодисалар шу тилнинг ўзига хос ривожланиш омиллари билан боғлиқдир. Бошқа туркий тилларга хос бўлган сингармонизм ўзбек тили тарихида ҳам бор бўлиб, унли фонемалар бу тилда 8-9 та бўлган. Тарихий-фонетик ўзгаришлар ўзбек тилининг ички фонетик қонуниятлари ва ташқи таъсир натижасида, яъни бошқа тиллар билан алоқаси натижасида юзага келган. Тилдаги маънодор бирликлар – сўз ва морфемаларни ташкил этиш ва уларни фарқлаш учун фонемалар тил системасида бир-бирига қарама-қарши қўйилиши зарур. Фонемалар ўртасидаги бундай қарама-қаршилиқлар *фонологик оппозициялар* деб юритилади⁶⁹.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида олти унли фонема бўлиб, улар тилнинг кўтарилиш (юқори, ўрта, қуйи) ва лабнинг ҳолатига кўра фонологик оппозицияни ташкил қилади: и – у; э – ў; а – о. Бу фонетик ва фонологик белгилар бошқа туркий тиллар учун хос эмас.

Шевалар орфоэпик, грамматик ва лексик нормалардан ташқарида бўлгани туфайли уларда турли ўзгаришлар сақланиб қолади ва аста-секин адабий тилга ҳам таъсир қилади.

Фонетик қонуниятлар давр нуқтаи назаридан иккига бўлинади.

1. Тарихий (диахроник) фонетик қонуниятлар тиллар ёки муайян бир тилнинг тарихий тараққиётида юзага келган тарихий-фонологик ўзгаришларни ўз ичига олади. Тил тарихининг тарихий

⁶⁹ Абдуазизов А. Ўзбек тилининг фонологияси ва морфонологияси.-Т.,1992.- Б.6

говуш ўзгаришларини ўрганувчи бўлими тарихий фонетика ва фонология деб юритилади.

2. Даврий (синхроник) фонетик қонуниятлар муайян тил доирасида ҳозирги даврда содир бўлаётган фонетик ўзгаришларни изоҳлайди. Бунда ҳозирги тиллардаги янги талаффуз тенденциялари ҳам ўрганилади. Масалан, ҳозирги ўзбек тилида унлилар тил олди ундошларидан кейин тил олди ва тил орқа ундошлардан кейин тил орқа вариантларга эга бўлади.

Тарихий-фонетик ва фонологик ўзгаришлар турли мураккаб жараёнларни ифода этади. Масалан, туркий тиллар ва шеваларига хос бўлган **о**-лашиш, **й**-лашиш, **ж**-лашиш, **ё**-лашиш каби ҳодисалар, герман тиллари тарихидаги умлаут, яъни тил орқа лабланган унлиларнинг ва кейинги бўғиндаги товуш таъсирида тил олди ҳолатига ўтиши, аблаут, яъни ички флексиядаги товуш алмашуви кабилар ана шундай ҳодисаларга киради.

Фонетик ва фонологик ўзгаришлар натижасида тилдаги фонемалар сони камайиши ёки кўпайиши мумкин, бунда икки ҳодиса рўй беради.

1) икки фонеманинг яхлит бир фонема сифатида бирлашиши конвергенсия дейилади. Ўзбек тили тарихида маълум бўлган тил олди ва тил орқа, қисқа ва чўзиқ фонемалар кейинчалик бирлашиб, ўрта чўзиқликка эга бўлган 6 та унли фонемани ҳосил қилган;

2) бир фонеманинг икки мустақил фонемага ажралиши дивергенсия дейилади. Масалан, қадимги туркий тилда битта **а** фонемаси кейинчалик икки фонемага ажралган: **а** ва **о**. Фонетик ва фонологик қонуниятлар тилдаги ички ва бошқа тиллар билан алоқа натижасида –ташқи факторлар таъсирида бўлиши мумкин. Баъзан эса ҳар икки фактор ҳам бир йўла таъсир қилиши мумкин.

Масалан, ўзбек тилида /**о**/ фонемасининг ҳосил бўлишида икки фикр мавжуд. Ўзбек тилидаги ички фонетик факторга асосланган қараш /**о**/ фонемаси /**а**/ фонемасининг лаб ва чуқур тил орқа ундошларидан кейин келиб, /**о**-лашганини кўрсатади. Ташқи факторга асосланган қараш ўзбек тилидаги /**о**/ фонемаси форс-тожик тилининг таъсири остида ҳосил бўлган деб ҳисоблайди. Бунда, албатта, /**о**/ фонемасининг ички фонетик имкониятлар асосида шакллангани ҳақиқатга яқин.

Фонетик қонуниятларга товушларнинг комбинатор ва позицион ўзгаришлари ҳам киради. Умуман, фонетик қонуниятларни бошқа

ёндош ҳодисалар таъсирида ўрганиш тилшунослик фани учун илмий қийматга эга.

“XIX асрда пайдо бўлган янги мактаб “Ёш грамматикачилар” деб аталиб, улар биринчи марта тилларда доимий ўзгаришлар бўлиб туришини кашф этганлар. Улар товуш ўзгаришларининг маълум тури тасодифий эмаслигини қайд этишади, бу ўзгаришлар жуда кўп сўзларда намоён бўлади (масалан, /п/ > /ф/). Шунингдек, бугунги кундаги айрим шаклларни тил тараққиётининг маълум бир давридаги товуш ўзгаришларини аниқлаш орқали дастлабки ҳолатидан ажратиб олиш мумкин. “Ёш грамматикачилар” томонидан аналогия концепцияси ишлаб чиқилди: тиллар барқарорлигига ёрдам берувчи ва ундаги тартибсизликларни четлаштирувчи жараён – муҳим механизм бўлиб, биз тилдаги одатий товуш ўзгаришлари билан ноодатий (морфологияда қайд этилган) товуш ўзгаришларини билишимиз керак. Ёш грамматикачилар товуш ўзгаришларини табиат қонунларига кўра изохлашган. Кейинчалик баъзи тилшунослар тилнинг ўзгарувчанлигини изохлашнинг бошқа йўллари топадилар. Тилшуносликнинг структурализм мактаби (XX аср бошлари) тилдаги барча элементларни ўз ўрнида тизим ҳолатида ўрганишни бошлаб берадилар. Тилдаги бир элементнинг ўзгариши бутун тизимга ҳам таъсир қилади.

Структуралистларни тил тизимида содир бўладиган алтернатив ўзгаришлар кўпроқ қизиқтирган. Шундай товуш ўзгаришларидан бири икки фонеманинг бир фонемага ўтиши ёки бир фонеманинг худди шундай ўзгариш билан тилда мавжуд бўлган бошқа фонемага ўтишидир. Масалан, wh (which) товуш комбинацияси инглиз тилида /hw/ товушини ифодалашга хизмат қилади ва w/w/ (witch) товуши талаффуздан фарқ қилади. Ёзувда икки товуш билан ифодаланadi. Жиддий ўзгаришлар коммуникатив муаммолар туфайли ҳам рўй бериши мумкин ва у бошқа фонемалардаги ўзгаришларни ҳам бошлаб беради.

Тилнинг генератив назарияси (XX асрнинг 2-ярмида кашф этилган) тилдаги ўзгаришларни унинг грамматикасидаги ўзгаришлар сифатида баҳолайди. Грамматика бу қонуниятларнинг ўрнатилиши, тилда маълум бир ўзгаришларнинг содир бўлиши ва қонуниятларнинг ўзгаришидир: мавжуд қонуниятлар маълум бир

йўл билан ўзгаради, янги қоидалар юзага келади, баъзиларининг жараёнда бартараф бўлиши кузатилади⁷⁰.

Нутқдаги турли факторлар натижасида товушлар бир-бирига таъсир қилади. Бундай факторлардан бири товушнинг ўрни, унинг бошқа товушга ёнма-ён ҳолатда бўлиши, товушларнинг бирикуви ва урғунинг табиатига боғлиқ. Товушларнинг позицион ва комбинатор ўзгаришлари фарқланади.

Маълум ҳолатда рўй берувчи товушларнинг ўзгариши позицион ўзгаришлар деб аталади. Позицион ўзгаришлар уч турга бўлинади: 1) урғуга нисбатан урғули ва урғусиз унлилар фарқланади; 2) бўғин ва унинг табиатига кўра очик ва ёпиқ ҳамда беркитилган ва беркитилмаган бўғинлар фарқланади; 3) сўздаги ўрнига кўра сўз боши, ўртаси ва охиридаги товушлар ва уларнинг бирикмалари фарқланади.

Унли товушларнинг урғусиз бўғинларда кучсизланиши ёки ўзгариши *редукция* дейилади. Одатда миқдор ва сифат редукцияси фарқланади. Урғусиз ёпиқ бўғинларда унлилар чўзиқлигининг қисқариши ва кучли артикуляция қилинишининг йўқолиши миқдор редукцияси деб аталади. Масалан, санаш сўзининг бошидаги урғусиз /a/, охиридаги /a/ га қараганда анча кучсиз ва қисқа талаффуз этилади. Рус тили орқали ўзлашган директор, ректор сўзларидаги о унлиси урғусиздир.

Аккомодация товушларнинг ҳосил бўлиш ўрни ва усули, лабнинг ҳолати ва товуш пайчаларининг тебранишига кўра мослашуви орқали амалга оширилади. Нутқдаги барча товушлар бир-бири билан артикуляция фазалари орқали боғланади ва бу артикуляция структурасини ташкил этади. Товушлар ўртасидаги боғланишнинг артикуляция структурасини чуқур ўрганиш ёрдамида фонетик ҳодисалар изоҳланади.

Ассимиляция ҳодисаси ҳам талаффузни иқтисод қилишнинг бир тури ҳисобланади. Ассимиляция натижасида сўзлар қисқариши, ундаги товушларнинг артикуляцияси ўхшаш бўлиб қолиши талаффузни осонлаштиришга ёрдам беради. Турли тилларда ассимиляциянинг табиати ўзига хос хусусиятларга эга. Хусусан, немис тилида жаранглилик белгиси бўйича ассимиляция учрамайди. Бундай ассимиляция рус ва ўзбек тилларига хосдир.

⁷⁰ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. -Budapest, 2006.-P.91

Дистант ассимиляция кўпроқ унлиларнинг ўзаро таъсири натижасида рўй беради ва туркий, фин-угор, баъзи герман тилларида учрайди. Масалан, немис тилида отларнинг кўплик кўшимчасидаги унли сўз ўзагидаги унлига ўхшаш белгиларга эга бўлади. Бу ходиса умлаут дейилади: *Buch* “китоб”– *biicher* “китоблар”, *sohn* “ўғил” – *sohne* “ўғиллар” каби.

Прогрессив ассимиляциянинг яна бир тури сингармонизм ёки унлиларнинг уйғунлашуви деб аталиб, у сўзларда (ўзак ва аффиксда) унлиларнинг ўхшаш артикуляцион-акустик белгиларга эга бўлиши билан изоҳланади. Баъзи африка тилларида унлилар бир сўз ёки сўзлар бирикмаси доирасида уйғунлашади. Кўпгина урол ва олтой тилларида унлилар тил олди ва тил орқа, ҳамда лабланган-лабланмаган белгилари бўйича уйғунлашади. Туркий тилларда, хусусан, туркман, қозоқ, қирғиз, турк, қорақалпоқ тилларидаги сўзларда тил олди ёки тил орқа, лабланган ёки лабланмаган унлилар ўхшаш ҳолатда учрайди. Бунда сўз ўзагидаги унли билан аффиксдаги унли уйғунлашади. Масалан, туркман тилида: галамлар “қаламлар”, гелинлар – “келинлар” қозоқ тилида: баштар – “бошлар”, колдор – “қўллар”, турк тилида: голлар – “қўллар”, гозлар – “кўзлар” каби.

Ассимиляция синхроник (даврий юзага келган) ва диахроник (тарихий шаклланган) бўлиши мумкин. Юқорида кўрсатилган умлаут ва сингармонизм ходисалари товушларнинг тарихий ассимиляцияси натижасида келиб чиққан.

Ассимиляция натижасида нутқ товушлари ўртасидаги фарқлар йўқолиб, улар бир ёки бир неча белгилари билан ўхшаш бўлади ёки уйғунлашади. Бироқ бу ходисага тесқари бўлган таъсир ҳам борки, бунда товушларнинг ўхшашлик хусусияти йўқолади. Агар сўздаги икки бир-бирига ўхшаш товушлардан бири ўзгариб, натижада улар бирор артикуляцион-акустик белгиси ёки бир неча белгилари билан фарқланиб қолса, диссимиляция (лотинча диссимилатио – “ўхшамаслик”) дейилади. Масалан, рус ва ўзбек оғзаки нуткида диссимиляция кўп учрайди: тумба (тунба), Тамбов (танбов), трамвай (транвай), комбайн (конбайн), джемпер (дженпер), амбар (анбар). Инглиз тилида *marble* – “мрамор” сўзи француз тилидаги *marbre* – сўздан келиб чиққан бўлиб, сўз охиридаги (р) товуши диссимиляция натижасида (l) га ўзгарган.

Сингармонизм олдинги бўғин (ёки ўзак)даги унлига кейинги ўғин (ёки бўғинлар)даги унлилар, баъзан ундошларнинг утикуляция ўрни ва усулига кўра мослашувидир. А.М. Шербак ёкидлаганидек, бир бўғинли сўзлардаги унли сифат жиҳатидан зимий ва мустақил бўлиб, кўп бўғинли сўзлардаги кейинги унлилар эса биринчи бўғинга мувофиқлашади. Масалан, бар -ган -ар, кол-га (ўзбек тили кипчоқ шевалари), йўксāлтмāк (озарбайжонли). Сингармонизмнинг бу кўриниши – палатал ёки танглай сингармонизмида биринчи бўғин унлиси мустақил бўлиб, кейинги ўғиндаги унлилар унга тобе бўлади, яъни биринчисига мослашади. Палатал ёки танглай сингармонизми қадимий бўлиб, туркий бобоил даврига оиддир.

Туркий тиллар оиласига мансуб бўлган ҳозирги уйғур тилида сингармонизмнинг бошқа кўриниши ҳам мавжуд. Бу тилнинг ўзига ос хусусияти асл туркий бир бўғинли сўзларда (баъзан кўп ўғинли сўзларда ҳам) кейинги бўғиндаги тор и унлиси таъсиридан олдинги бўғиндаги кенг а унлиси тораяди ва э товушига тади: баš-беши, бала-белеси. Бу ҳодиса тескари сингармонизм деб талади. Тескари сингармонизм, уйғур тилидан ташқари, ўзбек илининг Наманган ва Уйчи шеваларида ҳам учрайди: белик балик”, жейим “жойим”, темиц “томинг”, йеји “янги”.

Туркий тилларда дастлабки бўғиндаги унлиларнинг лабланиши атижасида кейинги бўғиндаги унлилар ҳам лабланади: кирғ. ёллāрдā, алт. калда, ёк. қоробун “кўряпман”; туруохпут “турамиз”, ёғолар “болалар”, кирғ. кулдор “қўллар”, турк. колу “қўли”. Туркий иллардаги лабиал сингармонизм унли ҳосил бўлишида лабнинг штирокига асосланади: о, ё, у, ў унлилари лабланган, а, а, и, и, унлилари лабланмаган унлилардир. Лабиал сингармонизм, айниқса, дирғиз тилида яққол ифодаланади: дуиолоро “туяларга”, оглонлоро “ўғилларга”, кополок “капалак”, тундо “тунда”, колдоруноздун “қўлларингиздан”. Сингармонизмнинг бу тури ўғуз ва кипчоқ уруҳига мансуб тилларда кенг тарқалган бўлиб, ўзбек ва хакас тилларида кам кузатилади.

Сингармонизм урғу билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳар аккиси сўзнинг **фонетик белгиси** ҳисобланади.

Метатеза (ёки инверсия) ҳодисаси товушлар ёки бўғинларнинг сўз таркибида ўзаро ўрин алмашиши билан изоҳланади. Баъзан сўзда ёнма-ён келган товушларнинг ўзаро ўрин

алмашуви инверсия деб, аксинча, бир-биридан узоқ бўлган товушларнинг ўзаро алмашинуви метатеза деб юритилади. Бу ҳодиса кўпроқ оғзаки нутқда учрайди: *мрамор (мармар), тупроқ (турпоқ), ёмғир (ёғмир), туҳфа (туфҳа), супра (сурпа)* каби.

Диереза (ёки тушуриб қолдирмоқ) ҳодисаси ундош товушларни талаффузда тушириб қолдириш билан изоҳланади: Тошкент шеvasида: *гўит (гўи), рост (рос), суртмоқ (сурмоқ), тандир (танир)* каби.

Агар бир хил ёки ўхшаш бўғинлардан бири тушириб қолдирилса, гапология дейилади. Масалан, морфофонология сўзи ўрнида морфонология, *сариг ёғ* ўрнида *сарёғ* каби.

Сўзга товушни қўшиб айтиш **эпентеза** дейилади: ишқибоз.

Сўзнинг бошланғич қисмига товушлар қўшиб айtilса, **протеза** дейилади. Туркий тилларда, хусусан ўзбек тилида (оғзаки нутқда) рус тилидан кирган сўз бошида келган ундош товушлар бирикмаси олдида (и), (у) унлиларини қўшиб айтиш протезага мисолдир: *стол (устол), стул (устул)*.

Чет тилидан кирган сўзлардаги товушларни она тилидаги товушлар билан алмаштириб талаффуз қилиш субституцияга асосланади. Одатда, она тилида бўлмаган чет тилидаги товуш кўпроқ алмаштирилади. Бироқ чет тилидаги товушга ўхшашроқ товуш она тилида бўлишига қарамай, уни алмаштириш ҳоллари кўп учрайди. Чунки ҳар бир тил ўзининг алоҳида товуш тизимига эга ва ундаги товушлар бошқа тилда қайтарилиши мумкин эмас. Бундай товушлар субституцияси атоқли отларда кўп учрайди: немисча: *Webster* – Уебстер, *Isaak* – Исаак; лотинча: *Theodor* – Феодор (Фёдр), инглизча: *Thomas* – Томас кабилар.

Юқоридаги товушлар алмашуви икки ёки ундан ортиқ тилларда учрайди. Бир тилдаги сўзларнинг ҳар хил формаларида ҳам товушлар алмашуви рўй беради. Бундай товушлар алмашуви **алтернация** деб ҳам юритилади. Алмашувчи товушлар эса **алтернантлар** дейилади. Товушлар алмашинувининг турли морфемалардаги хусусиятларини **морфонология** ўрганади. Товушларнинг алмашуви икки хил бўлади: **фонетик (позицион)** ва **тарихий**.

Фонетик алмашув деб тилнинг ҳозирги талаффуз нормасига асосан рўй берувчи **алтернацияга** айtilади. Бундай алмашув товушларнинг ўрнига боғлиқ бўлиб, маълум ҳолатда учрайди.

Масалан: *сез – сесканмоқ, уйқу – уйгонмоқ, сариқ – саргаймоқ, билак – билаги* каби.

Товушлар алмашуви славян тилларида, айниқса рус тилида жуда кўп учрайди. Масалан, рус тилидаги от префикси ҳар хил талаффуз қилинади: отпуск (отпуск), отзыв (одзиф), отхот (атхот), охрана (ахрана), отгадать (адгадат). Уларнинг ҳар бири фонетик ҳолатига боғлиқ: юмшоқ (ть), (дь) ундошларидан олдин келади: аффрикатлар (с) дан олдин (о) урғули ҳолатда, (а) урғусиз ҳолатда ва ҳоказо. Инглиз тилида ҳам юқоридагига ўхшаш товушлар алмашуви кузатилади. Масалан, отлардаги кўплик қўшимчаси -с отнинг бирлик шаклида келади ва у сўз охиридаги ундош ёки унли товушнинг артикуляцион-акустик хусусиятига кўра ҳар хил талаффуз этилади: жарангсиз ундошдан кейин /с/, сирғалувчи ундошлардан кейин /-из/ ва жарангли товуш билан тугаган сўзларда /з/ тарзида талаффуз этилади; *maps* /маепс/ – “хариталар”, *box* /боксиз/ – “кутилар”, *beds* /бедз/ “кроватьларъ каби. Бу товуш алмашувларида ассимиляция муҳим аҳамиятга ега.

Баъзи товушлар алмашуви тарихий жараён асосида юз беради. Шу сабабли бундай ўзгаришлар тарихий товуш алмашувлари дейилади. Ўзбек тилидаги баъзи аффикслар тарихий жиҳатдан ҳар хил бўлган: *-гил, -зил, -қил, -кил, -гали, -зали, -кали, -қали* шаклида ёзилган ва шундай талаффуз этилган *г' – к – қ* товушлари алмашуви ана шундай тарихий жиҳатдан шаклланган алтернацияга киради.

Инглиз тилида сўзларнинг ўзагида келган унлиларнинг алмашуви бирқанча феъл шакллари ясашда қўлланади ва тарихий ассимиляцияга мисол бўла олади: /и: /е/ е/ – *feed, fed, fed* – “бокмок”, /и: /а/ а/ – *win, won, won* – “ютмок” (ўйинда) каби.

Товушлар алмашуви натижасида сўз туркумлари, сўзларнинг грамматик шакллари фарқлаш мумкин. Товушлар алмашуви фақат адабий тилга хос бўлмай, балки шеваларда ҳам учрайди. Хусусан, а/ э, и /э товушлар алмашуви туркий тиллар шеваларида отларнинг кўплик аффиксларида учрайди. Ўзбек тили ва унинг шеваларида бундай товуш алмашуви қуйидагича бўлади: адабий тилда: отлар – итлар; ўзбек шеваларида: атлар – ийтлар / ийтлер, атлар – итлар /итлер, этлер; козоқ тилида: аттар – ийт- тер.

Фонетик ва тарихий алмашувлар ўртасидаги ўхшашлик уларнинг морфологик функцияни бажаришида кўринади. Бирок

фонетик товуш алмашуви тилнинг ҳозирги талаффуз меъёри билан боғлиқ бўлса, тарихий товуш алмашуви бундай хусусиятга эга эмас.

Тил аста-секин ва мустақил ривожланиб боради. Тилнинг такомиллашуви ва ривожланиши маълум қонуниятлар асосида содир бўлади ва бу қонуниятлар баъзи қонуниятлардан, хусусан, табиат қонунларидан фарқ қилади.

Фонетик ва фонологик ўзгаришлар натижасида тилдаги фонемалар сони камайиши ёки кўпайиши мумкин. Бунда икки ҳодиса рўй беради: Агар тилда бўлган икки фонема бир фонемага бирлашса, конвергенция дейилади. Ўзбек тили тарихида бўлган тил олди ва тил орқа, қисқа ва чўзиқ унли фонемалар кейинчалик бирлашиб, ўрта чўзиқликка эга бўлган олти унли фонемани ҳосил қилган.

Агар бир фонема икки фонемага ажралса, дивергенция дейилади. Масалан, қадимий туркий тилларда бўлган /a/ фонемаси кейинчалик икки фонемага ажралган: /a/ ва /o/. Бу ҳодиса дивергенция жараёни натижасида содир бўлган.

Фонетик қонуниятларга товушларнинг комбинатор ва позицион ўзгаришлари ҳам киради. Чунки товушлар турли ҳолатларда ҳар хил ўзгаришларга учрайди. Чунончи, унлилар очик урғули бўғинда чўзиқ ва ёпиқ урғусиз бўғинда эса қисқа талаффуз этилиши мумкин. Бундай ҳолат ҳам кўпгина тарихий ва ҳозирги товуш ўзгаришларини келтириб чиқаради. Фонетик ва фонологик қонуниятларни тилнинг бошқа босқичидаги ўзгаришлар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш асосли хулосалар беради.

Тилларнинг ривожланиши натижасида лексемаларнинг семантик мундарижасида ҳам ўзгаришлар кузатилади. Масалан, бир-бирига алоқаси бўлмагандек туюлган турли денотатларни ифодаловчи *аквариум* ва *акварел* сўзларини лотинча “сув” маъносидаги аква ёки ўзбек тилидаги *илик*, *йил*, *илон*, *жилмоқ*, *жилмаймоқ*, *илдиз* сўзларини “сезилар-сезилмас даражада амалга оширилган ҳаракат” семаси боғлаб туради.

Кўринадики, тўтиё, даставвал, кўзга малҳам бўладиган сургини ифодалаган, денотатив маънода қўлланган. Муайян даврдан сўнг лексема семантикасида “кўзга суртиш” асосий эътибор нуқтасига кўтарилган. “Кўзга суртмоқ” маъносидаги тўтиё қилмоқ қўшма феъли шаклланган. Тўтиё лексемасида “кўк ранг”, “кукун”, “малҳам”, “сурги” семалари мавжуд бўлган. Семантик кенгайиш

натижасида “азиз қилмоқ”, “эъозламоқ” семалари шаклланган, тўтиё қилмоқ типидаги янги лексема юзага келган. Тўтиё семантикасида кўзга суриладиган моддий ашёдан “эъозлаш”, “муқаддас билиш”, “қадрлаш” семалари юзага келган. Тўтиё қилмоқ шарқ халқларига, жумладан, туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқига хос кадрият ифодаси сифатида намоён бўлади. Нон ушоғининг кўзга суртилиши, муқаддас китобни тавоф қилиш анъанаси шу семантик хусусият билан боғланади.

Савол ва топшириқлар

1. Тил тараққиётидаги қонуниятлар ҳақида атрофлича маълумот беринг.
2. Фонетик – фонологик ўзгаришлар тилнинг ички қонуниятлари билан боғлиқ ҳодиса эканлигини тушунтиринг.
3. Тил тараққиётидаги фонетик ўзгаришларни таҳлил этувчи фонетик-фонологик қонуниятларни айтинг.
5. Умумий фонетик қонуниятлар ҳақида маълумот беринг.
6. Хусусий фонетик қонуниятларни тушунтиринг.
7. Комбинатор товуш ўзгаришларини изоҳланг.
8. Позицион товуш ўзгаришларига мисоллар келтиринг.
9. Тилнинг луғат сатҳидаги ўзгаришларга мисол келтиринг.
10. Товуш ўзгаришларини моделлаштириш методидан фойдаланган ҳолда тушунтиринг.

Асосий тушунчалар глоссарийси

Ассимиляция – ёнма-ён ёки кетма-кет келган товушларнинг ўзаро мослашуви.

Диереза – ундош товушларнинг талаффузда тушириб қолдирилиши.

Метатеза – товушларнинг ўрин алмашуви.

Редукция – унли товушларнинг урғусиз бўғинларда кучсизланиши ёки ўзгариши.

Сингармонизм – товушларнинг ўзаро уйғунлашуви.

Қиёсий-тарихий фонетика – тилдаги тарихий-фонетик ўзгаришларни ўрганувчи қиёсий-тарихий тилшунослик соҳаси.

Қиёсий-типологик фонетика – қардош ва қардош бўлмаган тиллардаги тарихий-фонетик ўзгаришларни таҳлил қилувчи соҳа.

Фонетик-фонологик қонуниятлар – тил тараққиётидаги фонетик ўзгаришларни таҳлил этувчи қонуниятлар.

Умумий фонетик қонуниятлар – барча тилларга хос умумий ҳолдаги тартиб ва қоидаларни тилнинг бошқа қонуниятлари билан боғлиқликда акс эттирувчи қоидалар.

Хусусий фонетик қонуниятлар – муайян тил учун хос бўлган қонуниятлар.

Тест

1. Бир хил ёки ўхшаш бўғинлардан бирининг тушириб қолдирилиши...дейлади.

- А) диереза
- Б) гаплогия
- С) метатеза
- Д) синкопа

2. Тил тараққиётидаги фонетик ўзгаришлар даврий нуктайи назардан қандай турларга бўлинади?

- А) диахроник, синхроник
- Б) позицион, комбинатор
- С) даврий, замонавий
- Д) позицион, диахроник

3. Унли товушларнинг урғусиз бўғинларда кучсизланиш ёки ўзгариши нима дейлади?

- А) синкопа
- Б) апакопа
- С) редукция
- Д) диереза

4. Тарихий тараққиёт жараёнида бир фонеманинг икки мустақил фонемага ажралиши қандай номланади?

- А) ассонанс
- Б) дивергенсия
- С) аллитерация
- Д) конвергенсия

5. Тарихий тараққиёт жараёнида тилдаги икки мустақил фонеманинг бир фонемага бирлашуви...дейилади.

- А) интеграция
- Б) дивергенция
- С) аллитерация
- Д) конвергенция

6. Тарихан метатеза ходисаси рўй берган сўзларни топинг.

- А) ёмғир, кўмир
- Б) ёстик, ёмғир
- С) ухламоқ, жилмаймоқ
- Д) истамоқ, тупрок

7. Семантик жиҳатдан алоқадор сўзларни белгиланган.

- А) илдиз, илон
- Б) жилмаймоқ, илмоқ
- С) силжимоқ, сирпанмоқ
- Д) жилмаймоқ, илитмоқ

8. Товушларнинг уйғунлашуви қандай номланади?

- А) ассимиляция
- Б) сингармонизм
- С) диссимиляция
- Д) прокопа

9. Бир тилдаги сўзлардаги товушлар алмашуви рўй беради.

- А) ассимиляция
- Б) алтернация
- С) диссимиляция
- Д) сингармонизм

10. Метатеза яна қандай номланиши мумкин?

- А) интеграция
- Б) конвергенция
- С) инверсия
- Д) дивергенция

9-§. ДУНЁ ТИЛЛАРИ ВА ТИЛЛАР ТАСНИФИ

Режа:

1. Тилларни таснифлаш мезонлари.
2. Тилларнинг генеалогик таснифи.
3. Тилларнинг морфологик таснифи.

Асосий тушуунчалар: дунё тиллари, тиллар тавсифи, тиллар таснифи, синтетик (аффиксли) тиллар, аналитик тиллар (аффиксиз) тиллар, ностратик гипотеза, ностратик назария, генеалогик тасниф, қардош тиллар, тил оиласи, олтой тиллар оиласи, туркий тиллар гуруҳи, морфологик тасниф, агглютинация, агглютинатив тиллар, аморф тиллар, полисинтетик тиллар.

Ер юзида тиллар кўп. Олимларнинг ҳисоб-китобиغا кўра уларнинг миқдори 7000га яқин. 200та тилда – 1 миллиондан ортиқ, 70та тилнинг ҳар бирида – 5 миллиондан ортиқ, 13та тилнинг ҳар бирида – 50 миллиондан ортиқ, қолган тилларнинг ҳар бирида 1 миллиондан ортиқ аҳоли сўзлашади. Тилларнинг барчаси инсонлар ўртасидаги алоқа аралашувни таъминлаш вазифасини бажаради. Ҳар бир тил асрлар давомида ривожланиб, бойиб боради. Жамиятдан узилган, инсонларнинг ўзаро алоқасига хизмат қилмайдиган тил ўлик тилга айланади. Демак, тил жамиятга, яъни инсонларнинг ўзаро муносабатига хизмат қилади, шунинг учун ижтимоий ҳодиса саналади.

Дунё тиллари турли тамойиллар асосида тасниф қилинади. Тиллар таснифида генеалогик, морфологик, типологик тамойилларга асосланилади.

Ўтмишда тилларни географик принцип жиҳатидан тасниф қилишга уриниш ҳам бўлган. Масалан, И.Х. Аделунг (1732-1806) ўзининг тўрт томли “Митридат” номли асарида (III ва IV томларини И. С. Фатер (1771-1826) нашрга тайёрлаган) тиллар таснифида географик тамойил асосида ёндашади. И.Х.Аделунг тилларда бўлган структура ўхшашлигини қадимий қариндошлик натижаси деб ҳисоблаган. У масалан, шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, бир бўғинли ажратувчи тилларни бир гуруҳга киритади.

Тилларни тасниф қилишга уринишнинг дастлабки намуналари ўрта асрлардан янги даврга ўтишни бошлаб берган Уйғониш

ренессанс) даврига тўғри келади. Латин ва грек тиллари (“классиклар”) қаторида Шарқ тиллари, хусусан, семит тиллари (қадимги ғарбий, араб, сурия тиллари ва бошқалар) кизгин равишда ўрганила бошлади. Шу билан бирга бошқа тилларга ҳам эътибор кучаяди, ва даврда илм оламига маълум бўлган барча тилларнинг тарихини тузиш ва классификация қилишга уриниш француз манисти Г.Постеллуснинг “Тилларнинг қариндошлиги ҳақида” (De finitfite linguarum) (1538) номли трактати билан бошланади. Уйғониш давридаги машхур олимлардан Иосиф Юстус алигер (1540-1609) – Юлий Сезар Скалигернинг (1484 – 1558) и – Европа тилларини айрим гуруҳларга ажратишга уринган эди. У уриниши жуда қисқа баъдан иборат бўлган. У Европа тилларини ўн битта асосий тилга ажратади. Булардан тўрттаси катта гуруҳни – тил оилаларини ташкил қилади. Булар: латин тили, грек тили, тевтон тили, славян тили. Ана шу тил оилаларни Деус, Оеос, (Deus) номлари билан атайди. Қолган етти тил оиласи тарихдагиларга нисбатан кичик гуруҳлар ҳисобланади. Булар албан тили (албан), татар тили, венгер тили, фин тили (лопар тили билан бирга), ирланд тили, кимр (бритт) тили (бретон тили билан бирга), кельт тили.

Пётр I замонидан бошлаб, айниқса, 1725 йилда Фанлар Ғарбиясига асос солинганидан кейин, рус фани жаҳон тили аниятида катта роль ўйнай бошлади. Кавказ ва Сибир тилларининг тиллари ёзиб олиниб, олимлар томонидан ўрганишга киришилди. Бунда, айниқса, Страленбергнинг хизматлари диққатни ташкил қилади. У шимолий-шарқий Европа ва Осиё тилларини тарихий классификация қилишга уринади. Масалан, 1739-йилда эълон қилинган “Tavila ro1 uqlotta” асарида бу категориядаги тилларни беш гуруҳга бўлади: 1) фин-угор тиллари, 2) шимолдаги туркий тилларнинг тиллари, 3) сампед тиллари, 4) мўғул, манжур, тибет тиллари, 5) тунгус ва палео – осие тиллари, 6) Кавказдаги тоғлиқлар тиллари.

Генеалогик тасниф тилларни келиб чиқишига кўра муайян гуруҳларга ажратади.

“Тилларнинг бошқа тиллар билан алоқаси натижасида уларнинг тарихий ҳолатида, структурасида ўзгаришлар бўлиши табиий ҳол ва буларнинг ада тиллар генетик боғланган ёки боғланмаган бўлади. Бир тилдан, генетик жиҳатдан боғланмаган бўлса-да, тилларнинг тарихий таракқиётидаги ўзаро алоқалари натижасида

Ўхшашликларга эга эканлигини кўриш мумкин, бошқа томондан эса, генетик жиҳатдан ўзаро боғланган тилларнинг вақт ўтиши билан ажралиши натижасида ўзлаштиришларнинг турли даражада эканлигини, луғат бойлиги, структурасидаги умумийликни кўриш мумкин. Ўзаро боғланмаган ва географик жиҳатдан маълум бир масофада жойлашган тилларда ўзаро ўхшашликлар намоён бўлиши мумкин ва бу табиий ҳол, чунки тилларнинг танловидаги структурал кўрсаткичлар санокли. Масалан, эга, кесим, тўлдирувчининг тартиби дунёнинг жуда кўп тиллари киёсида чекланган кўринишда, бу бир-бирдан бутунлай мустақил бўлган тиллар бир хил тартибга эга эканлигини билдиради. Тилларнинг дастлабки шаклида ёзилган матнларни асослаш масъулият талаб қилади, ўзаро алоқадор бўлган тилларнинг ёки диалектларнинг киёси, ўзлаштирилган элементларни ўрганиш, тилларнинг бутунги кундаги алтернациялари тадқиқи, тилларда содир бўлган ўхшаш ёки ўхшаш бўлмаган ҳолатлар ҳақидаги умумий билимлардир”⁷¹.

Ҳозирги тилшунослик фанида тиллар ўртасида генетик алоқадорликнинг янги қирралари очилмоқда. Тахминан 200 тил оиласидан 22таси Евросиёга, 20га яқини Африкага, қолганлари Америка, Австралия, Янги Гвинеяга тўғри келади. XIX аср охирида, асосан, 4 та тил оиласи ажратилган: туркий, мўғул, тунгус-манчжур, корейс тиллари. XX асрда мазкур тилларнинг қардош эканлиги таъкидланди ва умумлаштирилиб, *олтой тиллар оиласи* деб номланди. Бу каби анъанавий тил оилаларидан кенгроқ бўлган, бир-бирига қардошлиги тўла асосланмаган тил оилаларини “макротилоилалари” деб номлаш таклиф қилинган. В.М.Ильич-Свитич тадқиқотларида акс этган ностратик гипотеза (лотин тилида ностер “бизники” маъносини беради) тил оилаларини янада кенгроқ доирадаги генетик асосга бирлаштиришни назарда тутди. Ностратик макротилоиласига ҳинд-европа, урал, олтой, картвел, дравид тиллари киритилган. Бу тиллар ўртасидаги ўхшашлик, асосан, олмошларда кузатилади:

- татар. мин, морд. мон, “мен”; zansk. *munens*, рус. мне;
- мар. тый, мўғ. *ci* (>^x *ti*), рус. ты;
- удм. ми, teleut теги, хауса *mi*, рус. мы;
- коми тайо, мўғ. *tere*, рус. тот;
- ўзб. ким, фин. *ken*, сомали *kima* “ким”.

⁷¹ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. – Budapest, 2006.- P.89.

Ўзаро ўхшашлик бир қатор лексик асосларда ҳам кузатилади:

-туркий кулак, груз. *quri* “кулок”, фин. *kuule*, юн. *klyo* “шитмоқ”;

-туркий *қарин* “қорин”, араб. *қурб*, тамил *кариппай*, лат. *corpus* “ана”;

-мўғ. *moren* “дарё”, тамил *marai* “ёмғир”, рус море ;

-туркий *туман*, рус. *темный*;

-туркий *келин*, лат. *глос*, рус. *золовка*, фин. *kaly* “уканинг тини”;

-туркий *қара*, телеут. *қари*.

Ностратик гипотеза муайян фактик материалларга эга бўлса-да, ли кўпчилик томонидан эътироф этилган эмас.

Олтой тиллари ўртасида кўплаб ўхшашликлар кузатилади. асалан:

-туркий *қол*, мўғ. *халха* – *гол* (географик ном), манчж. *доло*, кор. *л* “водий”;

-туркий *баж*, мўғ. *бажан*, тунг.-манчж. *бажан* “бой”;

-туркий *бек*, *беки*, тунг.-манчж. *беки* “берк”;

-туркий *сан* “сана”, мўғ. *сана* – “билмоқ”, тунг.-манчж. *салмоқ*;

-мўғ. *морен* “дарё”, evenk. *му*, кор. *мул* “сўв”;

-мўғ. *модун*, тунг.-манчж. *мо* “дарахт”, кор. *мой* “ўрмон, тоғ”.

Ўзбек тилидаги *мен* мўғул тилидаги *мину* “менга”, эвенк тилидаги *минду* “менга” сўзларига мос келади. Ўрин-пайт келишиги кўпчилик тилларда-да, мўғул тилида -да, тунгус-манчжур тилида –²

Турк, мўғул, тунгус-манчжур, корейс тилларида аксарият ҳолларда фонетик мослик кузатилади.

Олтой оиласидаги тилларнинг ўхшашлиги, айниқса, сўзлиши тизимида яққол намоён бўлади.

Тил оилаларини ўрганиш тилшуносларнинг доимий эътиборида қолган. Жумладан, олтой тиллари оиласига қирувчи тиллар оиласида тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Н.А.Баскаковнинг “Италийская семья языков и ее изучение”; В.Котвичининг “Исследование алтайских языков”, Н.П.Диренкованинг

⁷² Шайкевич А.Я., Абдуазизов А.А., Гурджиева Е.А. Введение в языкознание. – китувчи, 1989.-С.228.

“Грамматика алтайского языка” каби изланишлари шулар жумласидандир.

Тилларни бир-бирига муқояса қилиб, таққослаб ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи тиллардаги сўзларнинг маънолари, шакллари, грамматик хусусиятлари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади. Албатта, бундай тиллар бир-бирига яқин, қардош тиллар бўла олмайди. Аммо баъзи тилларнинг тузилиши, грамматик хусусиятлари, шу тиллардаги сўзларнинг пайдо бўлиш манбаи, сўз шакллари ва маънолари бир-бирига анча яқин бўлади. Бундай тиллар бир умумий боботилдан келиб чиққан бўлиб, қардош тиллар дейилади. Грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига яқин бўлган тиллар гуруҳи тил оиласи деб аталади. Чунончи, ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, озарбайжон, ёкут, туркман, қорақалпоқ, турк, чуваш тиллари кабилар туркий тиллар оиласига қиради. Бу қардош тиллардаги ўхшашлик, яқинлик уларнинг сўз бойлиги, грамматик қурилиши ва нутқ товушларида ифодаланади.

Шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, қардош бўлмаган баъзи тилларнинг сўз бойлигида алоҳида сўзларнинг маъно жиҳатидан ўхшашлик ҳодисалари учраши мумкин. Бундай ҳодиса бир тилга қариндош бўлмаган бошқа бир тилдан қирган сўзларда учрайди. Масалан, ўзбек тилига араб тилидан: *оила, мактаб, дугат, китоб сингари, рус тилидан самовар, машина, стол, стул, чойнак* каби анчагина сўзлар ўзлашган.

Рус, булғор, чех, поляк тиллари ҳам бир оилага мансуб бўлгани учун сўз маънолари, грамматик тузилишлари жиҳатидан бирмунча ўхшашлик, яқинлик бор. Бу мисоллар шуни кўрсатадики, қардош тилларда сўз ўзаклари грамматик воситалар жиҳатидан фарқ қилса ҳам, уларнинг манбаи бир бўлиб, бир асосли боботилдан келиб чиққан. Бирор сўз ёки грамматик воситалардаги товуш ўзгаришлари маълум бир фонетик қонуният асосида юз берган. Бир қардош тилга, бир товушга иккинчи бир қардош тилдаги шунга мувофиқ товуш тўғри келади. Масалан, ўзбек тилидаги **ғ** товушига қозоқ тилидаги **в** (**w**) товуши мувофиқ келади: *боғ – бав (baw), тоғ – тау (tau)*; бу хусусият ўзбек тилининг қипчоқ шеваларида сақланиб қолган. Ўзбек тилидаги **т** товушига озарбайжон тилидаги **д** товуши мувофиқ келади: *темир – демир, тил – дил*. Қардош тиллардаги товушларнинг бир-бирига мувофиқ келиши фонетик қонунга

сланган ҳамда қардош тиллардаги сўзларнинг маънолари ва грамматик қурилиши билан боғлиқ.

Демак, қардош тиллар оиласига кирадиган тилларда баъзи ушлар бир-биридан фарқ қилса ҳам, грамматик воситалар, тарнинг маънолари ўзаро яқин бўлади.

Дунёда йигирмадан ортиқ тил оиласи бор. Ҳозирги вақтда яхи ўрганилиб, қардошлигига, яқинлигига кўра ажратилган тил алари қуйидагилардан иборат.

I. Ҳинд-европа тиллари оиласига ҳиндистон, эрон, славян, тик, герман, роман, келт, грек (юнон), албан, арман тиллари и тил гуруҳлари киради.

I.1. Ҳиндистон тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради: *д тили, урду тили, бенгал тили, маратхи тили, панжоб тили, састони тили, гуҷарати тили.* Ҳинд тиллари гуруҳига *лўли, дхи тиллари,* шунингдек, ўлик тиллардан *санскрит, пали, крит* тиллари ҳам киради. *Санскрит тили* қадимги ҳинд мумтоз бий тили бўлиб, бу тилда «*Маҳабхарата*» («Бхаратларнинг буюк ги ҳақида дoston») ҳамда «*Хито падеша*» («Яхши насихат») и эпик асарлар яратилган. Эрамиздан олдинги IV асрда ҳинд ми Панини ўзининг машҳур «Санскрит грамматикаси» асарини тан.

I.2. Эрон тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради: *форс и, пушту-дари тиллари, курд тили, тожик тили, осетин тили, лчи тили.*

I.3. Славян тиллари гуруҳига қуйидаги тиллар киради: *рус и, украин тили, белорус тили, булғор тили, серб-хорват лари, чех тили, словак тили, поляк тили, серболуж тиллари;* тиллардан қадимги *славян, полаб, помор* тиллари.

I.4. Болтик тиллари гуруҳи: *литва тили, латиш тили;* ўлик лардан *прус тили.*

I.5. Герман тиллари гуруҳи: *инглиз тили, немис тили, дания и, швед тили, норвег тили, голланд тили, исланд тили;* ўлик лардан *весгот ва остгот тиллари.*

I.6. Роман тиллари гуруҳи: *француз тили, итальян, испан и, португал тили, румин тили, молдова тили, провансал тили, иин тили, рето-роман тили;* ўлик тиллардан *лотин, оск, умбр лари;*

I.7. Келт тиллари гуруҳи: *ирланд тили, шотланд тили, бретон тили, уелс (валли) тили;* ўлик тиллардан *гал* ва *корноул тиллари* ҳам келт тиллари гуруҳига киради.

I.8. Грек (юнон) тили. Ўлик тиллардан *қадимги юнон, ўрта юнон* ёки *Византия* тиллари ҳам *грек* тили гуруҳига киради.

I.9. Албан тили гуруҳи.

I.10. Арман тили гуруҳи.

Ҳинд-Европа тиллари оиласига, юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, *хетт, тохар* сингари ўлик тиллар ҳам киради.

II. Хом-сом тиллари оиласи. Бу тиллар оиласи икки катта гуруҳга: *сом тиллари* ва *хом тиллари* гуруҳига бўлинади.

1. Сом тиллари гуруҳи: *араб тили;* шунингдек, *жанубий араб тили, амхар тили, айсар тили* ҳамда ўлик тиллардан *оссурия, вавилон, хонаней, қадимги яҳудий ва оромий тиллари.*

2. Хом тиллари гуруҳи: *шилх, туарег, кабил, амазирт тиллари;* ўлик тиллардан *ливия, нумид, итул, қадимги миср тиллари.*

III. Кавказ тиллари оиласи. Кавказ тиллари яна бир қанча гуруҳларга, чунончи, *зарбий гуруҳга, вейнах гуруҳига, Доғистон гуруҳига* бўлинади.

1. Ғарбий гуруҳ: *абхаз тили, абазин тили, адигей тили, кабардин-черкес тили.*

2. Вейнах гуруҳи: *чечен тили, ингуш тили, басби тили.*

3. Доғистон гуруҳига Доғистон республикасида яшовчи халқларнинг тиллари киради: *авар тили, даргин тили, лазгин тили, лак тили, табассаран тили.*

4. Жанубий гуруҳ: *грузин тили.* Шунингдек, 110 минг киши сўзлашадиган чан тили, 290 минг киши сўзлашадиган мигрел тили ва 15 минг киши сўзлашадиган *сван тили* ҳам жанубий гуруҳга мабсуб.

IV. Угор-фин тиллари оиласи икки гуруҳга: 1) *угор тиллари;* 2) *фин тиллари* гуруҳига бўлинади.

1. Угор тиллари: *венгер (мажор) тили, манси тили, ханти тили.*

2. Фин тиллари: *фин тили, эстон тили, коми-пермяк тили, коми-зырян тили, удмурд тили, мари тили.* Булардан ташқари, *эрзя* ва *мокша-ижор тиллари* ҳам *фин тиллари* гуруҳига киради.

V. Олтой тиллари оиласи:

1. Туркий тиллар: *озарбайжон тили, турк (усмонли турк) тили, туркман тили, ўзбек тили, қозоқ тили, қирғиз тили, татар (Қозон татарлари) тили, уйғур тили, чуваш тили, бошиқирд тили, ёқут тили, қорақалпоқ тили, тува тили.*

Шунингдек, *қумиқ тили* (310 минг киши сўзлашади), *қорачой тили* (100 мингча киши сўзлашади), *балқар тили* (50 минг киши сўзлашади), *хакас тили* (60 минг киши сўзлашади) ва яна бир қанча бошқа тиллар ҳамда ўлик тиллардан *урхун, печена, қипчоқ, қадимги уйғур, булғор* ва *хазар тиллари* ҳам туркий тиллар оиласига киради.

2. Мўғул тиллари: *халха-мўғул тили, бурят тили, қалмиқ тили.*

3. Тунгус-манжур тиллари

Тунгус гуруҳи: *эвенк тили, эвен тили.*

Манжур гуруҳи: *манжур тили, нанай тили, удей, улқ, ороц тиллари.*

VI. Хитой -тибет тиллари оиласига *тай-хитой* ва *тибет тиллари* гуруҳлари киради.

1. Тай-хитой гуруҳи: *хитой тили, дунган тили, вьетнам тили, тай (сиам) тили.*

2. Тибет тиллари: *бирма тили, ассам тиллари.*

VII. Дравид тиллари: *тамил тили, малаялам тили, каннара тили, телеут тили, брахун тили.*

VIII. Малай-полинезия тиллари. Бу тилларга *малай ёки ҷдонезия тили* киради.

IX. Австралия гуруҳи тиллари. Бу тиллар оиласига жуда кўп тиллар киради, лекин улар яхши ўрганилмаган.

X. Папуа тиллари. Бу тилларда сўзлашувчилар Янги Гвинея олида яшайди.

XI. Судан тиллари. Судан тилларида сўзлашувчилар Африкада гайди. Бу тиллар бир неча гуруҳларга бўлинади: чунончи: *нил-чад, л-абиссан, нил-экватор, кардофан, нил-конго, убанг, шор, нигер-д, нигер-камерун, қуйи-нигер, дагомей, нигер-латгал, либери ва иегал-гвиней гуруҳлари* каби.

XII. Банту тиллари. Бу тилларда сўзлашувчилар марказий ва шубий Африкада яшайди. Бу тиллар: *теке, сонго, суахелн, конде, куа ва сотко* каби бир неча гуруҳларга бўлинади.

XIII. Палеоафрика тиллари. Бу тилларда сўзлашувчилар ҳам рикада яшайди. Улар икки гуруҳга, яъни бушмен ва готтентог лари гуруҳига бўлинади.

XIV. Палеоосиё тиллари. Палеоосиё тиллари икки гуруҳга: *чукот гуруҳи* ва *сибир гуруҳига* бўлинади.


XV. Эскимос тиллари гуруҳи. Бу тиллар гуруҳига: *эскимос* ва *алеут тили* киради.

XVI. Америка хиндуларининг тиллари. Америка хиндуларининг тиллари 200 дан ошиқ бўлиб, улар уч гуруҳга: 1) Шимолий Америка; 2) Марказий Америка; 3) Жанубий Америка гуруҳларига бўлинади.

XVII. Аустр-Осиё тиллари. Бу тилларга: *мон-кхмер*, *бунда*, *малакк*, *марказий* ва *жануби-шарқий тиллар гуруҳи* киради.

Буржаски тили ҳеч қандай гуруҳга кирмайди. Бу тилда сўзлашувчилар 30 мингга яқин киши бўлиб, улар Ҳиндистоннинг шимолида яшайди. Қуйидаги тиллар ҳам ҳеч қайси гуруҳга кирмайди. Булар Узоқ Шарқ тилларидир: *япон тили*, *рюкю тили*, *қурия (корей) тили*, *айн тили*.

Til oilalari



“Бир тилнинг турли кўринишларга эга бўлган диалектлари ёки уларнинг алоҳида тилларга айланишига нима сабаб бўлиши ҳақида савол пайдо бўлиши мумкин. Диалектал фарқларни ажратишдаги

чегара чизиғи алоҳида тиллар ўртасидаги фарқларни ажратиш каби осон эмас. Диалектал фарқлар ўхшашликларнинг чегараланишини, янги, мустақил тилларнинг пайдо бўлишини таъминлайди. Бу тиллар улар ўртасида ўзаро фарқ бўлишига қарамасдан, ўзаро ўхшаш характерга эга эканлиги ҳам маълум. Улар боботил (прототил)дан ажралиб чиққандан буён генетик боғланган тиллар деб аталади. Бу каби тиллар, масалан, Скандинавия тиллари таркибига кирувчи швед, норвег, дания тиллари ўрта асрларда ажралиб чиққан ва улар ўртасидаги ўхшашликлар ҳозир ҳам аниқ сезилиб туради. Скандинавия тиллари Герман гуруҳининг шимолий тармоғидир. Герман тиллари тил оиласининг Ҳинд-Европа гуруҳига кирувчи жуда кўп тиллар билан ўзаро алоқадор”⁷³.

Тил оилаларини ўрганиш тилшуносларнинг дастлабки эътиборида бўлган. Жумладан, олтой тиллари оиласига кирувчи тиллар хусусида тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, Н.А. Баскаковнинг “Алтайская семья языков и ее изучение”; В.Котвичнинг “Исследование алтайских языков”, Н.П. Диренкованинг “Грамматика алтайского языка” каби изланишлари шулар жумласидандир.

Бир қатор туркологлар тадқиқотларида олтой тилларининг генетик жиҳатдан қариндош эканлиги асосланган.

Ж.Дени “Дунё тиллари” китобида туркий, мўғул, тунгусманчжур гуруҳига кирувчи тилларнинг қуйидаги умумий белгиларини кўрсатади:

1. Фонетик сатҳда: унлилар уйғунлиги, сўз бошида сонор товушларнинг ишлатилмаслиги, сўзда ундош товушларнинг ёнмаён келмаслиги, сўз охиридаги н товушининг бекарорлиги;

2. Морфологик сатҳда: грамматик роднинг йўқлиги, ўзакнинг мустақил маъно англатиши, агглютинатив хусусиятга эгаллиги; суффиксал характердалиги, яъни префиксларнинг йўқлиги, предлоглар ўрнида кўмакчиларнинг қўлланиши, грамматик сон – бирлик ва кўшликнинг мавжудлиги.

3. Синтактик сатҳда: гапнинг муайян қурилишга эгаллиги, сон билан ифодаланган аниқловчиларда сонда мослашувнинг учрамаслиги, сўроқ маъносининг ифодаланишида юкламаларнинг қатнашиши, аниқловчи вазифасида келувчи сифат, сон, олмошларнинг аниқланмишга мувофиқ ўзгармаслиги ва ҳ.к.

⁷³ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. – Budapest, 2006.- P.85-86

4.Лексик сатҳда: луғат таркибида умумий қатламнинг мавжудлиги, бир бўғинли сўзларда муштаракликнинг яққол сезилиши, сиёсий-ижтимоий муҳит таъсирида ҳукмрон тил лексикасининг ўзлашганлиги ва шу кабилар.

Олтой тилларига мансуб бўлган *турк, мўғул, тунгус-манчжур ва корейс* тилларининг генетик алоқаларини ўрганиш давом этмоқда. Бу борада тадқиқотлар яратилмоқда⁷⁴.

Туркология соҳасидаги илк тадқиқотчилардан бири Филипп фон Страленбергдир. У ўн уч йил давомида Сибирдаги қавмларнинг ижтимоий ҳаёти ва тилларига доир “Татар тиллари” номли асар яратди. Бу асари билан Урал-олтой мактабига асос солди. Страленберг туркий қавмларни “Кичик Татаристон” ва “Катта Татаристон” каби номлар остида икки ҳудудий гуруҳга ажратган. Асарга илова қилинган “Полиглотта табуласи” жадвалида *қалмиқ, татар тилларига* оид сўзлар билан бир қаторда *мўғул, тунгус* сўзлари ҳам келтирилган. “Табула” ўттиз икки “Татар” (бу таъбир Страленбергники) шева ва лаҳжалари ҳақида баҳс юритади. Бу жадвалда ҳар лаҳжа ва шевага доир ҳисоб рақамлари билан бир қаторда “*теғри*”, “*гёк*” каби ўттиз бешта туркий сўз ҳам берилган.

“Табула”да қайд этилган ўттиз икки тил, даставвал, олти гуруҳга ажратилган:

1. Фин-угор (муаллиф изоҳига кўра “уйғур”): *мажар, фин, вогул, черемис, пермяк, вотяк, остяк.*

2. Турк-татар: *татар, ёқут, чуваш.*

3. Самодий.

4. Мўғул-манчжур: *қалмиқ, манчжур, тангут.*

5. Тунгус: *тунгус, камасин, арин, коряк, курил.*

6. Қораденгиз ва *Хазар денгизи ўртасидаги халқлар тили.*

Страленберг асарида туркий халқлар: *чуваш, татар, бошқирд, ёқут, туркман, қорақалтоқ, бараба ва хон турклари тиллари* ҳақида фикр билдирилган.

Страленберг яратган Урал-Олтой назарияси XIX аср бошларига қадар бу соҳадаги ягона манбалардан бири бўлиб келди⁷⁵.

⁷⁴ Уеманова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. Филол. фан. д.-ри... дисс.-я.-Т., 2011.-324 б.; shu muallif. Олтой тилларида муштарак маиший лексика.-Т.:Фан, 2010.

⁷⁵ Stralenberg D.Messershmidt bilan birgalikda Abul'g'oziy Bahodirxonning “Shajarayi tarokima” asarini ham fanga ma'lum qildi. Qarang: Caferoğlu A. Türk dili tarihi.I, II. 3-baski. -Istanbul: Enderun kitabevi, 1969. -S.11.

Олимлар олтой тилларини ўрганар эканлар, биринчи навбатда, уларнинг таснифи масаласини ҳал қилишга киришдилар. Кўплаб олимлар таснифида, хусусан, В.Шотта ва Н. Баскаков ишларида олтой тили уч гуруҳга бўлинади:

1. Туркий тиллар гуруҳи. Бу гуруҳга ўттиздан ортиқ тилларни киритиш мумкин. Шунинг учун ҳам Н.А. Баскаков туркий тиллар олтой оиласининг қатта қисмини ташкил қилишини таъкидлаган.

2. Мўғул тиллари гуруҳи. Бу гуруҳга *қалмиқ, халха, бурят, мўғул, дунсян* каби тиллар қиради.

3. Тунгус-манчжур тиллари. Бу гуруҳ бошқаларга қараганда кичикроқ бўлиб, *эвенк, нигедал, хумари, солон, нанай, манчжур, сибин, журжен* тилларини ўз ичига олади.

Туркий тиллар. Туркий халқлар ижтимоий турмуш тақозоси туфайли кўп ҳолларда кўчманчилик билан кун кечирган. Кўчманчи қабила ва ўтроқ халқларнинг аралаш ҳолда ҳаёт кечириши аниқ лингвистик чегарани аниқлашга монелик қилади.

Туркий қабилаларнинг дастлабки маскани Жанубий Сибирь ва Шимолий Мўғулистон (Олтойдан Амургача) худудларига тўғри келган. Эрамиздан аввалги 206 йилда туркий қабила (хун)ларнинг биринчи зафарли юриши бошланди. Милоддан аввалги I асрда хунлар иттифоқи иккига бўлинди: бири Мўғулистон чўлларида қолди; иккинчиси Шарқий Қозоғистон томон силжиди. Шу даврдан туркий қабилаларнинг ғарбга юриши бошланди. Эрамизнинг IV асрида туркий қабилалар алан (скиф, остгот–шарқий гот), дақларни мағлубиятга учратиб, уларни ўзларига қўшиб олди ва Дунайга чиқди. Ушбу юришнинг энг ривожланган даври V аср ўрталаридаги Аттила ҳукмдорлигига тўғри келади. II – VI асрларда Европага келган туркийлардан ёзма ёдгорликлар сақланиб қолмаган.

Кейинчалик туркий диалектлар булғор гуруҳига бирлашди. Эрамизнинг V асрида туркийлар янада кучли, хитой манбаларида *тюкю* деб номланган иттифокни ташкил қилдилар. Бу даврдан ўрхун-енасой ёзувида битилган қоятош ёзувлари, қабртошлар, кумуш ва сопол идишлардаги битиглар етиб келган.

VII аср охирида Болқон бўйларидаги славянларни мағлубиятга учратган булғорлар туркийлар ҳисобланади. Булғор гуруҳига кирувчи чуваш тили бошқа туркий тиллардан кескин фарқланади ва бу тил, ҳатто, кўшни татарларга ҳам мутлақо

тушунарсиз. Бу ҳолат чуваш тилининг қадимий хусусиятларни сақлаб қолганлиги билан изоҳланади.

Чорвадор туркий қабилалар, дастлаб, Мўғулистон ва Юқори Энасой дарёси бўйларида туркий тилларнинг ижтимоий-сиёсий гуруҳини ташкил қилган.

Тува тили шу гуруҳга мансуб бўлиб, мўғул тилининг кучли таъсирига учраган. Тофалар (карагас) тили ҳам шу гуруҳга мансуб бўлган. Тувадан шимолий ғарб томонгача бўлган худудда яшаган кизил, қавчин, сагай каби туркий қабилалардан хакас халқи ва хакас тили шаклланди. Хакасияда шор тили, Полск вилояти шарқида – чулим тили, Шарқий Саянда камасин тили юзага келди.

Шимоли-шарқий туркий тиллар гуруҳидан ёқут тили ажралиб чиққан. Ёқут тили шеваларидан долган тили ривожланди. Етгисув ва Шинжон бўйларидаги ўтроқ аҳолидан жануби-шарқий (қарлуқ) гуруҳи пайдо бўлди. X асрда маркази Болосоғун бўлган қорахонийлар давлати юзага келди. Қорахонийлар пойтахти Кошғарга кўчирилди.

Шарқий Туркистонда ҳукмдорлик уйғурларга ўтгач, кўпгина қабилалар Орол денгизи томон силжидилар ва ўғуз қабилалари иттифоқини ташкил этдилар (VIII асрлар). Бунинг оқибатида жануби-ғарбий диалект (ўғуз диалекти) шаклланди.

Шимоли-ғарбий Эрондаги салжуқийлар маҳаллий форс аҳолиси тили билан мослашган ҳолда озарбайжон тилининг шаклланишига замин яратдилар. Турк тили XIX асрдан бошлаб адабий тил сифатида шаклланди.

Ўрта Осиёда қолган ўғузлар тили туркман тилининг шаклланишига асос бўлди. Жануби-ғарбий туркий тиллар гуруҳига *гагауз тили* ҳам қиради.

Куман (половец) тилининг давоми сифатида кумик тили юзага келди (Доғистон шимолида), қорачой-балқар, крим-татар, қараим тиллари шаклланди.

XIX аср иккинчи ярмида татар адабий тили меъёрлари ишлаб чиқилди. Ўтган асрнинг 30-йилларида татар тилига яқин бўлган бошқирд адабий тили юзага келди.

Нўғай ва козоқ диалектлари таъсирида нўғай, қорақалпоқ, козоқ тиллари шаклланди.

Ҳозирги ўзбек адабий тили жануби-шарқий (қарлуқ) гуруҳи негизида юзага келди. Қипчоқ диалектлари энг қадимий бўлиб,

уларда сингармонизм, 8 фонемали унлилар тизими сақланиб қолган. Аксинча, қарлуқ диалектлари асосида шаклланган ўзбек адабий тили товуш тизими эроний тиллар таъсирида муайян ўзгаришларга учради, унли фонемалар сони қисқариб, 6 тага тушиб қолди.

Кейинги даврларга келиб мўғул гуруҳидаги туркий тиллар – уйрот, қалмиқ, бурят тиллари шаклланди. Амур бўйларида тунгус-манчжур гуруҳига мансуб нанай, улч, удегей тиллари юзага келди.

Сибирь гуруҳига эвенк (тунгус) тили тааллуқлидир. Урал тиллари оиласи фин-угор ва самодий тилларидан иборат⁷⁶.

Тил оилаларининг ҳар бири ўз ичида кичик гуруҳларга бўлинади. Хусусан, туркий тиллар оиласи қипчоқ тиллари гуруҳи, ўғуз тиллари гуруҳи, қарлуқ тиллари гуруҳига бўлинади. Ўзбек ва уйғур тиллари қарлуқ гуруҳига; козоқ, қорақалпоқ, қирғиз, татар, бошқирд, хакас, ёқут, чуваш каби тиллар қипчоқ гуруҳига; озарбайжон, туркман, усмонли турк тиллари эса ўғуз гуруҳига киради. Туркий тиллар қипчоқ тармоғи, ўғуз тармоғи, қарлуқ тармоғи сингари тил тармоқларини ўз ичига олади. Туркий тилларнинг энг қадимги даврларидан ҳеч қандай ёзма ёдгорликлар сақланиб қолмаган, лекин қадимги турк тили даврига оид бир қатор ёзма манбаларга эгамиз. Улар *туркий рун ёки ўрхун-энасой, уйғур ва қисман моний, сугд* ёзувларида битилган манбалардир. Бу даврга доир обидалар тили ҳозирги барча туркий тиллар учун умумийдир.

Маҳмуд Қошғарий тилшунослик тарихида илк бор барча туркий тилларнинг бир неча гуруҳларини таснифлаб, улар ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни аниқлаган ҳолда “қиёсий-тарихий тилшунослик” деб номланувчи йўналишга асос солди.

Қорахонийлар даври адабий тили ҳозирги Марказий Осиёдаги барча туркий тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун асос бўлган тил саналади ва шунинг учун бу давр тили кўпчилик туркийшунослар томонидан эски туркий тил деб юриталади.

«Девону луғотит-турк»даги маълумотларга қараганда, ўша даврда *бажанак, қипчоқ, ўғуз, бошқирд, басмил, ябақу, татар, қирғиз, чигил, тухси, яғмо, израк, уйғур* каби туркий қабилалар тили умумтуркий адабий тилни ташкил қилган. Улардан «энг энгили –

⁷⁶ Шайкевич А.Я., Абдуазизов А.А., Гурджиева Е.А. Введение в языкознание.- Т.: Ўқитувчи, 1989.-С.228.

ўғуз, энг тўғриси, яхшиси – яғмо, тухси, энг очик, равон тил – хоқоний ўлкасида яшовчиларнинг тили» эканлиги таъкидланган.

Шарқ илмида ҳам тиллар таснифига оид, тилларнинг муҳим жиҳатларини ёритувчи қарашлар мавжуд. Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асари бу борадаги муҳим манбадир.

Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар қурилишини тасвирлашда қиёсий методдан фойдаланди. У туркий тилларнинг лексикасини, морфологиясини ва фонетикасини бир-бирига қиёслаб, улар орасидаги ўхшаш ва фарқли томонларини кўрсатди. Луғатда туркий тиллар лексикасига мансуб 7500 сўз изоҳланган.

Маҳмуд Қошғарий туркий тиллар фонетик қонуниятини биринчилардан бўлиб ақс эттирган олимдир. У “Девону луғотит турк”да фонетик қонуниятларнинг товуш алмашуви, товуш тушиши, товуш ортиши каби кўринишларини батафсил изоҳлаган.

Унинг таснифи икки принцинга таянади:

1. Тилнинг софлиги принципи.

2. Фонетик-морфологик принцип.

Маҳмуд Қошғарий XI асрда яшаган туркий халқларнинг тилларини икки қисмга ажратади:

1. Шарқий туркийлар тили.

2. Ғарбий туркийлар тили.

Маҳмуд Қошғарий биринчи гуруҳга Болосоғун, Қошғар атрофида яшайдиган халқларнинг тилларини киритди. Булар *чигил, қарлуқ, уйғур, тухси, яғмо* каби халқ ва қабилаларнинг тилларидан иборат эди.

Шарқий ва ғарбий гуруҳ тиллари қатор хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланади.

Маҳмуд Қошғарий қадимда бошқа жойлардан келган халқлар ҳаётини ҳам синчиклаб ўрганди. У тубутлар ҳақида шундай маълумот беради: *“Тубутлар турк диёрида яшовчи бир қавм. Кийик мушки (кийикнинг киндигидан кесиб олиб ҳозирланадиган атир) тубутларда бўлади. Тубутлар бир жиноят қилиб Ямандан қочиб, денгиз йўли билан Чинга бориб ўрнашиб қолган Бани собит авлодларидир. Ҳозир улар бир минг беш юз фарсаҳ ерда яшайдилар. Шарқ томони Чин, ғарб томони Кашир, шимол томони Уйғур, жануб томони Ҳинд денгизидир. Улар ўз тилларини йўқотиб, туркий тилни ўзлаштирган бўлсалар ҳам, ҳануз уларнинг сўзларида ўз тилларига мослаштириш фарқи сезилиб туради. Чунончи, онани*

“ума” дейдилар, отани “аба” дейдилар”. Бу қабилалар лексикаси ҳақидаги маълумотлар тарихий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Маҳмуд Қошғарий айрим шеваларгагина хос бўлган тил ҳодисаларини ҳам, кўпчилик қабилаларнинг умумлашган тил хусусиятларини ҳам изчил равишда кўрсатиб берди. Бу хил маълумотлар Ўрта Осиё халқлари тилларининг, шу жумладан, ўзбек тилининг шаклланишида асос бўлган қабилаларни аниқлашда муҳим материал бўлиб хизмат қилади. Унинг асарида қабилалар тилида сўз ясалиш масаласи ҳам тўла ёритилди. У тил фактлари асосида қабилаларнинг бир-бирига бўлган муносабатини кўрсатди ва, ниҳоят, у даврдаги иқтисодий, ижтимоий шароитлар асосида қабилаларнинг бир-бирлари билан бирика бошлаши натижасида юзага келган бошланғич халқ тили намуналарини ҳам яққол ифодалаб берди. Маҳмуд Қошғарий асарида ўзбеклар, қозоклар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, татар ва бошқа халқларнинг қадимги қабилаларини ва бу халқларнинг қадимги содда тилларининг намуналарини мукамал изоҳлаб берди. Бу халқлар девон материаллари асосида ўзларининг тиллари қайси қабила тили асосида шаклланганини аниқлаш имкониятига эга бўлдилар. Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” асарида даврининг мукамал диалектологиясини яратиб берди.

Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб”, Абу Ҳайённинг “Ад-дуррат-ул мудийе фи-л-луғатит-туркий”, “Китоб ул-идрок ли-л-исон ул -атрок”, Фахриддин Муҳаммад ибн Мустафонинг “Қавойид ул-лисани турк”, Жамолиддин Ибн Муҳаннанинг “Хилиат ул-инсон ва халибат ул-лисон”, Жамолиддин ат-Туркийнинг “Китоби ул-луғот ал-мушток фи-л-луғати ат-турк вал-кипчок”, муаллифи номаълум “Китоб-и-мажму-у-таржимон турки ва ажамий ва мўғулий”, “Китоб-ат-туҳфат-уз-закияту фи-л-луғат-ит-туркий” асарларида ҳам туркий тиллар грамматикаси, лексикасига доир маълумотлар берилган.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек халқини турк, унинг тилини турк тили деб амалда турк, туркий, турк улуси, турк тили, туркий тил, туркий алфоз каби сўз ва ибораларни кенг қўллаган.

Туркий тилларда сўзлашувчи яна шундай элатлар мавжудки, уларнинг она тилидан, асосан, маиший ҳаётда фойдаланилади, бу тилнинг ижтимоий вазифаси жуда чегараланган. Улар ўзларининг

расмий ёзувларига эга эмас. Зарурат туғилганда, эски алифбодан фойдаланадилар. Бунга караим, шор, чулим тиллари киради. Ушбу тиллар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Генеалогик тасниф қардош тилларнинг тарихий тараққиёт жараёнида бир ўзак тилидан тарқалганлигини ва уларнинг ўзаро муносабатини, сўз маънолари ва грамматик шаклларини, нутқ товушларининг бир-бирига яқинлигини, ўхшашлигини назарда тутиб, тилларни гуруҳларга ажратади.

Туркий тиллар таснифи бир қатор мезонларга асосан амалга оширилган.

Н.А.Баскаков туркий бобо тилни икки гуруҳга ажратган: *ғарбий туркий тиллар*: булғор, ўғуз, қипчоқ, қуман, салжукий, усмонли турк, туркман, чуваш, гагауз, озарбайжон, қараим, қумик тиллари; *шарқий туркий тиллар*: ўрхун-енасой, қадимги уйғур, уйғур, қарлуқ, татар, бошқирд, қозоқ, нўғай, қорақалпоқ, ўзбек, қирғиз, олтой, тува, хакас, шор, ёқут тиллари⁷⁷. Ҳар бир гуруҳ ўз ичида яна кичик гуруҳларга ажратилган:

1. Ғарбий хун тармоғи (ғарбий ҳудуд).

1. Булғор гуруҳи (шимоли-ғарбий ареал):

а) қадимги тиллар – булғор, хазар, авар, сабир (суварлар) тили;
б) ҳозирги тиллар – чуваш тили.

2. Ўғуз гуруҳи (жануби-ғарбий ареал):

1) ўғуз-туркман гуруҳи: а) қадимги тиллар – X–XI асрлардаги ўғузлар тили; б) ҳозирги тиллар – туркман тили, тухман диалекти;

2) ўғуз-булғор гуруҳи: а) қадимги тиллар – печенеглар, узлар (қора клобуклар) тили; б) ҳозирги тиллар – гагауз тили, болқон турклари тили ва диалекти;

3) ўғуз-салжук гуруҳи; а) қадимги тиллар – салжуқийлар, эски усмон тиллари;

б) ҳозирги тиллар – озарбайжон, турк тиллари.

3. Қипчоқ гуруҳи (шимоли-шарқий ареал):

1) қипчоқ-паловетс гуруҳи:

а) қадимги тиллар – паловетс тиллари (қипчоқ ёки куманлар тили);

б) ҳозирги тиллар – қараим, қумик, қорачой-балқар, қрим-татар тиллари;

⁷⁷ Баскаков Н.А. Тюркские языки. -М., 1960.

2) кипчоқ-булғор гуруҳи: а) қадимги тиллар – ғарбий олтинўрда тили; б) ҳозирги тиллар – татар, бошқирд тиллари;

3) кипчоқ-нўғай гуруҳи: а) қадимги тиллар – эски қозоқ, эски арақалпоқ тиллари; б) ҳозирги тиллар – нўғай, қорақалпоқ, қозоқ тиллари.

4. Қарлуқ гуруҳи (жануби-шарқий ареал):

1) қарлуқ-уйғур гуруҳи: қадимги тиллар – қорахоний уйғур ва арақалпоқлар давридан кейинги тиллар;

2) қарлуқ-хоразм гуруҳи: а) қадимги тиллар – қарлуқ-хоразм, арқий олтин ўрда, чиғатой, эски ўзбек, эски уйғур тиллари; б) қарлуқ тиллари – ўзбек ва уйғур тиллари.

II. Шарқий хун тармоғи (шарқий худуд).

1. Уйғур-ўғуз гуруҳи (шимолий ареал):

1) уйғур-тукуя гуруҳи: а) қадимги тиллар – қадимги ўғуз, қадимги уйғур тиллари; б) ҳозирги тиллар – тува тили, тоғалар тили;

2) ёқут гуруҳи: ҳозирги ёқут тили;

3) хакас гуруҳи: ҳозирги тиллар – хакас, шор, чулим тиллари, масин диалекти.

2. Қирғиз-кипчоқ гуруҳи: а) қадимги тил – қадимги қирғиз тили; б) ҳозирги тиллар – қирғиз, олтой тиллари⁷⁸.

В.В Радлов туркий тилларни географик ўрнига кўра тўрт гуҳга бўлган:

1. Шарқий гуруҳ: олтой, чулум турклари, карагас, хакас, шор, ва ва энасой турклари тиллари.

2. Ғарбий гуруҳ: Сибир татарлари, қирғиз, қозоқ, бошқирд, арақалпоқ тиллари.

3. Ўрта Осиё гуруҳи: уйғур ва ўзбек тиллари.

4. Жанубий гуруҳ: туркман, озар, турк тиллари.

Бу таснифга кўра ёқут тили алоҳида гуруҳни ташкил этади.

Ф.Корш, И.Бенсиг, К.Менгес, В.А.Богородитский, амстедтлар ҳам туркий тилларни географик жойлашиш ўрнига а таснифлаган.

А.Самойлович туркий тилларни фонетик хусусиятларига кўра тасниф қилган:

1.Р гуруҳи: булғор, чуваш тиллари.

⁷⁸ Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков.- Наука, 1988.-С.111-112

2. **Д гуруҳи:** уйғур, шимоли-шарқий туркий тиллар.

3. **Тау гуруҳи:** олтой, қирғиз, кумук, қорачой-балқар, қараим, татар, бошқирд, козоқ, нўғай тиллари.

4. **Тағлиқ гуруҳи:** эски ўзбек тили, ҳозирги уйғур ва ҳозирги ўзбек тили.

5. **Тағли гуруҳи:** Хоразм ўзбеклари, туркман-кипчоқ тиллари.

6. **Ўл (бўл-ўл) гуруҳи:** жануби-ғарбий туркий тиллар (озар, турк, гагауз тиллари).

А.Самойлович таснифида туркий тилларнинг фонетик жиҳатдан ўзаро фарқланиши ҳам кўзга ташланади⁷⁹.

Табберт-Страленбергни Палтава губернияси ва Сибирда яшаган туркий қабилалар тилидаги яқинлик қизиқтирган бўлса, 1733-1743-йилларда тарихчи ва этнограф олим Г.Ф.Мюллер Сибирда яшайдиган элатларнинг тил хусусиятлари ҳақида бой материал тўплади, “Татар тили ва бошқа Сибир диалектал сўзлари тўплами” номли луғатини тузди. Мазкур луғатдан бошқирд, чулим татарлари, телеут, шор тиллари, Абакандаги хакас, Сибирдаги бухороликлар ва ёкут тилига мансуб сўзлар ўрин олган. Луғатда юздан ортиқ туркий сўзларнинг қиёсий жадвали берилган. Масалан, қор сўзининг 12 туркий тилдаги варианты келтирилган: қангли. буран, бошқ. қар, тув. қар, тобол. қар, чат. қар, томск. қар, телеут. қар, кузнетск. қар, хакас. қар, бухор. қар, ёқ. ёарр.

1868-1877-йилларда Санкт-Петербургда Л.Будаговнинг икки жилдлик “Турк лаҳжалари қиёсий луғати” нашр этилди⁸⁰.

В.В. Радлов 1859 йилдан бошлаб туркий тил ва лаҳжаларни ўрганишга киришди ва тўрт жилд, саккиз қисмдан луғат нашр қилдирди⁸¹.

Туркий тилларнинг нисбатан мукамал қиёсий грамматикаси, асосан, XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия фанлар академияси ҳамда Санкт-Петербург тилшунослик институти олимлари

⁷⁹ Samoylovich A. Türk dillerinin siniflandırılmasına dair bazı eklemeler (А.Самойловичнинг 1922 йилда Петроградда нашр этилган «Некоторые дополнения к классификации тюркских языков» номли мақоласини проф. др. Мехман Муса ўғли таржима қилган) // Dil araştırmaları. Uluslararası hakemli dergi.- Ankara. 2007.-S.184.

⁸⁰ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том I.-СПб.1869/1960. -820 с.; Том II. СПб. 1871.- 417 с.

⁸¹ Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том I.-СПб.1869/1960. -820 с.; Том II. СПб. 1871.- 417 с.

гомонидан яратилди. Махмуд Кошғарий, Н.А. Баскаков, Б.А. Серебренников, Н.З. Гаджиева, А.М. Шербак, Э.Р. Тенишев, П.С.Левитская, Л.А.Покровская каби олимларнинг изланишлари натижасида туркий тилларнинг мукамал қиёсий-тарихий рамматикаси шаклланди.

Ҳозирги туркий тилларнинг тарқалиш доирасини қуйидагича мумлаштириш мумкин:

1. Ўзбек тили. Бу тил Ўзбекистон Республикасининг (пойтахти - Тошкент) давлат тили бўлиб, бу тилда 21 миллиондан ортиқ киши Ўзбекистон, Афғонистон, Покистон, Тожикистон) сўзлашади.

2. Турк (усмонли турк) тили. Бу тил Туркиянинг (пойтахти - Анкара) давлат тили бўлиб, унда 72 миллиондан ортиқ киши Туркия, Кипр, Ироқ, Сурия, Юнонистон, Болгария) сўзлашади.

3. Туркман тили. Бу тил Туркменистон Республикасининг пойтахти - Ашхобод) давлат тили бўлиб, бу тилда 4 миллиондан ортиқ киши (Туркменистон, Афғонистон, Хуросон, Покистон) сўзлашади.

4. Озарбайжон тили. Бу тилда сўзлашувчи аҳолининг сони 31 миллиондан ошади (Озарбайжон, Грузия, Эрон). Булардан 20 миллиондан кўпроғи Эронда, 10 миллиондан зиёди эса Озарбайжонда яшайди. Бу тил Озарбайжон Республикасининг пойтахти - Боку) давлат тилидир.

5. Қозоқ тили. Бу тил Қозоғистон Республикасининг (пойтахти Нур-Султон) давлат тили бўлиб, унда 11 миллионга яқин киши (Қозоғистон, Хитой) сўзлашади.

6. Қирғиз тили. Бу тил Қирғизистон Республикасининг пойтахти Бишкек) давлат тили бўлиб, бу тилда 3,3 миллиондан ортиқ киши сўзлашади (Қирғизистон, Хитой).

7. Татар (Қозон татарлари) тили. Бу тил Татаристон Республикасининг асосий давлат тили бўлиб, бу тилда сўзлашувчилар 7,5 миллиондан ортиқдир (Татаристон-Россия, Рим-Украина).

8. Уйғур тили. Бу тилда сўзлашувчилар 17 миллиондан ортиқроқ бўлиб (Хитой, Қозоғистон, Россия), улар, асосан, Хитой алқ Республикасининг Шинжон-уйғур автоном худудида пайдилар.

9. Чуваш тили. Мазкур тил Чуваш Республикасида яшовчи халқ тили бўлиб, унда 2 миллиондан кўпроқ киши гаплашади.

10. Бошқирд тили. Ушбу тил Бошқирдистон Республикасида яшовчи асосий халқнинг тили бўлиб, унда 2,5 миллионга яқин киши сўзлашади.

11. Қорақалпоқ тили. Қорақалпоғистонда яшовчи халқлар тили бўлиб, бу тилда 600 мингдан ортиқ киши сўзлашади.

12. Ёқут (Саха) тили. Бу тил Ёкутистон Республикасида яшовчи халқнинг тили бўлиб, 400 мингдан кўп киши сўзлашади.

13. Қорачой тили. 400 минг киши сўзлашади (Кавказ – Россия).

14. Тува тили. Тува Республикасида яшовчи асосий халқнинг тили бўлиб, бу тилда 300 мингдан кўпроқ киши мулоқотга киришади (Тува – Россия, Мўғулистон).

15. Нўғай тили. 300 минг киши сўзлашади (Кавказ – Россия)

16. Кумик тили. 283 минг киши сўзлашади (Кавказ – Россия).

17. Гагауз тили. 247 минг киши мулоқот қилади (Молдавия, Руминия, Болгария)

18. Балқар тили. 200 минг киши сўзлашади (Кавказ – Россия).

19. Олтой (уйрот) тили. 180 минг киши сўзлашади (Олтой ўлкаси – Россия).

20. Хакас тили. 150 минг киши гаплашади (Хакасия – Россия, Канзу вилояти –Хитой).

21. Халач тили. 30 000 минг киши сўзлашади (Эрон).

22. Қараим тили. 10 000 киши сўзлашади (Литва, Украина, Польша, Қрим)⁸².

Булардан ташқари шор, карагас (тофалар) тиллари ҳам туркий тилларга мансубдир.

Ўрхун, печена, кипчок, қадимги уйғур, булғор ва хазар каби туркий тиллар ўлик тилга айланган.

Баъзи адабиётларда туркий халқлар миқдори 42та деб кўрсатилади: ўзбеклар, турклар, болкон турклари, гагауз турклари, Карай турклари, Қрим турклари, чулим турклари, Куманди турклари, Кандак турклари, карагас турклари, Уранхай турклари, Ироқ турклари, Сурия турклари, Кипр турклари, Ставропол турклари, Саха (ёқут) турклари, олтой турклари, тува турклари, Доғистон турклари, месхети турклари, Европадаги турклар, козоклар, қирғизлар, туркманлар, қорақалпоқлар, уйғурлар, сарик уйғурлар ва саларлар, татарлар, чувашлар, бошқирдлар, қримлар,

⁸² Erdoğan Boz, Yaman Ertuğrul. Üniversiteler için türk dili (yazılı ve sözlü anlatım).-Ankara, Savaş yayinevi, 2011.-S.73-74.

озарбайжонлар, кумиклар, қорачойлар, балқарлар, нўғайлар, хакаслар, Тобол татарлари, барабалар, шорлар, кашгайлар, Ҳамза туркманлари тиллари.

Туркий тилда сўзлашувчи халқлар Афғонистон, Эрон, Югославия, Албания, Греция (Юнонистон) ва бошқа мамлакатларда ҳам яшайди.

Туркий тилларда сўзлашувчи яна шундай элатлар мавжудки, уларда она тилидан, асосан, маиший ҳаётда фойдаланилади, бу тилларнинг ижтимоий вазифаси жуда чегараланган. Улар ўзларининг расмий ёзувларига эга эмас. Зарурат туғилганда, эски алифбодан фойдаланадилар. Бунга қараим, шор, чулим тиллари киради. Ушбу тиллар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тилларнинг морфологик таснифи. Тилларни морфологик тасниф қилишда сўзларнинг тузилиши энг муҳим белги сифатида олинади. Бу усулда сўзларнинг келиб чиқиши аҳамиятга эга эмас. Морфологик тасниф, энг аввало, ҳар бир тилнинг грамматик қурилишини назарда тутаяди, яъни нутқда сўз, турловчи ва тусловчи кўшимчаларнинг мавжудлиги, уларнинг хусусиятлари, сўзнинг ясалиш томонларини ҳисобга олади. Грамматик маънонинг ифодаланишига кўра тиллар синтетик (аффиксли) ва аналитик (аффиксиз) тилларга бўлинади.

1. Синтетик (аффиксли) тиллар. Синтетик тилларда грамматик маъно аффиксация (префикслар, суффикслар), ички флексия, супплетив усул ёрдамида ифодаланади. Синтетик тилларга ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб тиллар (рус, немис ва бошқалар) киради. Бундай тилларда нутқдаги сўзларнинг бир-бирига боғланиши сўз таркибига боғлиқ бўлади. Бу тиллардаги кўшимчаларнинг характери ва сўзларга уланиш, боғланиш хусусиятлари бир-биридан фарқ қилади. Аффиксал морфемалар ўзак морфемага бирикиш хусусиятига кўра муайян тилнинг ўзига хос жиҳатларини намоён қилади. Ўзакка нисбатан ўрнига қараб кўшимчалар аффикслар, суффикслар, префикслар, постфикслар, инфиксларга бўлинади.

Сўз ясовчи ва шакл ясовчи аффикслар сўзнинг лексик маъноси билан боғлиқдир. Бу ходиса лексика билан морфологиянинг бир-бирига боғлиқ эканини исботлайди.

2. *Аналитик тиллар (аффиксиз) тиллар.* Бундай тилларда гап таркибидаги сўзларнинг бир-бири билан муносабати, асосан, сўз таркиби орқали ифодаланади. Сўзларнинг шакли ўзгармайди (сўзлар турланмайди, тусланмайди), сўз негизига қўшимча қўшилмайди. Аналитик тилларда грамматик маъно ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, такрор, оҳанг орқали ифодаланади. Аналитик тилларга ҳинд-европа тиллари оиласига мансуб бўлган инглиз, француз тиллари киради.

Аналитик тилларда грамматик муносабатлар синтактик йўл билан ифодаланади. Ёрдамчи сўзлар ва сўз-ясовчи элементлар грамматик муносабатни таъминлайди.

Кўпгина тилларда бир вақтнинг ўзида ҳам аналитик, ҳам синтетик воситалардан фойдаланилади. Лекин бу воситалар нисбат нуктаи назаридан бир хил эмас: баъзи тилларда сўзнинг грамматик шаклини ўзгартиришда, яъни гапда сўзларни бир-бири билан боғлашда кўпроқ синтетик воситалардан, баъзи тилларда эса аналитик воситалардан фойдаланилади. Синтетик тилларда грамматик аффикслар бажарадиган вазифаларни аналитик тилларда сўз тартиби, ёрдамчи сўзлар каби воситалар бажаради.

Тилларнинг морфологик таснифи бўйича бир қатор олимлар иш олиб бордилар. 1818 йилда Ф. Шлегелнинг укаси Август Шлегел «Провансал тили ва адабиёти тўғрисида хотиралар» деган асарига тилларни *флектив, аффиксал ва аморф* тилларга ажратди. У аморф тилларга хитой-тибет тилларини киритиб, уларнинг хусусиятлари тўғрисида батафсил маълумот берди, флектив тилларни эса синтетик флектив тиллар ва аналитик флектив тилларга ажратишни тавсия этди.

А. Шлегел флектив тилларда грамматик алоқани ифодалашнинг икки усули – синтетик ва аналитик усуллари борлигини кўрсатади. Ака-ука Шлегелларнинг типологик классификацияси оз сонли тилларнигина ўз ичига олди. Жуда кўп йирик тиллар бу классификациядан ўз ўрнини топмади. Шунга қарамай, Шлегелларнинг классификацияси ҳозиргача морфологик классификациянинг асоси бўлиб қолди. Тилларни морфологик жиҳатдан ажратувчи, агглютинатив ва флектив типларга бўлишнинг биринчи манбаи Шлегелларнинг типологик таснифидир.

Ака-ука Шлегеллардан кейин бу масала таниқли немис олими, тилшунослик фанининг асосчиларидан бири Вилгелм Фон

Гумбольдт томонидан ҳар томонлама кўриб чиқилди. Вилгелм Фон Гумбольдт тилларни *флексив*, *агглютинатив*, *ажратувчи (аморф)*, *полисинтетик (мужассамлантирувчи)* тарзида тўрт турга ажратди.

В. Фон Гумбольдт тилларнинг «флексив» турига қўшимчали тилларни киритди. Хусусан, бундай тилларга фақат ўзакда ўзгариш содир бўладиган тиллар эмас, балки баъзи аффиксал тиллар ҳам киришини тушунтирди. Лекин бу аффикслар агглютинатив тиллардагилардан тубдан фарқ қилади.

Ака-ука Шлегеллар аффиксал деб атаган тиллар гуруҳини В.Фон Гумбольдт агглютинатив атамаси билан номлади. Бу билан у аффиксал флексив тилларнинг аффиксал агглютинатив тиллардан фарқ қилишини назарда тутди.

В. Фон Гумбольдт аморф тилларни ажратувчи тиллар деб атади, чунки аморф сўзи “шаклсиз” деган маънони англатади. Хитой-тибет тиллари бошқа тиллар каби ўз шаклига эга, лекин уларнинг грамматик шакллари бошқа тиллардан фарқли равишда сўз шаклларини ўзгартириш йўли билан эмас, балки сўз тартиби ва оҳанг орқали ўзгаради.

Гумбольдт мавжуд таснифга яна бир тиллар гуруҳини киритиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб, уни полисинтетик (мужассамлантирувчи) тиллар деб атади.

Тиллар таснифи билан Август Шлейхер, Ф.Мистели, Н.Финк, Ф.Ф. Фортунатов, Е.Сепир ва бошқа бир қанча тилшунослар ҳам шуғулланишган.

Таниқли рус олими Ф.Ф. Фортунатов тиллар типологияси мутлақ эмас, балки нисбий эканини таъкидлади. У тилларни *агглютинатив*, *агглютинатив-флексив*, *флексив*, *қўшимчасиз* тилларга ажратади. Агглютинатив тилларнинг морфологик хусусиятини шундай таърифлайди: “Айрим сўз формаларига эга бўлган тил оилаларининг кўпида бу шакллар сўзларда негиз ва аффикснинг шундай ажралиш воситаси орқали ясаладики, бунда негиз ё флексияга эга бўлмайди ёки негизда бундай флексия юз берса ҳам, у сўз шакли учун аҳамиятга эга бўлмайди. Бундай тилларни морфологик классификацияда, гарчи ноаниқ равишда бўлса ҳам, агглютинатив, яъни “ёпиштирувчи” тиллар термини билан аташ одат бўлиб қолган. Бунда сўз шаклларидаги негиз ва аффикс ўз маъноларига кўра сўзнинг бир-бирига ёпиштирилган айрим қисмлари сифатида келаверади”. Иккинчи гуруҳга семит тилларини киритади. Бу тилларда сўз негизлари зарур шаклга эга

бўлиб, бу шакллар негиз флексияси билан, яъни товуш томонининг ўзгариши билан ясалади. Шу билан бирга, семит тилларида негиз билан аффикс орасидаги муносабат худди агглютинатив тиллардаги сингаридир. Демак, бу тилларда негиз флексияси аффикс билан биргаликда сўзнинг маълум шаклини ҳосил қилади. Шунинг учун семит тилларини агглютинатив-флектив тиллар деб атайди. Учинчи гуруҳга ҳинд-европа тиллари киритилади. Бу тилларда сўз формаси негиз ва аффиксларнинг шундай алоқага киришидан тузиладики, бундай алоқа на агглютинатив тилларда ва на флектив-агглютинатив тилларда мавжуд эмас. Ана шундай тилларга нисбатан флектив тиллар деган ном сақлаб қолинади. “Ниҳоят, шундай тиллар борки, буларда аффикслар билан ясаладиган сўз шакллари йўқ. Буларда, умуман, айрим сўз шакллари мавжуд эмас” (хитой, сиам тиллари). Демак, бу тиллар тўртинчи гуруҳни ташкил қилади.

Америка тилшуноси Э.Сепир морфологик типологиянинг янги системасини яратишга уринди. У тилларни 15 дан ортиқ турга ажратди. Бу тасниф қатор камчиликлари туфайли кўпчиликка манзур бўлмади.

Ҳозирги замон тилшунослигида В.Фон Гумбольдт яратган морфологик типология кўпчилик томонидан эътироф этилиб, тилларни тўрт турга ажратиш анъанага айланган. Бу тасниф асосида Гумбольдт системаси ётган бўлса ҳам, унинг узоқ вақт сақланиб қолишига Гумбольдтдан кейин яшаб ижод этган тилшунослар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Демак, дунё тиллари морфологик жиҳатдан тўрт асосий гуруҳга ажралади:

Флектив тиллар. Флектив тиллар (флексио лотинча сўз бўлиб, “эгилмоқ”, “букилмоқ” деган маънони билдиради) типига ҳинд-европа ва хом-сом тиллар оиласига мансуб бўлган тиллар киради. Бу тиллар синтетик флектив тиллар ва аналитик флектив тилларга ажратилади.

Синтетик флектив тилларга немис, рус тиллар каби флексияларга бой тиллар киритилади.

Нутқда сўзлар орасидаги синтактик муносабатлар асосан флексиялар асосида амалга оширилади. *Аналитик флектив тилларда*, гарчи флексиялар бўлса ҳам, уларнинг миқдори катта эмас, гапдаги сўзлар орасидаги синтактик муносабат кўпроқ сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар воситасида амалга оширилади. Шунинг учун антик тилларда сўз тартиби қатъий, ҳар бир гап бўлаги ўз ўмида туриши шарт бўлган. Аналитик флектив тилларга инглиз,

франсуз тиллари каби тиллар киради. Бу тилларда одатда гапнинг эгаси биринчи ўринда (кесимдан олдинги ўринда), кесим иккинчи ўринда (эгадан кейинги ўринда), агар кесим ўтимли феъл билан ифодаланган бўлса, унда учинчи ўринда (кесимдан кейин) тўлдирувчи туради. Аниқловчининг ўрнини олдиндан белгилаб бўлмайди. У доимо от билан боғланган бўлади; аниқланмиш қаерда бўлса, аниқловчи ҳам шу ерда бўлади; у эга вазифасини бажараётган сўздан олдин ҳам, от кесимдан олдин ҳам туриши мумкин. Ҳол эса маъносига кўра гапда турли ўринларни эгаллайди. Сўз тартиби тўғрисида гап борганда эга, кесим ва тўлдирувчининг гапдаги ўми назарда тутилади. Синтетик флектив тилларда сўз тартиби нисбатан эркин.

Флектив тилларга хос бўлган умумий хусусиятлар куйидагилар: бир флексия элементи бир нечта маъно англатиши мумкин. Масалан, рус тилидаги хожу сўзига қўшилган *-й* флексияси бир вақтнинг ўзида шахс, сон, замонни кўрсатади.

Бир флексия бир нечта вариантга эга бўлиши мумкин. Масалан, рус тилида отларда кўплик *-у, -ы, -а* каби қўшимчалар ёрдамида ҳосил бўлади: *статьи, фрукты, дома*.

Ўзак ва негиз, негиз ва грамматик флексиялар ўртасидаги чегарани аниқлаш кўп қийинчиликлар туғдиради: *ҳукм-маҳкама-ҳоким-ҳакам-маҳкум; фикр-тафаккур-мутафаккир; зулм-золим-мазлум; ҳол-аҳвол; хулқ-ахлоқ; шеър-ашъор; рус тилида: видит-вижу; ходит-хожу*.

Флектив тилларда грамматик маънони ифодаловчи аффикслар сўз ўзаги билан зич бирикади. Бу ҳодиса *фузия* дейилади. Масалан: келишик қўшимчаларини қўшсак, *парта, парты, парте* тарзида бўлади ва сўз келишик қўшимчасисиз тўла маъноли сўз бўлолмайди. Қўшимча баъзан ўзакни ҳам ўзгартиради: *ухо - уши, друг - друзья*. Рус тилида флексия ҳодисаси туфайли битта қўшимча бир неча грамматик маъно билдириши мумкин. Масалан: У детях даги – *ях* қўшимчаси кўплик сон ва келишикни ифодалаб келади. Флектив тилларда сўзларнинг ўзаги қўшимчаларсиз яқка ҳолда ишлатилмайди⁸³.

Агглютинатив тиллар (*agglutinate* лотинча сўз бўлиб, “улаш”, “ёпиштириш”, “кетма-кетлик” демакдир). Агглютинатив тилларга

⁸³ *Rahimov A. Fuziya lisoniy tipini kvantitativ va sinergetik yondashuv asosida tadqiq etish (o'zbek tili misolida). Filol.fan.nomz...diss. – T.: 2009.*

туркий, фин-угор, япон, корейс, дравид, банту тиллари киради. Бу тилларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

аффиксларга бой бўлади, гапда сўзларни бир-бирига боғлаш учун асосан қўшимчалардан фойдаланилади;

бир аффикс бир грамматик маъно ифодалайди, шу хусусияти билан агглютинатив тилдаги аффикслар флексиялардан фарқ қилади: *пишу – ёз – яп – ман*. Бунда *-яп* – замон кўрсаткичи, *-ман* – шахс кўрсаткичидир; *ман* қўшимчаси тарихан *м+ан* шаклларида иборат бўлиб, *-м* – шахс, *-ан* – сон кўрсаткичидир. Рус тилида бу кўрсаткичлар биргина *-у* билан ифода етилади;

аффикслар, асосан, бир хил кўринишга эга бўлиб, вариантлари, деярли, йўқ. Масалан: ўзбек тилида кўплик фақат *-лар* қўшимчаси орқали ясалади; мазкур қўшимчанинг бошқа ҳолларда ифодалаган хурмат, кесатик, кинояни билдирувчи грамматик маънолари услубий жиҳатлари ҳисобланади; келишиқ қўшимчаларининг, деярли, ҳаммаси ўз кўринишига эга; вариантлари бор қўшимчалар эса (масалан: *-м, -им, -нг, -инг, -ка, -га, -қа* кабилар), сўзларнинг фонетик тузилиши билан боғлиқ (позицион ўзгаришларга киради);

ўзак, негиз, грамматик аффикслар орасидаги чегара аниқ сезилиб туради: *тер– им – чи–лар– ни, дарс – лик – лар – ни*.

Сўзларнинг грамматик шакллари ясада супплетив ходисаси, деярли, учрамайди.

Кўпгина агглютинатив тилларда сўз тартиби нисбатан қатъий. Лекин бу қатъийлик аналитик флектив тиллардаги сабаблар билан тушунтирилмайди.

Сўз тартибининг бузилиши ҳамма вақт ҳам сўз функциясининг ўзгаришига олиб келмайди; қатъий сўз тартиби кўпроқ тил анъанаси билан боғлиқ. Ўзбек тилида оддий гаплардаги сўз тартиби қуйидагича: *эга – тўлдирувчи – кесим*.

Сўзларга қўшиладиган аффикслар ўзакка маълум тартиб асосида қўшилади.

Агглютинатив тиллар аффиксларининг ўзакдан олдин ёки кейин туришига кўра *префиксал агглютинатив тиллар ва постфиксал агглютинатив тилларга* бўлинади. Туркий тиллар *постфиксал агглютинатив тиллар*дир. Африкадаги суахили тили *префиксал тил*дир. Масалан: аноматака сўзида учта префиксдан кейин ўзак ўрин олган, яъни *а - на-м - атака* (у бунни хоҳлади).

Туркий тиллар фақат генетик жиҳатдан қариндош тиллар бўлиб қолмасдан, айна пайтда типологик жиҳатдан ҳам ўхшашдир. Туркий агглютинатив тилларнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардан иборат:

1. Сўз доимо ўзакдан бошланади.

2. Ўзак, асосан, ўзгармасдир. Ўзакдан кейин қўшилган ҳар қандай аффикс ўзакни фонетик жиҳатдан, деярли, ўзгартрмайди.

3. Сўз формалари, асосан, аффикслар воситасида ҳосил қилинади.

4. Ўзак ва аффикслар органик бирикиб кетмайди, улар орасидаги чегара, аксарият ҳолларда, аниқ ва равшан бўлади. Масалан, бошланди сўз шаклида бош – ўзак, -ла феъл ясовчи аффикс, -н–мажхул нисбат қўшимчаси, -ди замон ҳосил қилувчи.

5. Ҳар бир грамматик маънони ифода этишда алоҳида аффикс қўшилади, шунинг учун бир сўз шаклида бир неча аффикс кетма-кет келади.

6. Туркий тилларда сўз ўзак ва аффиксларга ажратилади. Ўзак туркий тилларда фонетик жиҳатдан қуйидаги кўринишларга эга (в–унли, с–ундош):

в – у;

вс– ол, от,

св–на, ма;

свс– бош, гўл, ёз;

всс–онт, уст.

Туркий тилларда ўзакка даставвал, сўз ясовчи қўшимчалар (морфемалар), кейин шакл ясовчи ва охирида синтактик шакл ясовчи (сўз ўзгартувчи) қўшимчалар бирикади: *тила-к-лар-имиз-ни*. Бу қатъий қоида морфем таҳлилда, яъни сўзларни маъноли қисмларга ажратишда ҳам муҳим. Масалан, *ўртоқларча, мардларча сўзлари ўртоқ-лар-ча, мард-лар-ча* кўринишида эмас, балки *ўртоқларча, мардларча* тарзида маъноли қисмларга ажратилади.

Ўзбек тилидаги аффиксал морфемалар ўзак морфемадан кейин қўшилиш хусусиятига эга. Шу жиҳатдан, олд қўшимчалар ўзбек тили табиатида хос эмас. Ўзбек тилидаги *сер-* (*серсув*), *но-* (*номард*), *бе-* (*беғуноҳ*), *ба-* (*бадавлат*) каби олд қўшимчалар форс-тожик тилига хос бўлиб, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий омиллар таъсирида ўзлашиб кетган. Олд қўшимчалар рус-байналмилал сўзларида ҳам учрайди.

Агглютинация тушунчаси тилларнинг морфологик структурасига оид бўлиб, у жаҳон тилларини морфологик жиҳатдан классификатсия қилишга интилиш билан боғланган ҳолда юзага келди.

Ҳозирги давр тилшунослигида тилларнинг морфологик таснифига янгича қарашлар юзага келган. Бунда синергетиканинг қонуниятларидан келиб чиқиб ёндашилмоқда. Масалан, анъанавий тасниф бўйича ўзбек тили агглютинатив тил ҳисобланади, аммо синергетик қонуниятга кўра унда ҳам флексия хусусиятлари борлиги аниқланган⁸⁴.

Аморф (шаклсиз) тиллар (В. Фон Гумбольдт таснифига кўра ажратувчи тиллар). Бу тилларга асосан хитой-тибет тиллари (хитой, тибет, тай, вьетнам ва бошқалар) киради. Уларнинг асосий хусусиятлари сўзлари кўпроқ бир бўғинлилиги, аффикслар, флексияларнинг учрамаслиги, гапда сўзлар орасидаги синтактик боғланиш, асосан, сўз тартиби ва оҳанг орқали амалга оширилишидир. Сўзнинг гапда тутган ўрни унинг қайси гап бўлаги вазифасини бажараётганини ва қайси сўз туркумига тааллуқли эканини кўрсатади. Грамматик шакл тилларда бир хил намоён бўлмайди. Юқорида кўрганимиздек, баъзи тилларда шакл аффикс ва флексиялар ёрдамида, баъзиларида эса ички флексиялар орқали, учинчиларида ёрдамчи сўзлар ёки супплетив йўллар билан ифодаланади. Умуман олганда, шаклсиз тил йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ўзак тилларнинг шакли ўзига хос равишда ясалади. Сўзлардаги грамматик маъно гапдаги ўрнига кўра ёки оҳанг ёрдамида амалга ошади. Масалан: кўшимчасиз тиллар қаторига қирувчи хитой тилидаги *-чже ши хао шен* – Бу яхши одам; *-та тсаде хао* – Бу яхши ишлаган; *хао* сўзи гапдаги ўрнига қараб аниқловчи, равиш ва кесим бўлиб келади.

Полисинтетик (муҳассамлантирувчи тиллар). Бу тилларга америкалик ҳиндулар ва Россиядаги чуқот, коряк тиллари киради. Полисинтетик тиллар кўп жиҳатдан ҳали ўрганилмаган. Ҳозирги кунда маълум бўлган манбаларга қараганда, бу тилларда сўз тушунчаси нисбийдир. Чунки бу тиллардаги сўз бошқа тиллардаги айрим товушларга тўғри келиб, ўзининг узил-кесил маъносини фақат гап таркибидагина намоён этади. Одатда, бу сўз-гапда

⁸⁴ **Rahimov A.** Fuziya lisoniy tipini kvantitativ va sinergetik yondashuv asosida tadqiq etish (o'zbek tili misolida). Filol.fan.nomz...diss.-Toshkent: 2009.

элементлар бир-бирига қўшилиб ёзилади. Бу тиллардаги гаплар бошқа тиллардаги сўзга тўғри келади. Масалан, нахуати тилидаги *қаниватсар санивинясу* гапнинг маъноси «мен уйнинг олдида ичдимми?», яъни «*уй+олдида + ўтган замон +ичмоқ+савол шакли+мен*».

Чинук тилидан яна бир мисол: иниалудам – «*мен буни унга бергани келдим*». Бу гапда «д» элементи «бермоқ» феъли бўлиб, гапнинг ўзагини ташкил этади.

и– яқин ўтган замон *и–мен и–бу*

а– унга (л–воситасиз тўлдирувчи кўрсаткичи у – сўзловчи томонидан бажариладиган иш–ҳаракат а–«келмоқ»).

Шундай қилиб, мужассамлантирувчи тиллардаги бир сўз–гап бошқа тилларда бир нечта сўзлар орқали ифода қилинади.

Тилларинг морфологик (типологик) таснифи тўғрисида гап борганда ҳеч бир тил ўз хусусиятлари билан бошқа тилга тўлиқ мос келмаслигини айтиб ўтиш ўринлидир, демак, типология мутлақ, яъни абсолют эмас, нисбийдир. Тиллар ўзларининг кўпроқ хусусиятлари билан у ёки бу турга мансуб бўлиши мумкин. Ҳар бир тилда флектив, агглютинатив ва бошқа элементлар бўлиши табиий. Масалан, ўзбек тили агглютинатив тил, лекин унда флексия элементлари учраши мумкин: келдик сўзидаги *-к* бир вақтнинг ўзида ҳам шахсни, ҳам сонни кўрсатади. Инглиз тили гарчи аналитик флектив тил бўлса ҳам, шунга ўхшаган агглютинатив воситалари бор. Демак, тилларни у ёки бу турга киритишда уларнинг қайси хусусиятлари асосий эканлигига асосланилади.

“Тилларни гуруҳларга ажратишда бир қанча мезонлар мавжуд: сўзлар тартиби ёки тарихи асос қилиб олиниши мумкин. Биз икки нарсани олдиндан белгилаб олишимиз керак. Аввало, тиллар қиёсида икки тиллар қиёсида икки тил элементлари ўзаро зидланади, иккинчидан, айрим тилларда ўхшашлик мавжуд. Масалан, венгр тилидаги бир сўз инглиз тилидаги бир неча сўзга ўхшаб кетади. Инглиз тилидаги сўзлар ўзаро морфемаларсиз боғланади. Венгр тилидаги морфологик комплексли сўзлар инглиз тилида алоҳида морфемаларга ажратилади. Венгр тили агглютинатив тил бўлганлиги учун сўз бир неча морфемалардан иборат бўлади, улар ўзаро ажралади, уларнинг ҳаммасида маълум бир маъно ифодаланади, инглиз тилида ҳар бир морфема янги сўзга ўхшайди. Масалан, *элалатиасодоттсагабан* (15) сўзи

эл+аллат+и+ас+од+отт+саг+а+бан маъноли қисмларидан
 иборат. Инглиз тилидаги кўпгина сўзлар морфемалардан ташкил
 топган: эғйинк, эветт, энни каби сўзлар асосидан ҳосил қилинган.
 Бу каби сўзлар флектив тилларга хосдир. Флектив тилларда
 сўзларнинг қайси морфема билан бошланиши ёки тугаши аниқ
 эмас⁸⁵.

Морфологик тасниф тилнинг қурилиши ва унинг тузилишини
 ўрганишга, билишга ёрдам беради. Шунингдек, ҳар қайси тилнинг
 грамматикасини изоҳлаб беришда морфологик таснифнинг маълум
 даражада аҳамияти бор. Бироқ морфологик таснифнинг ҳам
 чекланган томонлари бор. Биринчидан, морфологик тасниф
 тузилиш жиҳатдан хилма-хил бўлган барча тилларни камраб
 ололмаган. У фақат грамматик тузилиши жиҳатдан бир-биридан
 унча фарқ қилмайдиган тилларнинггина ўз ичига олади. Иккинчидан,
 морфологик белгиларга қараб тил турларини гуруҳларга ажратиш
 тасниф қилиш қийин масала.

Тилларнинг морфологик (типологик ёки структурал) таснифи
 умуман, тил типларини ажратиш, дастлаввал, тилларнинг
 структурасини аниқлаш натижасида келиб чиқди.

Тилларни структур жиҳатидан айрим гуруҳларга ажратиш
 тилнинг фонетик системасини, луғат таркибинини ва грамматик
 қурилишини кўзда тутди. Бироқ тилларнинг классификациясини
 яратишда асосий эътибор кўпроқ грамматик тузилишга қаратилади.

Бу ўз-ўзидан тушунарли: сўзларнинг гап қурилишидаги
 иштироки, ўзаро боғланиши сўз структурасида мавжуд бўлган
 элементлар ёрдамида амалга ошади⁸⁶.

Ҳозирги давр тилшунослигида тилларнинг морфологик
 таснифига янгича қарашлар юзага келган. Бунда синергетика
 қонуниятларидан келиб чиқиб ёндашилмоқда. Масалан, анъанавий
 тасниф бўйича ўзбек тили агглютинатив тил ҳисобланади, аммо
 синергетик қонуниятга кўра унда ҳам флексия хусусиятларини
 борлиги аниқланган⁸⁷. Бугунги кунда инглиз тилида агглютинация
 элементлари борлиги кузатилмоқда. Шунга кўра айтиш мумкинки,
 дунёда типологик жиҳатдан соф ҳолдаги бирор бир тил йўқ, яъни

⁸⁵ Richter B. First steps in theoretical and applied linguistics. – Budapest, 2006. –
 В.42.


⁸⁶ Irisqulov M. Tilshunoslikka kirish.-Т., 2009. В.127-129.

⁸⁷ Rahimov A. Fuziya lisoniy tipini kvantitativ va sinergetik yondashuv asosida
 tadqiq etish (o'zbek tili misolida). Filol.fan.nomz...diss.avto.ref.-Т., 2009.

хар бир тилда у ёки бу даражада агглютинация ҳам, флексия ҳам кузатилиши мумкин. Фақат бир тилда агглютинация, бир тилда эса флексия белгилари юқори даражада бўлиши мумкин.

Савол ва топшириқлар

- 1.Тилларни таснифлаш мезонлари ҳақида билганларингизни айтинг.
- 2.Тилларнинг морфологик таснифини ёритинг.
3. Ностратик назариянинг моҳиятини тушунтиринг.
4. Тилларнинг генеалогик таснифи ҳақида маълумот беринг.
- 5.Тил оилалари ва тил гуруҳларини тавсифланг.
6. Қардош тилларнинг хусусиятларини айтинг.
- 7.Қардош тилларнинг фарқли жиҳатларини мисоллар орқали тушунтиринг.
- 8.Туркий тиллар оиласига хос морфологик хусусиятлар ҳақида фикрларингизни баён этинг.
- 9.Ҳозирда мавжуд тил оилалари ҳақидаги фикрларингизни мисоллар билан тушунтиринг.
- 10.Кластер доираларни тўлдиринг.



Асосий тушунчалар глоссарийси

Агглютинация – (лотинча «ёпиштириш» маъносини; флексия «букилиш» маъносини англатади) ўзак ва қўшимчаларнинг муайян кетма-кетликда, маълум тартиб асосида жойлашуви.

Агглютинатив тиллар – ўзак ва қўшимчаларнинг муайян кетма-кетликда, маълум тартиб асосида жойлашувига асосланган тиллар.

Генеалогик тасниф – тилларни қариндошлик муносабатига, келиб чиқиш асосларига кўра гуруҳлайдиган тасниф.

Морфологик тасниф – тилларни морфологик хусусиятларига кўра гуруҳлашга қаратилган тасниф.

Ностратик гипотеза ёки ностратик назария – (лотин тилида ностер “бизники” маъносини беради) тил оилаларини янада кенгрок доирадаги генетик асосга бирлаштиришни назарда тутадиган қараш.

Олтой тиллари оиласи – туркий, тунгус-манчжур, мўғул тилларига асос бўлган қадимги тил.

Қардош тиллар – тузилиши, грамматик хусусиятлари, шу тиллардаги сўзларнинг пайдо бўлиш манбаи, сўз шакллари ва маънолари бир-бирига яқин тиллар.

Тил оиласи – грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига яқин бўлган тиллар.

Туркий тиллар гуруҳи – ўзбек, уйғур, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, озарбайжон, ёқут, туркман, қорақалпоқ, турк, чуваш тиллари гуруҳи.

Флектив тиллар – ўзак морфема ва аффиксал морфема чегаралари сезилмайдиган, янги сўзлар ўзак ўзгариши асосида юзага келадиган тиллар.

Тест

1. Туркий тиллар оиласига қайси тиллар қиради?

- А) чуваш, бошқирд, ўзбек
- Б) ёқут, хазар, рус
- С) озарбайжон, қирғиз, тожик
- Д) татар, рус, бошқирд

2. Куйида келтирилган қайси тиллар бир оилага мансуб?

- А) рус, булғор, чех, поляк
- Б) тожик, туркман, қирғиз
- С) ўзбек, озарбайжон, тожик
- Д) чех, поляк, татар

3. Агглютинатив тилларга қайси тиллар киради ?

- А) туркий, фин-угор, япон, дравид, банту
- Б) форс, япон , санскрит
- С) немис, рус , озарбайжон
- Д) тожик , турк, форс

4. Қардош бўлмаган тил оиласини белгиланг?

- А) ҳинд-европа тиллар оиласи
- Б) дравид тиллари оиласи
- С) туркий тиллар оиласи
- Д) рус тиллари оиласи

5. Қайси тасниф қардош тилларнинг тарихий тараққиёт жараёнида бир асосли боботилидан тарқалганлигини ва уларнинг ўхшашлигини назарда тутиб, тилларни гуруҳларга ажратади?

- А) генеалогик тасниф
- Б) типологик тасниф
- С) дифференциал тасниф
- Д) морфологик тасниф

6. Грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига яқин бўлган тиллар гуруҳига нима дейилади?

- А) тил оиласи
- Б) тиллар
- С) тиллар гуруҳи
- Д) бир хил тиллар

7. Дунёда неча хил тил мавжуд ва улар қандай тавсифланади?

- А) 6000, соф тиллар
- Б) 7000, меъёрлаштирилган тиллар
- С) 9000, аралаш тиллар
- Д) 3000, меъёрлаштирилган тиллар

8. Дунё тиллари неча тил оиласига бўлинади?

- А) 20 га яқин
- Б) 35 атрофида
- С) 50 га яқин
- Д) 38 га яқин

9. Морфологик таснифга кўра дунё тиллари неча гуруҳга ажратилади ва улар қайсилар?

- А) икки хил: полисинтетик, морфологик
- Б) икки хил: агглютинатив, аморф
- С) уч хил: агглютинатив, аморф, фонетик
- Д) тўрт хил: агглютинатив, флектив, аморф, полисинтетик

10. Тилларнинг қариндошлигини қайси тасниф ўрганadi ?

- А) типологик
- Б) морфологик
- С) генеалогик
- Д) типологик- морфологик

10-§. ТИЛ ВА ЁЗУВ

Режа:

1. Ёзувнинг шаклланиши ва ривожланиши.
2. Ёзув турлари.
3. Ёзувнинг тарихий аҳамияти.

Асосий тушунчалар: *ёзув, ёзув турлари, пиктографик ёзув, географик (логографик) ёзув, логограмма, иероглифик ёзув, Миср рологлифлари, Хитой иероглифлари, ёзувни соддалаштириши, нетик ёзув, бўгин ёзуви, финикия ёзуви, оромий ёзуви, араб ёзуви, ркий-рун ёзуви, кирилл ёзуви, лотин ёзуви, Морзе алифбоси, Брайл вви.*

Тилнинг бутун имкониятлари нутқда ўз ифодасини топади. тқнинг оғзаки ва ёзма шакли бўлиб, ёзма нутқ ёзув орқали моён бўлади. Ёзув маълум бир тарихий жараён мобайнида алоқаносабатнинг муҳим воситаси бўлиб шаклланди. Инсоният бундан и минг йил аввал ихтиро қилган ёзув жамиятнинг ривожланиши, инг тарихи, маданияти, урф-одати ва умумжаҳон илизатсиясидан дарак берувчи энг нодир кашфиётдир. Ёзувнинг ихий аҳамияти қуйидагиларда акс этган.

1. Ёзув маълум тарихий жараён натижасида шаклланди ва шилар орасидаги бавосита алоқа-муносабат воситаси сифатида гимой манфаатлар учун хизмат қилади.

2. Кишилиқ жамияти эришган барча маънавий ютуқлар ёзув али авлоддан авлодга етказилади.

3. Ёзув учун масофа ва вақт аҳамиятсиздир.

4. Ёзувнинг хабар етказиш имконияти туфайли турли офадаги ахборотлар умумий маълумотга айланади.


5. Ёзув кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян қичларини, халқ тарихи, этнографиясини, адабиёт ва санъат ихини, тилнинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганишда им аҳамият касб этади. Ёзувсиз тилнинг ва халқнинг тадрижий ққиётини ўрганиб бўлмайди.

Дунёдаги аксарият тиллар ўз ёзувига эга. Ёзувнинг хозирги инишлари дастлабки шаклларнинг такомиллашиб бориши жасида пайдо бўлди. Тадқиқотлардан маълумки, ёзувнинг

дастлабки кўринишлари рамзий ифодалар тарзида юзага келган. Ёзувнинг пиктографик, идеографик, логографик, иероглифик, фонографик каби турлари бор.

Пиктографик ёзув. Воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тафаккур маълумотлари жонли ва жонсиз воситалар орқали ифодаланган ёзув пиктографик ёзув ҳисобланади. Ёзувнинг бу тури маълумотларнинг дастлабки қайдларини етказа олади ва мавҳум тушунчаларни ифодалаш имкониятига эга эмас.

Эрамиздан тахминан 120 аср олдин турли расмлар, скульптура ва графикага тегишли белгилар шартли равишда нарсалар, тушунчалар ва бирор жумлани ифодалаш учун қўлланган ва бу пиктографик (лотинча пистум “расм”, пинго “чизаман”) ёзувнинг юзага келишига асос бўлган.



Турли чизма – график воситалар ёрдамида ахборот етказиб бериш бундан бир неча юз йил аввал ҳам кенг қўлланган. Африкадаги Того мамлақатидаги эве элати пиктограммалар ёрдамида мақолларни ифодалаганлар. Игнага ип тақилган (пиктограмма) “Игна қаерга борса, ип ҳам ўша жойга боради” деган

солни ифодалайди. “Дунё бепоён ва кенг” мақолини ифодалаш
ун дарахт ва айлана ўртасидаги одамнинг қўлини очиб тургани
вирланади. Бунинг асл мазмуни: “Ўлимдан қочиб кутулиб
ймайди” мақолини эслатади. Узун бўйли киши тўғри чизик ва
ютли ҳайвон ўлимни англатади.

Пиктография ёзув маданиятининг илк кўриниши сифатида
иҳ варақларида муҳрланиб қолди. Аммо ахборот бериш
қисқясини давом эттирмакда.

—Zamovaiy piktografiya



Пиктографик ёзувнинг такомиллашиб бориши натижасида
логографик (грекча идея – “тушунча”, графо – “ёзаман”) ёзуви
до бўлди. Ёзувнинг бу тури **логографик ёзув** деб ҳам
атилади (*логос* – “сўз”, *графо* – “ёзаман”). Негаки, бундай
вдаги рамзлар нарса-буюмларни акс эттириб қолмай, ходиса,
ги, жараёнларни ҳам ифодалайди. Пиктографик ёзувдан
логографик ёзувга ўтилишига мавҳум фикрларни ифодалаш
иёжи сабаб бўлди. Масалан, «ўткир кўзлилиқ», «зийраклик»,
шёрлик» тушунчаларини айнан расмда ифодалаб бўлмайди,
рни шу ҳолатларни кузатувчи, яъни кўзни тасвирлаш орқали
иш мумкин бўлган. Бунда пиктографик ёзувда кўз расми
илганда кўзнинг ўзи назарда тутилган, идеографик ёзувда эса
кир кўзлилиқ», «зийраклик», «хушёрлик» тушунилган.

Логографик ёзувда маълумот логограммалар орқали
азилади.

*Логографик ёзувнинг пиктографик ёзувдан қуйидаги
алликлари бор:*

а) логографик ёзув хабар қилиниши лозим бўлган мазмунни
а муфассал акс эттиради;

б) пиктографик ёзувда сўз тартиби ва сўз шакллари ноаниқ, логографик ёзувда эса аниқ бўлади;


д) пиктографик ёзувда субъективликка, ихтиёрийликка йўл қўйилади, логографик ёзув эса барқарор логограммалардан ташкил топган.

Идеограммалар ахборот бериш вазифасини тўла бажармайди, баъзи ғояларни ифодалашга хизмат қилади. Хитой ёзувидаги бир неча юз идеограмма аслида нарсаларни ифодаловчи расмлардан келиб чиққан. Хитой ёзувидаги идеограммалардан баъзилари нарсаларнинг тасвирига ўхшаш аломатларга эга: қуёш, майдон, ой, ёй ва нишон ва ҳ.к. **Идеографик ёзувга** шумер (кейинчалик аккад) ёзуви (эрамиздан аввалги IV–I асрлар), элам ёзуви (эрамиздан аввалги XXIII–IV асрлар), миср ёзуви (эрамиздан аввалги XXX – V асрлар), хет ёзуви (эрамиздан аввалги XV – XII асрлар), мая ёзуви (IV–XVI асрлар) ва атсек ёзуви (XVI асргача) ҳам киради.

Пиктрограмма ва идеограмма Ўрта Ер денгизининг жанубий-шарқий қирғоғида ва Форс кўрфази ҳудудларида қўлланмай қолди ва улар ўрнига аниқ сўзларни ифодаловчи белгилар – **логограммалар** ихтиро қилинди. Бу ёзув график воситалар ёрдамида сўзларнинг маъноларини ифодалаган. Қадимий шумер пиктрограммалари ва идеограммаларининг ривожланиши натижасида миҳсимон логограммалар ҳосил бўлган.

Логографик ёзувнинг бир оз мукаммаллашган шакли иероглифик ёзувдир. **Иероглиф** грекча “*иероглиф*” сўзидан олинган бўлиб, “*муқаддас ёзув*” деган маънони англатади. Бу ёзув турида матн ёзилмаган, балки суяк ва бошқа материалларга расмлар ўйиб битилган, иккинчидан, бу ёзув «сирли» ёзув тури ҳам бўлган, чунки уни, асосан, қохинлар билишган. Бу ёзувдан қадимги Арабистонда кенг фойдаланилган. Ушбу ёзувлар ифода этилаётган нарсалар буюм хусусиятларини имкон қадар ақс эттиради.

«Тог» иероглифи ривожи



Шу билан бир қаторда умумлаштирувчи ҳамда мавхум тушунчаларни ҳам акс эттиради.


«INSON» iyeroglifi rivoji



Қадимги Мисрда ёзув илоҳийлаштирилган, ёзувнинг пайдо бўлиши ҳам илоҳий кучларга боғланган.

Bu rasmda qadimgi misrlik kotib bilimlar va yozuvlar xudosi

Tota rahnamoligida ko'rsatilgan



Иероглифлар Миср ёзувида қўлланадиган белгилар сифатида ҳам машҳур бўлган.

Misr yozuvida

700dan ortiq iyeroglif bo'lgan

- «og' iz» so'zi va «r» tovushi
- «non» so'zi va «b» tovushi
- «omoch» so'zi va «m» va «r» tovushlarining birikmasi

Unli tovushlar iyerogliflar bilan ifodalanmas edi



1799-yilning 15-iyulida Per-Fransua Bushar boshchiligidagi askarlar Rozetta shahri yaqinida tosh plitani topishadi, unda qadimgi Misr yozuvida yozilgan uchta matn bor edi

Rozetta toshi.

U 1802-yildan beri

Britaniya muzeyida saqlanadi



Jan-Fransua Shampolon 1822-yilning 14-sentabrida o'ziga xos usul yaratdi. Unga ko'ra har qanday sirli qadimgi Misr iyeroglifik matnlarni o'qish mumkin



Мактабда о'қитиш jarayoni

Qadimgi Misrdagi maktablarning shiori

quyidagicha bo'lgan:

«Bolaning qulog'i orqasida bo'ladi,

Shunga ko'ra u eshitishi uchun

orqasiga urish kerak».

Ёзувнинг юкорида қайд этилган турлари анча мураккаб. Уларда фикр ва маълумот ифодалаш имконияти жуда тор бўлган. Шунинг натижаси ўлароқ, ёзувни осон, қулай шаклга келтириш эҳтиёжи туғилди. Ёзувни соддалаштириш куйидаги йўллар орқали амалга оширилди.

1. Тушунча мавжуд логограммалар ёки иероглифлар мажмуаси орқали ифодаланди.

2. Логографик ёзувни соддалаштиришнинг иккинчи йўли сўзларнинг грамматик шаклларига тааллуқлидир. Масалан, логограммалар ўзак сифатида қолдирилиб, грамматик маънолар учун янги логограммалар ўйлаб топилди, улар ўзак логограммалар маъносига қараб қўшилди.



3. Ёзувни соддалаштиришнинг энг унумли ва маъқул усули фонографик ёзувга ўтиш эди. Бундай ёзув тилнинг грамматик қурилишини ифодалабгина қолмай, унинг фонетик тузилишини, яъни сўзнинг товуш таркибини ҳам акс эттиради.

Bugungi kunda Yozuvning to'rt yuzga yaqin turi ma'lum. Har bir Yozuv sistemasi jonli, o'zgaradigan, rivojlanadigan bir butundir, qachonlardir aytilganlarni turlicha yozib olish usullarining ajoyib ravishda uyg'unlashgan chiroyli birikmasidir.

Bu sistemalarni o'rganish sohasida aktiv ish olib borilayotganiga ikki yuz yildan ham ko'p bo'ldi. Ayrim Yozuvlarning siri to'la ochildi, boshqalari esa o'z navbatini kutmoqda. Shumerlarning eng qadimgi, eramizdan oldingi to'rtinchi ming yillikning oxiri va uchinchi ming yillikning boshida yozilgan hujjatlari hali jumboqligicha turibdi; Shumerlar jamiyat taraqqiyotining ilk bosqichida misrliklar bilan birga turgan va umuman, Yozuvning dastlabki ijodkorlaridan biri bo'lgan. Shumerlarning ancha keyinroq yozilgan xatlarigina o'qilgan, xolos. Finikiyaliklar Yozuvining qanday paydo bo'lganligi bizga shu kungacha noma'lum.

Tadqiqot ishlari vaqtida bizga mutlaqo noma'lum Yozuv topilib qolishi ham ehtimoldan xoli emas.

Иероглиф – древний рисуночный знак египетского письма.



Ёзувнинг дастлабки кўринишлари бўлган *пиктографик*, *идеографик*, *иероглифик* ёзувлардан кейин ёзувнинг янги bosқичи – фонографик (юн. “*пхане*” – *товуш*, “*гранхе*” – *ёзаман*) ёзувга, аввало, айрим бўғинларни, кейинроқ айрим товушларни бирор белги билан ифодалаш усулига ўтилди. Даврлар ўтиши билан баъзи график белгилар сўзларнинг маъносини эмас, балки уларнинг маъносиз қисмларини, яъни бўғинларни ҳам ифода этган. Фонографик ёзув тури жамият тараққиёти натижасида шаклланди. Бундай ёзув тилнинг нафақат грамматик тузилишини, балки унинг фонетик тузилишини, яъни сўзнинг товуш таркибини ҳам акс эттирар эди.

Фонографик ёзув икки турга бўлинади: *бўгин ёзуви* ҳамда *харф-товуш ёзуви*.

Бўгин ёзувида *иероглифлар бўгинларни* ифодалайди. Ёзув тарихида *бўгинли ёзув* муҳим аҳамият касб этади. Бўгинли ёзувда бир бўғинни, бир сўзни, бир товушни ифодалайдиган белгилар қўлланган. Оссурия ва Вавилон миҳ (қозик) ёзуви ана шундай ёзувлардан ҳисобланган. Бу ёзувда айрим белгилар бир товушни, бутун бир бўғинни, баъзи белгилар эса бутун бир сўзни ифодалаган.

Бўгин ёзуви сўзларни майда қисмларга ажратиш йўли билан пайдо бўлди. Бу майда қисмлар ҳозирги вақтдаги бўгинларга тўғри келади.

Эронликлар Вавилонни босиб олганларидан кейин Оссурия ва Вавилон мих ёзувидан фойдаланиб, фонетик (товушли) ёзувни, яъни ҳар қайси белги бир товушни ифодалайдиган ёзувни ихтиро этганлар. *Михсимон ёзуви* шумерлардан Месопотамияга келган аккадлар, яъни вавилонликлар ва оссурийларнинг ворислари қўллаганлар. Дунёдаги аксар тилларнинг фонетик хусусиятини ифодаловчи фонетик ёзувлар финикияликлар ёзуви асосида шаклланган.

Товуш элементларининг график белгилари (*фонограммалар* дейилади – грекча фон – “товуш, нутқ”) оссурий – вавилон михсимон ёзувида қўлланилади ва *силлабограммалар* (грекча *силлабал* – *бўгин*) деб аталади. Фонографик ва силлабографик ёзувларда қўлланган графемалар унли ва ундош товушларни ҳам ифодалаган. Бу кейинчалик (*консонант грекча “ундош”*) ёзувининг пайдо бўлишига олиб келади. Консонант ёзувнинг ривожланиши натижасида грек ёзуви ва ундан кейин лотин (Рим) ёзуви пайдо бўлди. Грек ва лотин ёзувлари Болқон ва Ўрта Ер денгизи бўйидаги халқларга кенг ёйилди ва эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб христиан дини тарқалиши натижасида IV асрда готлар (шарқий германлар), VI – V асрларда эфиоплар, арманлар ва грузинларга етиб келди.

Grek alifbosi

Α Β Γ Δ Ε Ζ Η Θ Ι Κ Λ Μ Ν
Ξ Ο Π Ρ Σ Τ Υ Φ Χ Ψ Ω

ϐ ϑ ϝ ε ζ η θ ι κ λ μ ν ξ ο

ι ϱ ϳ ϴ ϵ ϶ Ϸ ϸ Ϲ Ϻ ϻ

α β γ δ ε ζ η θ ι κ λ μ

ν ξ ο π ρ σ τ υ φ χ ψ ω

Қадимий Византия давлатидаги Салоники шаҳрида яшовчи ака-ука Константин Кирилл ва Мефодий грек ёзуви асосида славян ёзувини (863-869-йиллар) яратдилар. Бундан юз йил кейин славян христиан маданияти ёзуви Россияга тарқалди. Ҳозирги рус тилида қўлланаётган кириллица ёзуви аслида ака-ука Кирилл ва Мефодийлар таклиф этган алифбонинг қайта ишланган нусхасидир.


Rus yozuvi



Kirill va Mefodiy

IX



asr



Kirill va Mefodiy



Slavyan alifbosi ijodkorlari




Кириллица

А —аз	1	Х —хер	600
Б —буки		Ѡ —от	800
В —веди	2	Ц —цы	900
Г —глаголь	3	Ү —червь	90
Д —добро	4	Ш —ша	
Е —есть	5	Щ —ща	
Ж —живете		Ъ —ер	
З —зело	6	Ы —еры	
И —земля	7	Ь —ерь	
Н —иже	8	Ѣ —ять	
І —и	10	Ю —ю	
К —како	20	Ѧ —(и)я	
Л —люди	30	Ѩ —(и)е	
М —мыслете	40	Ѧ —юс малый	
Н —наш	50	Ѩ —юс большой	
О —он	70	Ѧ —йотов.юс малый	
П —покой	80	Ѧ —йотов.юс большой	
Р —рцы	100	Ѥ —кси	60
С —слово	200	Ѧ —пси	700
Т —твердо	300	Ѧ —фита	9
Оу —ук	400	Ү —ижица	
Ф —ферт	500		

Рус алифбоси тарихида “Глаголица” деб номланган қадимги ёзув намунаси ҳам истеъмолда бўлган.

Глаголица



Киевские листки. Самая древняя известная славянская рукопись, написанная глаголицей. X в.

Фонетик ёзувларнинг финикий (эрамиздан аввалги XX асрдан шлаб Сурия ва Фаластинда тарқалган), оромий (Якин Шарқда миздан олдин VIII аср) ва ундан келиб чиққан қадимги ҳинд ёвлари брахма (эрамиздан аввал III аср) ва деванагари (эрамиздан аввалги VII асрдан бошлаб) турлари мавжуд. Деванагари ёзуви қимий санскрит тилида қўлланган ва кейинчалик бошқа ҳиндий

тилларида, жумладан, ҳинди, маратҳи, непали, гонди; мунда тилларида ишлатилган. Ҳинд алифбоси бошқа мамлакатлардаги тибет, кхмер, мон, бирма, таи, лоас, яран ва ҳ.к. тилларда қўлланади. Деванагаридида 50 та белги мавжуд бўлиб, унинг 13 таси сўз ёки бўғин бошидаги унли товушларни ифодалаган, 33 таси бўғинларга тегишли белгилар, 4 таси ёрдамчи белгилардан иборат эди.

Ҳарф-товуш ёзувининг шаклланиши бутун ёзув тараккиёти тарихида инқилоб бўлган. Бу йўналишдаги илк ёзув тури *финикий ёзуви* эди. Финикий алифбосининг пайдо бўлиши инсоният учун ёзувни такомиллаштириш борасида олға қўйилган қадам бўлди. Биринчи марта соф товуш ёзуви санокли ҳарфлардан иборат мукамал алифбонинг юзага келиши жамиятдаги ёзувни биладиган кишилар доирасини кенгайтирди. Шунинг учун ҳам финикий ёзуви жуда тезлик билан бошқа халқлар орасида ҳам тарқалди. Бу жараён милoddан аввалги IX асрдан бошланган. Финикияликлар билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган қўшни халқлар мазкур ёзув билан танишиб, тез орада уни ўз тилларига мослаштириб олганлар. Ҳозирги кунда бизга маълум бўлган ҳарф-товуш тизимидаги ёзувларнинг 4/5 қисмидан кўпроғи финикий ёзувидан келиб чиққан.

Finikiya harflari



Р

Д

К

М

Finikiya alifbosi

	'aleph	[ʾ]		lamedh	[l]
	beth	[b]		mem	[m]
	gimmel	[g]		nun	[n]
	daleth	[d]		samekh	[s]
	he	[h]		'ayin	[ʿ]
	waw	[w]		pe	[p]
	zayin	[z]		tsade	[ʒ]
	heth	[ħ]		qoph	[q]
	teth	[t̪]		reš	[r̪]
	yodh	[y]		šin	[ʃ]
	kaph	[k]		taw	[t̪]

“Тил жуда кўп авлодларни қамраб олгани учун инсон ўзи яшаб яётган муҳитнинг тилини ўрганмасдан улғая олмайди. Аммо трорта бола ҳам ўқиш ёки ёзишни шунчаки кузатиш орқали ўргана майди: бунинг учун батафсил таълим зарур бўлади.

Инглиз тилидаги ўтган замон морфемаси шартли “т” ва “д” **ломорфларига** эга. Ҳар бир тилда маълум фонемалар борки, улар шқа тиллардан ўзлашган бўлади. Ҳар бир морфема фонемалар лан ифодаланади; нуткнинг ҳар бир бирлиги **морфемалардан, орфемалар** эса **фонемалардан** ташкил топади.

Ёзув оғзаки тилдан бир қанча белгиларга кўра фарқ қилади.

Биринчидан, ёзув тизимлари тиллардан фарқли ўларок, турлича лланади. Турли ёзув тизимлари товуш тизимларига ўзига хос рзда боғланган.

Иккинчидан, Америка структуралистлари ёзувни тилнинг лбтизими (субтизим) сифатида талқин қилишга уринсалар-да, ёзув зимлари тил тизими каби вазифа бажармайди. Масалан, графема

фонемани акс эттиради, деб қаралса-да, аксарият алфавитлар бош харф ва кичик харфдан фойдаланади. Мохиятан олганда “а” графемаси ва “а” битта фонемани акс эттирадиган аллограф ҳисобланади.

Учинчидан, тил доимо ўзгариб туради, ёзув эса анъаналарга риоя қилади.

Тўртинчидан, ёзув тизимлари инсон томонидан ўзгартирилиши мумкин. Камол Отатурк Туркиянинг озчиликни ташкил этувчи аҳолисига ўз тилларида гапиришни тўхтатиб, фақат турк тилида сўзлашишни буюра олмасди. Аммо у 1928 йилнинг 3 ноябридан бошлаб турк тили араб эмас, роман алфавитида ёзилишини белгилаб берди. Нух Вебстр америкаликларга инфинитивларни қўшмасдан сўзлашни айта олмади, аммо у “солоур” каби сўзларда “у”ни тушириб қолдиришни тавсия қилди.

Ёзув тизимлари уларнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб таҳлил қилиниши лозим. Асрлар оша ёзувда рўй берган ўзгариш жуда кўплаб тадқиқотчиларни жалб этган ва бу ҳолат бўйича тарихий ҳужжатлар мавжуд. Айни ўринда ёзувнинг келиб чиқиши ва график шаклларнинг фонологик шакллар билан алоқасига эътибор қаратилади.

Одатда, ёзув тизимларининг уч хил кўриниши фарқланади: *логографик*, *бўғинли (силлабари)*, *алфавит*. Бу кетма-кетлик ёзув тизимларининг ривожланиш тарихини ҳам акс эттиради. Барча ёзув тизимлари алфавит босқичида тугайди, чунки алфавит ёзуви “энг яхши” ҳисобланади.

Финикия тили ва бошқа шимолий-ғарбий семмит тиллари бўғинни акс эттиради, деган қараш бўлса-да, финикия тили айнан бўғинни ифодаламайди. Бўғинларни ифодаловчи хинду ва эфиопик ёзувлари эса аслида алфавит ёзувдан ўсиб чиққан. Шимолий-Ғарбий Семит ёзувларини “бўғинли ёзувлар” дейишнинг ўзи нотўғри ва битта ёзувнинг ривожланишига қараб тарихий принцип ҳақида гапириш ўринсиздир.

Уч таркибли типологияни олти таркибли типология билан алмаштириш керак. *Абигудани* (абигуда ундош ва унли кетма-кетлиги битта бирлик сифатида ифодаланадиган ёзув) *силлабарилардан* (бўғинли ёзувдан) алоҳида тип сифатида фарқланса, 6 та босқични ажратиш мумкин бўлади⁸⁸.

⁸⁸ Daniels P.T. (2001). Writing and Language. In The Handbook of Linguistics. Edited by Arnoff, M., Rees-Miller, J. P.65-68.

Ёзув нутқни маълум шакллар орқали ифодалаш воситасидир.

Ёзув ижтимоий эҳтиёж асосида кишилик тарихининг муайян даврида пайдо бўлган ва жамият тараққиёти билан боғлиқ равишда лукаммаллаша борган. Ёзув жамият томонидан қўлга киритилган энг катта маданий ютуқлардан бири ҳисобланади.

Ёзувнинг келиб чиқиши ва тараққиёти жамият тараққиёти билан, маданият даражаси, сиёсий-ҳуқуқий, эстетик туйғуларни қайд қилиш ҳамда кейинги даврга қолдириш эҳтиёжи билан белгиланади. Ёзувнинг асосий вазифаси нутқни узоқ масофага етказиш, кейинги авлодларга қолдиришга хизмат қилишдан иборат.

Ёзма нутқ коммуникатив, эмоционал-экспрессив, аккумулятив функция бажаради. Ёзув орқали кишилар ўз фикрларини бир-бирларига билдирадилар, авлодларга қолдирадилар, минглаб йиллар олддин ўтган воқеа-ҳодисалар, шахслар, урф-одат ва дунёқараш ўғрисида маълумотга эга бўладилар. Ёзув орқали тарихий маълумотларни, ижтимоий воқелик тасвирини, маданий дигорликлар ҳамда маънавий меросни кейинги авлодга етказиш имконияти кенгайди. График белгилар ёзувнинг асосий ифода шаклидир. Ана шундай қийматга эга бўлган ёзув ўз ривожланиш тарихига эга.

Халқлар фонетик ёзувнинг турли – лотин, арман, грузин, лавян, араб ёзуви кўринишларини яратганлар. Қадимги ёзувлар ош, суяк, ёғоч, қамиш каби қаттиқ жисмларга, кейинчалик ергамент ва қоғозга ёзилган. Ёзувлар ўнгдан чапга, чапдан ўнгга ки юқоридан пастга қараб ўқилиши мумкин бўлган.

Тил ва ёзувнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилиш илшунослик фанининг муҳим назарий муаммоси ҳисобланиб, озирги тилшуносликда товушларни, тилнинг фонологик тизимини тасвирлашчи “Фонетика ва фонология” ҳамда ёзув, алфавитларнинг тарихини ўрганишчи “Грамматология” ёки “График лингвистика” деб номланадиган икки илмий йўналиш ажралиб чиқди.

Дунёда 7000 га яқин тил мавжуд бўлиб, бу тилларнинг барчаси ам ўз ёзувига эга эмас. Кўпгина тиллар ифодаси сифатида бир неча тил ёзувлари билан фойдаланилган. Ёзувнинг ўзгариши жамият тараққиётига турли даражада таъсир кўрсатади. Ёзувнинг ўзгариши субъектив ва субъектив омиллар билан белгиланади.

Ўрта Осиёда энг қадимги даврларда яшаган қабилалар, халқларнинг маданий ҳаёти, тили, ёзуви ҳақидаги маълумотлар грек,

эрон, хитой тарихчилари асарлари, тошларда битилган матнлар орқали етиб келган.

Турк хоқонлигининг Буюк ипак йўли ижтимоий-иқтисодий муносабатлари марказида жойлашгани бир томондан, туркий халқларни илғор маданий анъаналар билан таништирган бўлса, иккинчи томондан, турли халқларнинг маданий жиҳатдан яқинлашувида асосий восита сифатида хизмат килди. Ана шу маданият анъаналарининг муҳим қирраси Марказий Осиё халқларининг ёзув маданиятидир. Марказий Осиё худуди қадимдан жаҳон ёзув маданияти тарихида ўзига хос маърифий марказ сифатида қараб келинган. Марказий Осиё халқлари Узоқ Шарқнинг иероглиф ёзувлари изидан бормай, ёзувнинг юксак босқичига хос алифболи, яъни ҳар бир шартли ҳарф белгиси инсон нутқининг айрим олинган товуш бирлигини ифода этадиган фонетик ёзув усулини танладилар. Фонетик ёзув ҳар қандай ёзувнинг ибтидоий турларидан тараққиёт маҳсули сифатида ажралиб туради. Фонетик ёзув йўлини танлаш аждодларимизнинг инсон нутқини илмий ва амалий жиҳатдан чуқур тушунганликларидан, юксак даражадаги филологик билимларидан далолат беради.

Клинопис, миср ва семит ёзувлари қадимги Яқин Шарқнинг дастлабки, асосий ёзувлари сифатида қаралган. Эрамиздан аввалги VI–IV асрларда Ўрта Осиёнинг Эронга яқин худудларида расмий ёзув сифатида клинопис, яъни мих ёзуви ишлатилган.

Семит ёзуви нафақат хинд ёзувига, Марказий Осиёда кенг ёйилган оромий ёзувига ҳам асос бўлди. Оромий ёзувидан, асосан, форсларнинг идора ҳужжатларини ёзишда фойдаланилган. Айрим жойларда халқаро дипломатик муносабатларда оромий ёзуви қўлланган. Оромий ёзуви клинописдан содда ва қулайроқ эди.

Тил ёзма шаклда ҳам инсониятга хизмат қилади. Ёзув – кишилик алоқа-муносабатида зарурий воситадир. Ёзувнинг энг афзал томони – унга вақт ва масофанинг аҳамиятсизлигидир. Ёзув жамиятнинг маданий тараққиёти омилдир.

Турли ёдгорликларда қайд этилишича, эрамиздан олдинги III – I асрларда оромий ёзуви билан бир қаторда юнон ва карошта ёзувлари ҳам ишлатилган.

XVII аср охирилари ва XVIII аср бошларида Шарқий Туркистон қазилмалари орқали бир қатор турли (диний-мистик) йўналишдаги ёзув намуналари топилган. Айрим рўзғор буюмларида тохар ёзуви, бу ёзув асосида шаклланган паҳлавий ёзувига оид намуналар маълум бўлди.

кўчирилган нусхалар асосида В.А.Лившис буғут ёзувининг суғдча эканлигини асослади.


Суғдлар ва турклар ўртасидаги алоқалар VI асрдан бошланган, дейилади. Лекин Буғут битиктоши турк-суғд муносабатлари янада қадимдан бошланганидан далолатдир. Суғд ёзуви намуналари, асосан, ҳужжатлар матнида сақланиб қолган.

Суғд ёзуви эрамизнинг II асридан бошлаб қўлланган. Бу ёзув тахминан VI асргача давом этди.

II аср охири III аср бошларида Хоразм шоҳи хоразм ёзувида пуллар чиқарган. Хоразм шоҳи тамғасида хоразм ёзувидаги битиклар акс этган. Хоразм ёзуви Ўрта Осиёда анча кенг тарқалган бўлиб, оромий ёзувига яқин эди.

Махсус яратилган “Морзе” алифбоси шартли белгилар орқали маълумот ахборот алмашишга асосланади.

Semyuel Morze alifbosi




А•—	Л••••	Ц••••
Б••••	М•—	Ч••••
В•—	Н••	Ш••••
Г•—•	О•••	Щ••••
Д•••	П••••	Ъ•••••
Е•	Р•••	Ы••••
Ж••••	С•••	Ь••••
З••••	Т•—	Э•••••
И••	У•••	Ю••••
Й••••	Ф••••	Я••••
К•••	Х••••	

Тил ёзма шаклда ҳам инсониятга хизмат қилади. Ёзув – кишилик алоқа-муносабатида зарурий воситадир. Ёзувнинг энг афзал томони – унга вақт ва масофанинг аҳамиятсизлигидир. Ёзув жамиятнинг маданий тараққиёти омилдир.




Кўл алифбеси ва кўзи ожизлар алифбеси имконияти чекланганлар учун алоқа-муносабат воситасидир. Кўл ёзуви бармоқлар ёрдамида ҳарфларни тасвирлаш бўлиб, эшитиш қобилиятини йўқотганлар учун хизмат қилади.

Daktil alifbo



Кўзи ожизлар алифбеси Луи Брайл томонидан ишланган, кўриш қобилиятини йўқотганлар учун мўлжалланган. Бунда ҳарфлар 6 ктанинг турли комбинацияси орқали кўрсатилади.

Brayl alifbosi



Ҳозирда дунё тилларида куйидаги ёзувлардан унумли фойдаланилади:

1. Латин ёзуви асосида шаклланган ёзув системалари. Бу ёзувдан дунё аҳолисининг 30 % дан ортиғи фойдаланади.

2. Ҳинд бўғин ёзуви. Бу ёзувдан дунё аҳолисининг 20 %и фойдаланади.

3. Славян-кириллица ёзуви. Бу ёзув туридан фойдаланувчилар дунё аҳолисининг 10 % ини ташкил қилади.

4. Араб ёзуви. Бу ёзувдан дунё аҳолисининг 10 % дан ортиғи фойдаланади.

Савол ва топшириқлар

1. Ёзувнинг пайдо бўлиши ҳақидаги маълумотларни айтинг.
2. Ёзувнинг такомиллашиш жараёни ҳақидаги фикрларингизни билдириг.
3. Пиктографик ёзувга хос хусусиятларни айтинг.
4. Идеографик ёзувнинг озига хос хусусиятларини баён этинг.
5. Пиктографик ёзув ҳамда идеографик ёзувнинг бир-биридан фарқли жиҳатларини тушунтириг.
6. Иероглифик ёзув ҳақида маълумот беринг.
7. Бўғин ёзувига оид фикрларингизни мисоллар билан асосланг.
8. Ёзувни соддалаштириш йўллари ҳақида маълумот беринг.
9. Яхши, юмшоқ, юлдуз, инсоният, концерт, мухлис, ҳушёр сўзларини араб, кирилл, латин ёзувларида ифодаланг, ёзувларнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳланг.
10. Ёзув ўзгаришини “Т-схема” асосида таҳлил қилинг.

Асосий тушунчалар глоссарийси

Ёзув – маълум бир тарихий жараён мобайнида алоқа-муносабатнинг муҳим воситаси, маълум тарихий жараён натижасида шаклланган ва ижтимоий манфаатлар учун хизмат қиладиган мулоқот шакли.

Пиктографик ёзув – воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тафаккур маълумотлари жонли ва жонсиз воситалар орқали ифодаланган ёзув.

Идеографик (логографик) ёзув – рамзлар нарса-буюмларни, тилдаги сўзларни ҳам ифодалаган, маълумот маъноси логограммалар орқали етказиладиган ёзув.

Иероглифик ёзув – ифода этилаётган нарса-буюм хусусиятларини имкон қадар акс эттирган ёзув.

Бўғин ёзуви – бир бўғинни, бир сўзни, бир товушни ифодалайдиган белгиларга асосланган ёзув.

Тест

1. Нутқнинг қандай шакллари мавжуд?

- А) оғзаки, монолог
- Б) ёзма, диалог
- С) оғзаки ва ёзма
- Д) матн, абзас

2. Кишилиқ жамияти тараққиётининг муайян босқичларини, халқ тарихи, этнографиясини адабиёт ва санъат тарихини, тилнинг тарихий тараққиёт босқичларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этадиган нутқ шакли?

- А) сўз
- Б) матн
- С) ёзув
- Д) нутқ

3. Пиктографик ёзувнинг такомиллашиб бориши натижасида қайси ёзув шаклланган?

- А) идеографик ёзув
- Б) фонетик ёзув
- С) бўғин ёзуви
- Д) иероглифик ёзув

4. Қайси ёзувда хабар қилиниши лозим бўлган мазмун анча муфассал акс этади?

- А) логографик ёзувда
- Б) фонетик ёзувда
- С) бўғин ёзувида
- Д) иероглифик ёзувда

5. Қайси ёзувда сўз тартиби ва сўзшакллари ноаниқ?
- А) логографик ёзувда
 - Б) пиктографик ёзувда
 - С) бўғин ёзувида
 - Д) иероглифик ёзувда
6. Қайси ёзув барқарор логограммалардан ташкил топган?
- А) логографик ёзув
 - Б) пиктографик ёзув
 - С) бўғин ёзуви
 - Д) иероглифик ёзув
7. Қайси ёзувда субъективликка, ихтиёрийликка йўл қўйилади?
- А) логографик ёзувда
 - Б) пиктографик ёзувда
 - С) бўғин ёзувида
 - Д) иероглифик ёзувда
8. Қайси ёзувда иероглифлар бўғинларни ифодалайди?
- А) бўғин ёзувида
 - Б) логографик ёзувда
 - С) пиктографик ёзувда
 - Д) иероглифик ёзувда
9. Қайси термин “муқаддас ёзув ” деган тушунчани англатади?
- А) логографик ёзув
 - Б) пиктографик ёзув
 - С) бўғин ёзув
 - Д) иероглифик ёзув
10. Оссурия ва Вавилон миҳ (қозик) ёзуви қандай ёзув турига мансуб?
- А) логографик ёзув
 - Б) пиктографик ёзув
 - С) бўғин ёзуви
 - Д) иероглифик ёзув

11-§. ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛ МЕТОДЛАРИ

Режа:

1. Методларнинг фандаги ўрни.
2. Умумий ва хусусий методлар.
3. Тилшуносликка оид методлар.

Асосий тушунчалар: метод, методика, методология, умумий методлар, хусусий методлар, лингвистик таҳлил методлари, трансформацион метод, компонент таҳлил методи, статистик метод, глоттохронология методи, субституция методи, дистрибутив метод, тавсифий метод, бевосита ташкил этувчиларга ажратилиш методи, квантитатив метод, структур метод, оппозиция методи, “майдон” методи.

Тилшуносликда методология, метод, методика тушунча ва терминлари фарқланади.

Метод – ҳар бир фан учун хусусий ва барча фанлар учун умумий бўлган, манбаларни тўплаш ва тасниф қилиш, улардаги энг асосий хусусиятларни ўрганиш учун тилдаги барча birlikлар, сатҳлар, ривожланиш жараёнларини, ўзгаришларни билиш, аниқлаш учун қўлланадиган услуб ҳамда йўллар мажмуидир.

Методология – (грекча метҳодос – билиш йўллари, илми) белгиланган назария ва принциплар асосида илмий тадқиқ қилиш пойдеворини яратишдир.

Методика – илмий метод натижасида аниқланганларни амалда татбиқ этишдир. Шу мазмунда хорижий тилларга ўргатиш ҳам ўз методикасига эга. Улар интерактив методика, таржима воситасида тилга ўргатиш методикаси деб аталади.

Тилшунослик фанининг ўрганиш соҳаси бўлган тилни ҳар томонлама таҳлил қилиш фан таракқиётига мос методларни такозо этади.

Ҳар бир соҳани таҳлил этувчи ҳар қандай метод қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим.

1. Метод объектив бўлмоғи керак. Методнинг қўлланиш вақти ва ўрнидан қатъий назар, натижа бир хил бўлиши лозим. Субъектив ёндашувлар метод қийматига салбий таъсир кўрсатади.

2. Метод изчил бўлиши, аниқ тушунчаларга асосланиши лозим.

3. Метод универсал бўлиши, яъни соҳанинг асосий бўлимларини (камида тўртта) таҳлил қила олиши керак.

4. Метод фойдаланиш мумкин бўлган даражада содда бўлиши лозим.

Тилнинг гносеологик ва онтологик табиати, билимларнинг турлари, лингвистик тадқиот методологияси ва методлари – умумий ва хусусий методлар, илмий тадқиқот тамойиллари ва аспекти, тилни ўрганишда қўлланадиган тавсифий, қиёсий; тарихий-генетик, глоттохронологик, квантитатив, структур, дистрибутив таҳлил, бевосита иштирокчиларга ажратиш, трансформация, оппозитив таҳлил методлари ҳақида маълумот берилган⁸⁹.

Тилшуносликда талаб даражасида бўлган *бир неча метод* қўлланади. Бу методлар характериға кўра икки хил:

а) умумий методлар;

б) лингвистик таҳлил методлари.

Умумий методлар ижтимоий соҳанинг барча кўринишлари учун амал қиладиган методлардир. Жумладан, умумийдан хусусийға, хусусийдан умумийға, оддийдан мураккабға томон таҳлил қилиш методлари, анализ-синтез, деярли, барча соҳаларда амал қилади. Умумий ва хусусий илмий методлар ўзаро узвий боғлиқдир. Хусусий илмий методлар умумий методларға асосланади. Хусусий методлар фақат бир фан учун хизмат қилса, умумий методлар бир қанча фанлар доирасида қўллана олувчи методлар ҳисобланади.

Лингвистик таҳлил методлари тилшуносликнинг ўзи учунгина хос бўлиб, шу фанға доир илмий хулосалар беришға хизмат қилади.

Ҳозирги замон тилшунослигида лингвистик таҳлил учун қуйидаги методлар қўлланади.

Тарихий-қиёсий метод қиёсий-тарихий тилшунослик асосланадиган бирламчи метод ҳисобланади. Бу метод дунё тилларининг ранг-баранглиги, улар ўртасидаги ўхшаш ва фаркли жиҳатларни қиёслаш асосида шаклланди. Ушбу *метод* қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1. Тилларнинг ўзига хос хусусиятларини ва бошқа тиллар билан ўхшаш жиҳатларини қиёслаш натижасида уларнинг қариндош ёки қариндош эмаслиги аниқланади.

⁸⁹ Нурмонов А. Лингвистик тадқиқот методологияси ва методлари. Танланган асарлар. I жилд. –Т.:Akademnashr, 2012.-Б. 31-82.

2. Қариндош деб топилган тилларни ўзаро қиёсан ўрганиб, улар учун умумий бўлган генетик асос аниқланади; бу тахлит ўрганишда ретроспектив қиёслаш усулидан фойдаланилади. Бунда тилларнинг ҳозирги ҳолатини қиёслашдан тарихий кўринишларига қараб борилади.

3. Тилларнинг тадрижий тараққиёти ўрганилади, яъни тилнинг ҳозирги ҳолатигача бўлган тараққиёт йўлини қиёсан таҳлил қилиш мумкин. Бундай қиёслаш “проспектив қиёслаш” дейилади. Бунда тарихий ёзма ёдгорликлар бошланғич манба сифатида хизмат қилади.

Бу метод *тарихий-генетик (генеалогик) методнинг* шаклланишига асос бўлган. *Тарихий-генетик (генеалогик) метод* тилларнинг фонетик, лексик-грамматик бирликларини қиёслаб, уларнинг ўхшаш белгиларини аниқлаш асосида муайян тил оилаларига бирлаштириб ўрганиш тарихий-генетик метод ҳисобланади. *Тарихий-генетик метод асосчиси Маҳмуд Кошғарий* ҳисобланади. У туркий тилларни хоқонийча-туркча, қипчоқ, ўғуз гуруҳларига бўлган ҳолда, бу гуруҳлар ўртасидаги фонетик, лексик-грамматик фарқлар ҳақида изчил маълумот беради. Шу билан бирга мазкур тилларнинг бир умумий манбадан келиб чиққани ҳақида фикр билдиради.

Кошғарийнинг асари илмий жамоатчиликка маълум бўлмаганлиги сабабли тарихий-генетик метод (XIX асрга қадар) немис олими Август Шлейхер номи билан боғланади. У хинд-европа тил оиласини ўргангани ҳолда, бу оилага мансуб тиллар бир ажоддан, яъни бир бобо тилдан келиб чиққан деган хулосага келади. У тилшунослик тарихида илк бор хинд-европа тилини тиклашга ва шажарасининг тарихий тараққиётини кўрсатишга эришди.

Глоттохронология методи – тил доимо ўсишда, ривожланишда бўлган динамик ҳодисадир. Ана шундай ўзгаришлар даврлар ўтиши билан йиғилиб, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади. Лингвистик воситалар ёрдамида тилнинг келиб чиқиши ва тарихий тараққиёт даврларини белгилаш лингвостатистик ёки глоттохронологик метод асосида амалга оширилади. Бу метод Америкалик олим Морис Сводеш томонидан қўлланилган. У биология фанларидаги радиоуглерод ёрдамида ёшни белгилаш методини тишуносликка олиб кирди.

Субституция методи алмаштириш усулига асосланади. Нутқдаги маълум бир ўринда турган тил бирликлари бошқа муқобили билан алмаштирилиб, ҳосил бўлган услубий ўзгаришлар таҳлил қилинади. Бу метод ёрдамида синоним, антоним, омоним сўзларнинг луғавий маъно тизимида турган ўрни белгиланади.

Дистрибутив метод тил бирликларининг нутқ жараёнида бошқа бирликлар билан бирика олиш имкониятини таҳлил этади. Дистрибутицияни “синтактик имконият” сифатида изоҳлаш мумкин. Масалан, бирор сўз, морфема, фонеманинг бошқа сўз, морфема, фонема билан муносабатга кириш имконияти шу бирликларнинг дистрибутсяси, дейилади.

Дистрибуциянинг **морфологик, синтактик ва лексик-семантик турлари** мавжуд.

Морфологик дистрибуция бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумдаги сўз билан муносабатга кира олишидир: сифат билан от, равиш билан феъл.

Бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи тилшунослик тараққиётининг дастлабки даврлариданоқ амалда бўлган. Бу методга кўра гаплар бўлакларга ажратилади. Бунда сўзнинг гапдаги вазифасига асосланилади. *Гап бўлаклари таҳлили қуйидагича амалга оширилади.*

1. Гапнинг бош бўлаклари (эга ва кесим), иккинчи даражали бўлаклари (тўлдирувчи, аниқловчи, ҳол) ажратилади.

2. Гап бўлаклари вазифасида қайси сўз туркуми келтирилаётганлиги аниқланади.

3. Гап бўлаги вазифасида келаётган сўзларнинг грамматик шакллари (морфологик категориялар) изоҳланади.

Ушбу **метод фақат синтаксис бўлимида** амал қилади. Бу методни қўллашдаги мураккабликлар, деярли, барча тилларда кузатилади.

Бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи ҳар қандай бутунликни, хусусан, гапни ҳоким ва тобелик муносабатида бўлган қисмлардан иборат бутунлик сифатида таҳлил этади. Бу метод **грамматик сатҳда: морфология ва синтаксисда** амал қилади.

Тавсифий метод тилшуносликдаги энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса, у тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга. Тавсиф қилиш методи тилдаги турли ҳодиса ва маълумотларни, унинг сатҳи ва бирликларини изоҳлаб

беради. Бу метод ёрдамида турли тилларнинг *фонетика ва стилистикаси* шарҳлаб берилади. Унинг ўзига хос жиҳати объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Унинг ўрганиш объекти матн ҳисобланади. *Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар* ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади. *Тавсифий метод* маълумотлари бошқа методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради, у ҳам тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради.

Квантитатив метод – тилларни белгилашда ва оилаларга бирлаштиришда квантитатив ва тарихий-генетик методлардан кенг фойдаланилади. Квантитатив метод, даставвал, Америка тилшуноси Э.Сепир томонидан қўлланган бўлса, унинг шогирди Ж.Гринберг томонидан ривожлантирилди. Э.Сепир ва унинг издошлари турли тилларни яхлит ҳолда қиёсий-типологик планда ўрганиш учун ушбу методдан фойдаланган. Ж.Гринберг эса улардан фарқли равишда тилларни бир бутун ҳолда эмас, уларнинг айрим категорияларини, муайян қисмларини бир-бирига қиёслашда ушбу методни қўллаган. Бу метод дунё тилларини муайян белгиси асосида маълум гуруҳларга, тилларга бирлаштириш учун қўлланадиган методдир.

Структур метод ва унинг йўналишлари – тилшунослик тарихида структурализм XIX асрнинг 70 йилларида пайдо бўлди. Структур тилшуносликнинг юзага келишига И.А.Бодуен де Куртене ва Ф.де Соссюр қарашлари асос бўлиб хизмат қилади. И.А.Бодуен де Куртене тилшуносликка функционаллик тамойилини олиб кирди. Бунга кўра лингвистик воситалар нутқ жараёнида бажарадиган вазифасига қараб белгиланади. Бундай тамойил фонетика соҳасида фонема тушунчасининг пайдо бўлишига олиб келди. Швейсариялик тишунос Ф.де Соссюрнинг тилшунослик олдидаги буюк хизмати шундаки, у синхрония билан диахронияни аниқ фарқлаб берди.

Оппозиция методи – қарама-қарши қўйиш, зидлаш методи тилдаги бирликларнинг парадигматик таснифи учун қўлланади. Тилдаги барча бирликлар бир-бирига қарама-қарши бўлиб, ўзаро сўз, морфема, сўз бирикмалари, турли грамматик конструкцияларни

ва гапларни фарқлайди. Оппозиция методи ёрдамида тилдаги бирликлар ўртасидаги турли қарама-қаршиликларнинг умумий гурларини аниқлаш мумкин (бир ўлчовли – а; б; кўп ўлчовли – а: б: д: каби).

Трансформация методи – тилдаги элементлар ва бирликларни гурили гапларда бошқача йўл билан қайта тузишда қўлланади. Трансформациянинг синтаксисдаги элементларни ўзгартиришда қўлланивчи оддий турлари: ўрин алмаштириш, кўшиш, қискартириш ва тушириб қолдиришдир. Бу методни АҚШ олими З.Харрис таклиф этган ва кейинчалик шогирди Н.Чомский алоҳида илмий асосда тадқиқ этган. Бу метод математика ҳамда мантиқдаги баъзи тушунча ва тамойиллардан фойдаланади.

Агар бир турдаги элементларга эга бўлган икки ва ундан ортиқ конструкциялар бир хил ўринда учраса, трансформалар дейилади. Масалан, *Қурувчилар Тошкентда жуда кўп чиройли бинолар қурдилар* – гапида трансформалар қуйидагича бўлиши мумкин: *Тошкентдаги жуда кўп чиройли бинолар қурувчилар томонидан қурилди* (пассив конструкция). *Жуда кўп Тошкентдаги чиройли биноларни қурувчилар қурдилар*. *Жуда кўп чиройли биноларни Тошкентда қурувчилар қурдилар* ва х.к. Юкоридаги трансформалар гапнинг бирор маъносини ўзгартиришга ҳам хизмат қилади.

Трансформацион метод замонавий усуллар ичида энг мукаммал хисобланади. Ушбу метод тилдаги синтактик жараёни тушунтириш имконига эгаллиги билан характерлидир.

Статистик метод тилнинг барча сатҳларида қўлланади, шунинг учун универсал хисобланади. Бу метод тил бирликлари ва тил ҳодисаларининг нутқда ишлатилиш даражасини аниқ кўрсатиб беради.


Компонент таҳлил методи сўзнинг луғавий маъно қўламини алоҳида маъно қирраларига ажратиб таҳлил этади. Бу метод кўп маъноли сўзлар семантикасини ёритишда муҳимдир.

“Майдон” методи. Бу метод лексик-семантик майдон ёки грамматик-лексик майдон ва баъзан майдон назарияси деб юритилади. Лексеманинг барча маъноларини аниқлашда семантик майдон методи қўлланади. Грамматикада турли сўз туркумларининг маънолари **грамматик-лексик майдон методи** ёрдамида ўрганилади. Бунда энг кўп қўлланивчи лексик-грамматик бирликнинг маъноси унинг ядроси, кам қўлланивчилари

периферияси деб номланади. Тилшуносликда ҳали номаълум бўлган тилларни илмий ўрганишда қўлланувчи “майдон тилшунослиги”ни майдон методи билан аралаштирмаслик керак. Майдон тилшунослиги ўрганилаётган тил она тили бўлган шахс (уни одатда “информант” дейилади) турли анкета ва Тест ёрдамида саволга жавоб олиш йўли билан материал тўплайди, фонетик транскрипцияни қўллайди, тилдаги асосий фонологик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятларни тўплаб таҳлил қилади, баъзи тахминий фикрларини келтиради ва зарур бўлса таржимадан фойдаланади. Майдон тилшунослигида қўлланувчи тамойил ва воситалар тилларни қадимий ўрганиш йўллари эслатади. Бу усуллар қалам ва қоғоз ёрдамида тилни билувчи шахсларнинг талаффузига қулоқ солиб, улардаги хусусиятларни аниқлашни ёдга солади. Тилни ўрганишда, умуман, кузатиш, тавсиф қилиш, қиёслаш, тажриба (эксперимент) ўтказиш, дистрибуция, трансформация, маъно майдонини аниқлаш, харита тузиш (тил ёки шеванинг тарқалгани, яъни лингвогеография ҳақида), турли тил бирликлари, элементлари ва воситаларини статистик текшириш ёрдамида қанча ва қаерда учраши аниқланади⁹⁰.

Умуман, тилшунослик соҳасига хос энг умумий ва хусусий қонуниятларни аниқлашда лингвистик методларнинг ўрни аҳамиятлидир.

⁹⁰ *Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. –T.: “Sharq” NMAK, 2010. – B.146-149.*



Савол ва топшириқлар

1. Metod haqida fikr-muloqazalarinigizni bildiring.
2. Umumiy metodlarning xususiyati haqida ayting.
3. Xususiy metodlarning ўziga xos jihatlari ni ёriting.
4. Ҳозирги замон тилшунослигидаги методларни сананг.
5. Бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи ҳақида умот беринг.
6. Трансформацион методнинг функциясини тавсифланг.
7. Дистрибуция методини мисоллар орқали тушунтиринг.
8. Умумий ва хусусий қонуниятларни аниқлашда лингвистик дларнинг ўрни ҳақида ўз фикрларингизни баён этинг.
9. Статистик методнинг тилшуносликдаги аҳамиятини ёriting.
0. Methodларини “кластер” усулида тавсифланг.

Асосий тушунчалар глоссарийси

Компонент таҳлил методи – семантик таҳлилга, семалар талқинига асосланадиган усул.

Лингвистик таҳлил методлари – тилшуносликнинг ўзи учунгина хос бўлиб, шу фанга доир илмий хулосалар беришга хизмат қиладиган методлар.

Метод – объектив, қўлланиш вақти ва ўрnidан қатъи назар, натижаси бир хил бўладиган, изчил, аниқ тушунчаларга асосланадиган, фан учун зарур бўлган билимларни эгаллаш воситаси.

Методология – илмий тадқиқотнинг маънавий-мафкуравий асоси.

Методика – илмий метод натижасида аниқланганларни амалда татбиқ этиш.

Трансформацион метод – кўчириш усули асосида хулоса қилувчи метод.

Статистик таҳлил – натижаларни математик асосда ҳисоблаш усули.

Умумий методлар – ижтимоий соҳанинг барча кўринишлари учун амал қиладиган методлардир: анализ, синтез, статистик методлар.

Тест

1. Методлар характериға кўра қандай турларға бўлинади?

- А) умумий ва хусусий методлар
- Б) соҳа ва тармоқ методлари
- С) умумий ва тармоқ методлари
- Д) соҳа ва тармоқ методлари

2. Қайси методлар ижтимоий соҳанинг барча кўринишлари учун амал қиладиган методлар ҳисобланади?

- А) лингвистик таҳлил методлари
- Б) умумий методлар
- С) хусусий методлар
- Д) ижтимоий методлар

3. Қайси методлар тилшуносликка доир илмий хулосалар беришга хизмат қилади?

- А) умумий методлар
- Б) хусусий методлар
- С) лингвистик таҳлил методлари
- Д) ижтимоий методлар

4. Қайси лингвистик таҳлил методида гап бўлаги вазифасида келаётган сўзларнинг грамматик шакллари (морфологик категориялар) изоҳланади?

- А) бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи
- Б) трансформацион метод
- С) субституция методи
- Д) қиёсий-тарихий метод

5. Қайси метод орқали тилларнинг ўзига хос хусусиятларини ва бошқа тиллар билан ўхшаш жиҳатларини қиёслаш натижасида қариндош ёки қариндош эмаслиги аниқланади?

- А) статистик таҳлил методи
- Б) трансформацион метод
- С) субституция методи
- Д) қиёсий-тарихий метод

6. “Бу метод орқали тилларнинг тадрижий тараққиёти эганилади, яъни тилнинг ҳозирги ҳолатигача бўлган тараққиёт ўлини қиёсан таҳлил қилиш мумкин”. Бу таъриф қайси метод қида?

- А) проспектив қиёслаш
- Б) ретроспектив қиёслаш
- С) проспектив қиёслаш
- Д) аналогик қиёслаш

7. Туркий тиллар нечта гуруҳга бўлинади?

- А) 30 га яқин
- Б) 30 дан ортик
- С) 20 га яқин
- Д) 20 дан ортик

8. Қайси метод алмаштириш усулига асосланади?

- А) компонент таҳлил методи
- Б) трансформацион метод
- С) субституция методи
- Д) қиёсий-тарихий метод

9. Қайси методни “синтактик имконият” сифатида изоҳлаш мумкин?

- А) бевосита ташкил этувчиларга ажратиш методи
- Б) дистрибутив метод
- С) субституция методи
- Д) қиёсий-тарихий метод

10. Қайси метод замонавий усуллар ичида энг мукаммали ҳисобланади?

- А) гап бўлаклари методи
- Б) трансформацион метод
- С) субституция методи
- Д) қиёсий-тарихий метод

12§. “ТИЛШУНОСЛИК ВА БОШҚА ФАНЛАР

Режа:

1. Тил ва тил ходисалари тилшунослик ва бошқа соҳалар предмети сифатида.
2. Тилшунослик ва ижтимоий фанлар.
3. Тилшунослик ва табиий фанлар.

Асосий тушунчалар: тилшунослик ва информатика, компьютер лингвистикаси, когнитив тилшунослик, соңиолингвистика, лингвокултурология, психоллингвистика, нейролингвистика, тилшунослик ва биология, тилшунослик ва медицина, тилшунослик ва тарих, антропология, паралингвистика.

Тил кишилик жамиятида яратилган бўлиб, алоқа воситаси сифатида хизмат қиладиган ижтимоий ҳодисадир. Унинг ижтимоий табиати айрим шахсга эмас, балки жамият учун хизмат қилишида намоён бўлади.

Тил инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида яратган барча маданий ва илмий бойликларини ифодалайдиган, авлодларга мерос қоладиган асосий воситадир.

Тилшунослик ёки лингвистика муайян тилнинг ижтимоий табиати ва жамиятдаги вазифалари, унинг ички тузилиши, фаолияти, тарихий тараққиёти ва таснифига оид фандир. Лингвистика сўзи французча «Linguistique» сўздан олинган бўлиб, тилшунослик демакдир. Унинг асоси лотинча «Lingua» (тил ва нутқ) билан боғлиқдир. Бу фан инсон тилини ўрганувчи мустақил фандир. Маълумки,—тил инсонлар ўртасидаги асосий муомала воситасидир. Тилсиз кишилик жамияти ва халқ яшай олмайди. Тилсиз инсоннинг ўзи ҳам мавжуд бўла олмайди. У инсон учун берилган буюк бир неъмат бўлиб, жамият билан бирга тараққий этади ва шу жамият учун хизмат қилади.

Фанда таъкидланишича, ҳозирги замон фани учта асосий бўлимдан иборат:

- табиатшунослик ёки табиий фанлар (табиатнинг мавжудлиги, унинг тараққиёти ҳақидаги қонуният ва ходисалар);
- ижтимоий фанлар, яъни жамият ҳақидаги фанлар;

- фалсафа табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятларини ўрганади.

Тилшунослик инсон тили ҳақидаги фан сифатида ижтимоий фанлар сирасига киради. Умуман, табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг яқинлашуви натижасида техник фанлар, хусусан, қишлоқ хўжалиги ва медитсина фанлари; табиатшунослик (табиий) фанлари (асосан, физика) билан фалсафа (асосан, мантик)нинг яқинлашувидан математик фанлар, хусусан, математик мантиқ ва кибернетика вужудга келган. Тилшунослик фани ҳозирги замон фанларининг барчаси билан ҳам жуда яқин алоқада бўлади. Чунки, инсон фаолиятининг барча кўринишларида, хусусан, идрок қилиш ва ўзаро мулоқот жараёнларида тил асосий вазифани бажаради. Бундан ташқари, тилшунослик ҳам фанлар системасида бошқа бир қанча фанлар билан узвий алоқада бўлади. «Бу алоқаларсиз тилшуносликнинг ўрганиш объекти бўлган тилнинг ўзига ҳос томонларини очиб бериш мумкин эмас. Масалан, тилшуносликнинг фонетика бўлимида нутқ товушларининг акустик томони физиканинг акустика бўлими маълумотлари асосида ўрганилади. Нутқ товушларининг пайдо бўлишида иштирок этадиган нутқ органларининг вазифасини физиология материалларисиз баён қилиш мумкин эмас ёки нутқ патологияси муаммолари тиббиёт тиббиёт фани билан узвий алоқада ҳал қилинади. Тилшуносликда лисоний бирликларнинг бошқа лисоний бирликлар билан бирикиш имкониятлари ва ушбу имкониятнинг юзага чиқиш масалалари билан шуғулланувчи валентлик назариясининг вужудга келиши бевосита кимё фанининг таъсири билан боғлиқдир»⁹¹.

Тилшуносликда нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, товушларнинг сифат ўзгаришлари каби ҳодисаларнинг асоси физикадаги акустика билан боғлиқлиги, “ҳар қандай товуш тебраниш маҳсули” деган физиканинг олтин қонидаси нутқ товушларига ҳам тааллуқли экани, нутқ товушларининг экспериментал тадқиқи усуллари бевосита физикадаги интонографик, рентгенографик усуллар орқали амалга ошириш мумкинлиги, тилшуносликдаги майдон назариясининг прототипи физикадаги “бирор физик ҳодиса рўй берадиган ёки унинг таъсири сезиладиган фазо” деган тезисга мос келиши, бугунги кунда

⁹¹ Nurmonov A., Yo'ldoshev B. Tilshunoslik varabiiyfanlar. –Toshkent, 2001, 3-b.

семантик майдон назарияси тил сатҳларини семантик аспектда текширишда асосий тамойил бўлиб қолгани таъкидланган.

Ҳар бир фаннинг автоном ҳолдаги тадқиқи унинг ривожланишини таъминлаб бермаслиги, шу фан қоидалари қобиғидан чиқилмаса, бошқа фанлар билан алоқадорликда иш кўрилмаса, муайян муаммони тўлақонли ҳал этиш мушкулдир⁹².

Тилшунослик ва жамиятшунослик. “Ҳар бир тил ижтимоий ҳодисадир, шунингдек, тил жамиятга хизмат қилади. Бу иккаласининг ўртасидаги алоқани ўрганиш мураккаб иш бўлиб, тилнинг ҳам, жамиятнинг ҳам асосларини тушунишга ёрдам беради.

Тил ва жамият, тил ва тафаккур (онг) ўртасидаги боғланиш энг мураккаб ва доимо долзарб ҳисобланади. Социолингвистика тилнинг жамиятдаги ўрни ва хизмати, жамиятнинг турли табақалари ва касб эгалари томонидан қўлланишидаги хусусиятларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилади. Социолингвистикада тилларнинг жамиятда қўлланишига кўра расмий, давлат, элат, қабила тиллари фарқланади. Одатда умуммиллий тиллар давлат ва расмий тиллар сифатида қабул қилинади. Баъзи давлатларда икки, уч ва ундан ортиқ тиллар расмий тил деб эълон қилинган. Ҳиндистонда тиллар кўплиги туфайли 14та тил расмий деб эълон қилинган ва иккинчи расмий тил сифатида инглиз тили қабул қилинган.

Социолингвистикани ижтимоий вазиятдаги “реал ҳаёт” тили қизиқтиради. Формал тилшунослик соддалаштирилган, қандай ўзгариши олдиндан маълум бўлган тил билан иш кўрса, социолингвистика тилнинг ижтимоий феномен сифатидаги мураккабилигини тушунишга ҳаракат қилади. Фердинанд де Соссюр структур тилшунослик асосчиси сифатида тилшуносликни алоҳида фан сифатида ажратган ва тилни ижтимоий факт деб атаган эди.

Социолингвистика – нисбатан янги соҳа. Тилнинг ижтимоий жиҳатлари аввалдан эътиборни тортиб келган бўлса-да, XX асрнинг ўрталаридагина социолингвистика фан сифатида шаклланган.

Тилнинг замон ва маконга кўра ўзгариши қадим даврларда тан олинган. Тарихий тилшунослик ва диалектология бу ўзгаришлар тизимтик ва маълум қолипга эғалигини кўрсатиб бериши билан унинг илмий тадқиқот учун асос бўлишини далиллаган. Кейинчалик

⁹² Нурмонов А. Танланган асарлар. I жилд. –Т.: Akademnashr, 2012.-Б. 15

тил яна бир ўлчамда ўзгариши ойдинлашганда, бу ўлчам на географик кенгайиш, на тарихий илдиз экани маълум бўлгач, тилшунослик ва социология ижтимоий жиҳатдан шартланган тил хилма-хилликларини тушунтириш учун зарур бўлган моделларни таклиф қила олган”⁹³.

Когнитив тилшунослик (инглизча cognize “билмоқ”, “англамоқ”, “тушунмоқ”) фалсафадаги билиш назарияси билан чекланмай, балки тилни тафаккур (онг) билан боғлаб, унинг ҳосил бўлишидаги психологик, биологик ва нейрофизиологик жиҳатларнинг ижтимоий, маданий, лисоний ҳодисалар билан узвий алоқасини чуқур илмий тадқиқ этади. Когнитив тилшунослик психологиядаги тушунча ва концепт бирликлари билан иш кўради.

Концепт тушунчаси асосида маъно ва образ ётади ва улар билим уммумлашмаси сифатида “квант” деб аталади. *Концепт – онг – белги* ўртасидаги боғланиш мия фаолияти орқали бошқарилади⁹⁴. Масалан, “яхшилиқ” концепти барча яхши нарса, белги, хислат, одат ва бошқаларни ифодалаб, ўз “тушунчалар майдони”ни ташкил этса, “ёмонлик” концепти бунинг аксини ифода этади.

Психоллингвистика – психология ва тилшунослик ўртасидаги боғланишлар асосида ҳосил бўлган соҳадир. “Психоллингвистика” термини 1946 йилда биринчи марта АҚШда Н.Пронко томонидан қўлланган ва 1953 йилда Индиана Университетида ўтказилган илмий анжуманда оммалашган. Ҳозирги даврда жаҳоннинг турли мамлакатларида психоллингвистикага оид назария ва методлар мавжуд.

Психоллингвистика нутқнинг ҳосил бўлиш ва эшитиб ҳис этиш жиҳатларини нутқ фаолиятининг жамият, шахс ривожланиши билан боғлиқ равишда мураккаб система ва структура сифатида илмий тадқиқ этади. Психоллингвистиканинг асосий ўрганиш мавзуси нутқнинг ҳосил бўлиши, унинг онгли равишда эшитиб ҳис қилиниши ва болалар нутқининг шаклланишидир⁹⁵. Психоллингвистиканинг хориждаги таълимотига кўра бошқача таъриф ҳам мавжуд. “Психоллингвистика тил ва нутқнинг инсон онгидаги табиати ва структурасига кўра кўзгуси” деб таъриф беради

⁹³ Coulmas, F. In The Handbook of Linguistics. Edited by Arnoff, M., Rees-Miller, J. P. 563-565.

⁹⁴ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангдор, 2006. –Б.15-18.

⁹⁵ Белянин В.П. Психоллингвистика. –М.: Флинта, 2003, -с. 11.

Т.Сковел⁹⁶. Психолингвистика сўзловчи ва эшитувчи психологияси, унинг шароитга боғлиқлиги оддий ва эхтиросга берилган ҳолати, матннинг структураси билан муносабати, турли нутқ бузилиши билан боғлиқ касалликлар (афазия)ни илмий жиҳатдан ўрганади.

XIX аср охири XX аср бошларида тилга ҳақиқий нутқий фаолиятдан айри ҳолда мавжуд бўлган ва қотиб қолган тизим сифатида қаралган. Нутқни эса ушбу тизимнинг амалга оширилиши деб билган кўпгина олимлар уни лингвистика фани предметидан чиқаради ва психологиянинг предмети деб ҳисоблайди. Машҳур психолог С.Л.Рубенштейннинг фикрича, “Нутқда фақат психологик аспект мавжуд”. Тилга нисбатан эса бундай қарашни қўллаб бўлмайди.

Тил инсонлар ўртасидаги алоқа воситаси бўлиши, жамиятдаги жараёнлар тўғрисида хабар бериши билан бирга тингловчига маълум даражада таъсир кўрсатиш хусусиятига ҳам эга. Биламизки, тил имконияти нутқсиз, нутқий фаолиятсиз амалга ошмайди. “Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма шаклда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга киради”⁹⁷. Кишилар ўртасидаги муомаланинг асосий воситаси ҳисобланган ёзма ва оғзаки нутқ психологияга боғлиқ бўлган энг мураккаб нутқий фаолият шаклидир. Ёзма ва оғзаки нутқ юзага келиши, ривожланиш усули, психологик ёндашувлари билан ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади.

Маълумки, инсонда, аввало, оғзаки нутқ шаклланади. Оғзаки нутқ эса бевосита жонли мулоқот жараёнида юзага келади.

Нутқий фаолиятини ўрганиш билан шуғулланган олим Л.С.Виготскийнинг нутққа психологик ёндашуви асосида психолингвистик назария шаклланди. В.П.Белянин фикрига кўра, “*Психолингвистика нутқий ифодаларнинг шаклланиши ва қабул қилиниши қонуниятлари ҳақидаги фандир*”⁹⁸. Демак, нутқий фаолиятнинг нутқнинг шаклланиши, қабул қилиниши каби психологик механизмларини тилшунослик билан бир қаторда психолингвистика фани ҳам тадқиқ этади.

Нутқ мураккаб функционал тизим сифатида бош мия тузилишининг турли соҳаларини нутқий фаолиятга жалб этади.

⁹⁶ Scovel Th. Psycholinguistics. Oxford Univ. Press, 1998, p.4.

⁹⁷ Хайруллаев М., Нақберdiyev М. Mantiq. – Toshkent, 1993. – В.31.

⁹⁸ Белянин В.П. Психолингвистика. – М., 2004.

Биламизки, кўпгина инсонларда бош мияда шиш, бош мияга қон қуйилиши, яллиғланиш ва шунга яқин жароҳатланишлар психик касалликлар натижасида рўй беради. Мияси шикастланган инсонлар ўзгалар нутқини тушунмайди. Бу ҳолатни ўрганиш ва унга ечим топиш учун, нафақат нейрохирургия, балки тилшунослик фани ҳам зарурдир. Нутқнинг қай тарзда қурилиши, қандай механизмларга кўра нутқий фаолият амалга ошишини аниқлаш лозим бўлган. Натижада психоллингвистика фани таркибида нейролингвистика фани юзага келди. Билишнинг алоҳида соҳаси сифатида нейролингвистика XX асрнинг 50-60-йилларида шакллана бошлаган, бу фаннинг юзага келишига тиббиётнинг афазияга чалинганларни даволаш билан шуғулланувчи соҳаси ҳисобланган афазиологиянинг амалий талаблари асос бўлган.

Нейролингвистика фани кўпчилик тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Нейролингвистикага оид талқинларда И.М.Сеченов тадқиқотларига асосланган. Бодуен де Куртене фикрига кўра, *“Психик ҳодисаларни физиологик субстратдан ажратиш бўлмайди, демек, уларнинг барчаси фақатгина тирик мия билан бирга мавжуд бўла олади ва унинг “ўлим”идан сўнг йўқ бўлиб кетади”*⁹⁹.

Нейролингвистика нутқий фаолиятнинг миядаги механизмларини ва мияга маҳаллий шикаст етиши натижасида нутқий жараёнларда содир бўладиган ўзгаришларни ўрганади.

Нейролингвистика фанининг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий босқичлари нейропсихология ва нейролингвистика асосчиси Александр Романович Лурия номи билан боғлиқ. Бу олим нутқий бузилишларни тизимли таҳлил қилишни лингвистика ва психоллингвистиканинг назарий тушунчалари билан умумлаштирган ва тадқиқ қилган.

А.Лурия ҳаёти давомида нутқ муаммоларини: унинг онтогенезинини, функцияларини, бузилишини, мия тузилишини ўрганди ва булар ҳақида *“Очерки психофизиологии письма”*, *“Основные проблемы нейролингвистики”*, *“Язык и сознание”* ва бошқа асарларида маълумот келтирди.

А.Луриянинг 1950-йилда нашр этилган *“Очерки психофизиологии письма”* китобида ва *“Язык и сознание”* монографиясида инсон онгининг шаклланишида нутқнинг ролини

⁹⁹ Бодуэн де Куртене И.А. Из патологии и эмбриологии языка. – Варшава, 1885.

келтириб ўтади ва буни тадқиқот муаммосининг янги жиҳати деб ҳисоблайди. А.Лурия монографияси, асосан, нейролингвистик характерда бўлиб, у нутқнинг вазифаси ва структураси ҳақида ўзининг лингвистик тадқиқотлари билан мия атрофига маҳаллий шикаст етиши натижасида нутқий мулоҳаза ва нутқнинг тушунилишидаги бузилиш шаклларининг фарқлари ҳақидаги нейропсихологик маълумотларни таққослайди. У нутқ ҳодисаларини кузатиш ва ўрганиш болалар нутқини ўрганишга nisbatan мураккаброқ эканлигини таъкидлайди.

Нутқий нуқсонларнинг намоён бўлиш сабаблари ва кўринишлари турли-тумандир. Нутқий нуқсонни ўрганиш тадқиқотчидан нафақат лингвистика ва психология билан, балки инсон физиологияси ва тиббиёт билан ҳам боғлиқ бўлган билимларнинг мажмуасини эгаллашни талаб этади.

Нутқий зоналар нутқий механизмларнинг аниқ локаллаштирилишини намоён қилади. Нутқ механизмларининг мана шу икки: нутқни ишлаб чиқариш ва қабул қилиш каби механизми миямизда турли хил тизим сифатида ажратилган ва улар нормал шароитларда ўзаро боғлиқ бўлади. Мияга шикаст етиши ушбу икки нутқ механизмининг бузилишига олиб келади. Бу эса турли афазик ҳолатларни юзага чиқаради. Миянинг у ёки бу нутқий механизмлари фаолияти бузилишига сабаб бўлувчи зоналарининг шикастланиши билан боғлиқ нутқ бузилишлари турлари **афазия** деб номланади. Нутқ бузилишларининг барчасини ҳам афазияга киритиш мумкин эмас. Нутқ механизмларининг бузилиши натижасида юзага келган нутқий нуқсонлар тил сатҳларидан фойдаланишда намоён бўлади. Шунинг учун нутқ бузилишларини ўрганиш бўйича логопедик ишларни ташкил этишда она тилининг ўзига хослигини ҳам инобатга олиш зарур. Шуни таъкидлаш керакки, нутқда камчилиги бор инсонлар нутқини ўрганишда лингвистика инсонпарвар фан сифатида намоён бўлади.

Психоллингвистикада нутқий ифодаларнинг шаклланиши ва қабул қилиниши каби психологик қонуниятлар ўрганилса, нейролингвистикада мияга шикаст етиши натижасида нутқ механизмларининг бузилиши ва нутқда юзага келган камчиликлар ўрганилади. Нутқ механизмлари ҳаракати мия фаолияти билан боғлиқ бўлиб, нутқ механизмларининг бузилиш сабабларини билиш шахслар нутқдаги камчиликларни аниқлашда ва бартараф этишда

асосий ўрин тутади. Шунинг учун ҳам нейролингвистика ва психоллингвистика бир-бирига боғлиқ бўлиб, нейролингвистика психоллингвистиканинг йўналиши сифатида талқин қилинади¹⁰⁰.

Лингвокультуроология – тил ва маданият, ўзаро маданий алоқа масалаларини илмий асосда тадқиқ этади. “Тил маданият билан боғланган, у маданиятга етиб боради, унда ривожланади ва уни ифодалайди”¹⁰¹.

Бу соҳа фақат маданият билан эмас, балки у орқали турли миллий урф-одатлар, диний ҳодисалар, миллий концептлар, дунёни тил орқали онгли ҳис қилиш воситаларини ўрғанади. Дунёнинг тил харитаси, умуман, уларнинг инсонлар онгидаги мантикий ифодаси билан мос келади. Бу масалани кенг ва чуқур ўрганиш лингвокултурология ва лингвокогнитология билан боғлиқдир.

Тил – маданиятнинг инъикоси бўлиб, унда инсонни ўраб олган реал олам, халқ турмуш тарзи, менталитети, миллий характери, урф-одат, анъаналар, кадриятлари, дунёқараши акс этади.

Этнолингвистика – тилшунослик, этнография ва социология билан боғлиқ бўлиб, тилнинг этнос (халқнинг келиб чиқиши) билан алоқаси ва унинг жамиятдаги ўрнини ўрғанади. Этнолингвистикада тил воситалари ва категорияларининг этник ва ижтимоий жараёнларни ўрганишда қўлланиши таҳлил этилади. Бу соҳа халқ ва элатларнинг келиб чиқиши (етногенез ва этник тарих)ни; халқларнинг моддий ва маданий тарихини (нарсалар, одатлар, тушунчалар, белгилар, рамзлар ва ҳ.к.); халқ тафаккури тарихининг шаклланишини; тил сиёсати; тилнинг тарқалиш жараёни кабиларни ўрғанади¹⁰².

Антропололингвистика – ёзувига эга бўлмаган тилларни ўрганиш соҳасидир. Шу билан бирга у этнолингвистика ва социоллингвистика билан боғлиқ бўлиб, тилнинг инсон маданияти ва ишончига доир андазалар (моделлар) ёрдамида ўрғанади. Антропололингвистика нутқ жамоасини ижтимоий, диний, ҳудудий ва қариндошлик гуруҳлари сифатида фарқлашда лисоний хусусиятларнинг ўзгаришларини ўрғанади. Бунда турли ижтимолий

¹⁰⁰ *Tuxtayeva S.* Neyrolingvistika – psixolingvistika yo‘nalishi sifatida. Metodist. Iltiy maqolalar to‘plami. –Toshkent, 2017. –B.8-12.

¹⁰¹ *Маслова В.А.* Лингвокультуроология. 2-издание. –М.: Академия, 2004. –С. 9.

¹⁰² *Герд А.С.* Введение в этнолингвистику. Изд. Санкт-Петербургского университета, 2005. –С. 7.

шароит, кундалик мулоқот, урф-одат, нутқ маданияти ва савод кабилар эътиборга олинади¹⁰³.

Паралингвистика – (грекча пара – “атроф”, лингвистика – “фан”, яъни “лингвистика теварагидаги фан” маъносини англатади) тилни бошқариб боришда қўлланувчи воситаларни ўрганади. У учга бўлинади: 1) кинесика, яъни имо-ишора, мимика, инсон тана аъзоларини қимирлатиш воситасида бирор тушунчани ифодалаш; 2) фонация – инсон овозидаги ўзгаришлар, масалан, “ох”, “ух”, “вох” каби турли эхтиросларни овоз ёрдамида ифодалаш; 3) параграфемика – ёзувда шахсий белгилар ёрдамида турли тушунчаларни билдириш.

Паралингвистик воситалар турли тилларда сўзлашувчи халқлар томонидан ҳар хил ифодаланади. Оғзаки ва ёзма нутқда ифодаланадиган турли паралингвистик воситалар доим бир-бирига тўғри келмайди. Масалан, қош ва кўз воситасида ифодаланадиган тушунчалар тилдаги сўзлар ва гаплардан кўра мазмунни кучлироқ ифодалайди. Паралингвистик воситалар миллий, шахсий, диний, психологик, этник қарашлар, урф - одат ва маданият билан боғлиқ.

Тилшунослик ва биология. “Тил инсонни бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган асосий белгилардан бири сифатида эътироф этилади. Шунинг учун ҳам унинг илдизлари ва ривожланиши нафақат тилшунослик, балки инсоният эволюцияси нуқтайи назаридан ҳам муҳим. “Тил маданий маҳсулми ёки биологик ҳодиса?” деган савол юзага келади. XX асрнинг биринчи ярмида тил тўлиғича маданий маҳсул, деган фикр етакчилик қилган. Бу бизнинг ақлимиз ва чексиз ўрганиш имкониятларимиз ҳақидаги қарашларга асосланган. Аммо XX асрнинг иккинчи ярмида Ноам Хомскийнинг генератив грамматикаси пайдо бўлиши билан юқоридаги қарашдан тубдан фарқ қилувчи жавоб пайдо бўлди: тил маҳсул бўлиб, у инсон биологик мавжудлигининг бир қисмидир.

Ҳар бир инсоннинг тили мураккаб, яъни у иерархик ташкиллаштирилган (гапдаги сўзлар шунчаки кетма-кетликдан иборат эмас, балки қисм ичида қисм тарзида тузилган) ва рекурсивликни намоён этади (маълум бирликлар худди шу бирликларни ўз ичига олиши мумкин). Ҳар бир халқ ўзининг тўлиқ

¹⁰³ Crystal D. A. Dictionary of Linguistics and Phonetics. Fifth edition. Blackwell Publishing. 2003 –P.26

шакланган тилига эга. Ҳар қандай маданият маданий нутқайи назаридан қанчалар содда бўлмасин, унинг тили “ривожланган” деб аталадиган маданиятларнинг тили билан бир хилда ривожланган, шакланган бўлади. Масалан, Хойсан жамияти бошқа инсониятдан бир қанча узоқ вақт изолятсияда яшаган бўлса-да, уларнинг тилига хос хусусиятлар бошқа тиллар билан бир хилдир. Бу каби ҳодисалар тилнинг биологик асоси мавжуд, деган қарашни қўллаб-қувватлайди.

Фақат инсонлардагина тил мавжуд. Баъзи тажрибалар ҳайвонларни тилга ўргатишга қаратилган эди. Натижада ҳайвонларда символлаштириш қобилияти борлиги ойдинлашди. Масалан, приматларнинг соқовча гаплашишида белгилар кетма-кетлигида семантик ва синтактик структуранинг йўқлиги қайд этилган.

Тилнинг махсус нейрон асослари борлиги ҳақидаги тафсилотлар тўлалигича ойдинлашмаган бўлса-да, тасвир техникаси бу масалани бирмунча аниқлаштиришга эришди. Ўша техник методлар ёрдамида миянинг пешона қисми ва чакка қисмини турли нейрон йўлаклари боғлаб туриши аниқланди. Улар тил билан боғлиқ ақлий вазифаларни бажаришда ўта муҳимдир. Мазкур “йўлак”лардан бири Брока соҳаси билан миянинг чакка қисми орқа томони юқорисидаги мия пўстлоғи билан боғлайди ва у асосий синтактик ҳисоб-китобни амалга оширишни таъминлайди. Бу йўлак приматларда яхши ривожланмаган бўлади”¹⁰⁴.

Тилшуносликнинг хилма-хил ижтимоий, табиий, техник фанлар билан алоқаси, унинг бошқа фанлар орасида тутган ўрни ҳақидаги масала мураккаб ҳисобланади. Тилшуносликни қайси фан сирасига киритиш тилнинг қайси жиҳатини асосий деб қарашга боғлиқ бўлади.

Тилшунослик ва физиология. Фикр ва нутқнинг “механика”сини очишга интилиш тилшуносларни физиологлар ва невропатоологлар билан яқинлаштирди. “Биз қандай гапираимиз?” деган муаммо фақатгина ижтимоий масала эмас, балки физиологик масала ҳамдир.

¹⁰⁴ Victor M. Longa. The evolution of the Faculty of Language from a Chomskyan perspective: bridging linguistics and biology. *Journal of Anthropological Sciences* Vol. 91 (2013). P. 1-48

Инсоннинг сўзлашув қобилияти, асосан, бўғиз ҳиқилдоғининг узилиши туфайлидир. Бу аъзо нафас олувчи бўғизнинг кенгайдиган қисмидир. Унинг деворлари ички томони шиллик парда билан сопланган тоғайдан иборат бўлади. Маълум жойда бу парда иккала омондан қалинлашади ва марказда туртиб чиқади. Булар товуш пайчалари ҳисобланади. Ҳар бир пайча кўплаб кичик мускуллар ёрдамида ҳаракатланади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво пайчаларни тебранишга мажбур қилади ва бу жараён нутқ товушини ҳосил қилади. Аммо бу қандай товуш? Бу товуш пайчаларининг қойлашуви ва жаранглашувига боғлиқ бўлади. Уларни назорат қилувчи мускул тизими организмдаги энг сезгир тизим ҳисобланади. У биз чиқарадиган товушларни талаффуз қилиш мумкинлигини беради. Товуш пайчалари 130га яқин турли ҳолатни галлаши мумкин.

Товуш пайчалари титраганда нафас олиш йўлида бўлган ҳаво сони титрай бошлайди. Аслида, биз ана шу тебранишни ҳис қиламиз. Агар товуш пайчалари жаранглашмаган бўлса, у ҳолда биз тебранади, қисқа тўлқинлар чиқаради ва биз юқори оҳангларни ҳис қиламиз. Ўғил болалар ўн тўрт ёшга етганларида уларда товуш пайчалари ва бўғиз йўғонлашади, товуш эса пасаяди. Шундай бўлса, товушнинг баландлигини, товуш пайчалари орқали ошқаришимиз мумкин. Оҳанг-чи? Сухбатлашганда ёки қўшиқ айтаётганда бўғиз, ўпка, кўкрак қафаси, оғиз ва бурун каби аъзоларнинг ҳар бири товушга тушади. Уларда ҳавонинг тебраниши у ёки бу оҳангни ҳосил қилишга ёрдам беради. Сухбатлашганда қорин, ковуруқ, диафрагма, тил, танглай ва лаблар ҳам иштирок этади. Шундай бўлса, сухбат жараёнини жуда мураккаб ва мукаммал мусиқа ҳосил қилишга ёрдам беради.

Нутқ аппарати ва нутқ товушларининг пайдо бўлиши физиологик негизга эга, чунки нутқий жараёнда ҳис-туйғуларнинг, мускуллар аппарати ва инсоннинг нерв тизими иштирок этади. Зоологлар шимпанзе устида эксперимент олиб ўтди, ёш шимпанзелар одам боласига жуда ўхшашдир. Лекин шимпанзелар инсонлар муҳитида яшаб, дрессировкачи ёрдамида тарбияланса ҳам, инсон нутқи таъсири остида бўлса ҳам гапира олмади.

Қушлар сайрайди, бошқа қушларга тушунарли товушларни чиқаради. Ҳайвонлар мулоқотда хид, ҳаракат, товушлардан

фойдаланади, улар шодлик, ғазаб, қўрқувни ифодалаш мумкин. Аксар ҳайвонлар ўзаро мулоқотда бўлиши мумкин, аммо уларнинг ҳеч қайси бири одам сингари гаплаша олмайди. Яъни бирорта ҳайвон сўздан фойдаланмайди.

Инсон нутқи жуда мураккаб жараён ва бирорта ҳайвон уни такрорлашга қодир эмас. Инсонда бутун бошли органлар тизими мавжуд бўлиб, у нутқ аъзолари ёрдамида сўзлар таркиб топадиган товушларни таллафуз қилади. Бизнинг товуш пайчаларимиз алоҳида усулда титрайди, бўғиз, оғиз ва бурун бўшлиқлари муайян усулда соланади, лаблар, тишлар, пастки жағ, тил ва танглай ўзига хос усулда ҳаракат қилади. Буларнинг барчаси унли ва ундош товушларни талаффуз қилишга мослашган, буни ҳайвонлар такрорлашга қодир эмас.

Ҳайвонлар сўз ва гап тузиш учун товушларнинг бутун бир туркумини талаффуз қила олмайди. Ҳайвонлар нима учун гаплаша олмаслигининг яна бошқа, муҳимроқ сабаби бор. Сўзлар – нарсалар, хатти-ҳаракатлар, тажрибалар, ғоялар рамзи. Масалан, қуш сўзи учадиган жонли объектни ифодалаш учун қўлланган рамз. Бошқа сўзлар унинг ранги, шакли, учиши ва сайрашини ифодалайди. Учинчи гуруҳ сўзлардан қуш ва унинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги фикрни ифодалаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Бирон киши билан мулоқотда бўлиш мақсадида сўзларни қўллаш маълум йўсинда уюштирилган рамзлардан фойдаланишни англатади. Бунинг учун маълум даражада ақл-идрок бўлиши талаб этилади, бу имкониятлар ҳайвонларда йўқ. Шунинг учун улар инсон сингари гапира олмайди. Барча ҳайвонларнинг товуши фақатгина туғма импульслар билан чегараланиб қолади. Ҳайвон боласи товуш чиқаришга ўрганмайди, чунки қаерда бўлишидан қатъи назар барча мушук бир хил миёвлайди, ҳамма кучук бир хил вовуллаяди, инсон жамоасининг тиллари эса турли-тумандир.

Клиник тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мия фаолиятининг бузилиши, нутқ фаолиятининг бузилишига олиб келади. Ҳатто алкохол, қаттиқ толиқиш, кўрқинч туфайли вақтинча мия бузилиши инсон нутқиға таъсир кўрсатади.

Тилшунослар учун невропатологлар томонидан ўрганиладиган афазия ҳодисаси муҳим аҳамиятга эга. Мия қисмларининг шикаст топиши туфайли нутқ бузилиши афазия дейилади (юнонча а – “инкор”, фасис – “нутқ” демакдир). Афазияни ўрганиш мияда

қий марказларнинг жойлашишини англаш имконини беради. Масалан, ҳаракат афазиясида бемор унга айтилган нутқни тушунса ҳам, сўзларни талаффуз қила олмайди. Бунда миянинг чап пешона тўқмаги орқа бурмаларида жойлашган Брока маркази шикастланган бўлади. Агар бош миянинг юқори чакка бурмасида жойлашган Фуркарике маркази шикастланса, акустик афазия содир бўлади. Бундай ҳолда бемор гапира олади, лекин нутқни тушунмайди, унда «онематик эшитиш қобилияти» бузилади. У сўзларни англаб тушунмайдиган шовқиндек қабул қилади, маъносига тушунмайди. У гапни товушларни эшитади, лекин уларни умумлаштириш ва тартиб қилиш қобилиятини йўқотади. Буларнинг ҳаммаси иккиламчи бузилишларга – сўзларнинг нотўғри талаффуз қилинишига, ёзиш қобилиятининг бузилишига олиб келади. Бемор матнни йиңчиликсиз кўчиради, лекин айтиб турилган матнни ёзмайди.

Бош мия қопқоғи қуйи қисми фаолиятининг шикастланиши нутқни қисман тушунишга олиб келади. Бундай ҳолда семантик афазия юз беради. Бемор мантикий грамматик муносабатларни тушунмайди, масалан: «отамнинг акаси» сўз бирикмасини ёки «самнинг отаси», «ёз баҳордан кейин», «баҳор ёздан кейин», «доира бурчак тошда» бирикмаларини фарқлай олмайди.

Миянинг пешона чакка қисмларининг шикастланиши марказ олиятининг бузилишига, яъни нутқий элементларнинг кетма-кет тартибдаги узлуксиз таъминлашга монелик қилади. Бунда бемор нутқни тушунади ва ўзи гапира олади, лекин тўлиқ бир гапни туза олмайди, ҳаммага маълум грамматик қоидаларга ва кесимнинг тартибига риоя қила олмайди. У узиб телеграф усулида гап тиради.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, бош миянинг функцияси бузилишини ўрганиш тилнинг грамматик, фонетик, семантик ҳаётдан таҳлил қилиниши ва нутқ жараёни анализи учун материал беради.

Нутқ марказларини ўрганиш нутқ жараёнини ўрганишга йўл очиб беради. Бу жараёнда инсон ичида ўйлайди, ўз фикрини овоз қилиб намоён қилмайди. Одатда ички нутқ эшиттириб айрилган сўзларнинг олдини олади. Ички нутқда Брока ҳаракати маркази шикастланади, лекин ўчмайди. Мия иштирокидаги жараёнда электр импульслар тарқалиши аниқдир. Ҳозирги вақтда олимлар мия

таркатадиган алоқа тўлқинларини қайд қиладиган электроненсифалогия аппаратини ишлатадилар. Фикрлаш ва нутқ механизмини очиб беришда бу аппарат катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги замон фани мия ва нутқ фаолиятини ўрганишда рус физиолог олимлари И.М.Сеченов ва И.П. Павлов илмий-табiiй методларни татбиқ қилиш асосида инсонлар ва ҳайвонларнинг юқори нерв фаолияти назариясини яратдилар. Шу назарияга мувофиқ, инсонларнинг бутун борлиқни муайян акс эттириши иккинчи сигнал тизимига асосланганлиги билан фарқ қилади. Иккинчи сигнал тизимини нутқ жараёни ташкил қилади. Улар барча кўзғатувчилар каби шартли рефлекторларни чақиради, уларнинг ўзига хос хусусиятлари бор – бу барча ҳайвонларга хос, ташқи дунёни ҳодиса ва аниқ предметларни ифодаловчи 1-сигнал тизимини белгилайди.

Сўз сигналларнинг сигнали бўлиб хизмат қилади. И.П.Павлов фикрича, “ҳайвонлар “*homo sapiens*” пайдо бўлгунга қадар атроф оламни бевосита таассуротлар орқали билган. Уларга турли хил агентлар орқали олий нерв тизимининг мос ҳужайралари рецепторларига таъсир кўрсатган. Бу таассуротлар ташқи объектларнинг бирдан-бир сигналлари бўлган. Инсонда иккинчи даражали сигналлар бирламчи сигналлар белгиси – нутқ жараёни кўринишида ривожланади¹⁰⁵. Ҳар икки сигнал тизими биргаликда амал қилиб келмоқда. Биринчи сигнал тизими ҳис-туйғуни идрок қилиш сигнали, иккинчи сигнал – тушунилган сўз орқали англаш белгисидир.

Тилшунослик тарих, адабиётшунослик, социология, психология, этнография каби ижтимоий, математика, информатика каби аниқ, биология, физика, химия каби табиий фанлар билан алоқадор.

Тилшунослик бевосита тарих билан алоқадор. Тилдаги ўзгаришлар тарихий муҳит, ҳодисалар билан боғлиқ. Нарса-ҳодисани номлашда, хатти-ҳаракатларни баҳолашда, белгиларни акс эттиришда ҳар бир халқ яшаш муҳити, дунёқарашидан келиб чиқиб ёндашади. Тилнинг моҳиятида халқ тарихи ётади. Турли воқеа-ҳодисалар, ижтимоий муносабатлар тилда ўз ифодасини топади. Ҳар бир халқ ўз тарихига эга бўлганидек, тил ҳам ўз

¹⁰⁵ И.П. Павлов. Полн. собр. соч. Т.III. Кн.2. – М. 1952 // Шендельс Е.И. Связь языкознания с другими науками. –М. 1962.

рихига эга. Халклар ўртасидаги муносабат, ҳарбий юришлар, тилолар, мустамлакачилик жараёни луғат фондининг бойиб ришини таъминлаган.

Умумий тилшуносликнинг ривожланиш жараёнини ўрганиш тарихий воқеликни билишни талаб этади. Тилшуносликнинг аниқ объектлари тил бўлса, тарихнинг ўрганиш объектлари тил соҳибидан инсон ўтмиши, маданияти, яшаш тарзидир.

Тилшунослик адабиётшунослик соҳаси билан алоқадор. Бадиий адабиётнинг қуроли сўздор. Бадиий адабиётда сўз орқали тасвирлар акс эттирилади – шеър дунёга келади, воқеа-ҳодисалар вирланади, қаҳрамонлар портрети яратилади – насрий асарлар шаклланади. Адабиётшунослик масалаларида тилнинг ижтимоий аҳамиятидан бири эмоционал-экспрессивлик (ҳиссий таъсир) аҳамияти намоён бўлади. Ёзувчи сўздан қурол сифатида фойдаланади. Бундан ташқари, бадиий адабиётда сўз бадиий санъатнинг воситаси сифатида ҳам истифода этилади. Антоним сўзлардан санъатига, омоним сўзлар тажнис ва ийҳом санъатига, дош сўзлар иштиқоқ санъатига асос бўлади.

Тилшуносликнинг бир қатор фанлар билан интеграциясидан фойдаланиш соҳалар шаклланди. Бу соҳалар тилни ёндош соҳалар билан қўриқтиришда таҳлил қилишга хизмат қилади. Тилшунослик психология билан ўзаро боғлиқ. Социология жамиятни, шахснинг қиёсат хусусиятларини, ижтимоий муносабатларни таҳлил қилади. Тилшуносликнинг социология билан интеграциясидан лингвистика фани шаклланди. Социолингвистика тил ва тилнинг муносабатларини, тилнинг жамиятдаги қўринишларини, қўриқларини ўрганувчи соҳа.

Тилшунослик ва информатика. Тил барча даврларда жамиятнинг муҳим ўрини тутиб келган. Тил ижтимоий тараққиётнинг қуроли бўлиб, шаклланиши, бойиб бориши ва айрим ҳолларда қўриқдан чиқиши билан табиийлик хусусиятини намоён этади. Тилнинг асосий ижтимоий функцияларидан бири коммуникативликдир. Тилнинг эмоционал-экспрессив, аккумулятив функциялари коммуникативлик асосига қўрилган. Шунинг ҳам билан лозимки, тилнинг бошқа функциялари ҳам коммуникативлик билан тенг аҳамият касб этиб бормоқда. Тилнинг эмоционал-экспрессив функция инсонларнинг руҳий-ҳиссий қўриқларини фойдаланади, маънавий эҳтиёжларини қўриқтиришга

хизмат қилса, аккумулятив функция аждодлар меросини авлодларга етказиш, ментал хусусиятларни, халқ дунёқарашини, урф-одат, анъаналарини, турмуш тарзини, маданият даражасини намоён этишда ўз ифодасини топмоқда. Тил тафаккур билан боғлиқ ҳолда инсонни барча жонзотлардан ажратиб турувчи имконият сифатида баҳоланади. Тилсиз тафаккур, тафаккурсиз тил мавжуд бўла олмайди. Тил борлигини англаш, воқелик ҳақида муайян тасаввурга эга бўлиш воситасидир. Тилнинг шаклланиши ва ривожланиши онг, тафаккур ривожи билан боғлиқ. Кишилик жамиятида тилнинг тафаккур омили сифатидаги аҳамияти катта. Тил жамият тараққиётини таъминлаш, ўзаро муносабатларни такомиллаштиришда ўзига хос ўрин тутаяди. Тил тафаккур маҳсули, ўз навбатида тил тафаккур тадрижига хизмат қилади. Тил фикр манбайи экан, у барча соҳалардаги янгиликлар, ихтиролар, кашфиётлар замини ҳамдир. Бугунги кунда тилнинг ижтимоий функциялари янада кенгаймоқда. Тил фанлараро, соҳалараро муносабат асоси сифатида ҳам эътиборга моликдир. Айнан мана шу эҳтиёж туфайли компьютер лингвистикаси фани пайдо бўлди. Компьютер лингвистикаси компьютер тизими имкониятларининг тилшунослик соҳасига татбиқ қилиниши натижасида юзага келди. Компьютер лингвистикаси умумтил асосларини шакллантиришда, тиллар ўртасидаги муносабатларни такомиллаштиришда ўзига хос ўрин тутаяди.

Тилнинг мураккаб физиологик, биологик, ижтимоий ҳодиса сифатидаги аҳамияти икки жиҳатда намоён бўлади. Даставвал, тилнинг ички қонуният асосидаги тараққиётини, турли фонетик, лексик, семантик, грамматик жараёнларни, ментал хусусиятларни мужассамлантирган ҳолдаги такомиллашувини таъкидлаш жоиз. Тил инсонни тафаккур жиҳатдан ривожлантириш омили бўлиши билан бир қаторда ташқи жиҳатдан таъминлаш, яъни ахборот узатиш воситаси сифатида ҳам муҳим қийматга эга. Тил инсонни воқелик билан мунтазам равишда таништириб боради, даврга, ижтимоий турмуш тарзига мос маълумотлар билан таъминлайди. Тилнинг ташқи тараққиёт омили, ахборот, маълумот бериш воситаси сифатидаги аҳамияти глобаллашув даврида, айниқса, яққолроқ намоён бўлмоқда.

XX аср ўрталаридан инсоният тарихида тубдан бурилиш ҳосил қилган глобаллашув жараёни бошланди. “Глобаллашув” сўзи

лотинча “глоб” “курра”, “шар” сўзидан олинган бўлиб, қитъаларо манфаатнинг жадал суръатларда яқинлашуви, бирлашувини англатади. Тез суръатлар билан уйғунлашаётган миллий иқтисод ва миллий маданиятлар учун умумий мулоқот воситасига эҳтиёж сезилади. Шундай вазиятда миллий тиллар иқтисодий, сиёсий, маънавий фикрнинг аниқроқ, тўлароқ ифода этилишига хизмат қилади. Глобаллашув таъсирида бир тилнинг ўзигина ижтимоий эҳтиёжларни қондира олмайди¹¹⁸.

Глобал тараққиётнинг муҳим хусусиятлари соҳаларга техниканинг кириб келиши, компьютер дастурларининг шаклланиши, интеграция жараёни билан белгиланади. Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсида кечаётган интеграция жараёнида табиий тил асосидаги ахборот услубини яратиш ҳаётий заруратга айланди. Бугунги кунда ўзбек тилининг мавқеини юксалтириш, нуфузли тиллар қаторига олиб чиқиш муҳим заруратлардан бири ҳисобланади. Компьютер лингвистикаси мана шу заруратни амалга ошириш учун яратилган қулай имкониятлардан биридир. Ўзбек тилини жаҳон миқёсига олиб чиқиш, дунёвий тиллар сирасига киритиш ва тил ўрганиш ва ўргатишда компьютер лингвистикаси фани муҳим аҳамият касб этади.

XXI аср бошига келиб ахборот технологиялари тараққиёти туфайли глобаллашув жараёни янги босқичга кўтарилди. Инсоният томонидан кўлга киритилган фан, техника, маданият, ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантириш, демократия, қонунчилик, адолатни барқарорлаштириш борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш мамлакатларимизни жаҳондаги ривожланган давлатлардан бирига айлантиришга замин яратади.

¹¹⁸Хоназаров Қ. Глобаллашув ва тил фалсафаси. –Т., 2009. – Б.29-30.

Глобаллашув жараёни барча соҳаларда тезкорликни, тез суръатлар билан ривожланишни талаб этмоқда. Техника тараққиёти маҳсули бўлган компьютер тизими барча соҳаларда қулайликлар яратади, маълумотларнинг тезкор етказиб берилишини, таржима, ахир жараёнларининг қисқа муддатларда амалга оширилишини, урли миллатга мансуб мулоқот вакиллари ўртасида восита ифатида хизмат қилувчи сунъий тил, яъни ахборот-компьютер слубининг шаклланишини таъминлайди.

Ҳозирги кунда жамият тараққиётини техник воситаларсиз асаввур қилиб бўлмайди. Глобаллашув жараёни маҳсули

ҳисобланган компьютер ҳар бир соҳа тараққиётини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби компьютер тизими таълим жараёни тараққиётини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда. Дарсларни кўргазмали ташкил этишда, янги педтехнологиядан фойдаланишда, фаннинг мазмунини таъсирчан, мақсадга мувофиқ етказишда компьютер воситаларининг алоҳида ўрни бор.

Ўзбек тилшунослигида информатика билан лингвистиканинг бир бутун ифодаси сифатида “компьютер лингвистикаси” йўналиши шаклланди. Компьютер лингвистикаси фақат тилшунослик соҳасида эмас, балки бошқа соҳалар тараққиётини таъминлашга ҳам хизмат қилмоқда.

Даставвал, компьютер лингвистикаси тилнинг ахборот-коммуникатив функциясини ривожлантиришда аҳамиятлидир. Компьютер лингвистикаси ҳозирги кунда хорижий тилларнинг, айниқса, инглиз тилининг ахборот-коммуникатив функциясини такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Шу боис инглиз тилининг қўлланиш ҳудуди билан бир қаторда соҳалар бўйича истеъмол даражаси янада ошмоқда. Негаки, компьютернинг ишлаш тизими, дастурлар, асосан, инглиз тилида. Бу борада рус тилида ҳам бир қатор ишлар қилинган.

Компьютер лингвистикаси ўзбек тилшунослигида янги соҳа сифатида шаклланди. Компьютер лингвистикасига доир тадқиқотлар юзага келмоқда. Аммо бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳали олдинда. Компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг ахборот услубини шакллантиришга, ахборот-коммуникатив функциясини таъминлашга хизмат қилади. Компьютер лингвистикасидаги бир қатор муаммоларнинг, жумладан, ўзбек тилидаги маълумотлар базасининг яратилиши, электрон луғатларни шакллантириш, компьютер лексикографиясини такомиллаштириш, конкорданс, тезауруслар яратиш таълим жараёнидаги бир қатор муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Хусусан, тил ва адабиёт таълими жараёнини такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади.

Компьютер лингвистикасининг ўзбек тилшунослиги тараққиётида, ўзбек тили таълими жараёнидаги ўрни аҳамиятлидир. Ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришда, ахборот-коммуникатив имкониятларини такомиллаштиришда, функционал доирасини кенгайтиришда АКТ ва компьютер лингвистикаси имкониятларидан фойдаланиш муҳимдир. Ўзбек тилининг сўз

бойлиги ҳақида маълумотга эга бўлишда, тилшунослик фани бўлимлари, грамматик тизим қонуниятларини ўрганишда лингвистик ҳодисалар, грамматик жараёнларни тақдим қилиш, компьютер луғатларидан фойдаланиб изоҳлаш, лексемаларнинг семантик имкониятларини ақс эттириш, уядошларини, синонимларини тезаурус орқали ёритиш амалий натижалар беради.

Компьютер тизими ва компьютер лингвистикаси ўзбек тили имло қоидаларини тушунтиришда ва етказишда ҳам муҳим восита сифатида хизмат қилади. Компьютер лингвистикасининг такомиллаштирилиши, ўзбек тилидаги маълумотлар базасининг яратилиши жойларда, эълон ва афишаларда, реклама матнларида йўл қўйилаётган имловий нуқсонларни ҳам бартараф этишга хизмат қилади.

Тил ўргатишда ҳам АКТ, компьютер лингвистикасининг ўрни аҳамиятли. Тил ўргатиш жараёнини автоматлаштириш, замонавий педтехнологияни компьютер воситалари билан мувофиқлаштириш, ўзбек тилидаги ўқитиш, иш олиб бориш дастурларини яратиш, ахборот услуги ва расмий услуб қолипни шакллантиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Савол ва топшириқлар

1. Тилнинг жамият ҳаётида муҳим ўрин тутиши ҳақидаги фикрларингизни баён қилинг.

2. Тил ва жамият муносабатини ёритинг.

3. Тилнинг ижтимоий табиатига хос хусусиятларни айтинг.

4. Тилнинг ижтимоий вазифаларини мисоллар асосида тушунтиринг.

5. Тилнинг жамият таракқиёти жараёнида юзага келиши ҳақида фикр билдиринг.

6. Тилнинг табиий-биологик, физиологик хусусиятлари ҳақида сўзланг.

7. Тилни бошқа ижтимоий ҳодисалардан ажратиб турадиган энг асосий хусусиятини баён этинг.

8. Тилшуносликнинг аниқ фанлар билан муносабатини ёритинг.

9. Унли товушларнинг юзага келиш жараёнини тушунтиринг.

10. Қуйидаги тасвир асосида тилшунослик ва ижтимоий, аниқ ҳамда табиий фанлар муносабати ҳақида фикр билдиринг.

Асосий тушунчалар глоссарийси

Компьютер лингвистикаси – тилшуносликнинг, дастлаб, математика, техника асрида информатика билан алоқадорлиги асосида юзага келган соҳа.

Лингвокультурология – тил ва маданият муносабати асосидаги фан.

Психолингвистика – тилшуносликнинг психология билан алоқадорлиги асосида юзага келган соҳа.

Социолингвистика – тил ва жамият ҳақидаги фан.

Тилшунослик ва биология – тилни онгли биологик мавжудотнинг ижтимоий маҳсули сифатида ўрганишда намоён бўлувчи муносабат.

Тилшунослик ва медицина – тилни физиологик жараён маҳсули сифатида ўрганишда намоён бўлувчи муносабат.

Тилшунослик ва тарих – тилни тарихий тараққиёт маҳсули сифатида ўрганишда намоён бўлувчи муносабат.

Тест

1. Тилнинг иккинчи сигнал тизими сифатидаги хусусияти қайси фан билан алоқадорлигида намоён бўлади?

- А) биология фани билан
- Б) химия фани билан
- С) социология фани билан
- Д) физика фани билан

2. Фанлар интеграцияси нимани ифода этади?

- А) фанлар тараққиётини
- Б) фанларнинг умумий масалаларини
- С) фанларнинг масалани биргаликда ҳал қилиш мақсадида бирлашишини
- Д) фанларнинг тармоқлашувини

3. Қайси методлар ҳам тилшунослик, ҳам бошқа соҳаларда фаол қўлланади?

- А) умумий методлар
- Б) хусусий методлар
- С) лингвистик таҳлил методлари
- Д) ижтимоий методлар

4. Тилшуносликда қўлланадиган физикага оид методни топинг.

- А) семантик майдон
- Б) валентлик
- С) статистика методи
- Д) киёсий метод

5. Тилшуносликда қўлланадиган химияга оид тушунчани белгиланг.

- А) статистика методи
- Б) валентлик
- С) семантик майдон
- Д) киёсий метод

6. Тилшуносликда қўлланадиган математикага оид методни топинг.

- А) семантик майдон
- Б) валентлик
- С) статистика методи
- Д) киёсий метод

7. Нутқ жараёни, нутқ механизми, нутқнинг шаклланиши ва юзага чиқиш жараёнини таҳлил қилувчи соҳани белгиланг.

- А) социолингвистика
- Б) психолингвистика
- С) нейролингвистика
- Д) амалий тилшунослик

АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР ИЗОҲИ

Аббревиатура (итал. *abbreviatura* <лот. *abbrevio*– қисқартираман) – қисқартма сўзлар.

Абзац (нем. *abzatz* < *absetzen* – сурмоқ, нари сурмоқ) – хат боши

Адабий меъёр – тил бирликларининг адабий тил қондаларига мос ҳолда, намунали тарзда қўлланишини белгиловчи меъёр.

Адабий тил – умумхалқ тилининг ишланган, сайқал берилган, маълум меъёрга солинган, халқнинг турли маданий эҳтиёжларига хизмат қилувчи шакли.

Агглатив тиллар – сўз ясалиши ва шакл ясалиши агглютинация йўли билан а малга ошадиган тиллар. Мас. туркий тиллар, фин-угор тиллари.

Агглютинация (лот. *agglutinare* – “ёпиштирмак”) – 1. Сўз ясалиши ёки шакл ясалиш асоси ўзгармаган ҳолда янги сўз ёки сўз шакли ҳосил бўлиши. Бунда ҳар бир аффикс маълум бир маъно, вазифа билан қатнашади. Мас. туркий тилларда, жумладан, ўзбек тилида ясама сўзлар ва сўз шакллари асосга маълум изчиллик билан аффикслар қўшиш орқали ҳосил қилинади ва бу аффиксларнинг ҳар бири ўз маъноси билан қатнашади: *сув-чи-лар-имиз-ни*. 2. Икки сўз (асос)нинг бир сўзга, бир сўз шаклига айланишидан иборат морфологик жараён. Мас., эчкини эмар > эчкемар.

Акустик фонетика (юн. “товуш, товушга оид”) – экспериментал фонетиканинг нутқ товушлари ҳосил бўлишини юзага келган товуш тўлқинлари аспектида ўрганувчи бўлими. Акустик жиҳатдан товушнинг бир қатор белгилари фарқланади: 1) товуш кучи; 2) т о в у ш б а л а н д л и ги; 3) товуш тембри; 4) товуш чўзиқлиги.

Акцент (лот. “урғу”) – бошқа тил бирликларини она тилининг фонетик хусусиятлари асосида талаффуз қилиш.

Аксентема (лот. “урғу”) – бўғиндаги урғунинг кучли ва кучсизлиги.

Аксентология (лот. “урғу”; юн. *logos* “сўз ҳақида таълимот”) – фонетиканинг урғуни (урғунинг табиати, типи, вазифасини) ўрганувчи бўлими.

Амалий тилшунослик – тилшуносликнинг лингвистик масалаларни (мас., машина таржимаси) ҳал этишни ҳисобга олган

ҳолда амалий йўл билан ўрганувчи соҳалари (экспериментал фонетика, лексикография, лингвостатистика каби).

Аморф тиллар (юн. “шаклсиз”, “шаклга эга бўлмаган”) – аффиксларга эга бўлмаган, сўзлар орасидаги грамматик алоқалар битишув йўли билан ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ифодаланадиган тиллар. Мас., хитой тили.

Аналитик тиллар (юн. “ёйик, ёйилган”) – грамматик маънолар (гапда сўзларнинг ўзаро муносабати) сўз шакллари (шакл ясовчи кўшимчалар) воситасида эмас, балки ёрдамчи сўзлар, сўз тартиби, оҳанг ёрдамида ифодаланадиган тиллар. Мас., инглиз, франсуз, испан тиллари аналитик тиллар гуруҳига киради.

Аналогия (юн. “мувофиқлик, мослик, ўхшашлик”) – тил ва нутқ бирликларининг (сўз ясалиши, шакл ясалиши ва б. моделларнинг) муносабатидаги ўхшашлик, махсулдор бўлган ходисанинг бошқасига ёйилиши: Аналогия йўли билан ўзгариш. Аналогия асосида ясалиш. Мас., қара ўтимсиз феълининг кўр ўтимли феълига сионим сифатида қўлланиши (чўчимаслигини қара), шунингдек, кўр кўмакчи феълига қара, боқ феълларининг синоним сифатида қўлланиши (ўкиб кўр, ўкиб қара, ўкиб боқ) ҳам аналогия натижасидир. Аналогия асосида баъзан, нотўғри ясалишлар ҳам юзага келиши мумкин: гулчи қолипида сомсачи, пиёзчи, картошқачи каби. ...бунинг натижасида ўқув юртини танлашда келишмовчиликлар ва янглишмовчиликлар келиб чиқади (Газетадан). Бу мисолда янглишмовчилик сўзи нотўғри қўлланган. Унинг қўлланиши англашилмовчилик сўзи таъсиридадир.

Анологистлар (анологистс) – “нарса билан унинг номи орасида муайян боғланиш бор. Бу боғланиш нарсаларнинг хусусиятларидан, табиатидан келиб чиқади ва бу боғланиш илоҳий куч томонидан ўрнатилган” деган қараш тарафдорлари.

Аномалистлар (аномалистс) – “тилда нарса номи билан нарса орасида ҳеч гандай боғланиш йўқ, бу номлар мазкур тилда гаплашувчилар томонидан яратилган, демак, тил Инсон томонидан яратилган”, деган қараш тарафдорлари.

Аньанавий тилшунослик – тилшуносликдаги фақат тил бирликлари ва тузилишининг ички муносабатлари, алоқадорликларини ёритиш билан бирга тил ва тафаккурнинг ўзаро муносабати, тилнинг жамият билан, шу тилда сўзлашувчи жамоа

билан алоқаси каби масалаларини ўрганишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўйган йўналишлар.

Апокопа (юн. “қискартириш”) – сўз охиридаги товуш ёки товушларнинг тушиб қолиши, натижада сўзнинг қисқариши. Мас., кел>ке, тўрт>тўр каби.

Апостроф (юн. “четга ёки орқага қараган”) – чет тилга оид исмлар таркибидаги айрим қисмларни ажратиб талаффуз этишни, фонетик транскрипсияда ундошларнинг юмшоқлигини кўрсатиш учун сатр устига қўйиладиган белги.

Арго (фран. “жаргон”) – ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифа (масалан, талабалар, спортчилар, ўғрилар ва б.)нинг ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат ясама тили. Мас., колхоз – чиптасиз йўловчилар (хайдовчилар тилида).

Ареал лингвистика – 1.Тилшуносликнинг лингвистик ареалларни ўрганиш билан шуғулланувчи соҳаси. 2.Тилшуносликда лингвистик ареалларни ўрганишга алоҳи- да эътибор берувчи йўялиш.

Артикуляцион база – бирор тилга хос товушларни талаффуз этиш кўникмалари, артикуляциялар тизими.

Артикуляция усули – товуш ҳосил бўлишида иштирок этувчи нутқ аъзоларининг бир-бирига нисбатан бўлган ҳолати натижасида ҳаво оқимининг сирғалиб ўтиши портлаб чиқиши.

Артикуляция ўрни – товуш ҳосил бўлишида қатнашувчи нутқ аъзоларининг бир-бирига яқинлашиб, ҳаво оқимида тўсиқ ҳосил этадиган нуқтаси.

Архаизм (юн. “қадимги”) – маълум давр учун эскирган, истеъмолдан чиқа бошлаган тил бирлиги (сўз, фразеологизм ва б.). Мас., очун (дунё, олам), осиг (фойда) ва б.

Ассимиляция (лот. “ўхшашлик”) – бирор товушнинг бошқа товуш таъсирида унга ўхшаши (бир хил бўлиши): ошши<ошни, туссиз<тузсиз каби. Ассимиляциянинг бир неча тури фарқлалади: т ў л и қ а с с и м и л я ц и я; тўлиқсиз ассимиляция; прогрессив ассимиляция; регрессив ассимиляция; ёндош ассимиляция (дистант ассимиляция).

Ассонанс (фран. “оҳангдошлик”) – айнан ёки яқин унлиларнинг такрорланиши натижасида юзага келадиган оҳангдошлик. Мас., қуйидаги мисолда ассонанс ў унлиси асосида юзага келган: кўм-кўк, кўм-кўк, кўм-кўк... Кўклам қуёшидан кўқарган қирлар...

Ассоциатив грамматика – сўз, сўз бирикмаси ва гапларни парадигматик планда, тил унсурлари сифатида ўрганувчи грамматика.

Ассоциация – тил бирликларининг шакли ёки мантикий-семантик белгисига кўра ўзаро бирлашуви.

Афазия (юнон. *aphasna*, а – инкор, *phasis* – нутк) – мия муайян қисмларининг, одатда, чап ярим шарнинг шикастланиши туфайли вужудга келган нутқий бузилиш. Афазия мияга қон қуйилиши (инсулт), мия ўсимтаси, бирор бир механик шикаст туфайли вужудга келади. Агар миядаги нутқий зоналарнинг ҳаммаси шикастланса, тотал афазия юзага келади. Бундай ҳолатда нутк умуман йўқолади ва уни тушуниш амалга ошмайди. Агар миянинг нутқий зоналаридан бири ишлаб кетса, қисман афазия вужудга келади.

Аффикс (лот. *affixus* “бирлаштирилган, бириктирилган”) – сўзга (лексемага) зид қўйиладиган (лексик маънога эга бўлмаган), ўзи қўшиладиган асоснинг луғавий ёки грамматик маъноларининг шаклланишига хизмат қиладиган морфема; кў- шимча. Мас., *терим-чи-лар* - *имиз-ни*. Аффикслар вазибаларига кўра икки асосий турга бўлинади: 1) сўз ясовчи аффикслар; 2) шакл ҳосил қилувчи аффикслар. Аффикслар сўзнинг бошига, ўртасига ёки охирига қўшилиши мум- кин. Сўзнинг бошига қўшиладиган аффикслар *п р э ф и к с*, ўртасига қўшилувчилари *инфикс*, охирига қўшиладиганлари *суффикс* дейилади. Узбек тилидаги аффикслар, асосан, сўзнинг охирига, баъзилари сўз олдидан қўшилади, яъни суффикс ва префикс характерида бўлади.

Билингвизм (лот. “*икки марта*”+лингва “*тил*”) – *айн* – икки тиллилик, икки тилда эркин фикрлай олиш, икки тилни бир хилда эгаллаш.

Бобо тил – генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ тилларнинг келиб чиқиши ва тараққий этиш манбайи (асоси) деб қараладиган тил; киёсий-тарихий метод билан тикланадиган лингвистик модел.

Бўғин (*syllable*) – бир ёки бир нечта товушдан ташкил топиб, бир зарб билан талаффуз қилинадиган фонетик бирлик.

Бўғин ёзуви (*syllabic writing*) – график шакл бўғиннинг ифодаси учун хизмат қиладиган ёзув. Мас., япон ёзуви. Бу ёзувда иероглифлар бўғинларни ифодалайди. Бўғинли ёзувда бир бўғинни, бир сўзни, бир товушни ифодалайдиган белгилар қўлланган.

Воляпюк (ингл. “дунё”, “гапирмоқ, яъни дунё тили”) – 1880 – йилда немис католик руҳонийси Шлейхер томонидан тавсия этилган халқаро сунъий тил.

Вулгаризмлар (лот. “оддий, содда”) – дағал сўз, ибора.

Гап (сентенсе) – грамматиканинг йирик ва мустақил бирлиги.

Генеологик тасниф (генеологис классификацион) – тилларни қариндошлик муносабатига, келиб чиқиш асосларига кўра гуруҳлайдиган тасниф.

Глоссарий – бирор асар, айниқса, қадимги асарлардаги эскирган ва кам қўлланидиган, тушунилиши қийин бўлган сўзлар изоҳи.

Глоттогоник жараён – тилнинг пайдо бўлиш ва тараққиёт жараёни.

Глоттогония (юн. “туғилиш”) – 1. Тилнинг келиб чиқиши. 2. Тилнинг келиб чиқиши ва тараққиёти ҳақидаги таълимот.

Грамматика (юн. граммат “ҳарф ўқиш ва ёзиш санъати”) – 1. Тилшуносликнинг сўз шакллари (шакл ясалиши), сўз бирикмалари турлари, гап турлари (тилнинг грамматик қурилиши) ҳақидаги бўлими. Ўрганиш манбайи, материали ва вазифаси нуктайи назаридан грамматиканинг бир неча тури фаркланади: 1) тарихий грамматика; 2) тасвирий грамматика; 3) формал грамматика. Ўзаро қардош ёки қардош бўлмаган тиллар грамматик қурилишни солиштириб ўрганишига кўра грамматиканинг икки тури фаркланади: 1) чоғиштира грамматика; 2) қиёсий грамматика.

Грамматик категория (grammatical category) – бир хил грамматик ҳодисалар, айниқса, шаклидан қатъий назар, грамматик сўзлар мажмуи, йиғиндисидир. Грамматик категориялардаги бир хиллик грамматик шаклларга, грамматик вазифага қараб белгиланади.

Грамматик маъно – сўзнинг шаклий қисми, грамматик шакли ифодаладиган маъно. Мас., -лар қўшимчаси отга хос кўплик маъносини (дўстлар, боғлар каби), – яп аффикси феълга хос ҳозирги замон маъносини (келяпти, сўрапти каби) ифодалайди.

Грамматик шакл – грамматик маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган тил воситалари. Мас., ёздиришман феъли таркибида орттирма нисбат, ҳозирги замон, биринчи шахс бирлик маъносини ифодаловчи шакллар қатнашган. Грамматик шакл аффикслар ёрдамида ёки ёрдамчи сўзлар воситасида ҳосил қилинади. Шунга

кўра грамматик шаклнинг икки тури ўзаро фарқланади: 1) с и н т э т и к ш а к л; 2) аналитик шакл. Грамматик категорияга бўлган муносабатига кўра грамматик шаклнинг икки тури фарқланади: 1) категориал шакл; 2) нокатегориал шакл ёки ф у н к с и она л ш а к л.

Графика (graphics) – ёзув тарихи ва ёзув бирликлари: харф, графема, алифбо тизимини ўрганувчи тилшунослик бўлимидир.

Денотат (лот. “белгиламоқ”) – тил бирлиги (мас., сўз) ёрдамида номланувчи (аталувчи) воқелик, нарса-буюм. Мас., юз, афт, башара, чехра, турк сўзлари бир предмет (денотат)нинг турли номларидир.

Денотатив маъно – денотат билан бевосита боғлиқ бўлган, бевосита денотатни билдирувчи маъно.

Диалект (юн. “шева, лаҳжа”) – умумхалқ тилининг сон жиҳатдан нисбатан кам бўлган, бироқ худудий, касб-хунар ва б. жиҳатдан умумийликка эга бўлган кишилар томонидан қўлланадиган кўриниши. Касб-хунар лексикаси. Сотсиал диалект, Маҳаллий (худудий) диалект.

Диакрония (diachrony) – тил тараккиётини тарихийлик нуқтайи назаридан қиёсий аспектда таҳлил қилувчи метод.

Диглоссия (diglossy) – бир миллий тилнинг турли убкодларида гапира олиш, шароит ва мулоқот доирасига боғлиқ олда, тилнинг бир субкодидан иккинчи бир субкодига кўчиш, бир ил доирасидаги турли услублардан фойдалана олиш. Диглоссия”термини нафақат бир миллий тилнинг турли убкодларида гапириш, балки турли тилларни билиш ва уларни улоқот вазиятига кўра галма-гал қўллай олишни ҳам англатади.

Дивергенция – ўзгаришга сабаб бўладиган позитсион ароитларнинг йўқолиши натижасида фонема вариантларининг онологизатсияланиши, бир фонеманинг икки фонемага ажралиши.

Диереза (юн. “бўлиниш”) – қатор ундошлардан бирининг симилятсия ёки диссимилятсия натижасида тушиб қолиши. Мас., слон>аслон.

Динамик урғу – товуш кучининг ўзгаришига (интенсивлигига) осланадиган урғу. Динамик урғуда интенсивлик етакчи бўлади.

Диссимиляция (лот. “ноўхшаш”) – сўздаги бир хил ёки бир-рига қисман ўхшаш товушлардан бирининг артикулятсион ҳатдан фарқ қиладиган бошқа товуш томон ўзгариши. Диссимилятсия жуда кам учрайдиган ҳодиса бўлиб, асосан, машув нуткида юз беради: транвай (трамвай ўрнида), зарал

(зарар ўрнида) ва ҳ. Диссимиллятсиянинг икки тури фаркланади: к о н т а к т д и с с и м м и л я т с и я; дистант диссимилляция.

Дистант ассимиляция – ёнма-ён бўлмаган ундошлар ассимилятсияси. Мас., мошкичири – мочкичири каби.

Дистант диссимилляция – ёнма-ён бўлмаган ундошлар диссимилляцияси. Мас., зарал (зарар).

Дистант ҳолат (лот. “оралиқ”) – тил бирликларининг бир-биридан ажралган, узоқлашган ҳолатда жойлашуви. Мас., эга ва кесимнинг дистант ҳолати: Азиз ўша куни ярим тунгача у х л о л м а д и (У. Усмонов).

Дистрибутив метод. Структурал лингвистикада тил унсурларини муайян тилга хос қонун-қоидалар асосида бўлиш методи.

Дистрибуция (лот. “ажратиш, тарқатиш”) – бирор тил бирлигининг нутқда бошқа тил бирликлари қуршовида ишлатила олиш ўринлари. Дистрибуциянинг қуйидаги турлари бор: 1) кўшимча дистрибуция; 2) эркин алмашиниш д и с т р и б у ц и я с и; 3) контраст д и с т р и б у ц и я в а б.

Дифтонг (юн. “икки қарра”+ “овоз, товуш”) – икки товушдан таркиб топган унли бир бўғин таркибида келувчи, шунга кўра бир товушга яхлитланувчи унли. Дифтонг ўзбек тилида деярли йўқ.

Дифференциация (лот. “фарқланиш”) – 1. Тил бирликларининг шакл, мазмун ва бошқа жиҳатдан ўзаро ажралиши, қатламланиши. Мас., артмоқ ва арчмоқ феълларининг (фонетик ва маъно жиҳатдан ўзаро алоҳидаланиши; ишлар, келар феъл шаклининг гумон ифодаловчи шаклга айланиши унинг ишлайди, келади шакли билан дифференцияланиши натижасидир.

Энклитика (enclitics) – урғули сўздан кейин келиб, оҳанг жиҳатдан унга қўшилиб кетадиган сўз.

Этимология (etymology) – сўзларнинг бошланғич маъноси ва шаклида бўлган ўзгаришларни аниқлайдиган, ўрганадиган соҳа.

Флектив тиллар (flective language) – ўзак морфема ва аффиксал морфема чегаралари сезилмайдиган, янги сўзлар ўзак ўзгариши асосида юзага келадиган тиллар.

Фонема (phonema) – сўз, сўз шакллари ва морфемаларни шакллантирадиган, маъно фарқлаш учун хизмат қиладиган энг кичик, бошқа бўлақларга бўлинмайдиган тил бирлиги.

Фонетика (phonetics) – тилшуносликнинг нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, типлари, товушлар ўзгариши, бўғинлар, уларнинг тузилиши, типлари, структураси; урғу, урғу типлари ва интонация ҳақидаги тармоғи.

Фонология (phonology) – нутқ товушларининг вазифавий қийматини ўрганадиган соҳа. Фонологиянинг ўрганиш манбайи фонемадир.

Фраза (phrase) – нутқнинг енг катта, икки томондан пауза билан чегараланган, ўзига хос оҳангга ега бўлган фонетик бирлиги. Фразалар тактдан ташкил топади.

Хукм (decision) – хукмронлик, ҳокимият, бошқариш, тузум, қарор, тўхтам, буйруқ; фикр, тушунча. Нарса ва унинг белгиси ҳақидаги тасдиқ ёки инкор.

Жаргон (фран.) – бирор гуруҳ вакилларининг ўз нутқи билан кўпчиликдан ажралиб туриш мақсадида, ўзича мазмун бериб ишлатадиган сўз ва иборалари. Мас., новча (ароқ), қизил (вино) – ичувчилар нутқида хос; тоғамнинг ўғли (милиционер, инспектор) – шофёрлар нутқида. Жаргон кўп ҳолларда арго ўрнида қўлланади (бу терминлар талаффуз жиҳатидан бир-бирига ўхшаш).

Идеографик (логографик) ёзув (ideographic writing) – бундай ёзувда рамзлар нарса-буюмларни акс еттириб қолмай, тилдаги тушунчаларни ҳам ифодалайди. Ушбу ёзувда маълумот маъносини шакллар билан акс еттириш қийин бўлган логограммалар орқали йетказилади.

Идеограмма – идеографик ёзувда сўз англатадиган тушунчани ифодалаш учун қўлланадиган шартли белги – символ.

Идеографик ёзув – идеограммалар асосидаги ёзув.

Идрок (reason) – фаҳмлаш, онг, тушунча, ташки дунё, воқеа-ҳодиса ҳақида билимга ега бўлиш, тушуниш қобиляти, зехн, фаҳм-фаросат.

Иероглифик ёзув (hierographic writing) – идеографик ёзув. Иероглифик ёзув ифода этилаётган нарса-буюм хусусиятларини имкон қадар акс эттиради. Иероглифик ёзув мавҳум тушунчаларни ифодалай олиши билан ўзидан олдинги ёзувлардан фарқланади. Бу ёзувдан қадимги Арабистонда кенг фойдаланилган.

Иероглиф (юн. “муқаддас ёзув”) – бутун бир сўз, бўғин ёки товушни ифодалаш учун хизмат қиладиган график ифода.

Ижтимоий диалект – муайян ижтимоий гуруҳ ки фойдаланадиган диалект.

Ижтимоий келишув назарияси (the theory of the agreement) – нарсаларни қандай аташни одамларнинг келишиб олишган, деган қараш.

Изогlossa (юн. “бир, ўхшаш” + “тил, нутқ”) – у ёки ходисасининг тарқалиш худудини кўрсатиш учун гео. хариталарда тортилган чизиклар.

Изофа – форс ва бошқа баъзи тилларда аниқлов аниқланмиш муносабатини ифодаловчи воситалардан бири. *таржимаи ҳол, дарди бедаво, балойи нафс* каби бирикмалар тартиб ва -йи изофани таъминловчи воситалар ҳисобланадиган турдаги бирикмалар форс-тожик тилидан ўтган.

Изофали бирикма – изофа воситалари ёрдамида ҳосил бирикма: онайи зор, фасли баҳор каби.

Инвариант (фран. “ўзгармас”) – тил қурилиши билан (фонема, морфема, лексема ва ш. к.)нинг нутқдаги мундариб ва воқеланишидан ажратиб, мавҳум олинган ҳолати.

Интеграция (лот. “бутунлашиш, бирлашиш”) – тилнинг шуниингдек, диалектларнинг ўзаро фарқлари йўқола бориб, умумий тилга бирлашиши. Қиёс. Д

Интервокал ундош (лот. “ора”+ “унли”) – унлилараро ундош

Интерлингва (лот. “ора”+ “тил”) – 1903 йилда Жузеппе Пиччи томонидан тақдим этилган халқаро ёрдамчи тил.

Интерлингвистика – тилшуносликнинг халқаро аралашув воситалари сифатида турли ёрдамчи тилларни яратиб, улардан фойдаланиш жараёнини ўрғанувчи бўлими.

Интернационал лексика (лот. “ора”+ “халқ”) – байналмилла. лексика.

Интерференция (лот. “ора” + “ўтказиш”) – она тилига хусусиятларни ўрганилаётган, қардош бўлмаган тилга ўтказиб. Мас., рус тилида фикрловчи кишининг Карандаш упал гаши ўзбекча нутқда Қалам йиқилди тарзида ифодаланиши.

Интонация (лот. “баланд товуш билан талаффуз этаман”) – нутқнинг синтактик хусусиятларини ва экспрессив-эмоционал бўёқларни ифодалаш учун хизмат қилувчи ритмик-мелодия томони; овознинг баланд-пастлиги; оханг. Қуйидаги интонациянинг таркибий унсурлари ҳисобланади: 1) ну

мелодикаси; 2) нутқ р и т м и; 3) нутқ интенсивлиги; 4) нутқ темпи; 5) нутқ тембри; 6) мантқиқий урғу ва фраза урғуси.

Интралингвистика – тилшуносликнинг тил ички тизимини, унинг бирликлари ва категорияларини, тил яруслари ва уларнинг узилишини нолисоний омилларга мурожаат қилмай ўрганувчи хоҳаси. Интралингвистиканинг асосий бўлимлари фонология, лексикология ва грамматикадир.

Инфинитив (лот. “ноаник”) – Феълнинг муайян ҳаракатни бажарувчи шахс, замон, майлдан ташқари ҳолатда ифодаладиган, ҳаракатнинг ўзинигина атайдиган шакли. Мас., рус. говорить, бежат, обнимать; ўзб. олмоқ, кулиш, бориш каби ҳаракат номи шакли.

Какография (юн. “ёмон”+ “ёзаман”). Онгли равишда хатолар содирланган матнни ўқувчиларга тузатишга бериш билан имлони ўргатиш усули. Бу усул педагогик жиҳатдан асосланмаган.

Калька (фран. “копия, тақлид”) – ўзга тил материалдан қисмма-қисм нусха олиш йўли билан ҳосил қилинган сўз ёки бошқа бир тил бирлиги. Калькалар лексик, семантик, фразеологик бўлиши мумкин.

Калькалаш – ўзга тилнинг лексик, фразеологик бирликлари моделлари асосида ўз тил унсурларидан фойдаланиб, янги сўз ёки фразеологик бирликлар ҳосил қилиш.

Категориал маъно – маълум бир туркумдаги сўзлар учун умумий бўлган маъно. Мас., уй, дарахт, сув, тош, уйқу сўзлари учун умумий бўлган предметлик маъноси; гўзал, аччиқ, узун, ёруғ, яшил сўзлари учун умумий бўлган белги маъноси; кел, ўйна, югур, ўрган, зиник сўзлари учун умумий бўлган ҳаракат маъноси категориал маънолардир.

Категориал шакл – маълум бир грамматик категорияга хос маънони ифодаловчи сўз шакли. Мас., келишиқ шакллари, феълнинг замон шакллари категориал шакллардир.

Каузатив – ҳаракатнинг бажарилиши учун сабаб, қўзғаш маъносига эга бўлган. Мас., каузатив феъл (ҳайдамоқ, мажбур қилмоқ).

Квантитатив урғу (лот. “миқдор”) – миқдорий урғу.

Кинема (юн. “ҳаракат”) – бир нутқ аъзосининг муайян товуш ҳосил қилишдаги талаффуз фаолияти, артикуляция жиҳатдан

фарқловчи белги. Мас., п товуши бир кинема(лаб)дан иборат, м товуши эса уч кинемадан иборат (лаб, томоқ ва бурун).

Кинесика – кишиларнинг фикр алмашувида нутқ аъзоларидан ташқари барча тана аъзоларининг ҳаракатини, имо-ишораларни ўрганувчи фан.

Кинетик нутқ (юн. “ҳаракатга оид”) – имо-ишора тили.

Киноя (allegory) – қочириқ, кесатиқ маъноларида айтилган ўзгалар “гапи”, “сўзи”. Киноя билан айтилган сўз қўштирноққа олинади. Киноя билан айтилган, кўп ҳолларда, сўз тескари маънода тушунилади.

Койне (коупу) – аҳоли турли гуруҳларининг ижтимоий ва лисоний алоқалари жараёнида шаклланган диалектлараро оғзаки мулоқот воситаси.

Коммуникация (лот. соммунасатион “хабар, алоқа”) – бирор мазмуннинг тил воситалари билан берилиши, хабар қилиниши.

Компаративистика (лот. “қиёсий”) – қиёсий-тарихий тилшунослик.

Конвергенсия (лот. “яқинлашмоқ, бирлашмоқ”) – бирдан ортик товушнинг тарихий тараққиёт натижасида бир товушга бирлашиши.

Конверсия (лот. сонверсион “айланиш, ўзгариш”) – сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлиши.

Конкрет от – аниқ от.

Коннотатив маъно (connotative meaning) – лотинча сон – “бирга”, нотатио – “кўрсатиш” маъносидаги сўзлардан шаклланган. Кўчма маъно, денотатив маънога қўшимча равишда экспрессив, услубий муносабат кабиларни ифодаловчи маъно (оттенка); денотатив маъно ажратилгандан кейин ҳосил бўладиган айирмага тенг маъно.

Консонант– ундош.

Консонантизм (лот. “ундош товуш”) – ундошлар тизими.

Конструкция (“тузилиш”) – тузилма.

Квазиомоним (kvasihomonyms) – таркибидаги биргина фонема билан фарқ килувчи сўзлар.

Лексема (lexeme) – луғавий маънога эга бўлган, грамматик шакллардан холи лексик бирлик. Лексема икки планли тил

бирлигидир. –У шакл ва мазмуннинг барқарор бирикувидан ташкил топади.

Лексик маъно (lexical meaning) – луғавий маъно. Сўзнинг материал қисми (лексема) билдирадиган маъно.

Лексикография (lexicography) – луғат ва унинг тузилишини ўрганувчи тилшунослик бўлими.

Лексикология (lexicology) – сўз ва унинг луғавий маъноси, луғавий маънонинг тараққиёт йўллари, сўзнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари ҳақидаги бўлим.

Лингвистик таҳлил методлари (linguistic analyze methods) – тилшуносликнинг ўзи учунгина хос бўлиб, шу фанга доир илмий хулосалар беришга хизмат қилади.

Лисон (language) – кишининг миясида, миянинг тил хотираси қисмида мавжуд ходисалар ва уларни ишлатиш қоидалари.

Лисоний бирликлар (linguistic unities) – лисонга мансуб, яъни тил хотирасида мавжуд ходисалар

Маданият (culture) – ижтимоий муносабатларда, эътиқодлар тизимида, урф-одатларда, нарсаларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ва моддий ҳаётда гавдаланадиган ўзига хос ва аниқ яшаш тарзи, қадр-қиммат ва ғоялар жамланмаси.

Мантик (logics) – нутқ, тил; сўзлаш, логика. Тўғри тафаккур юритишнинг асосий қонунлари ва шакллари ҳақидаги фан.

Меҳнат ҳайқириқлари назарияси (the theory of the work shout) – тилдаги барча сўзлар ибтидоий кишиларнинг биргалашиб меҳнат қилиши жараёнидаги ҳайқириқлар асосида пайдо бўлган, деган қараш.

Метафора (metaphor) – “ўхшашлик” асосидаги маъно кўчиши.

Метод (method) – объектив, қўлланиш вақти ва ўрнидан қатъий назар, натижаси бир хил бўладиган, изчил, аниқ тушунчаларга асосланадиган, фан учун зарур бўлган билимларни эгаллаш воситаси.

Метонимия (methonymy) – “алоқадорлик” асосидаги маъно кўчиши. Бунда нарса-буюм ўзига алоқадор бошқа ном билан аталади.

Миллий тил (national language) – тилларнинг энг мукамал, тараққиёт босқичларини ўтган, ривожланган кўриниши.

Морфема (morphem) – энг кичик маъноли қисм.

Морфологик тасниф (morphologic classification) – тилларни морфологик хусусиятларига кўра гуруҳлашга қаратилган тасниф. Сўзларнинг тузилиши энг муҳим белги бўлиб, ҳар бир тилнинг грамматик қурилиши назарда тутилади, яъни нутқда сўзларнинг ўзаро боғланишидаги турловчи ва тусловчи қўшимчалар, уларнинг хусусиятлари ва сўзнинг ясалиш томонлари ҳисобга олинади.

Морфология (юн. morphology – грамматик маъно сўз шакллари, сўз туркумлари ҳақидаги грамматик таълимот.

Мулоқот жараёни (communicative act) – нутқ сўзлаш, қабул қилиш жараёни.

Мураккаблашув (complication) – аввал туб сўз ҳисобланган сўзларни ясама ёки мураккаб сўзлар каторига ўтиб қолиши ёки бир морфемали сўзларни икки ва ундан ортиқ морфемали сўзларга айланиши.

Морф (morph) – нутқнинг морфологик ярусидagi энг кичик маъно англатувчи бирлиги, морфема эса тилнинг морфологик ярусидagi энг кичик маъно англатувчи бирлигидир.

Ностратик гипотеза ёки ностратик назария (non-stratic theory – латин тилида *noster* “бизники” маъносини беради) тил оилаларини янада кенгроқ доирадаги генетик асосга бирлаштиришни назарда тутадиган қараш.

Нутқ (speech) – мияда, тил хотирасида мавжуд ҳодисалардан ва уларни ишлатиш қоидаларидан фойдаланиш жараёни ва шу жараённинг ҳосиласи.

Нутқ ситуацияси (speech situation) – тил бирликларидан фойдаланиш имконияти, сўзлаш, мулоқот жараёни.

Нутқий бирликлар (speech unities) – лисоний бирликларнинг мия марказидан келувчи импульсга кўра нутқда намоён бўлиши.

Номема (nomema) – лексеманинг шакл жиҳати бўлиб, унинг фонетик белгиларидан иборат. У тилшунослиқда “субстанция”, “шакл”, “моддий томон”, “ташки томон”, “белги”, “сигнал”, “фонетик қобик” атамалари билан ҳам юритилади.

Пиктографик ёзув (pictographic writing) – воқеа-ҳодисалар ҳақидаги тафаккур маълумотлари жонли ва жонсиз воситалар орқали ифодаланган ёзув.

Прото тил (protolanguage) – тиллар учун асос бўлган, қадимий бобо тил.

Проклитика (proclitics) – урғули сўздан олдинги сўзнинг оҳанг жиҳатдан унга қўшилиб кетиши.

Қардош тиллар (relative languages) – тузилиши, грамматик хусусиятлари, шу тиллардаги сўзларнинг пайдо бўлиш манбайи, сўз шакллари ва маънолари бир-бирига анча яқин тиллардир. Бундай тиллар бир умумий ўзакли тилдан келиб чиққан.

Қиёсий лексикология (compared lexicology) – қардош тиллар лексикаси ва улар ўртасидаги бир хиллик ҳамда тафовутлар, тафовутлар сабаблари, семасиологик ва фразеологик умумийликларни солиштирадиган соҳа.

Рамз (sign) – белги. Тил белгилар тизими.

Референт (referent) – англизча рефер –алоқадор, кўрсатувчи, сўз атаётган нарса, предмет, воқелик, ҳодиса.

Редукция (reduction) – товуш артикулястиясининг кучсизланиши натижасида товуш (овоз)нинг ўзгариши, товушнинг миқдор ва сифат белгиси жиҳатидан пасайиши.

Редупликация (reduplication) – ўзакнинг тўлиқ ёки қисман такрорланиш ҳолати бўлиб, у сўз ўзгартирувчи, сўз ясовчи кўшимчалар вазифасини бажаради.

Семасиология (semasiology) – сўзнинг маъноси ва унинг тараққиётини ўрганувчи тилшунослик бўлими.

Сигнификат (significate) – тушунча.

Сигнификатив муносабат (significative relation) – лотинча сигнификатум “белги”, сўз маъносининг тушунчага муносабати.

Синекдоха (synecdoche) – бутуннинг номи билан қисми, қисмнинг номи билан бутунни аташ.

Синтагма (sintagmas) – гапда кетма-кет келган бирликларнинг бир нафас билан айтилиши.

Синтаксис (syntax) – сўз бирикмаларини, гап қурилиши ва рамматик хусусиятларини, гап турларини, гап бўлақларини, бу ўлақларнинг ўзаро бирикиш йўллари ўрганувчи бўлим.

Синхрония (synchrony) – тил тараққиётини муайян давр уқтайи назаридан таҳлил қиладиган метод.

Сўз туркумлари – сўзларнинг умумий лексик-грамматик усусиятига кўра бўлиниши.

Суперсегмент бирликлар – урғу, оҳанг, мелодика, пауза каби тама ҳодисалар, улар сўзга, фразага, гапга ёки нутққа яхлит ҳолда оқадор бўлиши билан сегмент бирликлардан фарқ қилади.

Сегмент бирликлар – сўз ёки морфема таркибида горизонтал чизиқ бўйлаб бирин-кетин келадиган бирликлар: нутқ товуши, бўғин, сўз, такт, фраза.

Семасиология (semasiology) – тил бирликларини маъно жиҳатдан ўрганадиган соҳа. Унда сўзнинг шакл ва маъноси изоҳланади.

Сўз бирикмаси – бир-бири билан синтактик жиҳатдан боғланган, биринчи даражали предикативлик муносабатига ега бўлмаган, икки ёки ундан ортиқ мустакил сўзлар бирикмаси

Соддалашув – қўшма йўл билан ясалган негизларни ясама негизларга ўтиш ёки қўшма негиз билан ясама негизнинг туб негизга ўтиш ҳодисаси.

Социолект (социоллект) – умумий ижтимоий хусусиятларига кўра бирлашган айрим гуруҳларнинг лисоний эҳтиёжларини қондириш учун нутқ амалиётида ишлаб чиқилган тил шакли.

Такт – фразанинг икки кичик пауза орасига жойлашган ва ягона урғу билан талаффуз қилинадиган бир ёки бир нечта бўғин йиғиндиси.

Тил – бутунни ҳам (нутқни қамраб олган ҳолда), қисмни ҳам (нутқни қамраб олмаган ҳолда) ифодаловчи муайян бирликларнинг яхлитлигидан иборат мураккаб тизим.

Тил оиласи – грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан бир-бирларига яқин бўлган тиллар гуруҳи.

Тил тизими–фонема, морфема, сўз, гап ва тил сатҳларининг бир бутунлигидан иборат тил бирликлари, тизим сифатида бир-бирини тақозо этадиган ва бошқа бир белгисига кўра бир-бирига зидланадиган бирликлар.

Тил ва жамият – ўзаро таъсир қилиб, бири иккинчисининг тараққиётига замин яратадиган ижтимоий воқелик.

Тилшунослик назарияси – тилшунослик тараққиётининг енг умумий қонуниятлари, тилнинг ички қурилиши, тил тизими, тил ва нутқ муносабатлари ҳақидаги фан.

Товушга тақлид назарияси – кишиларнинг ўз атрофидаги товушларга тақлид қилиши натижасида дастлабки сўзлар, предметларнинг номлари пайдо бўлган, деган қараш.

Туркий тиллар оиласи – қардош тиллардаги ўхшашлик, яқинлик уларнинг сўз бойлиги, грамматик қурилиши ва нутқ товушларида ифодаланади. Ўзбек, уйғур, козоқ, қирғиз, татар,

бошқирд, озорбайжон, ёкут, туркман, қорақалпоқ, турк, чуваш тиллари туркий тиллар оиласига киради.

Тарихий лексикология – айрим олинган бир тилнинг лексикасини динамик ҳолатда – тарихий тараққиёт жараёни билан боғлаб ўрганадиган соҳа.

Тавсифий (синхрон) лексикология – айрим олинган бир тилнинг, масалан, ўзбек тилининг лексикасини статик ҳолатда – шу тил лексикасининг аввалги тараққиёти динамикасига боғламай ўрганади.

Умумий лексикология – барча тилларнинг бойлигини, уларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганади.

Умумий методлар – ижтимоий соҳанинг барча кўринишлари учун амал қиладиган методлар. Умумийдан хусусийга, хусусийдан умумийга, анализ – синтез, оддийдан мураккабга томон таҳлил қилиш методлари, деярли, барча соҳаларда амал қилади.

Умумий тилшунослик – тилшунослик учун умумий бўлган тараққиёт қонуниятларини, тилшунослик ривожини, тараққиёт босқичлари, тилшунослик мактаблари, назарий таълимотлар тарихи, шаклланиш жараёни, тил структурасига хос бўлган умумий жиҳатлар ҳақидаги соҳа.

Ундовлар назарияси – тилдаги барча сўзлар ибтидоий кишиларнинг ҳис-ҳаяжон сўзлари таъсирида пайдо бўлган, деган қараш.

Вазифадошлик (функциядошлик) – вазифа асосида маъно кўчиши. Бунда сўз маъноси вазифага кўра кўчади.

Вокализм – унли фонемалар тизими.

Хусусий тилшунослик – муайян тилнинг тараққиёт хусусиятлари, таркибий қисмлари, бўлимлари, сатхлари, бошқа тиллар билан муносабати, тил оиласида тутган ўрни ҳақида билим берувчи соҳа.

Ёзув – маълум бир тарихий жараён мобайнида алоқа-муносабатнинг муҳим воситаси бўлиб, у маълум тарихий жараён натижасида шаклланади ва кишилар орасидаги бавосита алоқа-муносабат воситаси сифатида ижтимоий манфаатлар учун хизмат қилади.

° **Хусусий лексикология** – фақат бир тилнинг луғат бойлигини ўрганадиган соҳа.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аврорин В.А. Проблемы изучения функциональной стороны языка (к вопросу о предмете социолингвистики). –Л., 1975. –С. 177.
2. Азизов О. Тилшуносликка кириш. –Тошкент, 1996.
3. Абдуазизов А. Тилшуносликка кириш. И қисм. Фонетика ва фонология. –Тошкент, 1999.
4. Абдуазизов А.А. Тилшунослик назариясига кириш. –Тошкент, 2010.
5. Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. –Тошкент: Университет, 2010.
6. Абдурасулов Ё. Туркий тилларнинг киёсий-тарихий грамматикаси. –Тошкент: Фан, 2009.
7. Абжалова М. Эсперанто. –Тошкент: Мумтоз сўз, 2010.
8. Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие. –М.: Флинта, Наука, 2010.
9. Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. –Тошкент, 2011.
10. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. –М.: Просвещение, 1966.
11. Арутюнова Н.Д. Типы языковых значений. –М.: Наука, 1988.
12. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М., 1969. –С.458.
13. Аширбойев С. Ўзбек диалектологияси. –Тошкент: Наврўз, 2016. –134 б.
14. Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков. –М.: Наука, 1988. –С.111-112
15. Белянин В.П. Психолингвистика. –М.: Флинта, 2004.
16. Бодуэн де Куртэнэ И.А. Из патологии и эмбриологии языка. – Варшава, 1885.
17. Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том II. –СПб. 1869/1960. –820 с.; Том III . СПб. 1871. –417 с.
18. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. –Тошкент: Фан, 2007.
19. Бушуй Т. Язык в истории развития человеческой мысли. –Ташкент: Фан, 2011.
20. Боневид Р. Иероглифы. –М. 2003.

21. Выготский Л. С. Мышление и речь. –М., 1982.
22. Врabel Т.Т. Лестурес ин тхеоретисал пхонетисс оф тхе англиш лангуаге анд метход-гуидес фор семинарс, полипринтунгвар, 2009. -П.12.
23. Вритинг анд Лангуаге.Ин Тхе Ҳандбоок оф Лингуистисс. Едитед бй Арнофф, М., Реес-Миллер, Ж. П.65-68.
24. Гельб И.Е. Опыт изучения письма (Основы грамматиологии). –М., 1982.
25. Герд А.С. Введение в этнолингвистику. Изд. Санкт-Петербургского университета. 2005.
26. Дадабоев Х.А. Тилшунослик назарияси ва методологияси. –Тошкент, 2004.
27. Даниелс Петер Т. (2001) Вритинг анд Лангуаге. Ин Тхе Ҳандбоок оф Лингуистисс. Едитед бй Арнофф, М., Реес-Миллер, Ж. П.65-68.
28. Дониёров Х. Ўзбек халкининг шажара ва шевалари. –Тошкент: Фан, 2017. – 136 б
29. Ердоған Боз, Яман Ертуғрул. Ўниверсителер исин тўрк дили (язили ва сўзлї анлатим). – Анкара, Савағ яйиневи, 2011.-С.73-74.
30. Журавлев В.К. Внешние и внутренние факторы языковой эволюции. –М.,1982.
31. Журафский Д. (2007). & Жамес Ҳ. Мартин.Спеч анд Лангуаге Просессинг: Ан интродустион то натурал лангуаге просессинг, компутационал лингуистисс анд спеч ресогнитион
32. Жўраев Ш. Билингвизм шароитида тожик ва ўзбек тилларининг лексик сатҳдаги ўзаро алоқалари (Самарқанд вилояти материаллари асосида). Филол. фан. фалс. д-ри дисс. авторе.-самарқанд, 2018.
33. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. – Тошкент, 2009
34. Исмоилов Б. Дунёни билишда тил ва тафаккур бирлиги. – Тошкент, 1966.
35. Исхоқов М. Мангу битиглар. –Тошкент, 2009.
36. История письма. –М., 1979.
37. Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. –Тошкент: Ўқитувчи, 2009.
38. Йўлдошев И. ва бошқалар. Тилшуносликка асослари (дарслик). –Тошкент, 2013.

39. Лингвистисс: Тхе Ссиентифис Студй оф Хуман Лангуаге. 2006.
40. Лингвистический энциклопедический словарь. –М., 1990.
41. Ли Ямей. Хитой тилидаги иерархик муносабатни ифодаловчи фразеологизмлар (лексик-семантик, структур ва функционал-стилистик таҳлил). Филол. фан. д-ри...дисс. –Тошкент, 2011.
42. Маслова В.А. Лингвокультурология. 2-издание. – М.:Асадемия, 2004.
43. Менглиев Б. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабат: Филол. фан. д-ри дис. -Тошкент, 2001. -248 б.
44. Маҳкамов Н., Ерматов И. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Тошкент:Фан,2013.
45. Маҳмудов Н. Ёзув тарихидан қисқача луғат-маълумотнома. – Тошкент: Фан, 1990.
46. Маҳмудов Н. Тил. – Тошкент, 1998.
47. Маҳмудов Н. Маърифат манзиллари. –Тошкент, 1999.
48. Менглиев Б. Тил яхлит система сифатида. –Тошкент: Ниҳол, 2010.
50. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. д-ри...дисс. –Тошкент, 2000.
51. Неъматов Х., Бозоров О. Тил ва нутқ. –Тошкент, 1993.
52. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1995,
53. Нурмонов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
54. Нурмонов А. Проблема системного исследования узбекского языка. –Тошкент:Фан, 1992.
55. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 2001.
56. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. –Тошкент: Фан, 2008.
57. Нурмонов А. Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари.-Тошкент, 2008.
58. Нурмонов А., Искандарова Ш. Тилшунослик назарияси. – Тошкент: Фан, 2008.
59. Нурмонов А. Лингвистик тадқиқ методологияси ва методлари. –Тошкент, 2011

60. Нурмонов А. Парадигма ва унинг оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ)га муносабати. Танланган асарлар. ИИИ жилд. - Тошкент: Академхашр, 2012.
61. Никитин М.В. Основы лингвистической теории значения. - М.: Высш.шк., 1982.
62. Поливанов Е.Д. Введение в языковедение для востоковедных вузов. Издание второе. - М.: УРСС, 2002.
63. Пўлатов И., Тўхтасинова О. Тилларни типологик ўрганиш. - Тошкент, 2009.
64. Пўлатов А. Компьютер лингвистикаси. - Тошкент, 2011.
65. Филин Ф.П. Очерки по теории языковедения. - М., 1982.
66. Расулов Р. Умумий тилшунослик. - Тошкент, 2013
67. Раҳимов А. Фузия лисоний типини квантитатив ва инергетик ёндашув асосида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида). Филол. фан. номз... дисс. автореф. - Тошкент, 2009.
68. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. - Тошкент: Университет, 2000.
69. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили луғатининг туркий қатлами. - Тошкент, 2001.
70. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий ўзлар). - Тошкент: Университет, 2000. - 600 б.
71. Раҳматуллаев Ш. Тил қурилишининг асосий бирликлари. - Тошкент, 2002.
72. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (араб ўзлари ва улар билан ҳосилалар). - Тошкент: Университет, 2003. - 30 б.
73. Раҳматуллаев Ш. Систем тилшунослик асослари. Тил қурилишини тизим сифатида ўрганиш масалалари. - Тошкент: Университет, 2007
74. Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - Тошкент: Умтоз сўз, 2010.
75. Ричтер Б. Фирст степс ин тҳеоретисал анд аплиед лингвистисс. - Будапест, 2006
76. Реформатский А.А. Введение в языковедение. 3-издание. - М., 2004.
77. Рустамий С.А. Ўрта асрлар ислом балоғат илмида тилшуносликка оид қарашлар.. Филол. фан... фан д-ри (ДСс) дисс. автореф. - Тошкент, 2018.

77.Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангдор, 2006. –Б.15-18.

78.Содиқов А., Абдуазизов А., Ирискулов М. Тилшуносликка кириш. Университет ва педагогика институтларининг филология факултетлари учун дарслик. –Тошкент: “Ўқитувчи”, 1981.

79. Ссовел Тх. Псйхoлингуистисс. Охфорд Унив. Пресс, 1998. Р.4.

80.Самойлович А. Түрк диллеринин синифландирилмасина даир бази эклемелер (А.Самойловичнинг 1922-йилда Петроградда нашр этилган «Некоторые дополнения к классификации тюркских языков» номли мақоласини проф. Меҳман Муса ўғли таржима қилган) // Дил араштирмалари. Улусларараси ҳакемли дерги. – Анкара. 2007. –С.184.

81.Сафарова Р. Лексик-семантик муносабат турлари. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

82. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангдор, 2006.

83.Сафаров Ш. Прагмалингвистика. –Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008.

84.Сафаров Ш. Семантика. –Тошкент:Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2013.

85.Степанов Ю.С. Методы и принципы современной лингвистики. –М.: УРСС, 2004.

86.Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. –Тошкент: Маънавият, 2004.

87. Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. Труды по языкознанию. –М.,1977.

88.Тилшуносликнинг долзарб масалалари. –Тошкент: “Академнашр”, 2013.

89.Туленов Ж. Диалектика назарияси. – Тошкент: 2001.

90.Умумий психология. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

91.Усманова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший лексика. – Тошкент: Фан, 2010.

92.Усмонова Ш., Бекмухамедова Н., Искандарова Г. Социолингвистика.-Тошкент: Университет, 2014.

93.Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантик. – Тошкент, 1993.

94. Холманова З. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: ЎЗМУ, 2007.

95. Худойберганава Д. Ўзбек тилидаги бадий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фан. д-ри... дисс. –Тошкент, 2015
96. Шайкевич А.Я., Абдуазизов А.А., Гурджиева Е.А. Введение в языкознание. –Ташкент: Ўқитувчи, 1989.
97. Швейцер А.Д., Никольский Л.Б. Введение в социалингвистику. –М.: Высшая школа, 1978. –С. 117.
98. Щитка Н.Н., Юсупова К.Н. Введение в языкознание. – Тошкент, 2006.
99. Якушин Б.В. Гипотезы о происхождении языка. –М., 1984.
100. Курбонова М. Ўзбек болалар нутки лексикасининг социопсихалингвистик тадқиқи. Филол. фан. ном. ...дисс. –Тошент, 2009.
101. Курбонова М. Ўзбек болалар нутқининг социопрагматик тадқиқи. Филол. фан. д-ри...дисс.-Т., 2017
102. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001. – 1-жилд. – 680 б.
103. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 2-жилд. – 671 б.
104. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – 3-жилд. – 687 б.
105. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 4-жилд. – 606 б.
106. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 5-жилд. – 591 б.
107. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – ошкент, 2002.
108. Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз алишининг назарий масалалари. -Тошкент: “Фан”, 2010.

Internet saytlari

112. <http://www.kv.minsk.by/index1999262201.htm>.
113. <http://www.iitp.ru/iitp/lab15htm>.
114. <http://www.rsuh.ru/dl/glava10rihgt9.htm>.
115. <http://www.ce.cctpu.edu.ru/msclub/systems/epstn.htm#5>.
116. www.krugosvet.ru
117. <http://en.wikipedia.org>. Computational linguistics.
118. <http://www.redaktoram.ru>

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-§. “Тилшунослик назарияси” фани мазмуни, мақсади, вазифалари.....	5
2-§. Тилнинг ижтимоий табиати.....	21
3-§. Тил ва тафаккур.....	45
4-§. Тил-тафаккур-нутқ муносабати.....	61
5-§. Тил – рамзлар тизими.....	77
6-§. Тил бирликлари ўртасидаги муносабат.....	115
7-§. Тилларнинг шаклланиши ва ривожланиши.....	128
8-§. Тилнинг тарихий таракқиёти ва ўзгарувчанлиги.....	140
9-§. Дунё тиллари ва тиллар таснифи.....	153
10-§. Тил ва ёзув.....	188
11-§. Лингвистик таҳлил методлари.....	213
12§. “Тилшунослик ва бошқа фанлар.....	224
Асосий тушунчалар изоҳи.....	245
Фойдаланилган адабиётлар.....	261

Зулхумор Холманова, Шахло Наралиева

ТИЛШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ

(дарслик)

Пішімі 60x100 1/16
Тығыздығы 80 гр./м². Қағаздың ақтығы 95%.
Қағазы офсеттік. РИЗО басылымы.
Көлемі 268 бет. Шартты баспа табағы 16,75.



«Эверо» баспасында басылымға дайындалды және басып шығарылды
ҚР, Алматы, Толе би к., 292.
тел.: 8 (727) 364 84 02, 364 84 03,
364 84 04, 364 84 05
e-mail: evero08@mail.ru

